В заключении необходимо отметить, что реализация учебно-воспитательного процесса по дисциплине «Английский язык» на основемодульной программы позволяет значительно повысить качество иэффективность подготовки студентов технического вуза по английскому языку,так как каждый обучаемый включается в активную и эффективную учебно-познавательную деятельность, работает с дифференцированной по содержаниюпрограммой, участвует в индивидуализированном контроле, самоконтроле икоррекции и имеет возможность в большей степени самореализоваться, что, вконечном итоге, способствует мотивации учения.

## ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

*Ф.ф.н.,доц. Ш.Ж.Маматкулова СамДАҚИ*

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда мутахассис кадрларни тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Ахборот технологияларидан ўқув-тарбия ишларида унумли фойдаланиш учун ўқув юртларида таълимнинг замонавий дидактик воситалар комплекси билан жиҳозланган махсус ўқув хоналари, автоматлаштирилган аудиториялар, заллар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Инсон фаолиятида техниканинг қўлланилиши, айниқса унинг ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш мақсадида ишлатилиши ўзига хос омилларга эгадир. Бу омиллар биринчидан, ўқитувчи ва ўқувчи фаолитятининг кескин ўзгаришига, иккинчидан, ўқувчига етказилиши керак бўлган воқеа ва ҳодисаларнинг чуқурроқ ўрганилиши ва ўзлаштирилишига замин тайёрлашдан иборатдир. Маълумки, ҳозирги вақтда дарс – таълимнинг асосий шаклидир. Дарс жараёнида ўқитувчининг фаолияти асосий аҳамиятга эга. Ўқитувчи

ўқувчига ўз предмети бўйича муайян маълумотларини етказиш билангина чекланиб қолмай, уларни идрок қилишга, мустақил ишлашга ўргатмоғи лозим. Ана шу муаммоларни ҳал қилишда ахборот технологиялари ва компьютер техниксининг роли каттадир. Бугунги кунда ахборот технологиялари жамиятимиз ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда. Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Ахборотли воситалар (комьютер, электрон алоқа, радио, телевидение) дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади. Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишлаб чиқиш. Педагогларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жихатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш. Педагогик жараённи компьютерлаштириш асосий йўналишларидан бири ва замонавий педагогик технологияларнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир. Ахборот технологиялари таълим жараёнида муҳим ўрин тутиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради – ҳар бир одамга хос ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи ва талабларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларни, ўзини ўзи камолотга етказишга интилишни шакллантириш; воқеа ва ходисаларни комплекс ўрганишни, аниқ, табиий-илмий, техникавий, ижтимоий, гуманитар фанлар ва санъат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;ўқув-тарбия жараёнларининг мазмун, шакл ва методларини доимий тарзда ва динамик равишда янгилаш. Бугунги кунда таълимни ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Аммо мавжуд ва ишлаб чиқилаётган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитишнуқтаи назаридан таълим сифатида муҳим силжишларига олиб келиши мумкин.Бироқ ахборот технологиялари ишлов бериш, ўрганиладиган мавзуни ўқувчи-талабларнинг реал билиш имкониятларига мослаштириш, таълим натижасини қабул қилинган эталон даражасига кўтариш ва баҳолашга оид усуллар, воситалар ҳамда таълимнинг ташкилий шаклларини тушунамиз. Педагогик технология инсон онги, тафаккури билан боғлиқ билимлар сохаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунтириш мумкин бўлмаган педагогик жараённи ифода этади. Унинг ўзига хос жихати – тарбия муаммосини ҳам қамраб олишидир. Демак, технология самарадорлиги инсон ўзининг кўп қиррали томонлари билан унда қанчалик тўлиқ намоён бўляпти, унинг психологик-касбий жихатлари, уларнинг келажакда ривожланиши қандай ҳисобга олиняпти, деган саволларнинг ечимга боғлиқ экан. Шу жиҳатдан олганда технология шахснинг ривожлангиш

босқичларини лойихалаштириш, ташхислаш каби имкониятларга ҳам эга бўлади. Маърифатли ва маданиятли дунёнинг таълим тажрибаси шуни кўрсатадики, шахснинг интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, шунингдек, унинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишида у мансуб бўлган мухит ҳамда унда қарор топган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти катта бўлади. Зеро, шахс мансуб бўлган муҳитда унинг тафаккури, маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш учун зарур бўлган объектив ва субъектив омиллар мавжуд.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш, таълимда юқори самарадорликка эришиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу орқали талабалар фикр алмашишлари, эркин фикрлаш ва ўз фикрини тўғри ва аниқ қобилиятига эга бўладилар. Ахборот технологиялари – талабаларнинг билимларини ривожлантирадиган, уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларини кенгайтирадиган, маълумотларни ташкил этиш, ишлаб чиқиш, тиклаш, узатиш усуллари ва техника тушунчаси ўқитишнинг компьютер технологиялари тушунчасидан кенгроқдир, чунки компьютерлар ахборот технологиялари техник воситаларининг таркибий қисмидир. Таълим технологияси деб, ўқув-тарбия жараёнида ўқувчи мақомини ўзгартириш, янгилаш йўли билан маълумот мазмунини ва моделлаштириш даражалари – ўқув материаллари, ўқув предметига педагогик воситалари бўлиб хизмат қилар экан.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Йўлдошев Ж., Хасанов С. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма –Т. “Иқтисодиёт-молия”, 2009й.
2.Ҳакимова М.Ф., Хўжаев Н. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма – Т. “Фан ва технология”, 2008й.
3.Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик махорат. Т.Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2007й.

## КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ДАСТУРЛАШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ ҲАҚИДА

*Маҳбуба Қаршиева, Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи аниқ фанлар кафедраси мудири*

Ўрта махсус таълимнинг информатика ва ахбарот технологиялар соҳасига ихтисослашган йўналишлари учун дастурлаш бўйича амалий машғулотлар назарда тутилган бўлиб, улар талабалар касбий тайёргарлигининг амалий жиҳатларини ривожлантиришга мўлжалланган. Бу машғулотларда информатика фанининг назарий ва амалий аспектлари орасидаги ўзаро алоқадорлик, ҳамда алгоритмлашнинг ва дастурлашнинг компьютерда амалий масалалар ечишдаги аҳамияти тизимли равишда очиб берилиши зарур.

Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишнинг асосий қоидалари ва услублари, ҳамда тегишли адабиётлар таҳлилига таяниб компьютерда масалалар ечишга оид машғулотларнинг мақсадлари, вазифалари,

ҳамда талаб қилинган билимлар ва кўникмаларни аниқлаймиз. Бизнинг фикримизча мақсадлар қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

- алгоритмлаш маданиятини шакллантириш;
- компьютер ёрдамида масалалар ечишнинг усулларини ўрганиш;
- мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш;

Вазифалар:

- компьютерда масалалар ечиш жараёнининг босқичлари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш;
- компьютерда масалалар ечиш услубларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш;
- бўлажак касбий фаолият учун зарурий масалалар банкини шакллантириш;

Билимлар ва кўникмалар:

- компьютерда масалалар ечиш жараёни босқичларини билиш;
- масалада ишлатилаётган миқдорларни тавсифлай олиш кўникмалари;
- масала шартига биноан математик модел тузиш ва уни компьютер ёрдамида тадқиқ этиш талабларига мос шаклда тасвирлай олиш кўникмалари;
- масалани ечиш алгоритмини ишлаб чиқиш ва тузилган алгоритмларни синовдан ўтказиш қоидаларини билиш;

Бутун амалиётни шартли равишда умумий ва махсус қисмларга ажратиш мумкин. Умумий қисмнинг асосий мақсади талабаларга нафақат дастурлашни ўргатиш, балки масаланинг қўйилишидан бошлаб натижалар олишгача бўлган жараённинг ҳамма босқичларига оид билимлар ва амалий кўникмалар беришдир. Бу қисм бўйича машғулот мавзулари асосий алгоритмик тузилмаларни ўргатишнинг мантиқий кетма-кетлигига таянган ҳолда аниқланади.

Амалиётнинг махсус қисми учун бош вазифа умумий қисмда ҳосил қилинган “алгоритмлаш чизиғини” давом эттириш ва тизимлаштириш, ҳамда турли фанларга оид компьютер ёрдамида ечиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат бўлади.

Умумий амалиёт дарсларида намунавий масалаларни ечиш назарда тутилади. Масалаларни ечиш жараёнининг ҳамма босқичлари батафсил таҳлил қилинади. Амалиёт даврида талаба ўтилган мавзуларнинг ҳар бирига оид қўшимча топшириқлар олади. Мавзу ёзма назорат иши билан тугатилади. Ёзма иш топшириқлари 2-4 масалаларни ечиш ҳамда қўлланилган усул ва жараён босқичларини батафсил изоҳлаб беришдан иборат бўлади. Умумий амалиёт бўйича лаборатория машғулотлари қуйидаги схема асосида ўтказилади:

- масаланинг қўйилиши;
- назарий қисм (илгари ўтилганларни такрорлаш ва асосий тушунчаларни ўрганиш);
- амалий қисм (масалани ечиш услубини ва босқичларини батафсил баён қилиш);

- уй вазифаларини бажариш (ўқитувчи томонидан тавсия этилган масалалар, услубий кўрсатмалар ва адабиётлар рўйхати).

Махсус амалиёт талабанинг масала устида ишлаш бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилади. Талабалар дарсларда нафақат масалалар ечиш, балки уларни ўзгартириш ва мураккаблаштириш йўлларини топиш билан шуғулланадилар.

Бизнинг фикримизча мавзулар кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши зарур:

а) умумий амалиёт:

1) алгоритмнинг асосий тузилмаларига (чизиқли, тармоқланиш, такрорланувчи) доир масалалар;

2) тармоқланиш ва такрорланиш тузилмаларининг биргаликда ишлатишига оид масалалар;

3) массивларни қайта ишлашга доир масалалар;

4) функция ва процедураларни ишлатишга доир масалалар;

5) белги (символ) турдаги миқдорларни қайта ишлашга доир масалалар;

Компьютердада амалий машғулотлар учун танланаётган масаларнинг тури ва мазмунига алоҳида эътибор бариш лозим. Кейинги вақтларда асосан стандарт шаклидаги масалалар, хусусан фақатгина алгоритмик структураларга оид ёки тайёр формулалар буйича ҳисоблашларга доир масалалар билан чекланиб қолиш ҳоллари кузатилмоқда. Қизиқарли ва фанлараро характерга эга бўлган ностандарт масалалар талабанинг фанга бўлган қизиқишини орттиради, мавжуд билимларни тизимлаштириш, анализ, синтез, умумлаштириш ва мавҳумлаштириш каби кўникмаларни ривожлантиради. Одатда ностандарт масалалар конкрет ҳаётий ҳолатлар ва объектлар билан боғланган бўлади ва уларни ечиш давомида талаба конкрет ҳолатларни таҳлил қилиш ва моделлаштириш заруриятига дуч келади.

## САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИНИНГ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИ ИМКОНИЯТЛАРИ.

*Д.У.Маматқулова СамДАҚИ АРМ директори*

**Юртбошимиз айтганларидек**, "Бизнинг фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт". Ушбу буюк сўзларни жамиятимиз орасида янада илдиз отиб, барча қарию ёш ўзининг олдига шу мақсад, шу шиор билан ҳаёт кечириши учун юртимизда тенгсиз имкониятлар мавжуд ва улар бизни қанчалик қудратга эга эканлигимизнинг яққол мисолидир.

**XXI аср** - ахборот технологиялари ва инновацион ғоялар асри эканлигини чуқур англаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 июлдаги 198-сонли "**Электрон кутубхона тўғрисидаги намунавий низомни ҳамда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ва кутубхоналарда тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш режа-жадвалини тасдиқлаш ҳақида**" ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Биз Самарқанд архитектура-қурилиш институти

Ахборот ресурс маркази ходимлари жамоаси талабаларга **arm.samgasi.uz** лойиҳасини тақдим этишдан ниҳоятда мамнунмиз ва буни ўзимизга фаҳр деб биламиз.

**Лойиҳанинг асосий мақсади** институт талабалари интернет тизими орқали онлайн тарзда профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган 67 та дарсликлар, 80 та ўқув қўлланмалар, 254 та ўқув-услубий мажмуалар, 32 та маъруза матнлари, 9 та услубий қўлланмалар, 26 та услубий кўрсатмалар, афторефератлар, монографиялар, тақдимотлар, электрон дарсликлар ҳамда 34 та видеодарслардан фойдаланиши мумкин. Маълумотлар базаси доимий равишда бойитиб борилади.

**Лойиҳамизнинг долзарблиги** шундаки, ҳар бир талаба ўқитиладиган фанлар бўйича имтиҳонларга тайёрланиш доирасида электрон шаклдаги ўқув-услубий мажмуалар ва бошқа адабиётлардан фойдаланишга эҳтиёж сезади. Ушбу долзарбликни ҳис этиб ҳамда билимга чанқоқ талабаларимизнинг талаб ва таклифларини инобатга олиб, ушбу сайтни яратдик.

**Лойиҳанинг имкониятлари** шундаки, **arm.samgasi.uz** дан рўйҳатдан ўтган талабалар тизимнинг имкониятларидан кенг фойдаланишлари мумкин. Юртимизда мобил интернет жадал суратда ривожланаётганлигини билган ҳолда, биз ушбу хизматни янада мукаммалаштирдик ва мобил телефонларда тез ва қулай ишлай олишини таминладик.

**Яна шуни таъкидлаб ўтамизки**, келажакда юртимиз равнақи ва ёшларимиз билимини оширишга хизмат қилувчи янгидан янги лойиҳаларни яратамиз дея ишонч билдирамиз.

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА МУСТАҚИЛ БИЛИМ ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*Алиева Махсуда Халиловна,*
*Сам ДУ, Механика-математика факультети*

Проанализированы цели, место, значение и способы самообразования с помощью средств информационно- коммуникационных технологий в системе непрерывного образования.

В работе рассмотрены некоторые академические проблемы, связанные с активизацией самообразования в учебном процессы.

Жамиятда ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланиши лозим. Бунинг учун шахс мустақил билим олишга, мустақил фикрлашга, ўқув, илмий –оммабоп, илмий адабиётлар ҳамда интернет тизимидан фойдаланиб керакли билимларни ахтариб топиш ва ўзлаштиришга ўрганиши лозим. Чунки ҳозирги вақтда билимлар жуда тез ошиб ва янгиланиб бормоқда, замонавий ахборот коммуникацион технологиялар турлари ва уларнинг таълим функциялари ва имкониятлари кескин ошиб, ривожланиб бормоқда .

Ахборот коммуникацион технологиялар таълим соҳасига билимлиликни таъминлаб берувчи муҳим бир педагогик усулни – мустакил таълим (ўзини-ўзи билимли қилиш)ни деярли барча таълим олувчилар ўртасида ривожланишига имконият яратади.

Мустақиллик туфайли таълимтизимида амалга оширилган туб ислоḱотлар натижасида Олий таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилди ва тубдан янгиланди. Шунингдек фанлар бўйичаўқитишни ташкил этишда мустақил таълим соатлари киритилди. Олий ва махсус таълим вазирлигининг 2005 йил
21 февралидаги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом»га мувофиқ университетларда (бакалавриат учун) хафтасига ўртача 22 соат мустақил таълим соатлари белгиланган. Бундан асосий мақсад айрим фан мавзулари бўйича турли манбалардан фойдаланган ҳолда янги билимларни ўзлаштириш; ижодий фаолликни ошириш; амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва бошқалардир.

Натижада олий таълимда илгари мавжуд «ниманидир ўргатиш, ўқитиш» ўрнига янги услубий ёндашув, яъни «мустақил билим олишга ўргатиш» принципи жорий этилишига замин яратилади .

Мустақил билим олишнинг асосий вазифаларини амалга оширишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш натижасида кутилган самарага тез, анъанавий воситалардан фойдаланилгандагидан кўра анча кам вақт сарфлаб эришиш мумкин. Реферат, курс иши, малакавий битирув ишларини бажаришда, ахборот манбаларини излаб топишда, янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштиришда, билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва кенгайтиришда замонавий ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланиш, хусусан, интернет тармоғи тизимидан мақсадли фойдаланиш, маълумотлар базаларидан фойдаланиш, электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш, компьютерлар воситасида моделлаш, турли анимацияли воситалардан фойдаланишда яхши самара бериши ҳақидаги хулоса муаллиф томонидан олиб борилган таҳлил натижасидир.

Ахборот коммуникацион технологияларни таълим соҳасига кенг киритилиши натижасида, айниқса, мустақил таълимга ажратилган мавзуларни ўзлаштиришда билим олувчиларга нисбатан дифференциал ёндашиш ва уларнинг билим даражасини эътиборга олиш имконияти вужудга келади ҳамда ўқитиш жараёнини ўқитувчи томонидан самарали ташкил этишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланишнинг ҳозирги босқичида таълим тизимининг барча бўғинларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида мустақил билим олишни йўлга қўйиш ҳаётий зарурат эканлигини англаб етишимиз ва уни самарали ташкил этгандагина ḱар томонлама чуқур ва пухта билимга эга бўлган ёш авлодни тарбиялаб етиштиришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Олий ва махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралидаги 34-сонли буйруғи . Тошкент 2005 йил.
2. Мустақил билим олишда адабиётлар билан ишлаш кўрсатмаси материаллари. СамДУ 2012й.

# MOODLE ПЛАТФОРМАСИДА ЧАТ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН ИШЛАШ

*Ф.У.Анарбаева*
*Самарқанд давлат чет тиллар институти*

*Ушбу мақолада Чат элементи ва унга маълумотларни киритиш юзасидан кўрсатмалар берилган.*

**Чат** элементи аниқ вақт давомида синхрон ёзишмалар имкониятига эга.

Чат бир марталик ёки кунда ёки ҳафтада бир вақтнинг ўзида такрорланиши мумкин. Чат-сессияни сақлаш ва баъзи фойдаланувчиларга ёки барчага рухсатли киришга рухсат беради.

Чат гуруҳлар бир-бирини кўрмаган тақдирда фойдали ҳисобланади:

- ✓ Бир курсда ўқийдиган, аммо турли жойда бўлган талабалар ўртасида суҳбатлар ўтказишда;
- ✓ Талаба ўқитувчи билан шахсий суҳбатлашиш имкониятига эга бўлмаса;
- ✓ Таклиф этилган маърузачи билан савол ва жавоблар сессияси учун;
- ✓ Назоратларга тайёрланишда талабаларга ёрдам бериш учун.

**Чат**ни курс бўлимида яратиш учун **Добавить элемент или ресурс** ойнасида **Чат** буйруғини танлаб, **Добавить** тугмаси босиб, қуйидаги ойнага ўтамиз:




Ҳар бир функцияга тўхталиб ўтамиз.

**Общее** функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлиб, унда чат номи ва чатнинг кириш сўзи ёритилади:




**Чат-сессии** функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлиб, унда чатнинг бошланиш вақти ва шу каби вазифалар ёритилади:




Общие настройки модуля функцияси чатнинг талабаларга ва гуруҳларга кўринишини таъминлайди.

Юқоридаги функцияларда кераkли параметрлар танланиб, 

тугмаси босилса, курсда қуйидаги пиктограмма ҳосил бўлади: 

.

Юқоридаги пикторгаммани икки марта босиб, қуйидаги ойнага ўтамиз:




Бу ерда **Войти в чат** тугмасини босиб, қуйидаги ойнага ўтамиз:




Бу ерда чатда иштирок этувчи ҳар бир фойдаланувчи кўриниб туради, ҳамда улар бир-бирига билан хабар орқали мулоқот қилиш имконига эга бўлишади.

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1 Нишанов А.Х., Анарбаева Ф.Ў., Бабамухамедова М.А. “Очиқ кодли Moodle платформасида ишлаш” (қўлланма), Тошкент ахборот технологиялари университети, “Adabiyot uchqunlari”, Тошкент, 2015, 248 бет

2 moodle.samdchti.uz

## MOODLE ПЛАТФОРМАСИДА ФОРУМ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН ИШЛАШ

*Ф.У.Анарбаева Самарқанд давлат чет тиллар институти*

*Ушбу мақолада Форум элементи ва унга маълумотларни киритиш юзасидан кўрсатмалар берилган.*

**Форум** элементи фойдаланувчиларга асинхрон режимда, яъни узоқ вақт давомида ишлаш имконини беради.

Форумнинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, улардан бири стандарт форум ҳисобланиб, унда ҳар бир фойдаланувчи янги суҳбатни ихтиёрий вақтда бошлаши мумкин ёки “Савол-жавоб” форумида талабалар бошқа талабаларнинг жавобларини кўришдан олдин хабарга ўзлари жавоб ёзишлари керак бўлади. Ўқитувчи форумга файл жойлаштиришга рухсат бериши мумкин. Бу файл хабар кўриниб туради.

**Форум**ни курс бўлимида яратиш учун **Добавить элемент или ресурс** ойнасида **Форум** буйруғини танлаб, **Добавить** тугмаси босиб, қуйидаги ойнага ўтамиз:




Ҳар бир функцияга тўхталиб ўтамиз.

**Общее** функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлиб, унда форум номи, форумнинг кириш сўзи ёритилади ва форумнинг тури ёритилади:




**Подсчет вложений и слов** функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлиб, унда юкланадиган файллар сони ва ўлчами ҳамда сўзлар сони берилади:




**Оценка** функциясида баҳолаш категорияси берилади.

**Оценки** функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлиб, унда форум якунини баҳолаш, баҳолар шкаласи, элементларни баҳолашни бошлаш ва тугатиш вақти берилади. Шу орқали бу функция талабаларнинг форумда иштирокини қизиқарли тарзда ўтказиш имкониятини яратади.




Общие настройки модуля функцияси чатнинг талабаларга ва гуруҳларга кўринишини таъминлайди.

Юқоридаги функцияларда керакли параметрлар танланиб, Сохранить и вернуться к курсу тугмаси босилса, курсда қуйидаги пиктограмма ҳосил бўлади: Информатика .

Юқоридаги пикторгаммани икки марта босиб, қуйидаги ойнага ўтамиз:




**Добавит тему для обсуждения** тугмасини босиб, форумда иштирок этишни боршлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги ойнада берилган буйруқларни бажариш кифоя. **Тема** буйруғига форум мавзуси, **Сообщения** буйруғига хабар матни ёзилади, **Подписка** буйруғида хабар қай тарзда жўнатилиши, **Вложения** буйруғида юкланадиган файл кўрсатилади. **Группа** буйруғида қайси гуруҳлар форумда иштирок этиши белгиланади. Барча буйруқлар бажариб бўлинган сўнг **Отправить в форум** тугмаси босилади.



Натижада қуйидаги ойна ҳосил бўлади:




Шу орқали форумда ишлаш давом этилади.

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1 Нишанов А.Х., Анарбаева Ф.Ў., Бабамухамедова М.А. “Очиқ кодли Moodle платформасида ишлаш” (қўлланма), Тошкент ахборот технологиялари университети, “Adabiyot uchqunlari”, Тошкент, 2015, 248 бет

2 moodle.samdchti.uz

## РАСПОЗНАВАНИЯ РУКОПИСНЫХ БУКВ С ПОМОЩЬЮ ПОМЕЧЕННЫМИ ВЕРШИНАМИ

*Бекмуратов К.А. (Доцент, Самаркандский филиал ТУИТ,*

При распознавании рукописных (написанных от руки) букв могут использоваться хорошо изученные структурные методы, которые предполагают описание образа, разбиваемого на отдельные составные части, описываемые как стабильные идеальные элементы.

Существуют разнообразные методы получения скелетов рукописных букв, отличающихся друг от друга [1-3]. Мы использовали следующий алгоритм скелетизации. Вначале происходит разделение исходного рукописного буква на компоненты связности, для чего может быть использовано линейное представление, сформированное для событийного метода.

Для ускорения получения скелетного представления применяется ряд технических приемов, таких как получение сведений о возможности удаления точки и о последующей точке перехода по границе с использованием предварительно подготовленных таблиц, а не с помощью вычисления нужных величин.

Получение скелетного представления буквы - не самоцель, это изображение используется затем для выделения характеристик букв. Главная задача скелетного представления букв - предоставить возможность для получения ряда характеристик исходного изображения.

Скелетизация играет важную роль во многих системах оптического распознавания. При использовании для распознавания одних и тех же признаков для разных скелетных представлений получаются сходные результаты распознавания.

Предлагаемый в настоящей статье алгоритм распознавания, являясь структурным, сочетает в себе такие достоинства как высокое быстродействие и возможность оценки соответствия распознаваемых образов к эталонным описаниям.

Кратко опишем признаки, используемые при распознавании по полученному скелетному представлению. Для каждой особой точки скелетного представления вычисляются следующие топологические признаки[3]:

- нормированные координаты особой точки (вершины графа);
- длина ребра до следующей вершины в процентах от длины всего графа;
- нормированное направление из данной точки на следующую особую точку;
- нормированное направление входа в точку, выхода из точки (для триодов эти значения различаются, для точек индекса 1 совпадают с точностью до знака);
- кривизна дуги, точнее "левая" и "правая" кривизна дуги, соединяющей особую точку со следующей вершиной (кривизна слева и справа). Кривизна вычисляется как отношение максимального расстояния от точек дуги (находящихся соответственно слева/справа от прямой) до прямой, соединяющей вершины, к длине отрезка, соединяющего те же вершины.

Обучение метода состоит в построении деревьев распознавания для каждого из определенных заранее (вручную или автоматически) топологических кодов.

Разработан комплекс программ работающих по алгоритму распознавания, основанные на скелетизации рукописных букв, представленных в виде изображений. Решён контрольный пример применительно к распознаванию рукописных букв.

Чтобы запустить эту программу достаточно нажать кнопку Project1.exe . Затем на рабочем окне выводится следующее окно (Рис.1).



Рис.1. Общий вид программного интерфейса.

После ввода (Рис. 2) исходных данных




Рис. 2. Ввод исходных данных.

нажимается кнопка **Рецепторное поле** и на экране появляется буква (Рис. 3).




Рис. 3. Распознаваемая буква.

После нажатия кнопку **Вершины склета** на экран выводится буква помеченными вершинами (Рис.4)



Рис.4. Буква помеченными вершинами.

С нажатием кнопку **Матрица инцидентности** на экран выводится таблица с данными (Рис.5.)



Матрица инцидентности

| | v1 | v2 | v3 | v4 | v5 | v6 | v7 | v8 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| v1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| v2 | 1 | 0 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| v3 | 0 | 1 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| v4 | 0 | 0 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| v5 | 0 | 1 | 0 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| v6 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| v7 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| v8 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

Рис.5.Матрица инцидентности буквы.

После нажатия кнопку **Проверка** на экран выводится информация с данными (Рис.6.)



Рис.6. Распознавание рукописной буквы.

Полученные результаты подтверждает о том, что разработанная программа применим для распознавания рукописных букв текста.

Литература

1. Славин О.А., Корольков Г.В., Болотин П.В. Методы распознавания грубых объектов. В сб. "Развитие безбумажных технологий в организациях", 1999 г., с. 290-311.
2. Е.В. Шикин, А.В. Боресков. Компьютерная графика. “Мир”, Москва, 1995.

## ИНТЕГРИРОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ, МОНИТОРИНГА И УПРАВЛЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННЫМИ ПРОЦЕССАМИ

*Пиримов О.Ж., и.о., доцент, Абдуллаева Д.А., ассистент, ТИИМ*

Предприятия сложных производственных комплексов, в частности нефтегазовой промышленности, широко распределены в географическом отношении. Хотя их производственные подразделения находятся на большом удалении друг от друга, они обязаны кооперироваться и эффективно координировать свою производственно-хозяйственную деятельность. На сегодняшний день возросли требования к информации, потребляемой при управлении, которая должна быть актуальной, достоверной, оперативной, полной и доступной. Это в полной мере относится и к управлению производственно-экономическими процессами, где планирование, анализ, учёт, контроль и регулирование производственно-хозяйственной деятельности с целью получения максимальной прибыли, роста объёма продукции и сбыта, основываются на качественном информационном обслуживании всех форм управления.

Создание и реализация информационной системы планирования, мониторинга и оперативного управления (ИСПМОУ) для многоуровневых распределённых сложных производственных комплексов требует проведения системного анализа, использования рациональных методов построения и организации координации функционирования многоуровневых иерархических систем (рис. 1).

На основе методов системного анализа сформулирован концептуальный подход к построению интегрированной информационной системы управления (ИСУ), произведён системный анализ процессов и методов прогнозирования, планирования, учёта, контроля и оперативного управления сложными производственными комплексами (СПК). По результатам анализа разработана технология системного управления, которая представляется в виде совокупности методов, алгоритмов, правил и процедур, обеспечивающих управление СПК.

Также излагаются методы, модели, алгоритмы процессов создания рациональных и эффективных БД и методы, модели, алгоритмы организации оптимального информационного обеспечения (ИО) интегрированной ИСПМОУ. Приведена схема структуры ИО. Разработаны методы и модели создания единых и рациональных распределённых информационных БД интегрированной ИСПМОУ сложными производственными процессами.




Рис 1. Типовая функциональная структура ИСПМОУ.
СИО – сборка и обработка информации, АПС – анализа и прогнозирования ситуации, СППР – система поддержки принятия решений, ЛПР – лиц принимающих решения, СУ – система управления.

Отечественный и зарубежный опыт показывает, что без единой методологии и соответствующего инструментария процесс разработки ИО ИСПМОУ крайне затруднителен, а сопровождение и дальнейшее развитие внедрённой системы становятся практически нереальными.

При разработке ИО ИСПМОУ используются методы, отличающиеся системным подходом, обеспечивающим эффективное функционирование сложных производственных систем. Разработка и создание рациональных информационных БД при решении функциональных задач оперативного управления основываются на исследованиях и анализе входных и выходных данных.

Здесь были рассмотрены результаты алгоритмов и программ оптимального решения задач оперативного управления производственными процессами, разработаны укрупнённый алгоритм преобразования технико-экономических показателей, привести блок-схемы алгоритмов решения функциональных задач ИСПМОУ с применением метода анализа иерархий, разработаны алгоритмы решения задач системного аналитического планирования в сложных производственных системах, а также алгоритмы оптимизации решения задач процессов прогнозирования, планирования, мониторинга и регулирования производств.

Список использованной литературы:
1. Ишанходжаев Г.К. Интегрированная информационная система прогнозирования, мониторинга и оперативного управления сложными производственными комплексами, Ташкент, 2014.
2. Алиев Р.А., Алиев Р.Р. Теория интеллектуальных систем. Баку, 2001.

## КИЧИК КОРХОНАЛАР БОШҚАРИШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

*Қутлымуратов Ю., Кувандикова Д., Қулбаева М.*
*Қутлымуратов Ю. ТАТУ Нукус филиали катта ўқитувчисиКувандикова Д. ТАТУ Нукус филиали ассистент ўқитувчиси*
*Қулбаева М. Бердақ номидаги ҚДУ талабаси.*

Кичик корхоналарнинг иш фоалиятини бошқаришда маълумотлар базасидан ва маълумотлар моделларини қулай яратишдан фойдаланиш, уларнинг самарали иш юритилишини таъминлашда хизмат қилади. Ҳозирги вақтда кичик корхоналарнинг фоал ишлаши учун энг аҳамиятли омилларнинг бири бу бошқариш хизматининг ташкиллаштирилиши бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг объектив талабларига ва маҳсулотларнинг сотилишига, хўжалик иқтисодий ва бошқа параметрларининг ўзгаришига фойдаланувчиларнинг таъсири сабаблари ҳар доим ортиб боради. Кичик корхоналарнинг бошқариш фаолиятининг сифатини ошириш талабларига қарасак, бошқариш фаолиятининг самарадорлиги корхона иш фолиятининг ахборот технологиялари билан жиҳозланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Бу иш юритувчиликни ва бошқариш хизматини соддалаштириш ахборот технологиялари ва ундаги дастурий воситалар алоҳида ўринни эгаллайди. Уларнинг ахбарот тизимлари сифатида қўлланиши маркетинг ва ишлаб чиқариш лойиҳасини тайёрлаш вақтини қисқартиради.

Кичик корхоналар бошқариш сифатини оширишда унинг иш фаолиятининг таҳлилини ва ахборот таъминотини қуйидаги кетма-кетлик бўйича кўриб ўтилса бўлади:

**-Кичик корхоналар ресурсларини бошқариш.** Умумий ҳолда, хоҳлаган ташкилотларнинг мақсадларининг бири-бу ресурсларнинг қайта ишланиши. Кичик корхоналарнинг фойдаланган асосий ресурслари- бу инсон, капитал, материаллар, технология ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

**-Лойиҳани ишлаб чиқиш.** Лойиҳада мультимедиали компьютерли кўринишида ишлаб чиқаришнинг ҳар хил шартлари, керакли тахлиллари, ҳисоблашлар жадваллари ва диаграммалари киритилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг аналогларини тадқиқ қилиш натижасида маҳсулотнинг структурасини, техника характеристикаларини, ташқи кўриниши ва ҳ.к. кўрсаткичлари аниқланади. Уларнинг тўлиқ кўриниши «Лойиҳанинг мазмуни» қисмида келтирилади.

**-Лойиҳанининг маркетинг режаси.** Бу бўлимида сотиш бозори ва товарларнинг рақобатбордашлиги тўғрисидаги изланишлар олиб борилиши ва

ушбу маълумотларни дастурга киритилиб таҳлил қилиниб борилиши кўзда тутилади. Маҳсулотга талабнинг ўсиши ва ортиши билан унинг бошқа масалаларни ечишга таъсирининг ортиши ва уни ўз вақтида ечиб борилиши маҳсулотнинг натижали фойда кетиришига олиб келиши мумкин. Лекин сотиш бозорида барча мезонларга эга бўлган ҳолда масалаларни ечишни маҳсулот етиштирмай туриб дастлабки хулосаларга келиши керак. Сотиш бозорининг тўлиқ тасвирланиши бизнес-режанинг мос бўлимида келтирилиб ўтилади ва рақобатбордошликни таҳлил қилиш натижалари кўриб чиқилади.

**Лойиҳанинг хавфсизлигини баҳолаш режаси.** Бунда иш юритилаётган услубиятга ва экспертлар баҳоларига асосланиб, лойиҳанинг таваккалчилиги баҳоланади. Унда таваккалчилик, эҳтимоллик ва имкониятлар бўйича лойиҳа хавфсизлиги баҳоланиб, жами 100 баллик мезонда баҳоланади (1-расм).

- Товарлар баҳосининг ўзгариши кутитилиши (ТБЎК);
- Товарларга талабнинг ўзгариши кутитилиши (ТТЎК);
- Рақоботчилар орасида товарлар баҳосининг ўзгариши кутилиши (РОТБЎК);
- Харидорларнинг тўлаш имконининг ўзгариши кутилиши (ХТИЎК);
- Солиқ микдорининг ўзгариши кутитилиши (СМЎК);
- Алтернатив бошқа маҳсулотларнинг ишлаб чиқилиши (АБМИЧ);
- Запас бўлаклар сифатининг ўзгариши (ЗБСЎ);
- Айланма қуралларнинг етишмаслиги (АҚЕ).




1-расм. Корхона лойиҳа хавфсизлигини баҳолаш.

**-Лойиҳанининг дастурий таъминоти.** Кичик корхоналар бошқариш сифатини оширишда ва унинг ахборот таъминотини яратиш учун DELPHI 7.0 объектга йўналтирилган дастурлаш тилида ишлаб чиқилган дастурнинг ишлаш имкониятлари қуйидаги ойналар асосида олиб борилади:

- Корхона лойиҳа хавфсизлигини баҳолаш ойнаси;
- Корхона маҳсулот таннархи ҳисоби ойнаси;
- Ишлаб чиқариш ва сотиш ойнаси;
- Ишлаб чиқаришга боғлиқ маҳсулот таннархи ҳисоби ойнаси.

Лойиҳанининг дастурий таъминотини яратишда лойихани дастурнинг ишлаш жараёнига мослаштириш ва маълумотларни киритишга даслабки созлаш жараёнини олиб бориш талаб этилади. Бу параметрлар, мезонлар,

график мультимедиали кўринишлар ва оптимизация методларни танлаш жараёнларини ўз ичига жамлайди [1,2,3].

Ушбу дастурий лойиҳа файли компилятор томонидан қайта ишлашда Object Pascal тилида ёзилган дастурлардан иборат. Бу дастур Delphi томонидан автомат яратилади ва фақат бир нечта қатордан иборат. Уларни кўриш учун Delphi да бош менюдан Project/ View Source бўлими танланади. Delphi қуйидаги кўринишга эга бўган Project1 ясамасига эга бўлган дастур коди ойнасини кўрсатади.

```
program Project1;
uses
  Forms,
  Unit1 in 'Unit1.pas' {Form1};
  Unit2 in 'Unit2.pas' {Form2},
{$R *.res}
begin
  Application.Initialize;
  Application.Title := 'My programm';
  Application.CreateForm(TForm1, Form1);
  Application.HelpFile := 'D:\PROGRAM DELFI\14\HELP.HLP';
  Application.Run;
end.
```

Лойиҳа Project1 дастури компилятор томонидан Object Pascal тилида ёзилган иккита дастурлар устида ва ўн иккита Microsoft offise Access маълумотлар базасини бошқариш тизимида яратилган жадвалларни бир-бири билан тармоқ модели асосида боғланиш ҳосил қилинган дастурий таъминотдан фойдаланиб корхона иш фаолиятини бошқаришда ва бизнес режасини ишлаб чиқишнинг натижалигини ҳисоблашга қаратилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. А.Саттаров. Маълумотлар базасини бошқариш системаси. Тошкент 2006. «Фан ва техника».
2. В. Понамарёв. «Базы данных в DELPHI 7», СПб «Питер», 2003.
3. Владимир Шупрута. Delphi 2006 на примерах. Учебное пособие. Санкт-Петербург. 2007. БХВ-Петербург.


## IMZOLAR TO'PLAMINI KLASTERLAR ASOSIDA SINFLASH ALGORITMI VA DASTURIY TA'MINOTI


*Bekmuratov K.A. (dotsent, TATU Samarqand filiali,*
*Bekmuratov D.K. (assitent, TATU Samarqand filiali,*
*Allaberdiyeva M.K. TATU Samarqand filiali talabasi*


Ushbu maqolada shaxs imzolari to'plami berilganda, imzolarni klasterlarni ixtiyoriy tanlash asosida sinflarga ajratish algoritmini hamda dasturiy ta'minotini yaratish masalasi qo'yilgan bo'lib, xususan, komp'yuterda shaxs imzolari qo'yiladi(chiziladi) yoki skaner orqali kiritiladi va o'xshash imzolar alohida sinflarga

ajratiladi. Aynan shaxs imzosi orqali anglash tizimini yaratishni maqsad qilib olishimizga sabab, biometrik tizimlar orasida imzosi bo'yicha shaxsni aniqlash doimo muhim va ommabop bo'lgan. Oddiy ish jarayonida ham insonlar hujjatlarni yuritishda bir-birlarining imzolarini taniydilar yoki imzo qaysi shaxsga tegishli ekanligini biladilar. Demak, imzo tasvirini tahlil qilish orqali shaxs imzolarini anglash yoki sinflash (qaysi shaxs imzosiga o'xshashligini aniqlash), ya'ni har bir shaxsga tegishli imzolarning bitta sinfga tushushi yoki tushmasligini aniqlashning avtomatlashgan tizimini yaratish hozirgi kunning eng dolzarb muammolari sirasiga kiradi.

Bizga $S = S_1, S_2, ..., S_m$ imzolar to'plami berilgan bo'lib, ularni $K_1, K_2, ..., K_l$ sinf(shaxs)larning qaysi biriga tegishli ekanligini aniqlash talab qilinsin.

$S = S_1, S_2, ..., S_m$ shaxs imzolar to'plamini kodlashtirish va ularni klasterlarni ixtiyoriy tanlash asosida sinflarga ajratuvchi algoritmni keltiramiz. Ushbu algoritm $S = S_1, S_2, ..., S_m$ shaxs imzolar to'plami binar kodlashtirish va ulardan ixtiyoriy tanlangan klasterlar asosida sinflarni hosil qilishga mo'ljallangan. Bunda hosil qilinishi mumkin bo'lgan sinflar soni oldindan beriladi va ixtiyoriy tanlanadigan klasterlar soni sinflar soniga teng qilib olinadi.

Algoritm quyidagi qadamlardan iborat:

1. Shaxs imzolari kompyuterda chiziladi yoki skanerdan kiritiladi.

2. Shaxs imzolarni kodlashtirish uchun $a * b$ - o'lchovli retseptor maydoni tanlanadi.

3. Shaxs imzolari tanlangan $a * b$ - o'lchovli retseptor maydoniga tushiriladi.

4. Shaxs imzosining qismi tanlangan $a * b$ - o'lchovli retseptor maydonining $a_i * b_j\ (i = \overline{i = 1, n};\ j = \overline{1, m}$ katakchasiga tushsa, $a_i * b_j = 1$ , agar tushmasa $a_i * b_j = 0$ qo'yiladi.

5. Komp'uyterga skaner orqali kiritilgan yoki komp'uyterda chizilgan $S = S_1, S_2, ..., S_m$ shaxs imzolari kodlashtiriladi.

6. $\alpha = 1$ . $S^k$ tanlovdagi $S_\alpha^k$ imzoning $a * b$ - o'lchovli retseptor maydonidagi kodi 1- o'lchovli $I_\alpha = x_{\alpha 1}, x_{\alpha 2}, ..., x_{\alpha (a*b)} (I_\alpha \in \{0,1\})$ vektor ko'rinishga keltiriladi.

7. $\alpha = \alpha + 1$. Agar $\alpha \le$ m bo'lsa, u holda 6-qadamga, aks holda 8 – qadamga o'tiladi.

8. $S = S_1, S_2, ..., S_m$ imzolar to'plamidagi har bir $S_\alpha^k$ imzo kodining o'rnida 1-o'lchovli $I_\alpha = x_{\alpha 1}, x_{\alpha 2}, ..., x_{\alpha (a*b)}\ (I_\alpha \in \{0,1\};\ \alpha = \overline{1, m})$ vektor hosil bo'ladi.

9. Hosil bo'lgan $I_\alpha = x_{\alpha 1}, x_{\alpha 2}, ..., x_{\alpha (a*b)} (I_\alpha \in \{0,1\})$ vektorlarning ustunlari faqat 0(nol)lardan iborat bo'lsa, u holda ushbu ustunlar tashlab yuboriladi va natijada qisqa o'lchovga ega bo'lgan $I_\alpha^q = x_{\alpha 1}, x_{\alpha 2}, ..., x_{\alpha n} (\ I_\alpha \in \{0,1\}; n \le (a * b);\ \alpha = \overline{1, m})$ vektorlar hosil bo'ladi.

10. Hosil qilingan $I^q = I_1^q, I_2^q, ..., I_m^q$ imzo vektorlari keyingi qadamlar uchun boshlang'ich ma'lumot sifatida qabul qilinadi.

11. Klasterlar soni k ( $m \ge$ k $\ge 2$ ) oldindan beriladi (klasterlar soni eng kamida ikkita bo'lishi shart). Boshlang'ich ikkita klasterlar sifatida masofalari bo'yicha bir-biridan eng uzoqda joylashgan imzolar aniqlanadi. Bu holda $I^q = I_1^q, I_2^q, ..., I_m^q$ imzo

vektorlari to'plamidagi barcha imzolar orasidagi masofalar $d(I_i^q, I_j^q) = \sum_{t=1}^{n} |x_{it} - x_{jt}|, (i, j = \overline{1,m})$ yordamida aniqlanadi. Natijada $d_{ij}$ $(i, j = \overline{1,m})$ simmetrik masofalar matrisasi hosil bo'ladi

$$d_{ij} = \begin{pmatrix} d_{11} & d_{12} & . & . & . & d_{1n} \\ d_{21} & d_{22} & . & . & . & d_{2n} \\ . & . & . & . & . & . \\ d_{n1} & d_{n2} & . & . & . & d_{nn} \end{pmatrix} (i = \overline{1,n}; \; j = \overline{1,m})$$

12. $d_{ij}$ simmetrik matrisasidan eng katta masofa $d_{\max}(I_i^q, I_j^q) = \max_{ij} d_{ij}$ topiladi. $d_{\max}(I_i^q, I_j^q)$ qiymatga ega bo'lgan $d_{ij}$ elementga mos keluvchi $I_i^q$ va $I_j^q$ imzolar boshlang'ich klasterlar sifatida tanlanadi.

13. Boshlang'ich 2 ta klasterlar $Z_1 = I_i^q$ va $Z_2 = I_j^q$ belgilanadi.

14. $I^q = I_1^q, I_2^q, ..., I_m^q$ imzolar vektorlari to'plamidan belgilangan $Z_1 = I_i^q$ va $Z_2 = I_j^q$ klasterlardan tashqari, navbatdagi $Z_3, Z_4, ..., Z_k (k < m)$ klasterlar ixtiyoriy ravishda tanlanadi va natijada $Z_1, Z_2, ..., Z_k (k < m)$ klasterlar hosil bo'ladi.

15. $i = 1.$ $I^q = I_1^q, I_2^q, ..., I_m^q$ imzolar vektorlari to'plamidan tanlangan $Z_1, Z_2, ..., Z_k (k < m)$ klasterlar orasidan $Z_i$ klaster tanlanadi.

16. $j = i + 1.$ $I^q = I_1^q, I_2^q, ..., I_m^q$ imzolar vektorlari to'plamidan $Z_1, Z_2, ..., Z_k (k < m)$ klasterlar orasidan $Z_j$ klaster olinadi.

17. $Z_i$ va $Z_j$ klasterlar orasidagi masofa $d(Z_i, Z_j) = \sum_{t=1}^{n} |x_{it} - x_{jt}|$ yordamida aniqlanadi.

18. $j = j + 1.$ Agar $j \le k$ bo'lsa, u holda algoritm 16-qadamga o'tadi, aks holda 19-qadamga o'tadi.

19. Natijada $d_{ij} (j = \overline{1,k})$ masofalar massivi hosil bo'ladi.

20. $d_{ij}$ $(j = 1,k)$ masofalar massividan eng kichik masofa tanlanadi, ya'ni $d_i^* = \underbrace{\min}_{j} d_{ij}$ $(j = 1,k)$.

21. $d_i^*$ qiymatiga ko'ra $Z_i$ klasterga eng yaqin $Z_j$ klaster tanlanadi va ular orasidagi masofaning yarmi $\bar{d}_{ij} = \frac{1}{2} d_{ij}(Z_i, Z_j)$ topiladi.

22. $I^q = I_1^q, I_2^q, ..., I_m^q$ imzolar vektorlari to'plamidan $Z_i$ klasterga nisbatan hosil qilinadigan sinfga qarashli imzolar $F(I_j^q) = \begin{cases} I_j^q \in Z_i & agar \quad d_{ij} \le \bar{d}_{ij} \\ I_j^q \notin Z_i & boshqa \; hollarda \end{cases}$ aniqlanadi.

23. $i = i + 1.$ Agar $i \le k$ bo'lsa, u holda algoritm 15-qadamga o'tadi, aks holda 24-qadamga o'tadi.

24. Natijada $I^q = I^q_1, I^q_2, ..., I^q_m$ imzolar vektorlari to'plamidan ixtiyoriy tanlangan $Z_1, Z_2, ..., Z_k (k < m)$ klasterlarga nisbatan sinflar

$$Z_1 = \{I^1_1, I^1_2, ..., I^1_{m_1}\}$$
$$Z_2 = \{I^2_1, I^2_2, ..., I^2_{m_2}\}$$
$$. . . . . . . . . . . . . . . . . . . .$$
$$Z_k = \{I^k_1, I^k_2, ..., I^k_{m_k}\}$$

hosil bo'ladi. Bu erda $(m_1 + m_2 + ... + m_k) = m$ .

Ushbu algoritm yordamida $I^q = I^q_1, I^q_2, ..., I^q_m$ imzo vektorlaridan $Z_1, Z_2, ..., Z_k (k < m)$ klasterlarga o'xshash imzolarni EHMda izlash operasiyalar soni $I^q = I^q_1, I^q_2, ..., I^q_m$ imzo vektorlaridagi belgilar soni $n$ ga nisbatan klasterlar soni $k$ ga bevosita bog'liq.

Ishlab chiqilgan algoritm asosida dasturiy ta'minot yaratildi.

Dasturning umumiy interfeys oynasi quyidagi ko'rinishda bo'ladi (1-rasm).



1-rasm. Interfeys oynasining umumiy ko'rinishi.

Imzolar to'plamini klasterlar asosida sinflatga ajratish 2-rasmda keltirilgan.




2-rasm. Hisoblash natijalari.

Ishlab chiqilgan dastur shaxs imzolarida sinovdan o'tkazildi va olingan natijalar dasturning to'g'ri ishlashini tasdiqladi. Ushbu dasturni kirishga ruxsat tizimlari, foydalanuvchilarni qabul qiluvchi tizimlarda, korxona, tashkilot va muassasalarda shaxs imzolarining o'xshashlarini aniqlashda va ular asosida imzoning shaxsini anglash masalalarida qo'llash mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. Мартинес Ф. Синтез изображений. М.: Радио и связ, 1990.
2. К.А.Бекмуродов, Ш.Кодиров. Разработка алгоритма и программного средства распознавания рукописных букв. Ахборот ва телекоммуникация технологиялари муаммолари. Республика илмий-техник конференцияси. Маърузалар тўплами. ТАТУ, 12-13 март, 2015 г. 2 б.


## AHOLINI ZAMONAVIY TURAR JOY BILAN TA'MINLASHDA DAVLAT DASTURINING AHAMIYATI


*assistent M.Z. Yuzboyeva, dos. O'.A.Muxammadiyev,*
*katta o'qituvchi U.Ch. Xudoyqulov*


Prezidentimiz Islom Karimov rahnamoligida jamiyatimizni modernizasiyalash yo'lida amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar jarayonida xalqimiz uchun hech kimdan kam bo'lmagan munosib turmush sharoiti yaratish eng ezgu maqsadga aylandi. Yildan-yilga aholi turmush farovonligi ortib, hududlarda namunaviy loyiha asosidagi uy-joylar qurish sur'ati va ko'lami kengayayotgani buning dalilidir.

Mustaqillik yillarida barcha sohalardagi kabi arxitektura va qurilish sohasida, mamlakatimiz shahar va qishloqlari infratuzilmasini yaxshilash, obodonchilik ishlarini yuqori bosqichga ko'tarish bo'yicha keng qamrovli ishlar amalga oshirildi. Fuqarolarimizning uy-joy sharoitlari ham tubdan yaxshilanib bormoqda. Mamlakatimizning barcha hududlarida uy-joylar qurish sur'ati va ko'lami yil sayin kengaymoqda. Mustaqillik yillarida uy-joy fondining umumiy maydoni 1,9 barobar oshdi.

Aholi soni ko'payib borayotganiga qaramasdan, insonlarni uy-joy bilan ta'minlashda jon boshiga to'g'ri keladigan uy-joy maydonini 12,4 kvadrat metrdan 15,4 kvadrat metrga oshirishga erishildi. Uy-joy fondining deyarli barchasi xususiy mulk sifatida aholi tasarrufida ekanini aytish lozim. Vaholanki, ko'plab rivojlangan davlatlarda oilalarning yarmidan ko'pi ijaraga olingan xonadon va uylarda yashaydi.

Qishloq joylarida namunaviy loyihalar asosida yakka tartibda uy-joylar qurish bo'yicha maqsadli davlat dasturining amalga oshirilishi alohida e'tiborga loyiqdir. Ushbu dastur doirasida 2014 yilda 11 mingta yangi turar joylar barpo etildi.

Bugungi kunda shaharlar, ayniqsa, qishloqlarda barpo etilgan, shiftlari baland, xonalari shinam va yorug' yangi uylar pishiq g'ishtdan qurilgan bo'lib, ularni bunyod etishda zamonaviy qurilish va tom yopish materiallaridan foydalanilmoqda, ular zarur xo'jalik binolariga ega. Bunday qishloq uylari sifati va sharoitining qulayligi bilan hech bir jihatdan shahardagi uy-joylardan aslo qolishmaydi.

Shaharlarimizni kompleks qurish bo'yicha qabul qilingan dasturlarning hayotga tatbiq etilishi natijasida Toshkent, Farg'ona, Qo'qon, Marg'ilon, Namangan,

Urganch, Qarshi, Termiz, Samarqand va boshqa ko'plab shaharlarimiz qiyofasi tubdan o'zgarib bormoqda.

Buyuk Britaniyaning nufuzli «Ekonomist» jurnalining bergan bahosiga ko'ra, O'zbekiston poytaxti – Toshkent shahri obodligi va yashash uchun qulayligi jihatidan dunyo reytingida 140 shahar orasida 58-o'rinni egalladi va jahon tasnifida yashash uchun eng qulay bo'lgan yirik shaharlar qatoriga kiritildi.

O'zbekistonda 2015 yilda 292 ta qishloq joylarda namunaviy loyihalar bo'yicha 12 mingta yakka tartibdagi uy-joylar qurilishi ko'zda tutilgan edi.

Davlatimiz rahbari tomonidan tasdiqlangan qarorga muvofiq bu loyihani amalga oshirish uchun Osiyo taraqqiyot banki va Islom taraqqiyot banklaridan jami 200 million dollar miqdoridagi mablag'lar yo'naltirilishi belgilab qo'yilgan.

Shuningdek, mazkur hujjatga asosan 2016 yilda namunali uylarning qurilish tartiblari ham tasdiqlangan. 2016 yilda 305 ta hududlarda 13 ming namunali uy-joylarning bunyod etilishi rejalashtirilgan.

Masalan, joriy yilda viloyatimizdagi qishloq joylarda 1320 ta namunaviy loyiha asosidagi uy-joy qurilayotgan bo'lsa, bu ko'rsatkich kelgusi yili 1526 taga yetishi mo'ljallanmoqda. 2009-2015 yillar mobaynida qurib bitkazilgan uy-joylarda istiqomat qilayotgan oilalarga yangi turar joyning milliy hayot tarzi, mahalliy iqlim sharoiti, shu bilan birga, zamonaviy muhandislik-kommunikasiya tizimlari bilan uyg'un, yorug', keng va qulay holda barpo etilayotgani ma'qul kelmoqda.

Prezidentimiz ta'biri bilan aytganda, bugun barpo etayotgan uylarimiz nafaqat o'zimizga, balki keyingi avlodlarimizga ham xizmat qilsin, toki farzandlarimiz, nevara-chevaralarimiz bu uylarda sog'-salomat bo'lib voyaga yetsin, baxtli, osuda hayot kechirsin.

Mamlakatimizda izchil iqtisodiy o'sish aholining yashash tarzi, turmush sharoitiga ijobiy ta'sir ko'rsatib, ularning turar-joy imoratlari sifati, funksionalligiga bo'lgan talabi ham o'zgarib bormoqda. Endilikda yurtdoshlarimiz bugun qurayotgan imorati ko'p avlodlarga bekamu ko'st xizmat qilishini o'ylab, sifatiga, zamonaviyligiga alohida e'tibor qaratishmoqda.

## АРХИТЕКТУРА И ОСОБЕННОСТИ СЕТЕЙ IPTV

*Бекмуратов Ф.К. (ассистент, Самаркандского филиала ТУИТ,*
*Хидиров А.М. (ассистент, Самаркандского филиала ТУИТ,*

IPTV — новое поколение телевидения, телевидение в сетях передачи данных по Интернет-протоколу. IPTV — интерактивное телевидение в сети с закрытой инфраструктурой. Телевидение по IP-протоколу предоставляет доступ как к спутниковым и кабельным телеканалам, так и телеканалам виртуальным, единственная аудитория которых — пользователи закрытой сети. В отличие от Интернет-телевидения, доставка контента IPTV проводится по технологиям высокоскоростного доступа DSL (ADSL2, ADSL2+ и VDSL).

В зависимости от архитектуры сети провайдера услуги различают два типа видео сервисных архитектур оборудования IPTV: централизованную и распределенную.

Централизованная модель архитектуры относительно проста. Весь контент хранится на центральном сервере, и, следовательно, обширной системы распределения контента не требуется. Централизованная архитектура хороша для сетей, которые обеспечивают относительно малое развертывание услуги VoD, имеют соответствующее ядро и границу пропускной способности, а также эффективную сеть доставки контента.

Распределенная архитектура — это увеличенная модель централизованной, но ее пропускная способность и система управления характерны для больших систем. Для эффективной доставки мультимедиа в сети с распределенной архитектурой необходима сложная система распределения контента.

В сеть IPTV входят следующие участки, от успешного функционирования которых зависит эффективность доставки контента:

- распределение контента;
- Middleweare;
- транспортная инфраструктура;
- клиентское оборудование (компьютер или телевизор с STB).




Рис 1. Архитектура сетей IPTV

Структура распределенной сети IPTV представлена на рисунке и состоит из следующих систем: головной станции, системы закрытия контента, Middleware, системы распределения контента, видеосерверов, абонентских устройств.

Йод қалқонсимон безда ишлаб чиқариладиган тироксин гармонини ҳосил бўлишида асосий биологик рол ўйнайди. Атом массаси 12.9045г ва тартиб рақами 53 бўлган йод (Iodum лотинча iodes яъни, гунафша ранг)нинг ериш ҳарорати 113,5 С ни ташкил этади.

Йод қорматир гунафша ранги, металлсимон ялтироқ, ромбик кристал панжарага эга бўлган модда. Қиздирилганда тўғридан-тўғри буғланади.. У сувд ёмон эрийди. Йодни 1811 илда Француз олими Бернар

Куртуа ажратиб олган ва 1813 йили Франция академиясида бу ҳақда маъруза қилган. Йод инсон организмида моддалар алмашинувини стимулловчи ҳисобланган тироксин гармони таркибига киради. Инсон тановвул этаётган озиқ овқат маҳсулотлари таркибида систематик равишда йод элементи етишмаслиги ётади.

Ҳозирги саноат миқёсида одланган ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ўолос. Йодланган ош тузи таркибидага йод иссиқлик ишловчи берилганида, герметик бўлмаган идишда сақланганида "учиб" кетади. Бундан тузлар 6 ой мобайнида йодланган ош тузи сифатида, ундан кейин эса оддий ош тузи сифатида сотилади. Ош тузи бир текис йодланмаслиги ва кишиларни тузга тузга нисбатан турли муносабатда бўлишлари кишилар организмини йод билан бир текис таъминланишини янада мураккаблаштирди.

Олмилар томонидан олиб борилган изланишлар балиқ, тухум, донли экинлар, йодланган туз ва бошқалар таркибидаги органик йод модда алмашинви тезлигини ростловчи тиреоид гармонини шаклланишида иштирок этишини кўрсатади.

Йод элементининг одам танасидаги физиологик аҳмияти қалқонсимон без гармони- тироксин сентизида иштирок этишида юзага чиқади. Йод етишмай қолганида тироксин кам ишланиб чиқади ва натижада без тўқимаси катталашиб кетади.

Эндокрин тизими ўз гармонларини айнан қон ва лимфага ўтказганлиги учун шундай номланади. Бу тизимдаги асосий безлардан бири қалқонсимон без ҳисобланади. Қалқонсимон без кўринишидан қалқонга қараганда кўпроқ кўпроқ капаллака ўхшайди ва оғирлиги бор-йўғи 25-30 граммни ташкил этади. У бўйин қисмида жойлашган бўлиб, унинг нормал фаолияти учун йод элементи маълум миқдорда ва асосийси доимо керак.

Модда алмашинуви ва организмни енергетик ресурслар билан таўминланишини бошқариб бориш-қалқонсимон безнинг иккинчи асосий функцияси ҳисобланса, асаб тизимига седатив (тинчлантирувчи) таъсир кўрсатиши унинг яна бир функцияси ҳисобланади.

Асаб ва эндокрин тизими инсон организмини асосий бошқарувчи тизими ҳисобланади. Организмдаги ҳеч бир жараёнларнинг иштирокисиз содир бўлмайди. Бу иккала тизимни замонавий тиббиётда бир-биридан ажратиб ўрганиб бўлмайди.

Модда алмашинуви ва организмни энергетик ресурслар билан таъминланишини бошқариб бориш-қалқонсимон безнинг иккинчи асосий функцияси ҳисобланса, асаб тизимига седатив (тинчлантирувчи) таъсир кўрсатиши унинг яна бир функцияси ҳисобланади.

## НЕКОТОРЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ТУБЕРКУЛЕЗА ОРГАНОВ ДЫХАНИЯ У ДЕТЕЙ

*Саидова М. А.асс. кафедры «Внутренние болезни I и фтизиатрия» Самаркандского Государственного медицинского института*

XXI век ознаменовался снижением общей заболеваемости туберкулезом (ТВ). Отмечается незначительная тенденция к снижению показателя

заболеваемости у детей и подростков [1-2]. Следует заметить, что «детский» туберкулез является отражением общей ситуации [3]. Дополнительно возникают проблемы из-за возрастных особенностей, которые не могут не отразиться на исходах инфицирования микобактериями (МБТ) детского организма. Известно, что на исход встречи микроорганизма (МБТ) и макроорганизма (человека) оба оказывают влияние [4,5]. Но кто возьмет верх в этой борьбе зависит от силы того или иного участника событий. Учитывая, что ребенок находится в социуме и вынужден постоянно «общаться» со взрослыми, которые могут быть источником инфекции, то для детского туберкулеза будут значимы и лекарственная устойчивость возбудителя.

В связи с этим, мы поставили перед собой цель охарактеризовать некоторые особенности развития туберкулезной инфекции у детей в Самаркандской области. Нами проанализированы 94 истории болезни пациентов в возрасте от 3 месяцев до 15 лет, находившихся в отделении для лечения туберкулеза органов дыхания у детей детского отделения СОПТД в 2014–2015 г.г. Диагноз туберкулеза выставлялся на основании общепринятого комплекса клинико-лабораторного обследования в соответствии со стандартами, эпидемиологического обследования (уточнение контакта с больным ТВ и его теста лекарственной чувствительности (ТЛЧ)), лучевого и бактериологического методов исследования [4]. Группы сформированы по наличию установленного контакта (1-ая группа, n=73) и с неустановленным контактом (2-ая группа, n=21). Из исследования исключены дети с нетуберкулезными заболеваниями и повторные случаи госпитализации. В нашем исследовании у 77,6% изучаемых пациентов обеих групп туберкулез выявлен при установленном контакте с больным ТВ. Средний возраст во 2-ой группе достоверно превышал таковой в 1-ой группе, что свидетельствовало, вероятно, об эндогенной реактивации МБТ в периоде иммунной перестройки [4,5]. Это подтверждалось выявлением ТВ у пациентов в пубертатном периоде в 76,1% случаев во 2-ой и 29,7% случаев в 1-ой группах. Анализируя результаты исследования, выявлено наличие отличий клинических форм туберкулеза у пациентов исследуемых групп. В 1-ой группе преобладали пациенты с первичными формами ТВ (первичный туберкулезный комплекс, туберкулез внутригрудных лимфоузлов), тогда как во 2-ой группе – вторичные формы (очаговый, инфильтративный ТВ). Такое различие между клиническими проявлениями туберкулезной инфекции обуславливалось не только и не столько фактом установленного контакта с больным туберкулезом, но и возрастным аспектом. Учитывая различия по клиническим формам, исход туберкулезной инфекции различался в изучаемых группах. В 1 группе преобладало развитие кальцинатов, тогда как во 2-ой группе у равного количества пациентов мы отмечали стадии рассасывания, уплотнения и рубцевания. Бактериовыделение достоверно чаще отмечалось во 2-ой группе.

Следовало отметить, что лекарственная устойчивость среди тех, кто выделял МБТ отмечалась в обеих изучаемых группах в единичных случаях (по 2 в каждой группе). Это не исключало наличие лекарственноустойчивых форм возбудителя, т.ч. с множественной лекарственной устойчивостью (МЛУ), у

пациентов без установленного бактериовыделения. В детской практике, особенно при первичных формах туберкулеза, обнаружение МБТ не возможно из-за его лимфотропности, транзиторной микобактериемии, в целом, по механизму развития туберкулезной инфекции [3]. Нами установлено, что I\III режимы назначались у большинства пациентов в обеих группах. Интересен факт, что II\IV режимы ХТ назначались детям эмпирически [5]. При этом всегда отмечался положительный эффект от лечения в виде рассасывания специфических изменений во внутригрудных лимфоузлах и\или легких. Если пациенты 1-ой группы в большинстве случаев после интенсивной фазы продолжали лечение в детском противотуберкулезном санатории, то во 2-ой группе – лишь в единичных случаях, что также обусловлено наличием установленного контакта и особенностями подросткового возраста.

Среди детей и подростков, больных туберкулезом преобладали лица из контакта с больным туберкулезом (77%); средний возраст детей из контакта с больным туберкулезом достоверно ниже, чем у детей без контакта. В 1-ой группе преобладали первичные формы туберкулеза, тогда как во 2-ой группе – вторичные формы  Бактериовыделение в обеих группах отмечалось в единичных случаях. Лечение по II и IV режимам ХТ осуществлялось только в 1-ой группе назначалось у большинства пациентов эмпирически (по контакту). Таким образом, наличие установленного контакта и возраст пациента определяли методы выявления, клинических формы, режимы химиотерапии, исходы наблюдения.

Использованная литература:

1.Челнокова О.П., Кибрик Б.С. Проблемы выявления туберкулеза у детей и подростков, контактирующих с больным туберкулезом. Туберкулез и болезни легких; 2010:1: 31- 34

2.Аксенова В.А., ред. Туберкулез у детей и подростков : учеб. пособие для послевузовского образования; М.: ГЭОТАР-Медиа; 2007

3. Убайдуллаев А. М. Сил касаллиги. Ташкент. – 2009- 56

4.Тюлькова Т.Е., Корначев А.С. и др. Туберкулез и болезни легких.; 2010:1: 25-30

5. Перельман М.И. Фтизиатрия: учебник: с компакт-диском 4-е изд., перераб. и доп. +CD. М: ГЭОТАР-Медиа; 2013. 14.

## JISMONIY TARBIYA VA SPORT BILAN SHUG'ULLANUVCHI BOLALAR HAMDA O'SMIRLAR

*salomatligini tibbiy biologik va pedagogik nazorat etish*

*SamDChTI "Jismoniy madaniiyat" kafedrasi o'qituvchisi-M.A.Normurodova*

Bugungi kunning old vazifalaridan biri bu sog'lom avlodni dunyoga keltirib uni sog'lom qilib tarbiyalashdir.Prezidentimiz ta'kidlagandek "Sog'lom yurtning farzandlari, ham jismonan ham ruhan sog'lom bo'lishi lozim".Shuni aytish mumkinki salomatlik ko'rsatkichlariga ta'sir etuvchi turmush tarzi omillariga bugungi kunda asosan, xulq-atvor omillari, ularga ovqatlanish tartibi, odatlar, jismoniy faollik, reproduktiv atvor, edikamentlarni qo'llash, bo'sh vaqtni o'kazish va hokazolar kiradi.

Shu yerda sotsial iqtisodiy tavsifga ega ta'lim darajasi, urbanizatsiya, iqtisodiy ahvolning yuqoriligi, mehnat sharoiti, yashash sharoiti, atrof-muhitning holati, shuningdek, tibbiy-sanitar yordam holatining ko'rsatkichlari kiradi. Ma'lum bo'lgan aholining salomatlik ko'rsatkichlariga qo'shimcha bo'lib, quyidagi ijobiy tavsifga ega ma'daniy hordiq, turizm, dam olish, yuqori sifatli oziq-ovqat mahsulotlari, turmush jihozlari, salomatlikni tiklash uchun mashqlarga vaqt ajratish va hokazolar kiradi.Individning umumiy biologik va sotsial ahamiyatga ega bo'lgan ba'zi bir ma'lumotlarni keltiramiz. Odamning faol harakatida individ va jamiyatning shakllanishida katta ahamiyatga ega bo'lgan jismoniy xususiyatlar mobilizatsiyasi va katta imkoniyatlar yashiringan. Bu borada jismoniy tarbiyaning hamma vositalari, tibbiyot bilimlari va sog'lom turmush tarzi tamioyillarini faollashtirish aktualligi ortadi. Individual rivojlanish jarayonida, shunday tashqi ta'surotlarni takomillashtirish kerak-ki, ular insonning jismoniy mukammalshuvi jarayonida tabiat tomonidan berilgan sharoitlardan maksimal darajada foydalanishiga sabab bo'lsin.

BDSST (VOZ) materiallarida qayt qilinishicha, har biri odamning salomatligiga yaxshi ta'sir etuvchi kundalik hayotdagi jismoniy tarbiya mashqlari hayot sifatini oshiruvchi omil hisoblanadi. Yoshlikda orttirilgan va keyingi hayotdagi shug'ullanib turilgan jismoniy odat organizmni sog'lom va yaxshi faoliyatda bo'lishida zarur sharoit yaratadi. Ko'rsatilgan omillar doimiy ravishda qilingan jismoniy mashqlar yuqori jismoniy tayyorgarlik darajasiga olib keladi, bu holat esa turli kasalliklar profilaktikasi va reabilitatsiyasiga sabab bo'ladi.

Jismoniy tarbiyaning asosiy natijalari sifatida salomatlik, tashqi muhitning salbiy ta'sirlariga organizmning chidamlilik darajasi, tana tuzilishi, ma'lum jismoniy rivojlanish darajasi sifatlari, harakat malakalari va mahoratini ta'minlovchi fiziologik funksiyaning holati shu bilan birga harakatchanlik – insonning jismoniy holati deyiladi. Jismoniy tarbiyaning asosiy ijtimoiy xususiyatlari bo'lib,uning jamiyatda ishlab chiqaruvchidan bog'liqligi, qayta ishlashdagi, mehnatni tashkillashtirish tizimida o'rni va ahamiyati hisoblanadi. Jismoniy tarbiya jismoniy mehnat ta'siri ostida paydo bo'lib, insonnig mehnat faoliyatiga tayyorgarligini o'z ichiga oladi.

Chidamlilikni, tezlikni rivojlantirish mashqlari, harakatlar aniqligi, o'quvchilarning har ikkala jinsi uchun bir xil foydali, lekin o'g'il bolalarga kuchli rivojlantirish uchun, qiz bolalarga esa elastiklikni rivojlantirish uchun qo'shimcha mashqlar zarur. Ko'pchilik o'smir qizlar va voyaga yetgan qizlar jismoniy mashqlarning qadriga yetmaydilar. Ular jismoniy jihatdan yetarli aktiv emas, 10-12 yoshdagi qizlarning jismoniy imkoniyatlari 16-17yoshdagi qizlarga qaraganda goho yuqori bo'lishi bejiz emas, bu ayollar organizmining shakllanishiga salbiy ta'sir etadi.

Jismoniy mashqlar insonni nafaqat jismoniy holatiga ta'sir qiladi, balki uning yanada ruhiy xususiyatlarni mukammallashtiradi, ruhiy jarayonlarni boshqarishni yaxshilaydi, insonni xarakterini mustahkamlaydi. Bu mashqlar jismoniy va ruhiy faoliyatni yakkakurashning bir holatini namoyon etadi. Jismoniy mashqlarni bajarish vaqtida insonlar o'z tabiatini "o'zlashtiradi".

Jismoniy tarbiyada ijtimoiy va biologik omillar o'zaro aloqada bo'ladi. U jismoniy sifatlarni takomillashtirish bilan chegaralanmay, balki dunyoqarashni, inson

sinfiy ongini shakllantiradi. Jismoniy tarbiyaning vazifasi reja bilan tashkillashtirilgan boshqaruvni biologik va ijtimoiy dialektik o'zaro bog'liqlikni shaxsning hamma tomonlama rivojlanishiga ta'sir etishdir. Muntazam sport faoliyatida intilish, obyektib ijtimoiy zaruriyat va alohida talabning yaqqol namoyon bo'lgan yakkakurashidir, lekin sport faoliyatiga talab, biologik emas, balki ijtimoiy zaruriyatga asoslangan.

Jismoniy tarbiyaning kelib chiqishi, pedagogik yo'nalishga asoslanib, insonlarni mehnatga va kiyinchalik harbiy faoliyatga tayyorlash talabi bilan bog'liq. Jismoniy tarbiyaning pedagogik asosi, umumiy ko'rinishi pedagogik ta'sirni mazmunini aholining turli kontingenti, shu jumladan o'quvchi va talabalarni shakl,vosita, usullar, optimizatsiyasi bilan namoyon etiladi. Tirik sistema-bu o'z tuzilishi va faoliyatini ta'minlash uchun oziq-yoqilg'i ishlatiladigan energetik mashinadir. Tirik tizimni farqlovchi asosiy belgilardan –ko'payish, moslashuv (adaptatsiya) va energiya oqimini yoki modda almashinuvini regulyatsiyalash-energetik tizimning faoliyati (modda almashinuvi)ga bog'liq.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati.**

1. Altuxov Yu.P. Ginetichiskiye protsessi v populyatsiyax. M., "Nauka " 1983.
2. Gulyamov N.G., Safarova D.D. Valeologiya faniga kirish so'zi.T. "Fan sportga", 2005, № 1 str. 41-42
3. Nishonboyev K.N., Xamroyev F.A., Eshonqulov O.E., Tibbiyot ginetikasi. T., Abu Ali Ibn Sino nashriyoti 2000.

## РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ ВА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

*Гайбуллаева Ф. СамДУ "Хаёт фаолияти хавфсизлиги" кафедра укитувчиси*

Инсон саломатлиги ҳамма нарсадан устун туради. Саломатликка нисбатан биргина кичик эътиборсизлик,лоқайдлик эртага кечириб ва тузатиб бўлмас хатоларни юзага келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиши мамлакатимиз сиёсатининг энг устувор вазифаси қилиб белгиланган.

Республикамизда соғлом авлодни шакллантириш борасида давлат миқиёсида олиб борилаётган катта ишлар заминида репродуктив тана аъзоларининг функционал ҳолатини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор билан қаралаётганлиги бежиз эмас. Зеро, репродуктив саломатлик – оҳир-оқибатда ҳар бир инсоннинг индивидуал саломатлигини, бутун бир миллатнинг саломатлигини белгилайди. Соғлом бола эса соғлом муҳитда, фаровон ва хар томонлама тўкис оила шароитида ўлғайиши керак. Бунинг учун мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ чора-тадбирлар кўрила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг эълон қилиниши эса "Баркамол авлод" йили Давлат дастурини бажариш юзасидан ва профилактик соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш,энг авалло,қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини

мустаҳкамлаш, ”Соғлом она-соғлом бола” юналишидаги мақсадли вазифани амалга ошириш йўлида хайрли ишлардан бири бўлди. Биргина мана шу эътиборнинг ўзиёқ мамлакатда оналар,болалар соғлиги, соғлом авлод, соғлом келажак манфаатларини уйлаб, теран, оқилона ва узоқни кўриб иш юритилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги ПҚ-1144 сонли “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури туғрисида”ги қарори хам иҳлос, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан бугунги кунда вилоятимизнинг барча туманларидан: оғир экстрагенитал касалликлари аниқланган, хомиладорликлари асоратли кечган, оғирлашган акушерлик ва гинекологик анамнезига эга бўлган,ҳомиласи вақтидан олдин тўғилиб қоладиган,ҳомилада туғма ривожланиш нуқсонлари топилган ҳомиладорлар ва турли перинатал патологиялари бўлган ҳомиладорлар Перинатал марказга юборилмоқдалар.Уларга замонавий технологиялар асосида,юқори даражада самарали ёрдам кўрсатилмоқда.Ўларнинг мақсадлари ва вазифалари қуйдагича белгиланган:

ҳалқаро стандартлар асосида малакали маҳсус юқори технологияли акушерлик,перинатал,неонатал ва гинекологик тиббий ҳизматни амалга татбиқ қилиш;

хомиладор аёлларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш;

чақалоқларга,жумладан ,чала туғилган ва турли паталогиялар билан туғилган чақалоқларга юқори малакали махсус тиббий ёрдам кўрсатиш;

ўсмир қизларга малакали махсус тиббий ёрдам кўрсатиш;

аҳоли репродуктив саломатлигини яхшилаш ва тиббий маданиятини ошириш,соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги дастурда фаол қатнашиш;

замонавий технология ва аппаратлардан доимий фойдаланиш ва модернизациялашни таъминлаш;

амалга оширилаётган ишлар мониторингини ўтказиш,олинган натижаларни синовдан ўтказиш.

Ана шу ёрқин ишлардан бири – ёш авлод таълим-тарбияси,уларнинг хам жисмоний,хам маънавий соғлом бўлиб камол топиши йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардир.Жинсий тарбия репродуктив саломатликнинг мустахкамлашда катта ахамиятга эга.Болалар,ўсмирлар ва ёшларда жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириб бориш,медицина ва педагогика чора-тадбирлари системаси. Жинсий тарбиянинг асосий вазифаси ёш авлоднинг яхши ўсиб-унишига,зурриёт бериш функциясини бекаму-кўст қилиб шакллантиришга,никоҳ ва оилани мустаҳкамлашга ёрдам беришидан иборат.Жисмоний маданият ва спорт ёшларнинг ортиқча куч-кувватини банд қилиб,организмининг ҳар томонлама камол топишига,бақувват бўлишига,уларни иродали қилиб ўстиришга ёрдам бергани учун у билан шуғулланишни кенг пропаганда қилиш керак.Ота-оналар ва педагоглар ёшларни хурмат қилиб,уларнинг фикрлари билан ҳисоблашишлари лозим. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни

тарбиялаш,ёшларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаши ва интелектуал салоҳиятини руёбга чиқаришлари, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган хар томонлама ривожланган шахслар бўлиб камол топишлари учун зарур шарт-шароитлар,аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Репродуктив саломатлигининг асосларидан бўлмиш, қуийдагилардан иборат бўлиши лозим:

-доимо жисмонан ва руҳан пок юриш;
-ўзига раво кўрмаган нарсаларни ўзгаларга ҳам раво кўрмаслик;
-оила ва никоҳ одобномасига риоя қилиш
-зарарли одатлардан (чекиш,спиртли ичимликлар ичиш,гиёҳвандлик)
-фарзандлар тарбияси билан мукаммал шуғулланиш;
-овқатланиш тартиби ва маданиятига амал қилиш;
-шахсий гигиена қоидаларини билиш ва унга риоя қилиш.

Мамлакатимизда амалда оширилган барча чора-тадбирлар оналар ўртасида оғир касалликлар ва ногиронликнинг шунингдек,оналар ва болалар ўлимининг камайиши давлатимиз соғлиқни сақлаш,бу сохада профилактик ишларни кучайтириш,аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом она - соғлом бола, ёш авлодни жисмонан баркамол етиб тарбиялаш сохасида олиб бораётган муҳим ишларнинг самарасидир.

## РОЛЬ СЕМЬИ В ВОСПИТАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ.

*Алимджанов З. Н., ассистент СамМИ*

С самого детства родители стремятся развивать своего ребенка. Причем все чаще и чаще мамы и папы отдают предпочтение развитию духовному, интеллектуальному, отодвигая физические занятия на второй план.

Для правильного развития и воспитания ребенка необходим здоровый образ жизни. Формирование его происходит при соблюдении в семье некоторых условий. Роль семьи при этом велика и занимает лидирующее место. Задача семьи сформировать у ребенка правильное представление о здоровом образе жизни, обеспечить ему условия жизни, способствующие этому, а именно правильному режиму дня, труда, отдыха, сна. Можно выделить несколько вариантов влияния семьи на развитие здорового образа жизни.

Замечено, что дети усваивают образ жизни родителей, их привычки, их отношение к жизни, в том числе к физической культуре. Положительный пример родителей существенно влияет на формирование у детей стремления заниматься физической культурой в свободное время всей семьей. Формы могут быть разными – туристические походы пешком или на лыжах, игры, участие в коллективных соревнованиях.

Вопросы распорядка дня, личной гигиены особенно важны для детей, чей более слабый организм требует повышенного внимания к сохранению здоровья. Вместе с тем, именно в детском возрасте закладываются основные навыки во всем, в том числе и здоровом образе жизни. Личная гигиена подразумевает режим дня, рациональную систему питания, занятия спортом и

закаливание, гигиену зрения и умственного труда, гигиену тела (уход за кожей, зубами, волосами), гигиену одежды, обуви, жилища.

В каждой семье режим дня организуется по-разному, но основной план режима дня должен оставаться постоянным. В первую очередь, это касается сна. Систематическое недосыпание нарушает работоспособность центральной нервной системы, приводит к переутомлению и неврозам. Выработать привычку вовремя ложиться спать под силу только семье, причем самое лучшее, если родители и сами ложатся спать в определенное время, а не засиживаются перед экраном телевизора.

К формам физического воспитания в семье относятся пешие прогулки и походы, плавание, езда на велосипеде и, наконец, просто бег.

Езда на велосипеде оказывает сильное воздействие на сердечно-сосудистую, дыхательную системы, способствует укреплению мышц, особенно ног, стопы. У детей развивается быстрота, ловкость, равновесие, глазомер, координация движений, ориентировка в пространстве, ритмичность, сила, выносливость, повышается вестибулярная устойчивость.

Но на этом роль семьи в формировании здорового образа жизни не заканчивается. Очень важно привить детям знание о том, как правильно питаться, сколько и какие продукты питания необходимо употреблять в пищу, что также закладываются родителями в семье.

Стремление быть здоровым, красивым, успешным в работе тоже является семейной ценностью. Как хорошо, когда в семье все бодры и энергичны, полны жизненных сил, с интересом проводят свободное время, дружно справляются с домашней работой, увлекаются спортом! В семье должно царить убеждение, что свое поведение надо контролировать всегда. Пример в этом подают в первую очередь родители, разговаривая со своими детьми. Какие бы проступки ни совершили дети, в обращении с ними мы должны придерживаться правил эффективного общения. Если мы умеем контролировать себя, наши дети в любой ситуации тоже сумеют отдавать отчет своим поступкам.

Таким образом, ведущими факторами, формирующими здоровый образ жизни и способствующими укреплению здоровья являются рационально организованный режим дня, сбалансированное питание, оптимальный двигательный режим, занятия по физической культуре на открытом воздухе, закаливающие процедуры, соответствующие возрасту ребенка, регулярное качественное медицинское обслуживание, благоприятные гигиенические и санитарно-бытовые условия, а также пример семьи.

Спортивный уголок, созданный дома, помогает родителям разумно организовать досуг детей, способствует закреплению двигательных навыков. Необходимо сделать все возможное для более широкого использования физических упражнений и игр, организации физкультурных уголков дома и во дворе.

Необходимо устраивать вечерние прогулки, после которых у ребенка появляется хороший аппетит, бодрое настроение, дети быстро засыпают и спят более глубоко.

В заключении, можно отметь, что каждый родитель хочет видеть своих детей здоровыми и счастливыми, но не задумывается о том, как сделать, чтобы их дети жили в ладу с собой, с окружающим их миром, с людьми

Если взрослые регулярно занимаются физической культурой и спортом, соблюдают режим, правила гигиены и закаливания, то дети, глядя на них, систематически будут делать утреннюю зарядку, заниматься физическими упражнениями и спортивными играми. Совместные с детьми занятиях спортом, приносят положительные результаты, так как углубляют взаимосвязь родителей и детей; пробуждают у родителей интерес к уровню «двигательной зрелости» детей и способствует развитию у детей двигательных навыков в соответствии с их возрастом и способностями, позволяют с пользой проводить то свободное время, которое мать или отец посвящают ребенку, служат взаимообогащению, способствует всестороннему развитию ребенка.

Список литературы

Бердыхова. Я. Мама, папа, занимайтесь со мной. М: Физкультура и спорт,1990;
Горцев Г. Энциклопедия здорового образа жизни. - М.: Вече, 2001. - 461с.
Оглоблин К.А. Здоровый образ жизни. - Уссурийск, 1998. - 124с.
http://nuz.uz/zdorove/11014-zdorovaya-mat-i-rebenok-opora-strany.html

## ҚАНДЛИ ДИАБЕД КАСАЛЛИГИ.

*Махсудова Н. А. – СамДУ ўқтувчиси.*

Қандли диабет касаллиги кенг тарқалган бўлиб, бутундунё соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан биридир. Бу дард билан оғриганлар сони йилдан-йилга эр юзининг барча жойларида ортиб бормоқда. Бугунги мавзумиз мазкур касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уни аниқлаш тўғрисидадир.

Қандли диабет касаллиги келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш йўллари ва клиник аломатларига кўра турлича бўлган касалликлар гуруҳини бирлаштиради. Бу касалликларнинг барчаси учун хос жиҳат – қон таркибидаги глюкозанинг сурункали ортишидир.

Ҳозирги кунда баъзи ўрганилмаган сабабларга кўра инсулин етишмаслиги юзага келганда касаллик ривожланади. Қандли диабет касаллиги бир неча турга бўлинади. Биринчи тури кўпинча ўсмирлик, ўспиринлик ёшида, семиз бўлмаган беморларда учрайди.

Бундай одамлар организмида ошқозон ости бези бета-ҳужайралари инсулин чиқара олмайди ва уларнинг даволанишида глюкозани пасайтириш мақсадида инсулин препаратлари қўлланилади. Беморларнинг 80-90 фоизида диабет касаллигининг иккинчи тури учрайди.

Бу дардга ёши 35-40 дан ошган, жуда семириб кетган кишилар чалинадилар. Уларда ошқозон ости бета-ҳужайралари инсулинни меъёрида ишлаб чиқарсада, баъзи бир сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайди.

Шунинг учун глюкоза миқдорини пасайтириш мақсадида парҳез, жисмоний ҳаракатлар, хаб дорилар (бигуанидлар, сульфаниламидлар ва бошқалар) қўлланилади. Бу икки асосий турдан ташқари гестатсион диабет ҳам

учраб туради. Гестатсион диабет, яъни ҳомиладорлар диабети, бу ҳомиладорлик даврида биринчи марта аниқланган ҳар хил (глюкозага турғунликнинг бузилишидан, клиник намоён бўлган диабетгача) углеводларга турғунликнинг бузилишидан келиб чиқади. Касалликнинг ушбу тури аёл туққанидан сўнг йўқолиб кетади. Лекин бу ҳолат келгусида аёлларда қайта вужудга келиши мумкин. Бундан ташқари, қандли диабетнинг бошқа махсус турлари ҳам учрайди.

Соғлом кишиларда наҳорда қон таркибидаги глюкоза – 5,5 ммоль/л (100 мг %)дан, овқатлангандан кейин 2 соат ўтгач эса – 7,5 ммоль/л (140 мг %)дан ортмайди, бир суткалик сийдикда одатда қанд бўлмайди. Қандли диабетнинг қайси тури бўлишидан қатъи назар, унда клиник намоён бўлган ҳолати ташҳисини қўйиш учун бармоқдан олинган капилляр қондаги глюкозанинг миқдори наҳорда ёки куннинг исталган вақтида аниқланади.

Агарда наҳорга олинган глюкоза миқдори икки марта 6,1 ммоль/л га тенг ёки ундан юқори бўлса ёки куннинг исталган вақтида олинган қонда глюкоза миқдори 11,1 ммоль/л га тенг ёки юқори бўлса қандли диабет ташҳиси қўйилади.

Бу асоратлар майда томирларда – кўзда ретинопатия, буйракларда – нефропатия, йирик томирларда – юрак ишемия касаллиги, мия томирларида – қон айланишини бузилиши, оёқда – диабет тўпиғи шаклида намоён бўлади. Шундай қилиб, қандли диабет касаллигининг олдини олиш имкони мавжуд. Бунга эришиш учун қандли диабет касаллигини эрта аниқлаш усуллари ва мунтазам равишда қонда глюкоза миқдорини кузатиш самарали ҳисобланади.

Диабет аломатларидан аҳолининг бохабар бўлиши фойдадан ҳоли эмас. Буларга ташналик, оғиз қуриши, тез-тез пешоб ажратиш, сержаҳллик, озиш, чарчаш киради. Яққол намоён бўлган қандли диабет ташҳиси олинган натижаларга кўра, яъни оч қоринга глюкоза миқдори икки марта 6,1 ммоль/л га тенг ёки юқори, исталган пайтда олинган глюкоза миқдори 11,1 ммоль/л га тенг ёки юқори бўлганда бу шахсга қандли диабет ташҳиси қўйилади. Касалликнинг яширин даврини аниқлаш мақсадида махсус синама, яъни – глюкозага турғунлик синамаси ва шифокор тавсиясига кўра бошқа текширувлар ўтказилади.

Қандли диабет касаллиги ривожланиш эҳтимоли бўлганлар қаторига қуйидаги ҳомиладор аёллар киради:

- ўтмишида ҳомиладорлар диабети касаллиги ёки глюкозага турғунликнинг бузилишибўлганаёллар;
- вазни 4000 граммдан ортиқ бола туққанлар;
- яқин авлодида қандли диабет касаллиги бўлган аёллар;
- аввалги ҳомиладорликларда жиддий асоратлар билан туққан аёллар;
- ривожланишида туғма нуқсонлари бор бола туққан аёллар.

Қандли диабет касаллигининг олдини олиш касаллик турига қараб ўзгача бўлиши мумкин.Қандли диабет касаллиги биринчи турининг олдини олиш иммунитетга таъсир этувчи воситалар (азотиоприн, тсиклоспорин) касаллик яққол намоён бўлмаган босқичда, яъни диабет касаллиги олди ҳолатида қўллаш самараси юқори ҳисобланади. Бунда меъда ости безининг

инсулин чиқарувчи ҳужайралари эмирилиши секинлашади. Диабет касаллигининг олди ҳолатида қонда инсулин ишлаб чиқарувчи ҳужайраларга қарши аутоантителолар аниқланади, наслий мойилликни аниқлаш учун эса қонда баъзи бир антигенлар текширилади.

Бундай шахсларда юқорида келтирилган дорилардан ташқари баъзи бир бошқа чораларни қўллаш ҳам тавсия қилинади (инсулин ишлаб чиқарадиган ҳужайраларнинг антигенга чидамлилигини ошириш, Т ҳужайрали вактсина қўлланилиши, инсулин билан даволаш, гўдакни она сути билан эмизиш ва ҳоказолар). Энг муҳими, қандли диабет касаллиги биринчи турининг олдини олиш илк навбатда унга эрта ташҳис қўйиш имкони билан боғлиқ. Ҳозирги кунда касалликнинг биринчи турини олдини олиш чора-тадбирлари топилмаган, шунга қарамасдан айтиш мумкинки, касалликдан келгусида халос бўлиш умиди йўқ эмас.

Шу ўринда болаликдан бошлаб меъёрида овқатланишни ўрганиш керак. Соғлом ҳаёт тарзига амал қилиш қандли диабет касаллиги иккинчи тури олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Ҳомиладорларда диабет ташҳисини хавф гуруҳида текширувлар ўтказиб эрта қўйиш жуда муҳимдир. Ўз вақтида аниқланмаган углевод алмашинуви бузилиши унинг бартараф этиш чора-тадбирлари ўтказилмаган ҳолда она соғлигига ва бола ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шундай қилиб ҳозирги кунда қандли диабет касаллигининг олдини олиш имкони бор. Ушбу жараёнда нафақат соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари, балки кенг аҳолининг иштироки ҳам мақсадга мувофиқдир. Шундагина касалликнинг олдини олишга эришган буламиз.

## ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

*Исмоилова Г.Ш. II-тоифали биология фани ўқитувчиси Навоий тиббиёт коллежи Халилова З.Н. Биология фани ўқитувчиси Навоий кончилик коллежи*

Ҳозирги кунда экологик муаммо дунё мамлакатлари олимлари олдида турган энг катта муаммолардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг
55-моддасида кўрсатилганидек : «Ер,ер ости бойликлари,сув,ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликлар,улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадур».

Инсон табиат маҳсули, у табиат билан чамбарчас боғлик. Шунинг учун хам ҳар кандай ўзгаришлар инсон организмига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Бугунга келиб сувнинг, ҳавонинг ифлосланиши, ҳатто истеъмол қилинадиган мева – сабзавот ва озиқ – овкат маҳсулотларининг экологик тоза эмаслиги анча ташвишлидир. Доимо сиҳат – саломат бўлишимиз учун аввало покиза макон, беғубор табиат, соф ҳаво, табиий тоза неъматлар, хуллас вужудимизга, руҳимизга шифо бахш этувчи омиллар зарурдир.

Қишлок хужалигида ишлатилаётган кимёвий моддалар (дефолиантлар, гербицидлар, инсектицидлар, зооцидлар, фунгицидлар ва бошқалар), хамда маданий уғитлар (азотли селитра, корбомид, калийли, фосфорли уғитлар) дан меъёрида фойдаланмаслик, автотранспортлардан ажралиб чиқаётган ис гази, углеводородлар, азот оксидлари, альдегидлар, кетонлар, акролеин, қўргошин ва энг ашаддийси бензопрен (хавфли ўсма чақирувчи) кабилар экологик ахволни издан чиқаришга сабабчи бўлмокда.

Саноат тармоқлари ва қишлок хужалигининг ривожланиб бориши ва табиий майдонларнинг кенг микёсда ўзлаштирилиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Натижада, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсининг камайиб кетиши хавфи туғилмокда. Бу эса фауна ва флоранинг генофондини камайишига сабаб бўлмоқда. Ҳар қандай ноёб тур ўсимликлар, нодир ҳайвонларнинг йуқолиб уни тиклаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Шу жумладан, ёввоий ўсимликлар ва камайиб бораётган нодир ҳайвонларни таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўсимликлар дунеси Ердаги ҳаётнинг бирламчи манбаи ҳисобланади.Улар йилига миллиард тонналаб органик модда ҳосил қилади,фотосинтез жараёнида барча тирик организмларни нафас олиши учун зарур бўлган кислородни етказиб беради,инсоннинг кундалик ҳаётида уларнинг аҳамияти жуда катта . Шунингдек,ўсимликлар муҳим табиий-географик омил сифатида ер юзидаги сув оқимига,буғланишига,тупроқда нам сақланишига,атмосферанинг пастки қисмидаги ҳаво оқимига,шамолнинг кучи йуналишига,хайвонларнинг ҳаётига катта таъсир этади,ўсимликлар жамият учун беҳисоб озиқ-овқат,хом-ашё,дори-дармон,қурилиш материали ва бошқа сохаларнинг асосий манбаидир,инсонларга эстетик завк-шавк бериши билан катта аҳамиятга эга.

Лекин шунга қарамасдан Республикамизда ўсаётган айрим ўсимликлардан тартибсиз фойдаланиш натижасида уларнинг турлари камайиб,ноёб усимликларга айланиб боришмокда.Шу жумладан, тогларимизда ўсадиган қимматли ўсимликларимиздан лола,тоғ пиёзи,ровоч,етмакларни ўзбошимчалик натижасида илдизи билан кавлаб олиниши туфайли уларнинг майдонлари йил сайин камайиб бормоқда.Чўл ва адирларда, ўсувчи кўпгина ўсимликлар хам палапартиш фойдаланиш,ёкилги учун куплаб чопилиши окибатида сийраклашиб колди.Бундай ўсимликлар жумласига саксовул,қандим,куёнсуяк,черкез,шувоқ,тоғларда эса бодомча, Зарафшон ва Туркистон
арчаларини киритиш мумкин. Ноёб усимликларни асраб-авайлаш уларни кўпайтириб келгуси авлодларга мерос килиб қолдириш хар биримизнинг мукаддас
бурчимиздир.

Ҳайвонларнинг ҳам табиатда,инсон ҳаётида алохида ўрни бор,хайвонлар биологик ресусларнинг ажралмас бир кисми бўлиб,табиатда моддалар ва энергия алмашинувида мухим роль ўйнайди.Жамият тараққиёт қилган сари инсонларнинг ҳайвонот дунёсига салбий таъсири ҳам ортиб бормоқда, натижада кўпгина ҳайвон турлари бутунлай йуколиб кетди,баъзи ҳайвонлар

сони сезиларли даражада камайиб кетмоқда.Бунга мисол килиб Ўрта Осиё чўлларида тувалоқ,бедана,оқбовур каби қушларнинг хонгул,жайрон каби сут эмизувчиларнинг сони кескин камайиб кетганлигини кўрсатиш мумкин.
Табиатда қирғовул ва товушқонлар сони хам камайиб бормоқда.Табиатга ҳар бир зарар кишиларнинг саломатлигига хам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.
Бугунги кунда кишилар ўртасида юрак қон томир хасталиклари,астма,бронхит, аллергик,анкологик касалликларининг купайиши сабабларидан биринчиси ҳам табиат мувозанатининг бузилиши окибатидир.Биргина «озон туйнуги»нинг емирилиши натижасида организмнинг имунитет тизимига салбий таъсир кўрсатиб, турли юкумли касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятининг бузмоқда,турли хил тери касалликларини келиб чикишига сабаб бўлмокда. еро,она-табиат чексиз ва ноёб бойликларга эга бўлиши билан бирга инсон саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Инсонларнинг соғлиги ҳақида қайғуриш, улар ҳаётига хавф солаётган хасталикларнинг олдини олиш, атроф – муҳитнинг тоза бўлишини таъминлаш, сув, ҳаво ва тупрокни муҳофаза қилиш учун мутасадди ташкилотларда анча – мунча ишлар қилинмокда. Аммо табиатни, табиатни қуршаб турган атроф – муҳитни муҳофаза қилиш, унинг мусаффолиги учун курашиш фақат мутасадди ташкилотларнинггина эмас, балки ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир.

Она табиат инъом этадиган табиий бойликларидан тежаб – тергаб фойдаланиш, умуман, атроф – муҳитга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳозирги экологик вазият оғир кулфатни бошидан кечираётган бир пайтда жуда муҳимдир.

Бизнинг соғ – саломат бўлиб, узоқ умр кечиришимиз ҳам атроф – муҳитнинг тозалигига боғлиқ. Агар ҳар бир киши ўзи яшаётган жойнинг озодалигини таъминлаб, дов – дарахтлар ўтказиш ва атрофни кўкаламзорлаштириш сингари хайрли ишларни доимо бажарса у экологик муҳитнинг яхшиланишига шубҳасиз ҳиссасини кўшган бўлади.

Бу хақда ҳадисда шундай дейилган: «Қайси бир мўмин бирор экин экса ёки мевали дарахт ўтқазса – ю, уларни қушлар, инсонлар ёки ҳайвонлар эса, бу унинг учун садақа ҳукмида бўлади». Шундай экан ушбу савобдан ҳар бир инсон бебаҳра қолмасин.

Она ер олдидаги ўз фарзандлик бурчимизни сидқидилдан ўтайлик. Шундагина биз палаги тоза инсонлар бўлиб, она табиатнинг мангу эъзозига сазавор бўламиз. Табиатга, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига нисбатан нотуғри муносабатда бўлишга чек кўйиш, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиз.

## ЖЕЛЕЗОДЕФИЦИТНАЯ АНЕМИЯ

*Курбанова Ф.Н. (СамГУ)*

Сложно найти женщину, которая в течение жизни не сталкивалась бы с неприятным диагнозом – анемия: увы, прекрасный пол по своей природе предрасположен к снижению гемоглобина в крови Этот нерадостный для нас

факт обусловлен рядом причин – начиная от физиологических: ежемесячной потери крови во время менструации; беременности и родов, и заканчивая несбалансированными диетами, направленными на борьбу с лишним весом, но оборачивающимися, в итоге, немалым вредом для собственного организма.

Обладатели этой патологии часто и не подозревают о наличии анемии. При этом у них отмечаются все четкие, классические ее симптомы: слабость, повышенная утомляемость, сонливость, повышенная раздражительность, сердцебиение,головокружение,одышка…

Отличная симптоматика для посещения невропатолога, кардиолога, эндокринолога. Но стоит ли сразу бежать к специалистам узкого профиля, когда банальный общий анализ крови поможет выявить у вас анемию?

Стоит заметить, что нам может грозить столкновение с различными видами анемий: железодефицитной, В12-дефицитной анемией, фолиеводефицитной, а так же анемией при хронических заболеваниях. Именно из-за разнообразия видов анемии, их многочисленности и непохожести, первым шагом в лечении должна быть не самодиагностика, а сдача анализа крови и поход к врачу.

**Причины возникновения железодефицитной анемии** могут быть разными: нередко она развивается при обильных хронических кровотечениях (длительная и обильная менструация), просто при снижение поступления а организм железа или белка (в частности, этому заболеванию подвержены адепты низкобелковых диет). Прием антибиотиков может спровоцировать анемию, вызванную нехваткой витаминов группы В и С. Отсутствие этих же витаминов характерно и на последнем триместре беременности – в этот период также стоит особенно внимательно следить за своим здоровьем. Не стоит забывать и о витаминах группы В12, их дефицит ощущается в организме особенно остро при хронических инфекциях, а также при длительном антибактериальном лечении и, как следствие, интоксикации. Такие неприятные вещи, как глистные инвазии, гастриты с пониженной или повышенной кислотностью и воспалительные заболевания кишечника, также добавляют нам шансов попасть в ряды анемичных барышень.

**Почему же это происходит и как с этим бороться?** По сути, все просто - из всего железа, которое поступает в наш организм, усваивается в среднем лишь 10%, при этом 20% железа организм получает из животной пищи, в то время как из растительной пищи получает только 6% железа. При выявлении патологии стоит обратиться не только к назначенным специалистом препаратам, но и перейти на лечебное питание - оно направленно на восстановление содержания железа и веществ, участвующих в формировании гемоглобина и эритроцитов в крови.

**Основными принципами этой диеты будет баланс необходимых для нашего организма веществ:** необходимо увеличить количество потребляемых белков - они нужны для лучшего усвоения железа, построения эритроцитов и образования соединений гемоглобина; снизить потребление жиров – они, напротив, ухудшают процесс кроветворения, поэтому количество жиров при анемии необходимо снизить. А вот углеводы никакой роли не играют, так что их потребление можно не ограничивать, но все-таки следует избегать

легкоусвояемых углеводов и предпочесть обычному сахару мед, который в свою очередь содержит много важных микроэлементов и витаминов. Необходимо увеличить потребление продуктов, содержащих витамин «С» и «В» и, конечно, потреблять продукты, содержащие железо.

Известно, что не все железо из продуктов всасывается в кишечнике, но увеличить их всасывание можно, потребляя фруктовые соки. Советую обратить внимание на бобовые и зерновые продукты – в них содержание железа немалое, но для их всасывания необходимо значительное количество витаминаС.

**Так какие же продукты нам стоит в свой рацион для профилактики и лечения анемии?** В первую очередь, стоит обратить внимание на продукты с очень большим содержанием железа (3 и более мг) - свиную, куриную, говяжью печень; мясо кролика, ягненка, индейки; язык говяжий. А также крупы - гречневую, пшенную, ячневую, овсяную. Особенно много железа сдержится в чернике. А из фруктов железом богаты персики. Предостаточно железа в икре осетровых рыб.

Не обходим вниманием и продукты просто с большим содержанием железа (2-3 мг). К ним относятся куриное мясо, говядина, скумбрия, горбуша, яйца, листья салата, шпинат, щавель. Из фруктов нам может помочь айва, хурма, яблоки, сливы, абрикосы. Стоит обратить внимание и на хлеб. Но – лишь из муки второго сорта. Свиное мясо, рис, макаронные изделия, лук, укроп, петрушка содержат некоторое количество железа – 1-2 мг. Такое же содержание количества железа есть и в моркови, томатах, свёкле, цветной и белокочанной капусте, редисе, лесных ягодах, арбузе, крыжовнике, черной смородине, в клубнике и черешне. Небольшое содержание железа (ниже 1 мг) есть в рыбе, сырах различных сортов, твороге, картофеле, зеленом горохе, огурцах, тыкве, в винограде и лимонах. Совсем небольшое количество можем найти в молочных продуктах – кефире и сметане. А также в фруктах, особенно, в апельсинах и мандаринах – ими также не стоит пренебрегать: многие продукты с низким содержанием железа улучшают всасывание продуктов с высоким содержанием этого элемента.

Очень важно следить за желудочной кислотностью – ее снижение или повышение приводят к нарушению пищеварения и, соответственно, к нарушению всасываемости необходимых веществ, прежде чем начать лечебное питание следует отрегулировать ее уровень.

## ОИЛАДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Катта ўқитувчи М.Ш.Султанова (СамДАҚИ)*

Бугунги кунда Республикамизда оила турмуш тарзини ўрганиш, оилада соғлом турмуш тарзини яратиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу вазифа ва муаммолар оиланинг соғлом бўлиши, маънавий ва модий фаровонлигини ошириши, фарзандлар тарбиясининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Сабаби, фаол яратувчанликка асосланган турмуш тарзи жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий фаоллик, олий даражадаги фуқаролик сифати, ақлий, маънавий ва жисмонан соғлом, меҳнатда, ўзаро муносабатда, мулоқотда юксак маданиятлилик, салбий ҳодисаларга муросасизлик билан қараш, уларга қарши курашиш, табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш,

атрофдагиларга меҳр-оқибатда бўлиш каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Дарҳақиқат, оилада турмуш тарзини соғломлиги кишиларни жамиятда эгаллаб турган ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки турмуш тарзи кишиларнинг маънавий дунёси билан ҳам узвий боғлиқдир ва уларнинг фикрлаш туйғуси борасида ҳам муҳим ўрин тутади. Кишиларнинг турмуш тарзига мавжуд ижтимоий шарт-шароитлар маълум даражада сезиларли таъсир кўрсатади. Кундалик ҳаёт фаолиятида уларнинг ахлоқий-эстетик қарашлари, хулқи, муомаласи, ҳаётий турмуш тасаввурлари, уларнинг ички дунёсига, эътиқодига сингиб кетади ва турмуш тарзига, фикрлаш тарзига айланади. Турмуш тарзининг энг муҳим ижтимоий томони жамият аъзоларининг ижтимоий меҳнати, ўзаро муносабатлар, оила, кундалик турмушидаги фаоллиги, кишиларнинг жисмоний ва маънавий имкониятларини атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳит билан қай тарзда намоён бўлишидадир.

Бундан ташқари оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали жамиятимиз аъзоларини, айниқса, ёшларни миллий ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларига, шу билан бир қаторда миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқатли қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Ҳозирги ўтиш даврида ёшларни узоқ тарихга эга бўлган маданиятимизни юксалтиришда ҳам оиладаги соғлом турмуш тарзи ўз таъсирини кўрсатади. Мана шуларни инобатга олган ҳолда ҳукуматимиз томонидан оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уни такомиллаштириш учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Чунки кишиларнинг турмуши жамият тараққиётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маданий жиҳатларини ўзида акс эттиради ва бу оиладаги соғлом муҳитни белгилайди. “Соғлом танда соғ ақл” деган халқимизнинг улуғ бир нақли бор. Ҳар бир одам соғлом бўлсагина яхши меҳнат қилиши, илҳом билан ижод қаламини тебрата олиши, еган луқмаси танига сингиши, тиниқиб ухлай олишини билса-да, ўша соғ ҳолатни сақлаш, ҳам вужудга, ҳам ақлга, ҳам руҳга ўз вақтида мадад бериб туриш кераклигини, бу фақат ўзимизнинг манфаатимизга алоқадорлигини баъзан унитиб ҳам қўямиз.

Оилада насл саломатлигига мустақил оилада ота-она бўлишига тайёргарлик борасидаги замонавий билимларни кенгайтириш муҳим вазифалар доирасига киради. Оилада маънавий-руҳий ва тиббий саломатлик негизини яратиш аҳоли тафаккурини соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спорт билан шуғулланиш, хомиладор айёлларга ғамхўрлик қилиш, оила қўръонини ҳам чиройли, ҳам чароғбон давлат ва жамият ташкилотлари иш фаолиятининг бош мавзусига айланади. Ёшлар орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, уларнинг саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашишга касалликлардан фориғ бўлиши ўзининг катта самарасини беради.

Демак, тани соғлиқ халқимиз учун энг муҳим қадриятлардан бўлиши билан биргаликда у ҳар биримизнинг дунёқарашимиз, фалсафамиз, мафкурамизнинг, оқилона турмуш тарзимизнинг ажралмас бўлаги бўлмоғи даркор. Шу боис ҳам давлат дастурининг бандларини синчиклаб ўрганар эканмиз, унда ҳар бир шахснинг ўз саломатлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиши, соғлом турмуш тарзини энг аввало ўзи,

қолаверса яқинлари учун ташкил этишга боғлиқ шарт-шароитлар ўз ифодасини топганлигининг гувоҳи бўламиз. Фуқаролар соғлиғига ҳукуматнинг бундай ғамхўрлиги бирор бир бошқа давлатда йўқ. Давлат дастурида "Соғлом она – соғлом бола" тарбиявий-маърифий дастурини амалга оширишга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар белгиланган. Уларнинг маъноси шундаки, саломатлик, энг аввало, мавжуд муҳитга, одамларни бир-бирларига меҳрли, мурувватли бўлишлари ғамхўрликка ва самимиятига тўлиқ муносабатларига боғлиқ. Шу маънода саломатлик психологик категория бўлиб, унинг шарти ва шароити – соғлом оила муҳитидир. Оилада ота-онага кўп нарса боғлиқ. Улар оиладаги барча ҳодисаларнинг балогардонлари сифатида энг аввало ўз соғлиқларига ўзлари масъул эканликларини унутмасалар, уни сақлашда барча эҳтиёж чораларини ўз вақтида кўргани ҳолда оилавий ҳаётга тўғри муносабатни шакллантира олсалар, мурод-мақсадларига албатта эришадилар. Соғлом одам, у отами, ёки онами, турмуш ва рўзғордаги барча паст-баланликлар, турли вазиятлар, керак бўлса, қийинчиликларга тез мослашиб, улардан оқилона чиқиш йўлларини билиши керак. Оддий оила муҳитида бир нарсадан толиққанда ёки асаб бузилганда, дардимизни айтадиган ҳамдард, яқин кишимиз бўлгани маъқул. Ана шундай ҳаётий фалсафа ва йўналиш билан яшаган инсон албатта, бахтли ва соғ-саломат бўлади. Муҳими, бундай ҳаётий мўлжаллар, жисмоний ва руҳий тетиклик, бардамлик у тарбиялаётган болаларнинг бахти ва келажакка интилишига ишончли замин бўлади. Ана шундай ота-она тарбиялаган фарзандларга ортиқча ўгитлар, тарбиявий тазйиқлар даркор эмаслигини таъкидлаш керак. Чунки инсон ақлини, унинг тафаккурини пешлайдиган, танини соғ, вужудини гўзал қиладиган маънавий озуқани оиласида олган фарзанднинг ўз бахти ва камоли йўлидан оғиб кетишига ишониш қийин. Ҳам жисмонан, ҳам маънан ва руҳан соғлом одам турли ғаламисларнинг кирдикорларига учмай ўз юрти, Ватани ва халқи манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаёт кечиришнинг асосий мезонига айлантиришга боғлиқ тушунча ва тасаввурлар оиладан бошланади. Бу ғояларнинг халқимиз қон-қонига сингиб кетганлиги энг аввало оилаларда сақланиб келаётган ижобий анъаналарда, ота-онадан фарзандларга сингдириладиган ўгитларда, қариндош уруғчилик алоқаларидаги меҳмонавозлик ва ушбу жараёнда орасталик ва озодалик тамойилларига риоя этилишларида, маҳалла-кўйда риоя этиладиган тартиб-қоидалар, хусусан, кўчани, ҳар бир хонадонни озода ва саришта сақлаш одатларига таянган қўни-қўшничилик муомалаларида ўз аксини топади.

Соғлом турмуш тарзини фалсафий-маънавий, психологик мезонларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

оилада, таълим масканлари ва жамоат жойларида ёш қизлар ва аёлларнинг кийинишларига алоҳида эътиборни қаратиш;

оилада ва жамоат жойларида ёшларнинг муомала маданиятини шакллантиришда соғлом турмуш борасидаги халқимизнинг ўзига хос анъаналари ва қадриятларини, оталар ва момолар ўгитларини алоҳида соғлом маънавиятли оилалар тажрибасини ибрат омили сифатида кенг тарғиб этиш;

ёшларни спортга, жумладан, оилавий спортга ижобий муносабатини шакллантиришда мамлакатимизда амалга оширилаётган тадбирлар, оилавий спортчилар анъаналаридан фойдаланиш;

оила аъзоларида, биринчи навбатда ёшлар орасида ҳаёт моҳиятини англаш, умр қадриятини эъзозлаш, ҳаётий фаолиятни оқилона ташкил этиш маданиятини шакллантириш;

ислом фалсафасидаги орасталик ва озодалик тамойилларини омма орасида тарғиб этиш орқали сув, ҳаво, ер ва сув қадриятлари борасида ижтимоий фикрни шакллантириш.

Tarbiyachibolalargatopshiriqniemotsionaltarzdatushuntiradi.Tarbiyachiningizohi bolalarniqiziqtirishi, buninguchuntarbiyachigohoo'yinelementlaridan, o'yinharakatlaridanfoydalanishimumkin.Bolalarko'zo'ngidaquyoncha, ayiqcha, qo'g'irchoq, qorbobovaboshqalarpaydobo'ladi. Ularo'ziuchunsabziyasabberishni, doiratashkilqilishni, o'zlarinipishiriqlarbilanmehmonqilishni, quyonbolalarinitopibberishniso'raydilar.Bundaypersonajlarningkutilmagandapaydobo'lishibolalarnisuyuntiribyuboradi. O'yinchoqlarningharakatlariniko'rib, bolalarsevinibketadilar,

tarbiyachiulargaqarabmurojaatqilayotganidanmamnunbo‘ladi. Agar tarbiyachimashg‘ulotdao‘yinusuliniqo‘llayotganbo‘lsa, u mashg‘ulotdavomidao‘iindaqatnashadiganpersonajto‘g‘risidaoldindano‘ylabqo‘yadi. Masalan, qo‘g‘irchoqmanashundaypersonajrolinibajarib, bolalarqandayishlayotlanligibilan, topshiriqnikimqandaybajarayotganligibilanqiziqibko‘rishimumkin. Keyin u bolalarninghatti — harakatlarinima’qulaydi, ijodiyishlashgaqiynalayotganbolalargayordamberadivaboshqashungao‘xshaganishlarnibajaradi.

Mashg‘ulotdahardoim ham birxildagio‘yinharakatlaridanfoydalanmaymiz, harbirmashg‘ulotoldidanbolalarningruhiniko‘taradigan, kayfiyatiniyaxshilaydigantadbirlartashkilqilamiz.Buninguchunbolalargashe’ro‘qibberishimiz, qo‘shiqaytibberishimiz, topshiriqlarbo‘yichatopishmoqlaraytib, kichkintoylarniqiziqtirishimizlozim.

Tasviriyfaoliyatningharbirturibolalardaaqliyfaollikni, ijodkorlikni, badiiydidnivaboshqafazilatlarnitarbiyalashimkoniniberadi. Bundayfazilatlarsizijtimoiyfaolshaxsningdastlabkiasoslarinishakllantiribbo‘lmaydi. Faoliyatningbarchaturlariboladatasviriyifodaningyangiusullariniizlashgamustaqilyondashishnishakllantiradi.

## MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA TASVIRIY FAOLIYAT MASHG‘ULOTLARI ORQALI IJODIY QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH

*NizomiynomidagiTDPU o‘qituvchisiSh.Xasanova*

O‘zbekistonning kelajak taraqqiyoti, salohiyati, bolalargamaktabgachata’limyoshidanoqmaqsadliravishdata’lim-tarbiyaberish, rivojlantirishvamaktabgatayyorlashgako‘pjihatdanbog‘liqdir. Hozirgikundabolalarningmaktabgatayyorgarlikdarajalarigaqo‘yilayotganjiddiytalablarbuboradazaruriy, nazariyvaamaliychora-tadbirlarniishlabchiqishnitaqozoetmoqda.

«Bolajon» tayanchdasturidabolalarnihartomonlamarivojlantirishvamaktabgatayyorlash (bolalarnijismoniyrivojlantirish, nutqivatafakkurinirivojlantirish, ma’nanrivojlantirish) mujassammashg‘ulotlarorqaliolibborilishijoriyetilganbo‘lib, tasviriyfaoliyat (rasmchizish, loyishi, qurish-yasash, qiriqibyopishtirish) mashg‘ulotlaribirqatorxususiyatlaribilano‘zigaxoslikkasbetadi. Tasviriyfaoliyatmashg‘ulotlariningmaqsadibolalardaatrofdaginarsavahodisalargaestetikmunosabatbildirish, go‘zalikkadahldornarsalarniyaratish (chizish, yasash)ningelementarasoslarinishakllantirishdaniborat. Zero, bolalardaijodiyqobiliyatlarinishakllantirishorqaliularnafaqatboshlang‘ichta’limning "Tasviriysan’at" ta’limigatayyorbo‘libboradi, balkishufaoliyatvositasidao‘z*xalqiningturmush*tarzi, mavjudbadiiyan’analarinianglab*ongli*hisetaboshlaydi. *Shuningdek,* maktabgachata’limmuassasalaridaolib*boriladigan*tasviriyfaoliyatmashg‘ulotlariestetiktarbiyaningdastlabkibosqichisifatidabolalarniaqliyrivojlantirishvaularningbadiiydidi

nitarbiyalash, ijodkorlikqobiliyatinio'stirish, tevarak-atrofdagivatabiatdagigo'zalliklarniko'rabilish, *undan*zavqlanishvaunganisbatanto'g'rimunosabatdabo'lishni, vanihoyatijodiyqobiliyatlarinito'g'rishakllanganbo'lishiningpedagogikkafolatidir.

Tasviriyfaoliyatmashg'ulotiganisbatanbolaqiziqishinioshiribborishuchunularnio'rabturganolam, tabiat, odamlar, jamiyatxayotidagixodisalarxaqidagiko'pginama'lumotlarniberibborishkerak. Bolabilansuxbatqilish, sayrvaekskursiyauyushtirish, tabiatxodisalari, xayvonvaqushlarnikuzatish, rasmliko'rgazmalarvaqiziqarikitoblaro'qishbolatasavvuriniboyitadi. Bolalarnigo'zallikkaoshnoqilish, ulardaxayotiyvoqealarnito'g'ritushunish, oliyjanobxis-tuyg'ularnivaintilishlarnishakllantirishgayordamberadi. Kattalarbolaniatrofganisbatanqiziqishinivamexr-muxabbatinioshirishlarikerak.

Tasviriyfaoliyatestetiktarbiyanishakllantirishbilanbirgabolanichizishmalakasinioshirib, maktabgatayyorlaydivashuasosdaqo'lmuskullarinishakllantiribyozishgao'rgatadi. Nafaqatrasmchilikbalkitasviriyfaoliyatningbarchaturlari: applikatsiya, loy, to'qish, qurish-yasashbolaniqo'lmuskullarinishakllantiradi. Lekinrasmchizishfaoliyatiboshqatasviriyfaoliyatdanfarqlio'laroq, bolaniyozishganisbatantayyorgarliginioshiradi, sababiruchkagayaqinqurollardan (qalam, mo'yqalam) foydalanishxisoblanadi.

Bolalarni maktabga tayyorlashda tasviriy faoliyat katta ahamiyat kasb etadi. Rasm, loy, qurish materialllari bo'yicha bilim, malakalarini egallash maktabda tasviriy faoliyat darslari va mehnat darslarini muvaffaqiyatli egallashlariga asos bo'ladi. Ularni o'quv faoliyatiga tayyorlaydi: pedagogni tinglashga, uning ko'rsatmalarini bajarishga o'rgatadi. Oldiga qo'yilgan vazifani hal etishda, uning asosiy va muhim hal etish yullarini-izlab topish bu o'quv faoliyatning asosiy sababchilaridan biridir. Tasviriy faoliyat jarayonida o'z ishini nazorat qilib borish, maktabda vazifalarni bajarida ham rol o'ynaydi. Shuningdek bola tasviriy faoliyat jarayonida psixologik jihatdan ham tayyorlanib boradi. Maktabda: qiziqishgahohish, yangiliklarnibilishgaintilish, maqsad sari intilish, tartibliholdashug'ullanishvashukabilar. Xulosaqilibayganda, tasviriyfaoliyatjarayonidaolganmalakalarijodiyqobiliyatlarinishakllantirishgaasosbo'ladi.

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА КАДРЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

*Ёрматова Азиза Вохидиллаевна*
*ЎзДЖТУ, Шарқ тиллари кафедрасиўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўрисида"ги ПФ – 4732-сон Фармонининг муҳим йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда қайтатайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил

этилиши замонавий талаблар асосида олий таълим муассасалари педагогик кадрларини, хусусан, чет тили ўқитувчиларини педагогик фаолияти сифатини ошириш, касбий маҳоратини мунтазам такомиллаштириш, таълим бериш борасидаги назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этишни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистоннинг миллий тараққиётида ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бу масалада аниқ йўналишлар асосида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. айниқса, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар диққатга сазовордир. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш педагогдан катта маъсулият талаб этади. Ўз ишига виждонан ёндашган, ўз маъсулиятини ҳар дақиқада ҳис қилган инсонгина педагог даражасига етишиши мумкин. Акс ҳолда, қуруқ билимгина инсонни интеллектуал фикр юритишига камлик қилади.

Бугунги кунда ёш авлод таълим-тарбиясига маъсул педагог кадрлар вақти вақти билан турли малака ошириш дастурларига жалб қилиниши уларнинг билимларини янада ошириш, нафақат ўз соҳалари бўйича, балки АКТ ва инглиз тили бўйича ҳам малака ошириш курсларида таълим олишлари уларнинг малакали педагог бўлиб фаолият юритишларида катта имконият саналади. Чунки, бугунги кун ёшларига таълим-тарбия бериш соҳасида шу вақтгача анъанавий ўқитиш усулларидан фарқли бўлган ноанъанавий ўқитиш усулига ўтиш ҳамда илғор педагогик коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Муҳимлиги шундаки, ёшларга жаҳон миқёси даражасига чиқиши учун кенг имкониятлар яратилган, шунингдек, ўқитиш жараёнида улар кечагидек объект сифатида эмас, балки ўз фикрини эркин баён қила оладиган, керак бўлса педагог билан баҳсга кириша оладиган субъект даражасига кўтарилди(1). Тан олишимиз керакки, ҳозирги ёшларимизнинг компьютер саводхонлиги юқори даражага кўтарилган, интернетга бемалол кира олади, электрон почта тизимларидан фойдаланишни катталардан кўпроқ билади. Ана шундай билимдон, қизиқувчан ёшларга таълим-тарбия бериш педагогдан яхшигина қобилият, юксакбилим ҳамда эътиборли бўлишни талаб қилади. Айни шу мақсадда бугунги кунда педагоглар учун қайта тайёрлов ҳамда малака ошириш курслари ташкил қилиниб, уларда, айниқса, ахборот коммуникацион технологиялари ва хорижий тил (инглиз тили)ни мукаммал ўзлаштиришлари учун кенг имкониятлар яратилган. Тошкент ахборот технологиялари университетида АКТ бўйича малака оишриш курслари замонавий давр талаби даражасида ташкил этилган, шунингдек, инглиз тилини мукаммал ўзлаштириш бўйича Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида қайта тайёрлов ва малака ошириш курслари ташкил этилганлиги ва улар ижобий самарага эришаётганини алоҳида таъкидалб ўтиш лозим.

Қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларида масофавий таълимни ташкил этиш замон талабларининг бирига айланиб бормоқда. Бундай таълим ривожланаётган мамлакатлар учун иқтисодий жиҳатдан маъқулдир, масофадан ўқитиш ташкилий иқтисодий афзалликларга эга. Бугунги кунда, таълимнинг бу тури хорижда жуда оммалашган бўлиб, бизнинг республикамизда эса бу борада

маълум қадамлар қўйилган. Президент қошида очилган “Истеъдод” жамғармасида олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари учун масофавий ўқитиш тренинг курслари, Авлоний номидаги халқ таълими ходимларинималакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти қошидаги масофадан ўқитишни ривожлантириш маркази орқали мактаб ўқитувчилари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари, шунингдек, баъзи вилоят олий таълим муассасаларида муайян ўқув курслар ташкил этилмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, республикамизда, хусусан, олий таълимда чет тилларни ўқитишни интерактив-коммуникатив метод асосида ўқитишни йўлга қўйиш ва такомиллатириб борилишини таъминлаш ҳамда чет тилларни ўқитишнинг масофавий шаклини амалга ошириш борасида ишлар энди амалга оширилмоқда. Таълимнинг ушбу турига катта эътибор қаратилиб, кераклича дастурлар ишлаб чиқилса ҳамда амалда кенг қўлланилиб борилса таълимнинг самарадорлиги янада ошар эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда нафақат қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида, шунингдек, таълимнинг барча босқичларида ўқитишнинг интерактив методлари, ўқув воситаларини мужассамлаштирган, тизимли, режалаштирилган мазмунан бой бўлган масофадан ўқитиш курсларини яратиш орқали таълимда кўзда тутилган самарадорликка эришиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

Карпов Г.В. “Ўқитишнинг техникавий воситалари”, Тошкент, 1974.

www.ziyonet.uz

## TA’LIM-TARBIYA JARAYONIDA O’QUVCHILARNI YUKSAK ODOB-AXLOQ SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI

*H.Xudoyberdiyeva SVXTXQTMOI assistenti*

Insonning g’oyaviy-siyosiy yetukligi va barkamolligi, shaxsning ma’naviy-axloqiy kamoloti o’z vataniga bo’lgan muhabbati, hurmati, sadoqati bilan belgilanadi.

Vatan degan buyuk ilohiy e’tiqodini qalbida to’la-to’kis jo qilmagan insonda imon ham bo’lmaydi. Inson uchun vatan aziz va mo’tabar, vatandan muqaddas va qutlug’roq tuyg’uning o’zi yo’q va bo’lmaydi ham.

Vatan bizning tomirimiz, o’q-ildizimiz, tayanch nuqtamiz, hayotimiz manbaidir. Vatan qiyosi yo’q bebaho boylikdir. Vatan deganda hamisha o’zimiz tug’ilib o’sgan, ta’lim-tarbiya olib voyaga yetgan, necha necha avlod-u ajdodlarimiz yashab o’tgan, ularning aqli-idroklari, mehnatlari sarf etilgan muqaddas yurt ko’z oldimizga keladi. Vatan bu ota yurt, ajdodlar maskani el-yurt, halq voyaga yetgan, uning tili, tarixi, madaniyati, urf-odatlari qadriyatlari chinakamiga shakllanib, chuqur ildiz otib o’sib kamolot topib boradigan zamindir vatan muqaddas qadriyat.

Mustaqillik maktablarimizni davr talabi darajasida keng rivojlantirishni taqozo etmoqda. Ta'lim to'g'risidagi qonun o'qituvchilar oldiga mustaqil fikrlovchi axloqli, intizomli, o'z bilimini uzluksiz boyitib boruvchi yoshlarni tarbiyalash vazifalarni qo'yibgina qolmay bu yuksak vazifani bajirish uchun zamin yaratish choralarini ham belgilab berdi.

Intizom va madaniy xulq normalariga ta'limni tashkil qilish vositasi sifatida qaraladi. Vaholanki, ular vositagina emas ayni vaqtda butun ta'lim tarbiyaviy ishlar natijasidir. Intizom va madaniy xulq normalari dars ehtiyojlaridan, maqsad va mazmunidan kelib chiqishi kerak.

Madaniy xulq normalari o'lchov birligi deb quyidagilarni hisoblashimiz maqsadga muvofiqdir.

1. Ta'lim faoliyatidagi faollik.
2. Ta'lim jarayonida o'quv ishlari bilan band bo'lish.
3. Diqqatning o'quv predmeti mazmuniga qaratilganligi.
4. Muloqotlarning ta'lim predmeti, mazmuniga qaratilganligi.
5. Ta'lim faoliyatiga bog'liq bo'lmagan narsalardan o'zini tiya bilish.

Intizom, madaniy xulq tarbiyasi, shakli metodlarini ularning maqsad va vazifalarini belgilab beradi. O'quvchilarda intizom, madaniy xulq normalarini shakllantirish avvalombor, o'qituvchi bilan o'quvchi shaxslararo munosabatlaridan boshlanadi va bu jarayon, birinchidan, o'quvchi shaxsiga, ikkinchidan, ta'lim predmeti va jarayoniga qaratilgan bo'ladi. Eng muhimi esa o'quvchi shaxsini hurmat qilishga asoslanadi.

O'quvchilarga "actual rivojlanish manbai o'yin" yaqin kelajak rivojlanish ,manbai – o'qish faoliyati o'rtasidagi ziddiyatni to'g'ri hal etish talab qilinadi. Bu ziddiyatni to'g'ri hal qilish, ta'lim jarayonini, sinfdan tashqari mashg'ulotlarni didaktiv o'yinlar bian boyishini bilishga intilish ehtiyojlarini takomonlashtirib borishdab iboratdir.

Inson shaxsining kamol topishi juda murakkab va usluksiz jarayon davomida shakllanadi. Uning tarbiyasiga ota-onasi, maktab, mahalla, do'stlari, jamoat tashkilotlari, atrof-muhit, ommaviy axborot vositalari, tabiat bevosita ta'sir ko'rsatadi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, xalq nazdida, inson ona qornidan yaxshi, yoki yomon bo'lib tug'ilmaydi, u birday tug'iladi. Yaxshi yoki yomonga aylanishi tarbiyadan, dastavval ota-ona, mahalla-kuy, qishloq, ovul, qolaversa, jamiyatimiz tuzumiga bog'liq. Bunda ajdodlar qoldirgan boy me'rosga asoslangan oila pedagogikasi, shuningdek udumshunoslik, qadrshunoslik, elshunoslik an'analari, jamiyatning bu sohadagi sayi-harakatlari hal qiluvchi o'rin tutadi. Ajdodlarimizning ta'kidlashicha, bola boshdan to'g'ri, haqqoniy tarbiyalansa, u kelgusida yaxshi inson bo'lib yetishadi, egri yo'lda tarbiyalansa, yomon kishiga aylanadi. Zero "Ko'chat boshdan, bola yoshdan" maqoliga amal qilish tarbiyaning bosh yo'nalishlaridan biridir. Shu bois, tarbiyaning mayda-chuydasi, ya'ni birlamchi yoki ikkilamchisi bo'lmaydi, hamma narsa hisobga olinadi, har bir soha chetda qolmasligi, ayni chog'da tarbiyaning nihoyatda nozik, injiq, murakkab tomonlari e'tiborga olingan holda, yetti o'lchab, bir kesishga amal qilinadi.

Xalq bisotidagi eng yaxshi tabarruk so'zlar, duo-olqishlar ham tarbiyaga qaratilgan. Mustaqillikga erishib, o'zimizning yorqin milliy istiqlolimizga ega bo'lgach, umuminsoniy va o'zbekona qadriyatlarni har tomonlama chuqurroq anglay boshladik. Mustaqil vatanga har tomonlama yetuk, mukammal, axloqiy pok, ma'naviy ustuvor, imon-e'tiqodi butun, o'z xalqi, o'z ona-Vataniga fidoiy, jismoniy barkamol kishilar qilib yetkazish uchun ularning axloqiy, jismoniy tarbiyasiga alohida e'tibor bera boshladik. Darhaqiqat, Vatan taqdiri, xalq ravnaqi, mustaqil yurtning kelgusi boshqaruvchisi, yangi avlod tarbiyasi birinchi o'ringa chiqdi.

O'qituvchi va tarbiyachilarning maqsad va vazifalari aniq bo'lib, tarbiyaning barcha yo'nalishlari bo'yicha tadbirlarni amalga oshirishlari kerak. Ayni chog'da xayrli, savobli, hayot guli va sarvari egasi bo'lmish insonni yuksak fazilatlar ruhida tarbiyalashdir.

Ushbu kunda o'qituvchi va ota-onalarning burchi farzandlarini Vatanga sodoqatli, mehrli va muruvvatli, muhabbatli, imonli, e'tiqodli, adolatparvar qilib tarbiyalashdan iboratdir. Bunday fazilatlarni o'zida kasb etgan yoshlarimiz, qanday vaziyatda bo'lmasin, hamma vaqt o'ziga to'g'ri yo'l tanlay oladi.

Yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turubdiki, inson ma'naviyatli bo'lishi uchun juda ko'p insoniylik bilimlar sarchashmasidan bahramand bo'lishi, o'z ustida tinmay izlanishi lozim.

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ ВА БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Ҳайитбоев Д.Ж., УрДУ Педагогика факультети декан муовини;*
*Жонибеков Рафаель -4 курс ТС ва МГ толиби*

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим ислоҳотлари "Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади" эканлиги таъкидланади[5]. Дарҳақиқат, ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом, маънан етук шахсни шакллантириш давлатимизда олиб борилаётган ислоҳатларнинг устувор йўналишларидан бўлди.

Бўлажак ўқитувчиларда бошқарув маданиятини шакллантиришнинг асосий мақсади олий таълимни ривожлантириш асосида давлат, жамият ва шахс манфаатларини қондира бориб, юқори малакали, рақобатбардош малакали ўқитувчилар тайёрлашдан иборатдир. Дарҳақиқат бугунги кунда асосий мақсад олий таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор, замонавий, олий таълимда самарали ўқитишни ташкил қилиш ва малакали кадрларни етиштиришни таъминлашга қаратилган. Буни амалга ошириш мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши истиқболлари, жамият талабларига биноан

[5] Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ НМАК, 1997. 31 -б.

фан, техника, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил қилиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш имкониятини беради. Шунингдек бўлажак педагогларни миллий истиқлол ғояси, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мустақиллик ғоялари, Ватан, оила, табиатга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчи, талабалрнинг ўқув амалиётларини янги педагогик ва ахборот технологияларини киритган ҳолда ўтказилишини ташкил этиш ва таъминлаш, олий ўқув юрти, фан ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлашувининг амалий тизимларини яратиш ва амалиётга киритиш, илмий-педагогик кадрлар ва бўлажак педагог талабаларнинг илмий-тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияларни ривожлантириш, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўзаро ҳамкорлик битимлари асосида таълимнинг янги йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва амалга ошириш, ўқитувчилар билан ҳамкорликда дарслик, ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар яратиш, талабаларда касбий бошқарув маданиятини ривожлантиришнинг асосий негизи ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчиларда бошқарув маданиятини шакллантиришда олий таълим йуналишлари буйича ўқитиладиган айрим фанларнинг ўрни бениҳоядир.

**Педагогика** – фанини ўқитиш жараёнида касбий таълим йўналишида педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, педагогика фанининг муҳандис педагоглар тайёрлашдаги назарий асослари, касбий таълим педагогикасининг бошқа фанлар билан алоқаси, касбий таълим методологияси ва илмий тадқиқот методлари, дидактика, тарбия назарияси ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади. **Педагогик маҳорат** – педагогика-психология фанидаги педагогик маҳорат моҳияти, педагогик қобилият ва малакалари, педагогик мулоқати, ўқитувчининг дарсдаги ва тарбиявий ишдаги маҳорати, ўқитувчи маҳоратиниқ, педагогик шарт-шароитларини ташкил этишнинг кўникма ва малакаларини ривожлантиради.[4] **Касбий маҳорат** – фанида касбий маҳоратнинг фалсафий-методологик асослари, касбий маҳоратда изланиш методлари, малакавий билим беришда асосий ривожланиш тизимининг тенденциялари, чет эл касбий маҳорати ҳақида маълумотлар берилади. **Янги педагогик технологиялар** – фанида педагогик технология фанининг мақсад ва вазифалари, янги педагогик ва ахборат технологияларини ўрганиш ва қўллаш, янги педагогик ва ахборат технологиялари, ўқув-тарбиявий жараённи услублари, талабаларга педагогик технология ҳақида тўлик маълумот бериш ва таълим техноголиялари ривожланишининг босқичлари, ўқув машғулотларни лойиҳалаштириш, ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.[4]

Бўлажак ўқитувчиларда бошқарув маданиятни шакллантиришда махсус гуманитар фанларни ўрганиш ҳам диққатга сазавордир. Албатта бу ишларни амалга оширишда узлуксиз таълим турлари, айниқса олий таълим ўқув муассасаларининг аҳамияти беқиёсдир. Чунки ушбу масканда таълим олаётган хар бир талаба фақатгина у ёки бу соҳа мутахассислигига эга бўлибгина қолмай, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топади ва жамиятимиз

ривожланишида фаол иштирок этади. Ўзининг билими, маънавияти, маданияти билан Ўзбекистон тараққиётининг бош йўли бўлган озод ва обод Ватан учун меҳнат қилади. Албатта бундай улкан вазифаларни амалга оширишда олий ўқув юртларида ўқитиладиган «Педагогик маҳорат» фанининг аҳамияти каттадир. Чунки «Педагогик маҳорат» талаба шахсини маънавий шакллантиришда, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашда, уларнинг маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Бошқарув маданиятида - оқилона бошқариш санъати, билим, замонавий концепциялар, илм, талаб технологиялар муҳим аҳамиятга эга. Бошқарув асосини замонавий билимларисиз жамиятни шакллантириб бўлмайди. Таълим тизимида бошқарув - бу якуний натижани олишга қаратилган хатти-ҳаракатлар, усуллар ёрдамида шахсни шакллантиршнинг бутун бир узвий ва узлуксиз, таълим мақсадларига эришиш жараёнидир.

**Адабиётлар**

1. Каримов. И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т .: Маънавият, 2008.- 176б.
2. Ўзбекистон Республикаси ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ НМАК,1997. 31-61б
3.Yo‘ldoshev J.G‘., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari / Qo‘ll. – T.: O‘qituvchi, 2004. – 104 b.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ТЕХНОЛОГИИMOODLE В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ В САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ

*Старший преподаватель, АзизаНугмановна Махмудова*
*Самаркандский Государственный Медицинский Институт*

*«Государственные образовательные стандарты и учебные программы Узбекистана должны интегрироваться и соответствовать образовательным стандартам и программам развитых государств мира, иначе ни о каком качестве образования нельзя говорить... и только при этом возможна подготовка высококвалифицированных, конкурентоспособных кадров, соответствующих всем требованиям мировых стандартов образования и признание наших дипломов развитыми государствами мира ... в образовательный процесс также необходимо внедрить модульные и дистанционныесистемы обучения.»*

***И.А.Каримов***

Прогрессивное развитие высшего медицинского образования в Республике Узбекистан, вызванное специальными потребностями общества и интеграцией в мировое образовательное пространство, обусловило изменение главных ориентиров образовательной деятельности в медицинских ВУЗах. Одной из важнейших черт современного процесса является его технологичность. Расчлененность обучения на этапы, уровни, определение эффективных способов сочетания приёмов, методов обучения, применение мультимедийных технологий, мастерство преподавателя – всё то на практике

может создавать необходимые условия для внедрения современных технологий обучения. В этом случае меняется не только содержание педагогической и учебной деятельности, но и происходят существенные преобразования в структурах учебной информации и формах передачи для усвоения студентами, в частности при модульном образовании

Основной сущностью технологии модульного обучения является то, что обучающийся более самостоятельно может работать с предложенной ему индивидуальной программой, включающей в себя целевой план действий, банк информации и методическое руководство по достижению поставленных дидактических целей.

Важнейшими компонентами модульного обучения является модульная программа, модуль, обучающие и контролирующие тесты, опорные конспекты, методические указания и разработки, презентации и ситуационные задачи, картинки, видеоматериалы, глоссарий, учебники и другая литература в электронном виде.

«Модульное обучение» реализует учебные и смысловые модули. Следует отметить, что в современной педагогике модульное обучение определяется как организация учебного процесса, при котором учебная информация разделяется на модули. Совокупность смысловых и нескольких модулей позволяет раскрыть содержание учебной темы или всей учебной дисциплины.

В Самаркандском Государственном медицинском институте на протяжении 4 лет все учебные дисциплины преподаются и оцениваются в соответствие с применением новых обучающихся технологий, одной из которых является модульное обучение. Каждый студент и преподаватель имеет индивидуальный доступ, то есть логин и пароль для посещения сайта и подготовки к самостоятельной работы, после и во время занятий. На семинарских и практических занятиях студенческая работа оценивается ежедневно в онлайн режиме, что автоматически регистрируется в данной системе и выставляется в онлайн журнал. Следует отметить, что по окончанию каждого модуля студент сдает общие итоговые тесты по предмету. Также все преподаватели в конце учебного года сдают модуль в онлайн режиме, по тем дисциплинам которые преподают/

15 марта 2016 года СамМИ посетил профессор Гавайского медицинского Университета (США) GregoryMaskarenic, он отметил, что внедренная в институте модульная система организации учебного процесса на сегодняшний день является самой прогрессивной, так как в информационной базе системы электронного образования moodle.sammi.uz размещена образовательная информация объемом более 3.5 терабайт,для получения студентами необходимых знаний. Также особое восхищение вызвала электронная библиотека, где имеются более чем 10000 электронных версии учебников, монографий и учебных пособий, которые помещены на сайте института.

Модульная система обучения в Самаркандском медицинском институте на сегодняшний день имеет основополагающее значение для совершенствования образовательного процесса в медицинском образовании. Растущая потребность населения в высококвалифицированной медицинской

помощи, формирование широкой сети специализированных медицинских служб, значительное улучшение и расширение материально-технической базы учреждений здравоохранения и возрастающая дифференциация медицинской науки – всё это требует совершенствования организованных форм и содержания высшего медицинского образования.

Основные принципы организации подготовки будущего врача основаны на традиционной модели с применением интерактивных методов обучения, при котором додипломное обучение включает изучение студентами большого ряда дисциплин, как теоретических, так и клинических, преподавание которых осуществляется на различных кафедрах. Традиционная модель обучения характеризуется систематическим изучением студентами различных дисциплин на специальных кафедрах, преемственностью обучения, наличием высококвалифицированных педагогических кадров, имеющих глубокие знания по преподаваемой ими дисциплине и занимающихся научной и практической деятельностью, т.е. являющихся специалистами в своей области, возможностью углублённого изучения отдельных дисциплин студентами с перспективой их подготовки в качестве научных кадров.

Существенным достоинством Самаркандского Государственного медицинского института является направленность на глубокую клиническую подготовку студентов. Много времени традиционно и в настоящее время отводится на обучение студентов «у постели больного», на демонстрацию и разбор клинических наблюдений, на освоение практических навыков, что способствует формированию у студента основ клинического мышления. Вместе с тем, быстрое развитие медицинской науки, разработка и внедрение в клиническую практику новых технологий и стремительное расширение спектра лекарственных препаратов определяют неуклонное повышение требования к качеству подготовки выпускников нашего медицинского института, способному удовлетворить потребности меняющегося рынка труда.

Достижение более высокого качества обучения в СамГосМИможет быть обеспеченно только за счёт интеграции науки, образования и инновационной деятельности. Так как, большое значение для совершенствования образовательного процесса в медицинском институте имеет применение новых обучающих технологий, учебные дисциплины ведутся на основе модульного обучения, для которого характерны чёткие формулировки целей, использование активных методов, организация обратной связи, положительное подкрепление, предполагающее усиление мотивации и стимуляции активности обучаемого, подготовка последовательными небольшими этапами, а также свобода выбора темпа обучения. При таком подходе учебные образовательные программы формируются из уже готовых модулей.

При комплексном рассмотрении содержания обучающихся модулей исключается дублирование в изучении предмета, появляется возможность обоснованного введения в учебный процесс элементов научных исследований и проведения научно-исследовательских лабораторных работ.

Взаимосвязь различных форм обучения при модульной организации учебного процесса позволяет целенаправленно управлять научно-методической

работой преподавателя и определять «узкие» места методического или программного обеспечения, лабораторной базы кафедры.

Модульный подход в обучении позволяет более полно удовлетворить потребности творческой личности в образовательной деятельности, поскольку появляется осознанная заинтересованность в получении тех или иных знаний; изменять уровень притязаний (бакалавр, магистр), форсировать или продлевать срок изучения в целом при известной конечной цели; индивидуализировать процесс обучения, осуществлять сотворчество с преподавателем, снизить фактор неудовлетворенности индивида в образовании.

Следует отметить, что переход к модульному обучению предполагает увеличение удельного веса и значения самостоятельной работы в учебном процессе и требует значительного повышения самостоятельности, инициативы, творчества, социально-профессиональной активности будущих медицинских работников. Однако при модульном обучении доля самостоятельной работы может быть различной и её процент не следует рассматривать в качестве категориального показателя. Вместе с тем, и при модульном обучении у студента всегда есть возможность получить помощь, советы и критическую оценку своей деятельности у преподавателя и у других студентов, что позволяет развивать такое личностное качество, как коллективизм и приобрести навыки командной работы. Внедрение модульной системы обучения будет способствовать сближению и интеграции учебных программ и планов разных школ образовательного пространства.

## KASB-HUNAR KOLLEJLARIDA O'QUV AMALIYOTINI TASHKIL ETISH TARTIBI.

*Sohiba Kamolova, Samarqand moliya va iqtisodiyot kollej buxgalteriya hisobi va bank ishi kafedrasi mudiri*

Kasb – hunar kollejlarida o'quv amaliyotlarini to'g'ri tashkil etilishi muhim ahamiyatga ega. Ishlab chiqarish ta'limi – nazariy ta'lim jaroyonida o'rganilgan, umumkasbiy, maxsus bilimlar asosida ish usullari va jaroyonlarini amaliy bajarish bo'yicha ko'nikma hamda malakalarni shakillantirish maqsadida amalga oshiriladi.
Ishlab chiqarish ta'limi uch turga bo'linadi:
O'quv amaliyoti.
Ishlab chiqarish amaliyoti.
Diplomoldi amaliyoti.

O'quv , ishlab chiqarish va diplom oldi amaliyotlarini ma'qbul o'qitish uchun o'qitishning texnik vositalari, eng avvalo moddiy texnik baza, jihozlar, shuningdek o'quv –ishlab chiqarish ob'ektlarining to'g'ri tanlanganligi hal qiluvchi ahamiyatga egadir.

Ushbu amaliyotlarni o'tkazishdan asosiy maqsad –o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini shakillantirib, komil insonlarni , malakali kichik mutaxassislarni yetishtirib berishdir.

Bilim – ob’ektiv olamni idrok etish natijasida xotirada tizimlashtirilgan va mustahkamlangan tasavvurlar hamda o’rganilayotgan ob’ekt haqidagi tushuncha, dalil, xulosa va hukmlar tizimidir.
Ko’nikma –o’quvchilarning mehnat va ish- harakat usullarini ongli hamda to’g’ri bajarishga tayyor bo’lish qobiliyatidir.
Malaka- kasbiy ish- harakat usullarini maqsadga mubofiq maksimal darajada aniq, tez va talab darajasida aniq bajarishdir.

O’quv amaliyotlari- bitta umumkasbiy yoki kasbiy fandagi nazariy bilimlarni amaliy mustahkamlash, ish usullari va jaroyonlarini amaliy bajarib o’rganish bo’yicha ko’nikma hamda malakalarinishakillantirish maqsadida dastur asosida, ta’lim beruvchi nazorati ostida o’quv ustaxona labaratoriyalarida amalga oshiriladi.

Bu amaliyot muhandis – pedagoglar nazorati ostida ma’lum bir tartibda va didaktik maqsadli mashqlar tizimini amalga oshirish orqali bajariladi. Amaliy ta’lim mazmuni fanlar mazmunidan hamda malakali kichik mutaxassis ish o’rni malaka tavsifidan kelib chiqib belgilanadi. Amaliyotlarni ilmiy asosda tashkillashtirishning birinchi sharti - unga asos bo’luvchi o’quv fanlarini o’zlashtirishdir. Shuning uchun “ oldin nazariya , so’ng amaliyot” qoidasiga amal qilish maqsadga muvofiqdir.
Amaliy mashg’ulotlarni ilmiy asosda tashkillashtirishning ikkinchi sharti-ixtisoslik bo’yicha amliy mashg’ulotlar davrida olingan boshlang’ich ko’nikmalardir.

O’quv amaliyoti mashg’ulotlari quyidagi bosqichlarda o’tkaziladi:

1.Tashkiliy qism.
2.Kirish yo’l –yo’rig’i.
3.Joriy yo’l- yo’riq.
4.Yakuniy yo’l –yo’riq.

O’quv amaliyoti mashg’ulotlarining umumiy qabul qlingan ketma-ketligi tanlangan metodga bog’liqdir.

1- Bosqich: Tashkiliy qism
Ta’lim oluvchilar ish o’rinlarining dars boshlanishiga tayyorligi, ta’lim oluvchilar tashqi ko’rinishi, jurnal bo’yicha ta’lim oluvchilar davomatlari tekshiriladi.Ta’lim oluvchilarga kerakli materiallar beriladi.
2- Bosqich Kirish yo’l-yo’rig’i.
Ta’lim oluvchilar dars mavzusi va maqsadi bilan tanishtiriladi. Ushbu mavzuga tegishli o’tilgan nazariy darsdagi bilimlari yuzasidan suhbat o’tkaziladi, ta’lim oluvchilarga savollar beriladi.
Shundankeyin yangi material tushuntiriladi,
Materialni tushuntirish tartibi:
1.Mehnat havfsizligi qoidalariga rioya qilish, ish o’rinlarini tashkil etish, o’quv texnik hujjatlardan, texnik vositalardan va boshqalardan foydalanish bo’yicha ma’lumotlar berish:
2.O’quv – ko’rgazmali qurollar yordamida ish jroyonlarini tushuntirish va ko’rsatish:
3.Uchrashi mumkin bo’lgan xatolar va ularning oldini olish yollarini ko’rsatib o’tish.
3- bosqich: Joriy yo’l-yo’riq va o’quvchilarni mustaqil ishlashlari.

Ushbu bosqichda muhandis-pedagogning joriy yo’l-yo’riq va ta’lim oluvchilarning mashqlari yoki mustaqil ishlari amlga oshiriladi. Nazorat qilish

maqsadida ta'lim oluvchilarning ish o'rinlari aylanib chiqiladi. Bunda ta'lim oluvchilar o'z vaqtidaish boshlashlari va ish o'rinlarini to'g'ri tashkil etishlari kuzatiladi,ishning to'g'ri bajarilayotganligi tekshiriladi. Ayniqsa mehnat hafsizligi qoidalariga rioyaqilinishi doimiy tekshirilishi zarur.

Muhandis –pedagogf ta'lim oluvchilar bajarayotgan jaroyonlarni oraliq nazoratdan o'tkazadi. Ushbu bosqich asosan ta'lim oluvchilarning mustaqil ishlashlariga qaratilganligi sababli , ta'lim oluvchilarning mustaqil ish bajarishlariga individual holda e'tibor berish talab etiladi. Yo'l qo'yilgan xatolar ish joyida bartaraf etilishiga yordam beriladi. Dars mobaynidagi ishlar qabul qilinib, baho qo'yiladi. Iy yo'l –yo'riq bosqichiga mashg'ulotga ajratilgan vaqtning asosiy qismi, yani 60-70 foizi sarflanadi.

4- bosqich .Yakuniy yo'l- yo'riq.

Yakuniy yo'l-yo'riqda guruhning bir kunlik ishiga yakun yasaladi. Guruh ishidagi ijobiy tomonlar va kamchiliklar aytib o'tiladi.

Zarurat bo'lsa , dars materialini ta'lim oluvchilar qanchalik o'zlashtirgannini aniqlash uchun savollar berish mumkin.Bunday savol- javoblar ishda yo'l qo'yilgan kamchiliklar ni tuzatish maqsadida amalga oshiriladi. Mashg'ulotning o'quv va ishlab chiqarish yakunlarini jamoa bo'lib, muhokama etsh maqsadga muvofiqdir, Bu o'z navbatida ta'lim oluvchilarni bajarilgan o'quv ishlari bo'yicha o'z-o'zini tahlil qilish va o'zini baholashga o'rgatishga olib keladi.

Shundan so'ng, muhandis-pedagog xato va kamchiliklarlarni tuzatish yo'llararini ko'rsatishi mumkin.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КУРСАНТЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

*Чирчиқ ОТҚМБЮ Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ва шахсий таркиб билан ишларни ташкиллаштириш кафедраси ўқитувчиси, лейтенант М.Б.Шеров*

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан халқимиз ҳаётида янги давр бошланди. Мамлакатимиз тараққиётининг асоси бўлган кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилашга, уларнинг тарбияси, маънавияти, салоҳиятига хизмат қиладиган мукаммал тизимни шакллантиришга юксак эътибор қаратилмоқда. Бунинг боиси шундаки, кадрлар жамиятни ҳаракатга келтиради, унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётини жонлантиради. Қачонки, раҳбар ходимлар ҳар жиҳатдан намуна бўлса, одамларни ишонтира олса, жамият ривожланади.

Бутун жамиятимизда бўлгани сингари Қуролли Кучларимиз фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар юз бераяпти. Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг кафолати ва асосий рамзларидан бири бўлиб янгидан барпо этилди. Давлатимиз мудофаасини етук ҳарбий хизматчиларсиз тасаввур қилиш қийин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И.А.Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ташкил топганининг 17 йиллик муносабати билан билдирилган мурожаатномасида

«Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади» - деб, ҳарбий кадрларни тайёрлаш муҳим вазифа эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Бу эса ўз навбатида ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини мукаммаллаштиришни талаб этади[6]:

- **биринчидан**, замонавий жанг театрини стратегияси ва тактикасини инобатга олиб, миллий ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсатини устивор тамойилларини белгилаб олиш;

- **иккинчидан**, ҳарбий таълим стандартларини анъанавий ва замонавий қуролли тўқнашувлар характерини инобатга олиб такомиллаштириш;

- **учинчидан**, миллий ҳарбий таълим тизимининг моддий-техник базасини модернизациялаш;

- **тўртинчидан**, ҳарбий касбга йўналтириш-танлаш, яъни касбий танлов тизимини шакллантириб, зарурий диагностик услублар билан таъминлаш;

- **бешинчидан**, ҳарбий амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда муҳим йўналишлар юзасидан (таълим-тарбия, бошқариш, муҳим касбий сифатларни белгилаш, етук ҳарбий хизматчи моделини яратиш, тактик вазифаларни бажариш, ўқув-жанговар жараённи бошқариш ва б. қ.) илмий-ҳарбий тадқиқотлар режасини тайёрлаш ва уни амалга ошириш тартибини аниқлаш;

- **олтинчидан**, узлуксиз ҳарбий таълим тизимини мукаммаллаштириш мақсадида «Ҳарбий таълим-тарбия концепциясини қабул қилиш»;

- **еттинчидан**, ҳарбий-педагог кадрлар илмий салоҳиятини юксалтириш, таълим муассасаларини етук мутахассислар билан таъминлаб, ҳарбий педагог имижини яратиш,

- **саккизинчидан**, амалга оширилаётган мақсадли чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Қуролли Кучлар тизимига илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини кенг татбик этилиши, инсон қалби учун турли характердаги ахборот-психологик курашларнинг олиб борилиши, ҳарбий бошқарув тизимида таҳлилий психологик методлардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Юқорида қайд этилган миллий тараққиётимизнинг галдаги босқичи ёки стратегик вазифаларидан бири бу ҳарбий хизматчиларнинг ақлий салоҳияти юқори бўлиши, мустақил фикр юритиши, бу келажакда ҳарбий хизматчиларни давлат хавфсизлигини таъминлаш ва геосиёсий маконда бевосида ўз мавқейини ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда Республикамизда олий ҳарбий билим юртларидаги таълим тизимини нафақат сақлаб қолмасдан, балки уни ноёб принциплар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Янги ҳарбий таълим жиҳатларига эриш учун ёки босқич самарадорлигини ошириш учун, давлат мудофаасидаги ҳарбий таълим-тарбия тизимини янгидан барпо этиш ва таъминлаш лозим. Бунинг

[6] Каримов И.А. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган табриги // Халқ сўзи, 14 январь 2009й.

учун назарий ва амалий билимлар, илмий қўлланмалар ва дарс бериш методлари, малакали профессор- ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Ҳарбий хизматчиларга таълим бериш жараёнининг асосий парадигмаси бу концептуал маълум билимларга эга бўлишдир, лекин уларни маълум бир типдаги стандарт бўлмаган жараёнларда жавоб берадиган, қарорлар қабул қиладиган даражага етиштириш учун, биринчи ўринда шахс квалификацион характердаги таълимини ривожлантиришдан иборат[7].

Шу боис, Қуролли Кучлар тизимидаги олий ҳарбий билим юртларида ҳарбий таълим-тарбия тизимида педагогик-психологик муаммолар мавжуд булар: фуқароларни ҳарбий хизмат учун танлаш, курсантларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва бошқариш, ҳар бир ҳарбий хизматчи учун ўз устидан ишлаш, ўз саводхонлигини ошириш, касбий аҳлоқ ва талабномаларга қатъий риоя этиш ва хоказолардир.

Юқоридаги талабларни амалга ошириш учун энг аввало шахснинг биологик омиллари ёки психологиясига катта эътиборини қаратишимиз лозим буни Қуролли Кучларимиз профессионаллашувига таъсир этиши ёки этмаслигини исботлашга харакат қиламиз.

Қуролли Кучлар профессионал ҳарбий хизматчиларга эга бўлиши учун биринчи ўринда ҳарбий хизматчининг биологик омилларни синчиковлик билан ўрганиши лозим бу эса унинг шахсига шубхасиз таъсир этади. Ундаги биологик омилларга қўйидагиларни киритишимиз мумкин: саломатлиги, жизмоний ривожланганлик даражаси, тана тузилиши, бўйи, оғирлиги, мускул кучи, ўпканинг хажми ва хоказолар. Бу омиллар воситасида ҳарбий хизматчи бажара оладиган жисмоний зўриқишни аниқлаб олиш мумкин. Ҳарбий хизматчининг саломатлиги, жисмоний аҳволи унинг ишлаш лаёқати ва кайфиятига таъсир этиши мумкин. Унинг ўқиш ва хизматдаги муваффақиятлари, шунингдек, ўртоқлари ҳамда командирлари билан бўладиган муносабатлари учун ишчанлигига ва кайфиятига боғлиқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб ундаги индивидуал-психологик хусусиятларнинг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Масалан инсонни бирон бир нарса ёки ҳодиса мазмунига тушуниб етиши учун, авваломбор у нимадан иборат эканлигини билиши катта аҳамиятга эга. Шу маънода инсон психологияси қўйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган: психологик жараён (ҳиссиёт, ирода), хусусиятлар (темперамент, характер), ҳолатлар (руҳий тушкунлик, кўтаринки кайфият) ва тузилмалар (билим, малака, одат).

Ушбу санаб ўтилган компонентлар ҳар бир ҳарбий хизматчида ҳар хил ривожланган ёки шаклланган бўлади. Мисол, биргина психологик билиш жараёнларини (сезги, идрок, диққат, хотира, тасаввур, хаёл, нутқ) олиб кўрадиган бўлсак, улар ҳам ҳар бир кишида ўзига хос қаёфага эга бўлади. Инсон ҳар хил сезгиларга эга, аммо у ҳар кишида ҳар хил; кимдадир кўриш сезгиси кучли ривожланган, кимдадир заифроқ ва хаказо. Тафаккур ҳам ҳар бир

---

[7] Куранбоев А.С. Ҳарбий мутахассислар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш // Касбий-педагогик маҳоратни ривожлантириш: муаммолар, ечимлар. – Т.: Қуролли кучлар академияси, 2001. –Б. 80-82.

кишига хос бўлиб, лекин ўзининг намоён бўлиши жиҳатидан ҳар кимда ҳар хил бўлади. Кимнингдир тафаккури умумлаштирувчи операцияларни тезкорлик билан бажарса, бошқаларники таҳлил қилиш қобилияти билан ажралиб туради. Шахсдаги психологик реакция ва жараёнларнинг қанчалик тез ёки секин кечиши эса инсоннинг психологик ҳолатини ташкил этади. Шунинг учун бўлажак офицерларни тайёрлашда асосан уларнинг психологик жараёнларини тўғри баҳолай олиш даркор бу эса командирлардан касбий-педагогик маҳоратнинг юқори даражада бўлиш белгисидир1.

Ҳарбий хизматчиларнинг таълим тизимидаги психологик жараён, хусусият, ҳолат ва тузилмаларини билиш, ўрганиш офицерларга тарбиявий ишларни ва ҳарбий хизматни тўғри режалаштришга ёрдам беради. Бу эса келажакда Қуролли Кучлар сафида профессионал ҳарбий хизматчиларни етишиб чиқишига ва Ватанимиз хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар тизимида давом этаётган ислохатларнинг асосий вазифасидан бири бугунги кунда – профессионал кадрлар билан таъминлаш уларни тайёрлаш ва имкониятларидан фойдаланиш.

Бунинг учун эса ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур масала, эса ўзига хос ҳарбий – сиёсий, психологик ахамиятга эга.

Бу ўринда ҳарбий кадрларни танлашда уларнинг қуйидаги асосий сифатлари ва фазилатларига катта эътибор қаратилмоқда.

1. Ватанга садоқати ва муҳаббати, фидойилиги, адолатлилиги, ташаббускорлиги, омилкорлиги ва уддабуронлиги, изланувчанлиги ва янгиликка интилиши, талабчанлиги, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлиги, маънавий етуклиги, хушмуомалалиги, интизомлилиги ва бошқалар.

2. Шу билан бирга, ҳарбий кадрларнинг Ватан ривожи учун ўз вазифа ва мажбуриятларини назарда тутиш лозим:

- мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати олиб бораётган сиёсатни теран англаши ва қўллаб-қувватлаши;
- топширилган вазифа учун жонкуярлиги, масъулияти ҳис этиши, ўз соҳасининг билимдони эканлиги, ўз устида изланиши ва меҳнатсеварлиги;
- ишлаётган лавози бўйича топширилган вазифаларни мукаммал билиши ва пухта бажара олиши;
- вазифаларни амалга ошириш учун бор имкониятларини ишга сола билиши;
- ўзи меҳнат қилаётган соҳани янада ривожлантириш учун аниқ таклифлар бера олиши ва шу масалага оид изланишлари;
- ўз фикрини бошқаларга тушунтира олиши;
- одамлар билан ишлай билиши;
- иш фаолиятининг натижалари;
- турмуш тарзи, оилавий аҳволи, яшаш жойидагилар билан муносабати.

Буларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда ҳарбий кадрни танлаш лозим бўлган талаблардир.

Бу талаблардан келиб чиқган ҳолда ҳарбий кадрларни ҳар томонлама етук ҳозирги ва келажак замон талабларига жавоб беришлари ва уларнинг профессионал, интеллектуалик даражасига эришишлари учун энг аввыломбор таълим, тарбия ва ҳарбий психология масалаларига катта аҳамият бериш лозимлигидан далолат бермоқда.

Таълим ва тарбия мураккаб жараён бўлиб, у ҳарбий хизматчилар онгига шундай таъсир этишни назарда тутадики, шу таъсир остида уларда яна сиёсий онглилик, ҳарбий бурчга садоқат ва Ватан мудофааси учун масъулият ҳисси каби сифатлар шаклланади. Таълимий ва тарбиявий таъсир энг аввало инсоннинг руҳиятига, онгига қаратилган бўлади.

## "ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ" МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

*Кибриё Ҳасанова (СамДУ)*

Мустақиллик йилларида халқимизнинг маънавий-илмий меросини ўрганиш ва унга муносиб баҳо бериш муҳим вазифалардан бирига айланди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: "Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тош ёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглиб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади" (Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Ўзбекистон", 2008. – 30-31-бетлар). Дарҳақиқат, илмий меросимиз мазмунини миллий ва умуминсоний кадриятлар билан бойитилган педагогик ғоялар ташкил этади. Чунки, умуминсоний тафаккур маҳсули бўлган билимларгина инсониятни янги тараққиёт босқичига етаклайди.

Жамият ўз олдига қўйган улкан мақсадларга эришиш учун, энг аввало, баркамол шахсни тарбиялашга оид мукаммал ғояларга мурожаат қилади.

Маълумки ҳар бир давр, ҳар қандай жамият муайян педагогик қарашларга эга бўлиб, жамият тараққиёти ва унда яшовчи инсонларнинг онги, маънавияти, педагогика фанининг тараққиёт даражасига мос тарзда таркиб топади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлинса, шахс таълим-тарбиясининг назарий-амалий асосларини ўзида мужассамлаштирган педагогиканинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш орқали муайян даврда яшаган жамият аъзоларининг маънавияти ва интеллектуал савияси ҳақида фикр юритиш мумкин. Шунинг учун ҳам педагогиканинг тараққиёти жамият ва унда яшайдиган кишилар тараққиётини таъминлайди. Айни вақтда, "Педагогика" фанининг тараққиёти жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий ривожланишни кафолатлайди. Чунки, жамият ҳаётидаги ривожланиш инсоннинг онгли фаолияти натижасидир. Айни вақтда бўлажак мутахасссислар таълим тизимини самарали ривожлантиришлари учун

замонавий педагогик ғоялар ва ёндашувларни ўзлаштиришлари, тадбиқ эта олишлари лозим.

Интерфаол ТТ таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, "ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи"нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Интерфаол ТТ моҳиятига кўра суҳбатнинг "талаба – ахборот-коммуникацион технологиялар" шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Ўқув жараёнининг интерфаол ТТга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто "болалар ўйини" каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада қуйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:

Иш тажрибаси.

Методик малака.

Таянч педагогик-психологик билимлар.

Ташкилотчилик қобилияти.

Дидактик воситалар (ахборот, тарқатма материаллар, дарс жиҳозлари)га эга бўлиш.

Талаба ва талабалар гуруҳи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ишонч ва ҳурматга асосланиши.

Талаба ва талабалар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликка эриша олиш.

Таълим жараёнида демократик ғояларнинг устувор ўрин тутиши.

Ахборотларни тақдим этишда хилма-хил метод, воситаларнинг самарали, ўринли, мақсадга мувофиқ ва ўзаро мосликда қўллашга эришиш.

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол ТТ ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол ТТни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Одатда интерфаол ТТга асосланган таълимий ҳаракатлар қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

1) индивидуал;

2) жуфтлик;

3) гуруҳ;

4) жамоа билан ишлаш.

Интерфаол ТТни қўллаш жараёнида талабалар:

- гуруҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;

- тенгдошлари орасида ўз ғояларини эркин баён қилиш, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этиш;

- муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;

- гуруҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;

- ўз ички имконият ва қобилиятларини тўлиқ намоён қила олиш;

- фикрлаш, фикрларни умумлаштириш ва улар орасидан энг муҳимларини саралаш;

- ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш;

- ўз имкониятлари ва кучига ишонч ҳосил қилиш;

- турли вазиятларда ҳаракатланиш ва мураккаб вазиятлардан чиқа олиш кўникмаларини ўзлаштириш каби имкониятларга эга бўлади

Интерфаол таълим технологиялари:

- талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади;

- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;

- ҳар бир талабанинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;

- ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;

- талабаларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;

- талабаларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади;

- талабаларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;

- талабаларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди.

Интерфаол ТТнинг асосий белгилари қуйидагилардир:

Кўп фикрлилик.

Суҳбат (диалог).

Фикрлашга асосланган фаолият.

Ғояларнинг яратилиши (илгари сурилиши).

Танлаш имкониятининг мавжудлиги.

Муваффақиятли вазиятларни ҳосил қилиш.

Рефлексия.

Интерфаол таълим технолоияларининг асосий тамойиллари қуйидагилар саналади:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.

2. Гуруҳнинг тажрибаси педагогнинг тажрибасидан кўп.

3. Талабалар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.

4. Ҳар бир талаба ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга.

5. Машғулотда талаба шахси танқид қилинмайди (фикр танқид қилиниши мумкин).

6. Билдирилган ғоялар талабаларнинг фаолиятини бошқармайди, балки фикрлаш учун ахборот (маълумот) бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида интерфаол ТТнинг қуйидаги шаклларда амалга оширилаётганлиги барчага маълум:

1. Ижодий топшириқни бажариш.

2. Кичик гуруҳларда ишлаш

3. Тест ўтказиш Қайтар алоқа.

4. Тренинглар ўтказиш.

5. Масофавий таълим.

6. Чигал ёзди" машқларини ташкил этиш Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш Дидактик ўйинлар (ишбилармонлик ва ролли ўйинлар, имитация, тренажёрлар воситасида ташкил этиладиган ўйинлар).

7. Ижтимоий лойиҳа (мусобақа, интервью, форум, акция, томоша ва кўргазма)ларни амалга ошириш.

8. Ижтимоий заҳиралардан фойдаланиш (мутахассисларни таклиф этиш, табиий ва ижтимоий объектларга экскурсиялар уюштириш).

9. Янги материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш (интерфаол маъруза, кўрсатмали қуроллар билан ишлаш, видео ва аудиоматериаллардан фойдаланиш).

Замонавий шароитда Ўзбекистон таълим тизимида интерфаол методлардан кенг ва самарали фойдаланилмоқда.

Хулосалар асосида қуйидаги амалий тавсиялар илгари сурилади:

- таълим жараёнида интерфаол таълим технологияларини қўллаш орқали ОТМда ўқитиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга эришиш;

- республика олий таълим муассасалари фаолиятига ривожланган хорижий мамлакатлар таълими амалиётида қўлланилаётган илғор тажрибалар ва замонавий интерфаол таълим технологияларини самарали татбиқ этиш орқали бу борада педагогларнинг иш тажрибаларини бойитиш ва уларда таълим жараёнини самарали ташқил этишга нисбатан ижодий, инновацион ёндашувни қарор топтириш;

- ОТМда талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда таълим сифатини ошириш ва самарадорлигини таъминлаш йўлида интерфаол таълим технологияларидан самарали, муваффақиятли фойдаланишга доир маҳаллий тажрибаларни тўплаш, уларни оммалаштириш.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

4. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси. – Тошкент: "Fan va texnologiyalar" нашриёти, 2012.

5. Педагогика / Нопедагогик олий таълим муассасалари учун дарслик. У.Иноятов, Н.Муслимов, Д.Рўзиева, М.Усмонбоева. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2013.

6. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2013.

## ТЕХНИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРГА ОҒЗАКИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ф.ф.н.,доц. Ш.Ж.Маматкулова СамДАҚИ*

Маънавий етук фуқаролар юрти бўлган мустақил Ўзбекистон эришаёган муваффақиятларнинг намунаси сифатида бугунги кунда бирнечта тилда бемалол гапира олиш имкониятига эга бўлган ёшлар, талабалар, олимлар кўзга ташланмоқда. Кейинги йилларда фан-техниканинг юксак даражада ривожланиши чет тили ўқитишнинг компьютер тизими орқали амалга оширилиши, аудио-видео ёрдамида ўқитишнинг ташкил қилиниши юзага келди ва бу борада кўплаб ишлар бошлаб юборилди.

Чет тилида мулоқотга ўргатишга бағишланган матнлар талабалар қизиқишига мос равишда танланиши лозим.Табиийки нутқ вазиятлари орқали мулоқотга ўргатиш ўз навбатида муайян тил бирликларини ўзлаштиришни, улардан вазиятга кўра фойдаланиш хам кўзда тутилади. Биргина ижтимоий-маиший мавзудаги нутқ вазиятлари саломлашувни, миннатдорчилик билдиришни, ҳамдардлик билдиришни, қувонч изҳор қила билиш каби кўплаб мулоқот эхтиёжларни ифодаловчи нутқ вазиятида фойдалана олишни кўзда тутадики, энди уларни ўзлаштириш тил ўргатувчиларнинг мулоқот салохиятини шакллантирувчи усул ва воситаларнинг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Бундай вазиятда тил ўрганувчилар ўз нутқларини босқичма-босқич ташкил қилиш йўлларини ўзлаштириб оладилар, бу жараёнда нутқ вазиятига монанд нутқ малакалари шаклланади. Нутқ фаолиятида ўрганиш мажбурий ёндашиш орқали эмас, балки талаба-талаба, талаба-гуруҳ, гуруҳ-гуруҳ, гуруҳ-синф, синф-гуруҳ сингари шаклларда уюштирилган жонли фаолият-мулоқот жараёнида рўй беради. Мулоқотга ўрганишнинг муҳим воситаларидан бири талаба тор фаолиятини гуруҳ шаклида ташкил қилишдир.Айнан мана шундай шароитда талабаларнинг фаол фикр алмашувига, баҳслашувига, бирор матнни эркин муҳокама килишларига кенг имкониятлар очилади. Ҳар қандай ҳолатда ўз гуруҳининг муваффақияти учун ўзини масъул сезади. Талабалар хато гапиришдан чўчимай, ўз фикрларини эркин ифодалашга ўрганадилар. Айнан ана шундай шароитда талабаларнинг гапиришга уриниш салохияти шаклланади.Олий ўқув юртларда хорижий тилларни ўрганишни энг осон, тўғри, қулай қизиқарли рационал йўлларини топиб, талабани унга жалб қила билишимиз керак, талабага шу йўлларни етказа билишимиз керак ва айниқса талабадан уни яна талаб қила билишимиз керак. Нутқ жараёнини тўғри ташкилий равишда ўрганиб ва ўрганиб борилса унда сўзлаётган нутқимиз тушунарли, тўлиқ ва маъноли бўлади. Гуруҳ шаклида мулоқотга ўргатишда

талабаларнинг ҳиссиётларини уйғотишга ҳам алоҳида эътибор берилади, чунки ҳиссиётлар талабанинг фикрлаш, психомотор сезгиларига ижобий таъсир қилувчи энг самарали воситадир. Нутқни ривожлантириш тўғрисида гапирар эканмиз, бу ўринда коммуникатив методни асос қилиб олиш қулай бўлади, бу мулоқот демакдир.

Талабани нутқини ўстириш учун аввало матнларга катта эътибор бермоғимиз шарт. Танлаб олинадиган матнлар кўп қиррали бўлиши шарт ва бу матнни ўқиган талаба эркин мулоқот юргиза олишишига эришиши керак.

Ўйинлар, топишмоқлар, пантомималар, карточкалар орқали ташкил қилинадиган бундай мулоқот таълимни инсонпарварлик руҳида ташкил қилишнинг самарали воситаларидандир. Бундай мулоқот жараёнида кескин руҳий вазиятлар бутунлай бартараф қилинади. Мулоқот жараёнидаги эркин вазият, ўзаро самимий муносабатлар талабаларнинг барча сезгиларига тўлиқ таъсир қилгани ҳолда, уни жонли, қизиқарли ва энг муҳими хотирада сақланиб қоладиган даражада ташкил қилинишига имконият яратади.

Чет тили оғзаки нутқни ўргатишда, энг аввало, янги ахборотларни қабул қилиш ва уларни таълим олувчиларга етказиб бериш учун тегишли кўргазмали қуролллар, айниқса, таълим олувчиларга зарурий тил муҳитини яратишга имкон берувчи аудиовизуал манбалар ва ўқитишнинг бошқа воситаларини бўлиши талаб этилади, техник воситалар билан кам таъминланган аудиторияда эса ушбу мақсадни амалга ошириш жуда қийин кечади.

Оғзаки нутқни ривожлантириш учун сўзларни бир бирига боғлаш учун энг зарур бўлган грамматик материаллар ҳам асосий ўрин тутади. Грамматика нафақат оғзаки нутқда, балки луғат билан ишлашни, ёзувни ўргатишни ҳам ўз ичига қамраб олиши шарт.

Нутқ фаолиятини эгаллашда тил бирликларининг мавҳумот томонлари тафаккурда ақл маҳсули сифатида ўзлаштирилади ва ўрганилаётган нутқ намунаси иштирокида содда назарий тушунча ва таърифлар вужудга келтирилади. Тил ҳодисаси моддийликдан ғоявийлик сари силжиш, бурилиш ясайди. Тил ҳодисаларини бир-биридан фарқлаш, умумлаштириш, ажратиш, қўшиш, системалаштириш каби ақлий амаллар бажарилиши орқали грамматик ҳодисаларни ўзлаштириш нутқ фаолияти жараёнида ўқиган ва тинглаган матндан ахборот олишга, мазмунини тушунишга йўлловчи саволлларга жавоб бериш, олинган ахборотларни билдириш каби ақлий кўникма ва малакаларни таркиб топтиради.Агарда биз грамматик қоидаларга риоя қилмасак, оғзаки нутқ жараёнига тартибсизликлар киришига йўл қўйган бўламиз. Тилда грамматика муҳим ўрин тутади.

Ана шундагина биз мустақил Ўзбекистонимиз учун бугунги информацион асрда керак бўлган етук мутахассисларни тайёрлаб бераолишимиз мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

Комарова Э.П.,Трегубова Б.Н. Эмоциональный фактор,понятие,роль и формы устной речи в обучении иностранному языку. ИЯШ,2000,13.

Коммуникативность обучения в практике. Из опыта работы.Сборник статей.Под ред. Е.И.Пассова-М.,Просвещение 1985г.

## BOSHLANG‘ICH TA’LIMNING ERTAKLARNI O‘QISH DARSLARIDA O‘QUVCHILARDA ILM-HUNAR EGALLASHGA INTILISHNI SHAKLLANTIRISH

*Jumaniyozova Muhabbat Xo‘sinovna- UrDU Boshlang‘ich va maktabgacha ta’lim metodikasi kafedrasi dotsenti, f.f.n.*
*Jumaniyozova Oydinoy- UrDU BT va STI yo‘nalishi 3-kurs talabasi*

Mamlakatimizda demokratik davlat va fuqorolik jamoyati qurish maqsad qilingan va bu amalga oshirayotgan ekan, bu jarayonda yoshlarning o‘rni va roli alohida ahamiyatga ega. Zero, yoshlar bizning kelajagimiz; avlodlardan meros qolgan muqaddas zaminni yuksaltirish, ilg‘or davlatlar darajasiga ko‘tarish ularning bilimi, iste’dodi, jasorati, ma’naviy barkamolligiga bog‘liq. Mamlakatimiz Prezidenti I.A. Karimov ta’kidlaganidek, “Agar iqtisodiy o‘sish, taraqqiyot-jamiyatimizning tanasi bo‘lsa, ma’naviyat-ma’rifat va siyosiy ong yetukligi uning ruhi, aqli va jonidir. Buyuk davlat, buyuk kelajagimizga erishish uchun oqil, ma’rifatli, ayni paytda o‘zining o‘tmishi, ulug‘ qadriyatlari, millati bilan faxrlanadigan va kelajakka ishonadigan insonlarni tarbiyalashimiz kerak.” (1)

Albatta, bu masalaning tamal toshi boshlang‘ich ta’lim jarayonida qo‘yiladi. Shu sababli dastlab maktabga qadam qo‘ygan o‘quvchiga puxta bilim berish bilan birga ularda badiiy asarlar, xususan ertaklar vositasida yuksak ma’naviyat, teran tafakkur, yetuk fahm-farosat shakllantirish asosiy vazifalardan biridir. Chunki “Davlatlarning, xalqlarning taqdirini moddiy boylik emas, intellektual, ya’ni ma’naviy-ma’rifiy boylik hal qiladi”. (2)

Shunday ekan, boshlang‘ich ta’lim davridayoq, yosh avlodni ertaklar dunyosiga olib kirish, shu jarayonda adabiyotning badiiy-estetik ta’siri asosida ularda o‘zlikni anglash, go‘zallikni his qilish, yuksak did va ma’naviyatni shakllantirish katta axloqiy-tarbiyaviy vazifani ado etadi. Bu jarayon nihoyatda mas’uliyatli bo‘lib, ularni zamon talablari darajasida tashkil etgandagina muvaffaqiyatga erishish mumkin.

Boshlang‘ich sinf o‘quv dasturlari o‘qish darslari oldiga o‘quvchilarni yaxshi o‘qish sifatlariga ega etishdek murakkab vazifani qo‘yadi. Bunday vazifalarni to‘laroq amalga oshirishda xalq og‘zaki ijodi materiallari katta ahamiyatga ega. O‘quvchilar tabiatan maqol, topishmoq va ertaklarni sevadilar, ularni zo‘r qiziqish bilan o‘qib o‘rganadilar. Bundan tashqari xalq og‘zaki ijodi qadimdan tarbiya manbai hisoblangan.

Ma’lumki, ertaklar xalq og‘zaki ijodiyotining eng qadimiy ommaviy va keng tarqalgan janrlardan biridir. Ertak atamasi Mahmud Qashg‘ariyning XI asrda yozilgan «Devonu lug‘atit turk» asarida "etuk” shaklida uchraydi va biror voqeani og‘zaki tarzda hikoya qilish ma’nosini bildiradi. (3)

Ertaklarning badiiy shakli va poetikasi o‘ziga xos bo‘ladi. Fantastik uydirmalar, hayot haqiqati bilan aloqador bo‘lib qadimiy tushuncha, urf-odat, marosimlarning o‘zlarini o‘zida aks ettiradi.

O‘zbek xalq ertakchilari repertuarlarida ilm-hunar haqidagi ertaklar anchagina o‘rinni tashkil etadi. Bunday ertaklar boshlang‘ich sinf o‘qish kitobi darsliklaridan ham o‘rin olgan. Xususan, 4-sinf “O‘qish kitobi” darsligining “Xalq og‘zaki ijodi” bo‘limida “Ilm afzal”, “Hunarsiz kishi o‘limga yaqin” ertaklari berilgan.(2) Bu ertakning tarbiyaviy qimmati shundan iboratki, o‘quvchilar undan ilm va hunarning kishi hayotidagi bezak ekanligini bilib oladilar. Ertak bolalarda qahramonlarning xatti-harakatini muhokama qilib, baholash ko‘nikmasini o‘stirishi bilan birga ilmli, hunarli kishilarning baxtli hayot kechirishlariga amin bo‘ladilar.

O‘quvchilar ertakni tahlil qilish jarayonida “Kishilardagi qanday sifatlar sizga yoqdi? (yoki yoqmadi?) Nima uchun”, “... nima uchun jazolandi? (yoki rag‘batlantirildi?)”, “Nima uchun ertakdagi ba’zi qahramonlarga hatto tabiat kuchlari ham yordam beradi? (yoki ba’zilaridan yuz o‘giradi?)” kabi savollarga javob topish jarayonida mushohada qiladilar, muhokama qilib, xulosaga keladilar. (4)

4-sinfda ilm-hunar haqidagi ertaklar o‘qitilganda ertak matni ustida ishlashda tanlab o‘qish, savollarga javob berish, o‘quvchilarning o‘zlari ertak mazmuniga oid savollar tuzib, javob berishlari, reja tuzish, qayta hikoyalash, ijodiy davom ettirish, ertak aytish, qahramonlarni grafik tasvirlash kabi ish turlaridan foydalaniladi.

“Davlat”,”Ilm afzal”, “Hunarsiz kishi o‘limga yaqin” kabi maishiy ertaklarda xalq o‘z hayotini hikoya qiladi, shu sababli o‘quvchilar ertakni o‘qigach, o‘tmishdagi xalq hayotini, o‘y-fikrlari va orzu-istaklarini bilib oladilar.

Bunday ertaklarni tahlil qilish badiiy hikoya tarzida uyushtiriladi. Bolalar o‘qituvchi rahbarligida ertakda qatnashuvchilarning xulq - atvori, ayrim xatti-harakatlarini baholaydilar, ularning bir-birlariga bo‘lgan munosabatlarini aytadilar va shular asosida ayrim obrazlar haqida xulosalar chiqaradilar, ertak rejasini tuzadilar, ertakni rollarga bo‘lib o‘qiydilar.

Ertakni o‘qishga tayyorlash uchun ota-bobolarimiz atrofni, tabiatni, borliqni qanday tasavvur etishlari haqida suhbat o‘tkaziladi. Bunday suhbat ertakdagi badiiy obrazlarni, ularning o‘zaro munosabatlarini, xulq-atvorlari, xarakterlarini to‘g‘ri tushunishga yordam beradi. (5)

Ilm-hunar mavzusidagi ertaklarni o‘qish darslarida asosiy tarbiyaviy vazifa o‘quvchilarda ilm-hunar egallashga yoshlikdan intilishni shakllantirishga qaratiladi. Shuning uchun boshlang‘ich sinflarda ertaklarni oq`ish orqali o‘quvchilarning bilim olish, hunar egallashning inson hayotidagi o`rni masalasi haqidagi tushunchasini kengaytirishga alohida e‘tibor berish lozim. Zero, yurtboshimiz I.A.Karimov ta’kidlaganidek, “Barcha ezgu intilishlarimizning markazida farzandlarimizni ham jismoniy, ham ma’naviy jihatdan sog‘lom qilib o‘stirish, ularning baxti-saodati, farovon kelajagini ko‘rish, dunyoda hech kimdan kam bo‘lmaydigan avlodni tarbiyalash orzusi turadi”.

Zero, inson barkamolligida ustuvor o‘rin egallagan jihatlardan biri ilmli bo‘lishga intilish, bilimga chanqoqlik hisoblanadi. Shu g‘oya “Ilm afzal” ertagida aks ettiriladi.

Bu ertakni o‘rganishdan asosiy tarbiyaviy maqsad o‘quvchilarni ilm olishga qiziqtirish, ilmning inson hayotidagi o‘rnini ko‘rsatish hisoblanadi.

O‘qituvchi ertakni ifodali qilib o‘qib va so‘zlab berar ekan, undagi bu jihatlarga alohida e‘tibor qaratadi. Ertak mazmuniga ko‘ra bir cholning 8 nafar o‘g‘li

va bir nafar qizi bo‘lgan ekan. Qizi juda aqlli, o‘z ziyrak zehni bilan akalaridan ajralib turar ekan.Bir kuni chol qiziga uning akalari ilm olishga qiziqmasligi, o‘z vaqtlarini ot choptirib, shaharma-shahar kayf-usafo bilan o‘tkazayotganliklaridan nolinibdi va bu xususda o‘z qizidan maslahat so‘rabdi. Qiz esa akalarini mehmonga chaqirib, ulardan “Ilm afzalmi yoki davlatmi?” deb so‘rashni, oxirida uning o‘ziga ham shu savolni berishini maslahat beribdi. Chol o‘g‘illarini mehmonga chaqirib ularning har biriga yuqoridagi savolni beribdi.

To‘ng‘ich o‘g‘il otasiga uning borligini, mol-davlatlari yetarli ekanligini, ilm olishga hojat yo‘qligini aytibdi. Keyingi aka-ukalar ham pul-u mol-dunyo bo‘lsa ilm nimaga kerak degan javobni beriblilar. Chol ularning javoblaridan juda xafa bo‘libdi. Oxirgi sakkizinchi o‘g‘il esa “Menga davlat emas, ilm afzal’,- debdi. U o‘ziga mol-davlat tegmasligini, otasining ko‘zi ochiqligida ilm olishga roziligini aytibdi. Shunda eshik orqasida akalari bilan otasining bahs-u javoblarini tinglab turgan qiz kenja kasining javobi to‘g‘riligini, lekin u ham ilmning nima uchun afzalligini aytolmaganligini aytib, bu savolga o‘zi javob beribdi. U agar kishi ilmli bo‘lsa, u aqlli, shirinsuxan, odobli bo‘ladi, bunday odamlarni hamma hurmat qiladi, unga o‘xshashga intiladi debdi. Hamda ilmli odam vafot etsa odamlar donishmanddan ayrildik deb qayg‘uradilar, davlatmand o‘lsa, bir nafsiband odamdan qutuldik deb quvonadilar, shuningdek, boy odam hamisha o‘z mol-davlatidan xavotirda yashaydi, ilm esa eskirmaydi, chirimaydi, mol-mulk esa chiriydi, sovuqda qotadi, olovda kuyadi, shuning uchun ilm afzal deb gapiribdi. Oqila qizni otasi va akalari jim eshitibdilar, qizning haqligini bilib, mehnat qilishga kirishibdilar. Chol esa kenja o‘g‘li va qizini o‘qishga berib, murod-maqsadlariga yetibdilar. Mana shu ertakni o‘qish darsida o‘qituvchi har bir o‘g‘lining javobl;arini tahlil qilib, limning nima uchun afzalligini misollar bilan tushuntirib beradi. Ertak mazmuniga mos keladigan xalq maqollarini keltiradi. “Kuchli birni yengar, bilimli mingni yengar” maqolini izohlab beradi. Ilm egallashga yoshlikdan qunt qilish kerakligini, “Yoshlikda olingan bilim toshga o‘yilgan naqshday” ekanligini, agar vaqt behuda o‘tkazilsa, “So‘nggi pushaymon, o‘zingga dushman” ekanligini tushuntirib beradi. Hadislarda ham “Beshikdan qabrgacha ilm izla” deyilgani bejiz emasligini tushuntiradi. Ertak mazmuni asosida o‘quvchilarning o‘zidan hayotlarida o‘zlari tanigan va bilgan ilmli odamlar haqida gapirib berishni so‘raydi. Bu kabi usullarning qo‘llanishi o‘quvchilar qalbida bilimli bo‘lishga ishtiyoq uyg‘otadi. Ilm inson shuurini yoritishini bilib oladilar.

Har bir avlod oldida insoniyat yaratgan jamiki boyliklarni-bilimlarni o‘rganish, o‘zlashtirish va rivojlantirish vazifasi turadi. Hayot taraqqiyoti va jamiyat rivojini shusiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Bu vazifani amalga oshirishning birdan – bir yo‘li ta’lim standart tizimini tinmay takomillashtirish orqali yosh avlodni ilm – fan asoslari bilan chuqur qurollantirishdir. Zero, ilm olish yo‘lidagi izlanish insonning e‘tiqodi va dunyoqarashini shakllantiradi, ma’naviy – axloqiy kamolot sari yetaklaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

Karimov I.A. Ilmu fan mamlakat taraqqiyotiga xizmat qilsin // Barkamol avlod orzusi.-T.: “Sharq” 1998, 111-bet.

Karimov I.A. Ozod va Obod Vatan, erkin va farovon hayot-pirovard maqsadimiz. – Toshkent: “O’zbekiston”, 2000.

Imomov K., Mirzayev T., Sarimsoqov B., Safarov O. O`zbek xalq og‘zaki poetik ijodi.- Toshkent: “O`qituvchi”, 1990.
Matchonov S., Shojalilov A.va boshqalar. O`qish kitobi. 4- sinf uchun darslik.- Toshkent, “Yangiyo`l Poligraf servis”, 2013.
Qosimova K., Matchonov S., G`ulomova X., Yo`ldasheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o`qitish metodikasi. -Toshkent, «Nosir», 2009.

## TA’LIM-TARBIYA SIFATININI OSHIRISHДA O`QITUVCHINING ROLI

*«QHALTE» kafedrasi assistenti: Adilova. D*

O’zbekiston Respublikasida o’qituvchi kadrlarning ma’naviy qiyofasi, aqliy salohiyati hamda kasbiy mahoratiga nisbatan jiddiy talablar qo’yilmoqda. Chunonchi, bu borada O’zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov quyidagilarni qayd etadi: «Tarbiyachi – ustoz bo’lish uchun, boshqalarning aql-idrokini o’stirish, ma’rifat ziyosidan bahramand qilish, haqiqiy vatanparvar, haqiqiy fuqaro etib yetishtirish uchun, eng avvalo, tarbiyachining o`zi ana shunday yuksak talablarga javob berishi, ana shunday buyuk fazilatlarga ega bo’lishi kerak»[1].

Yuqorida qayd etilgan fikrlardan bugungi kun o’qituvchisi shaxsiga nisbatan qo’yilayotgan talablar mazmuni anglaniladi. O’qituvchi (pedagog) pedagogik, psixologik va mutaxassislik yo’nalishlari bo’yicha maxsus ma’lumot, kasbiy tayyorgarlik, yuksak axloqiy fazilatlarga ega hamda ta’lim muassasalarida faoliyat ko’rsatuvchi shaxs sanaladi.

Ta’lim jarayonini muvaffaqiyatli tashkil etish unga ta’sir etuvchi omillarga bog’liqdir. Bu omillar ichki va tashqi omillardir.

Ichki omillarga diqqatni jalb etish, qiziqish kiradi, ya’ni ta’lim jarayonida o’qituvchining o’quvchilar diqqatini jalb qilishi, turlicha diqqat xususiyatlaridan foydalana olishi, diqqatning barqarorlik va ixtiyoriylik xususiyatini shakllantirishdagi usullardan foydalanib talaba diqqatini rivojlantirib borishdir. Shuningdek, o’quvchilarni ham o’ziga jalb qilish, o’zlashtirishda qiynaladigan, diqqati tarqoq talabalar bilan o’zaro munosabatlar o’rnatishi ta’lim muvaffaqiyatini belgilaydi.O’quvchi har qanday ta’lim jarayonida ham, u o’quvchini qiziqtiradimi, zeriktiradimi undan qat `iy nazar dastur mazmunini egallashga tayyor turishlari, ko’p jihatdan o’qituvchi shaxsiga bog’liqdir.

Shuningdek, ichki omillarga bolaning dangasaligi, sustligi, o’z irodasini tashkil qila olmasligi, layoqatining pastligi ham kiradi.

Tashqi omillarga o’quv materialining mazmuni va shaklini maqsadga yo’naltirish darajasi, talabaning bir sinfda yoki kursda ikki yil qolishi, bir ta’lim muassasasidan ikkinchisiga ko’chib o’tishi, o’qituvchilarni o’zgarib turishi va ularni o’quv jarayoniga munosabati, talabaning kasal bo’lib qolishi kabilar kiradi. Bular talabalarning bilimlarni o’zlashtirishi va uni o`qib olishiga ta’sir qiladi va hatto, o’zlashtirish jarayonini pasayishiga sabab bo’ladi.

Ta’lim-tarbiya sifatinini oshirish ham avvalo, o’qituvchiga, uning bilimi va

mahoratiga, ta'lim-tarbiya jarayoniga, ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarni qo'llay olishiga bog'liqdir. Shuning uchun har bir o'qituvchi o'z ustida tinmay ishlashi va o'zida pedagogik mahoratni shakllantirib va rivojlantirib borishi lozim. Yuksak ma`naviyatli, bilimli, saloxiyatli yoshlarni tarbiyalashda albatta, o'qituvchilarning o'rni ham alohida ahamiyat kasb etadi.

Lekin ta`lim shunday bir ijtimoiy jarayonki, u hamisha davr ruhiga hamohang o'rgarishlarni, takomillashtirishni, tinimsiz izlanishlar olib borishni taqozo etadi.

Ta`lim tizimimizdagi eng muhim vazifalardan biri – O'zbekistonning ta`lim tizimini istiqlol ruhi bilan takomillashtirish, uni o'zimizning mumtoz pedagogik an`analarimiz bilan boyitish, chet el pedagogikasidagi ilg'or jihatlarni o'zlashtirish, yangi-yangi samarali o'quv predmetlarini ta`lim tarkibiga kiritish bilan jahondagi ilg'or pedagogikalardan biriga aylantirishddan iboratdir.

Shu mulohazalardan kelib chiqqan holda ta'lim va tarbiya tizimidagi muvaffaqiyatlar bevosita ta'lim qonuniyatlari va tamoyillari bilan bog'liq ekanligini ta'kidlash lozim.

O'qituvchi faoliyatining muvaffaqiyati avvalo u didaktik prinsip (qonuniyat) larni qanchalik to'g'ri amalga oshirishiga bog'liq. Ta'lim qonuniyatlari bu - o'qitish jarayoniga qo'yiladigan talablar yig'indisidir. *Ta'lim prinsip (tamoyil)* lari deb, ta'limning barcha bosqichlari va hamma predmetlarini o'qitish uchun asos bo'ladigan qonuniyatlar, qoidalarga aytamiz. Ta'lim qonuniyatlari o'quvchi va o'qituvchi orasidagi eng muhim ichki ahamiyatni aks ettiradi.

Ma'lumki, qonuniyat-bu barqaror, zaruriy u yoki bu xodisalar va jarayonlar o'rtasidagi mutanosiblik va muhim aloqa. Ijtimoiy ehtiyojlar va sharoitlar o'quv jarayonining harakteri, uning vazifalari, mazmuni, shakllari: usullari va vositalari qonuniy ravishda aniqlab beradi. Agar o'qitish jamiyat talablarini e'tiborga olmasa, u holda uni, albatta, qayta ko'rish, takomillashtirish kerak. Demak, ta'lim berish, tarbiyalash va o'quvchilarning umumiy rivojlanishlarini bir butunlikda amalga oshirish zarur.

Ifodalangan qonuniy didaktik aloqalarni va o'qitish qoidalarini ilmiy asoslangan o'zaro bog'lanishda qo'llash ko'nikma va malakalarni chuqur, puxta, ongli va ta'sirli o'zlashtirilishini ta'minlaydi. O'qitishni aynan shunday natijaga qaratish uning onglilik, puxtalik, ta'sirchanlik qoidalarini harakterlaydi.

Ta'limning mazmuni hayot, hozirgi zamon fani bilan bog'langan bo'lganligi uchun ham, vazifalarda mamlakatning iqtisodiy rivojlanishini jadallashtirish muammolari, ishlab chiqarishni mexanizatsiyalash, avtomatlashtirish, kompyuterlash kabilar asosida intensivlash o'z aksini topishi kerak.

Har bir o'qituvchi shuni anglab yetishi muhimki, o'quv jarayonini samarali ko'rish - bu, ishda o'zini oqlagan pedagogikqonuniyatlar, qoidalar, didaktik qoidalarni hozirgi zamon sharoitidagi yangi masalalarni xal qilishda ijodiy foydalangan holda, ulardan butunlay va o'zaro aloqada foydalanish demakdir.

O'qitishning muqobil tomonlarini tanlash uchun butun qonuniyatlar birligini va didaktik qoidalarini e'tiborga olish zarur.

O'qitish qonuniyatlaridan uni samarali tashkil qilishga nisbatan muayyan muhim talablar kelib chiqadiki, buni o'qitish qoidalari deb ataladi. O'qitish qoidalarini bilish o'qitishning zarur usullarini yanada ishonchliroq tanlashga imkon

beradi. Ta'lim qoidalari - o'qituvchining faoliyatini va o'quvchilar tomonidan ilmiy bilmlarning o'zlashtirilishi, tegishli ko'nikma va malakalar hosil qilishning asosiy qonun va yo'l – yuriqlarini o'z ichiga oladi. Shu bilan bir vaqtda ta'lim qoidalari har ikkala faoliyatni, ya'ni o'qituvchi va o'quvchi tomonidan o'z oldiga qo'yilgan vazifalarni muvaffaqiyatli amalga oshirish imkoniyatini beradigan bir qancha talablarni ham umumlashtirib beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.Karimov I.A. Buyuk kelajagimizning huququiy kafolati. – Toshkent, Sharq nashriyot-matbaa konserni Bosh tahririyati, 1993
2.A.Munavvarov. Pedagogika. T., "O'qituvchi", 1996 y

## TA'LIM TARBIYADA TAKOMILLIK DAVR TALABI

*O'qituvchi: Xo'jamov X.SamDAQI RashidovaMarg'uba. 204 -Arx*

*Vatanimizning kelajagi xalqimizning ertangi kunimamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi obro'-etiboriavvalombor farzandlarimizning unib-o'sib ulg'ayib qandayinson bo'lib, hayotga kirib borishiga bog'liqdir. Bizbunday o'tkir haqiqatni hech qachon unutmasligimiz kerak.*

Islom Karimov

Azaliy orzuyimiz vatanimiz o'z mustaqilligni qo'lga kiritgach, uni rivojlantirish har jabhada raqobatbardosh muhitni va kadrlarni tayyorlash, o'sib kelayotgan yosh avlodni ongini yanada teran fikr va qarashlarini mustahkam qilish dolzarb masala qilib belgilandi. Bugungi kunda respublikamiz ta'lim tizimi va murabbiylar oldida ulkan vazifa- yoshlarini har tomonlama shakllangan, mustaqil va ijodiy tafakkur sohibi qilib tayyorlash vazifasi turibdi.

Yurtboshimiz Islom Karimov aytganidek "Kelajak avlod haqida qayg`urish, sog`lom, barkamol naslni tarbiyalab voyaga yetishtirishga intilish bizning milliy xususiyatimizdir"[1]. Negaki ertangi kunning istiqboli, bugungi intelektual salohiyatiga, ustoz-murabbiylarning fidoiyliklariga ko'proq bo'g'liq.

Ta`lim tizimimizdagi eng muhim vazifalardan biri – O'zbekistonning ta`lim tizimini , yani jahonda tan olingan va mutlaqo yangi hisoblangan ta'lim turi asosidagi mukammal ta'limni, tarbiya uyg'unligida amalga oshirish barobarida, mumtoz ilmiy pedagogik g'oyalarni kiritish asosida samaradorlikni oshirish. Jahonda tan olingan ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo'llashda uning mazmun mohiyatini anglagan holda amalga oshirish maqsadga muvofiq hisoblanadi va samaradorlik ko'rsatkichlari bilangina asosli hisoblanadi.

Shu o'rinda yosh avlodning manaviy va marifiy tarbiyasiga, xususan shu asosda yangi kadrlarni tayyorlashga alohida e'tibor qaratildi. Bugungi kunda milliy va umuminsoniy qadriyatlarga tayangan holda yuqori ma'naviyatni tarkib toptirish, ayniqsa ta'lim sohasida, birinchi galda tarbiyachilarni tarbiyalash hayotiy zaruriyat hisoblanadi va bu masala alohida, mukammal tahlil hamda tadqiqot asosida o'rganilishi kerak bo'lgan mavzu hisoblanadi.

“Ertangi kunimizning eng katta kuchi, kerak bo’lsa zamini nimaga asoslanadi, degan savolga men yoshlarimiz, yoshlarimiz va yana bir bor yoshlarimizga deb javob beraman”[18].

Shunday ekan, Vatan ravnaqi uchun hormay-tolmay xizmat qila oladigan, bugun vatan tinchligi va taraqqiyoti yo’lida o’z jonini ham ayamaydigan, yoshlarni tarbiyalash vazifasi, ta’lim tarbiya beruvchiga shu qadar masuliyat yuklaydiki, u tomonidan berilayotganta’lim tarbiya o’quvchini bir vaqtning o’zida turli xildagi mafkuraviy xurujlardan ham himoya qila olishni taqazo etadi. Bu vazifa oliy ta’lim konseptsiyasida alohida ta’kidlangan. Pedagogmutaxxassisning malakasi-chuqur umumiy bilim, keng dunyoqarash va kasb tayyorgarligi, kompyuter bo’yicha savodxonligi, o’z bilimini tezlik bilan yangilash va to’ldira olish qobiliyati singari omillardan tashkil topishi, uning intizomi, ma’suliyat, ziyolilik, o’z ishiga, mamlakati mustaqilligiga, vatan va jahon taraqqiyoti yo’lida ezgulik va adolatga sadoqat tuyg’ularini o’zida jamlab va shu bilan bir qatorda o’quvchining qalbi va shuurida ana shunday xusiyatlarni namoyon qila olishi kerakligi, oliy ta’lim konseptsiyasida alohida ta’kidlab o’tilgan.

Bu vazifa va talablar bugungi kunning pedagogida to’la mujassamlangan bo’lishilozim. Zero bilimlarmaskaniga ilk borqadamqo’yganharbiryigitqizdunyoning, hayotningqonunvaqoidalarini, sir asrorlarinio’qituvchidano’rganadi.

“Shu nuqtai nazardan qaraganda, engto’g’riyo’lta’lim-tarbiya tizimini yanada rivojlantirish, yanadamustahkamlashyo’lidir. Biz buyo’ldanhechqachonqaytmaymiz.Yangi-yangimaktablarqurish, zamonaviyo’quvlabaratoriyalarinitashkiletish, kollejlarnibitiribchiqayotganbolalarimiznito’liqishbilanta’minlashmasalalaridoimoe’ti borimizmarkazida turadi.”[19]

Hozirgizamonpedagogo’qituvchisiningasosiyvazifalaridanbirio’zkasbigabo’lga nsadoqatihamdao’zkasbiningyetukmutaxxassisidarajasidabo’lishligitalabetiladi.Profe ssorvao’qituvchiningobro’si-buuningbilimivasalohiyati, talabalaryuragida, qalbidaqoldirgano’chmasizi, yaxshimutaxxassisvashogirdlarnitarbiyalashibilano’lchanadi.Qolaversao’zfaoliyati, sohasidanqat’iynazar, ijodiyjamoalardaishlayolishiiqtisodiyvasiyosiybilimlaregasihamdadarsjarayoniniyang itehnologiyalarvositasibilanboyitishivayoritibberaolishilozim. Chunki, harqandayta’limdargohida u hohmaktab, hohkollejyokiakademiklitseyyoinkioliyta’limdargohidabo’ladimita’limtarbiyaningyu qorisaviyadaolibborilishifaqatpedagogga, uningkasbiytayyorgarligigabog’liq.

O’qituvchishaxsigaqo’yiladiganmuhimtalablardanbirishuki, u o’zio’qiyotganpredmetlarnichuqurbilishi, uningmetodikasinio’zlashtiribolganbo’lishizarur.Predmetnivauningnazariysinichuqur bilishi, uniqiziqarlitarzdadarsjarayonidao’quvchiningongigayetkazibberaolishilozim.Chunkib ugunningilmahli, pedagogmahoratiga ham o’ziningbahosiniqo’yaoladi,

[8] I.A.Karimov: “Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajak yo’lida xizmat qilish-eng oliy saodatdir”. Toshkent, ”MA’NAVIYAT” 2015
[9] I.A.Karimov:”Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch ”.Toshkent,”MA’NAVIYAT” 2008

hamdao’ziningmustaqilfikrinibildiraoladiganyoshlarhisoblanadi.

O’zvazifasihususiyatigako’rao’qituvchitashkilotchilikfazilatiga ham egabo’lmog’ikerak.Buninguchuno’qituvchidatashabbuskorlikvatashkilotchilikqobiliyatiborbo’lishi, hardoimtetik, g’ayratli, o’zkuchivatafakkurigaishonganbo’lmog’izarur.Tashabbuskorvag’ayratlio’qituvchilaro’quvchilarnio’zortidanergashtiraoladivabugunningyoshlarixuddishundaymurabbiylarnio’zlarisaralaboladilar.

Harbirpedagogbundayhususiyatlarniegallashdaengavvalotamaltoshinitahsilolayotganoliyta’limdargohidaoladi.Ta’limjarayonidafanlarbo’yichaamalgaoshiriladigan seminar, amaliy va labaratoriya mashg’ulotlari nazariy bilimlarni mustahkamlashgagina emas, balkiularniamaliyishjarayonidaqo’llashgaimkon ham beradi. Bundaymashg’ulotlartanlagankasbito’g’riekanigaishonchhissiniuyg’otadi. Shubilanbirgao’z-o’zinitarbiyalabborishga, o’zustidatinmayishlashgaharakatetishkasbiyfazilatlarningajralmasqismihisoblanadi.

So’zimso’ngidashunixulosaqilibaytmoqchimanki: Yurtboshimiztakidlaganidek “kelajakyoshlarqo’lida”. Shundayekano’sibkelayotganyoshavlodningma’naviy-marifiydunyosinikengqamrovdato’ldirishjahontalablarigaraqobatbardoshqilibkamoltoptirishlozim. Shu mulohazalardan kelib chiqqan holda ta'lim va tarbiya tizimidagi muvaffaqiyatlar bevosita ta'lim qonuniyatlari va tamoyillari bilan bog’liq ekanligini ta’kidlash lozim. Buning uchun eng avvalo yosh avlodga ta’lim tarbiya berayotgan pedagog hodimlarni keng qamrovli bilim saviyasi bilan bezantirmog’imiz kerak.

## КАДРЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*Мухидова З.Ш.(катта ўқитувчи), Закиров С.Х(доцент).*
*Тошкент давлат аграр университети*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида чуқур назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда танлаган соҳаси бўйича мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, масалага ижодий ёндошган ҳолда муаммоли вазиятларни тўғри аниқлаб, тахлил қилиб, шароитга тез мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Маълумки, ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулотлари пайтида талабаларга етказиш қийин.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади. Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўлларини кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш олий

таълим муассасасаларининг профессор-ўқитувчиларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади[1].

Ўқишнинг бошланғич босқичларида мустақил ишни ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабалари олий таълим талабларига кўникиши қийин бўлади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди.

Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Кимё фанидан талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши лозим:

-ўқиш босқичи;

-талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);

-фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;

-талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси;

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестргача кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларини бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндошишга ўргатиб бориш керак бўлади.

Мустақил ишни ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

Фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;

Семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш;

Маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;

Кўргазмаливоситалар тайёрлаш( жадваллар, чизмалар, макетлар, графиклар)

Тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;

Яшаётган вилоятидаги кимё корхонасида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар тўғрисида реферат тайёрлаш.

Фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда топшириқлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотларида олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилиши керак.

Талабалар мустақил ишини самарали ташкил этишда:

-тизимли ёндашиш;

-барча босқичларини мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;

-бажарилиши устидан қатъий назорат қилиш механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида мажбурий аудитория соатларини қисқартириш кўзда тутилган ва ўқитиладиган кўпчилик фанларнинг умумий соатининг 40 % гачаси мустақил таълимга ажратилган[2].

Сўнгги йиллардаги натижалар шуни кўрсатдики, мустақил ишларни ўз вақтида бажараётган гуруҳ талабаларини кимё фанидан ўзлаштиришлари юқори бўлиб, юқори рейтинг балл олаётган талабаларнинг сони 10-15 % га ошмоқда. Демак, олий таълим муассасаларида кимё фанларини ўқитишда мустақил ишларни ташкил этиш ва уларни дарс билан узвийлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

**Фойдаланилганадабиётлар:**

1. Ходиев Б.Ю., Голыш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности студентов. Мед.пособие. 2008.

2. ЗакировС.Х., Мухидова З.Ш., ПазилбековаЗ.Т., МахмуджановаК.С. ЇЎқув ва илмий ишларнинг самарадорлигини оширишда иннновацион корпоратив ҳамкорликнинг тутган ўрни. Ї Инновационфан – таълим тизимини ривожлантиришининг баркамол авлодни вояга етказишдаги роли ва аҳамияти. Илмий – амалий анжуман мақолалар тўплами. 30 май. ТошДАУ - 2014 й. 103-105 бет.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ҚАДРЯТЛАРИМИЗНИНГ ЎРНИ ВА АХАМИЯТИ.

*СамДАҚИ 201-КТ (ТСваМГ) гуруҳи талабаси Қурбонова Ф.О.*

Мамлакатимиз фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил одимлаб бораётган бугунги кунда ишлаб чиқариш тарихини, ҳар томонлама ўрганиб унинг ҳаётий жиҳатларини билиш баркамол авлод олдида турган муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шуларни назарда тутиб ўтмиш ҳунар-мандчилиги ва уша даврда яратилган буюмлар ҳақида кўпроқ маълумотга
эга бўлиш бугунги ёшларимизнинг миллий қадрятларимизга бўлган муҳаббат хиссини тарбиялашида ижобий таъсир курсатиши турган гап.

Маълумки, ўзбек халқи бутун тарихи давомида ҳунармандчиликнинг жуда кўп турлари билан шуғулланиб келганлиги тўғрисида кўплаб маълумотлар мавжуд. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Марказий Осиё халқлари
ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган халқимиз ҳунармандчилиги, уларнинг келиб чиқиши ва амалда қўлланилиши масалаларни халқимизнинг ўтмиши машғулоти сифатида назарий жиҳатдан ўрганиш ғоят аҳмиятлидир.

Кўпгина тадкиқотчиларимиз ўз асарларида Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда мавжуд ипак, ип-газлама ва гилам тўқимачилиги, кулолчилик, дуродгорлик, темирчилик, мискарлик, каштачилик, кўнчилик ва пойабзалдўзлик каби касбларнинг XIX асрнинг охири ва XX аср
бошларидаги ҳолати ҳақида қисман ахборотлар тарзда бериб ўтганлар.

Ўзбек халқининг ҳунарлари ҳамда уларнинг амалдаги ижодий жараёнини илмий асосда системали ўрганишни мустақиллигимиз қўлга киритилганидан сўнг тадқиқотчиларимиз изчил амалга ошириб келмоқдалар.
Ўзбекистон ҳудудида қадим замонлардан буён яшаб келаётган халқлар ўзининг узоқ тарихий ўтмишига молик касбларига, турмуш тарзи асрлар оша юзага келтирган анъанавий ҳунармандчилигига эга. Улар даврлар таъсири остида ўсиб, миллий услуби касб этиб халқ турмушининг ажралмас бир тармоғига айланиб қолган. У ёки бу касб-ҳунар халқ турмуш тарзининг бирор зарурий эҳтиёжини қондириш, умумий иқтисодий ва маданий ўсиш
даражасини таъминлаш учун хизмат қилган. Ана шу жараёнлар натижасида мазкур касблар такомиллашган. Хусусан чармдан турли хил буюмлар тайёрлаш ҳунари ҳам юқори даражада бадиий дид касб этувчи маданий тармоққа, қадриятимизга айланган.
Бу муҳим ҳолнинг ўз сабаблари бор, албатта. Зеро, Ўзбекистонда қадим замонлардан деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши баробарида бир қатор ҳунармандчилик тармоқлари ҳам юксалган эди. Ҳар бир водий ва ҳар бир шаҳар аҳолисининг ўзига хос касб-ҳунари бўлиб, унинг маҳаллий такрорланмас тармоқлари хўжалик ҳаётининг асосини ташкил этган.
Ўзбек халқ усталарига хос катта маҳорат ва бадиий дид аҳоли эҳтиёжи учун тайёрланган ҳунармандчилик буюмларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бир қатор тадқиқотчиларимиз ишларида, асосан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги ип –газлама ва ипак тўқималари, каштачилик, ёғочсозлик ва кулолчиликка оид касблар ҳамда ана шу ҳунармандчилик соҳаларининг ўз даврида қай даражада равноқ топганлиги ҳақида муҳим илмий фикрлар баён қилиб ўтилган. Шу даврда Самарқанд ва Бухоро кулоллари лойдан пиёла, лаганча, шокоса, хум ва хурмача, товоқ, коса, тоғора ва тоғорача, сархона, кўза ва кўзача, обдаста,  каби рўзғор идишларини; дегрезлар чўяндан ҳар хил ҳажмдаги қозонлар, ерни шудгорлайдиган омоч тиши (лемих), арава ғилдиракларининг ҳалқалари, ўғир даста (келидаста), ховонча, печка плиталари, чироқ, оғир ғилдирак (маховик), чойнак ва бошқа буюмларни ; темирчилар темир ёки пўлатдан қулф, эшик занжири, мих, ёйли мих (скобка), қармоқ, ҳар хил ҳалқалар, қозиқ, узанги, деҳқончилик асбоблари, уйсозлик қуроллари, ўроқ, болта, арра ва аррачалар, пичоқ, паки ва шунга ўхшаган асбобларни; мискарлар ва кандакорлар эса мис ва кумушдан мис-чилим, қумғон, офтоба, чойдиш, чойнак, самовар, кўза, сархум, сатил (челак), лаъли (мис лаган), саври (мис қопқоқ), капгир, туфдон, ғаладон, довул, кашкул, дўлча, исириқдон, мис ғилоф ва бошқа хил идишларни тайёрлашган.

Бухоро кандакорлари тайёрлаган буюмларининг хилма – хиллиги бу ерда ҳунармандчиликнинг кенг ривож топганлигидан ҳам далолат беради.
Дурадгорлар эшик, панжара, илгак, стол, стул, сандал, шкаф, токча, эгар – жабдуқ ва қишлоқ хўжалиги асбоблари ҳамда уй-рўзғор идишларини тайёрлаган ва ёғочдан уйлар солганлар. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозиргача чоп этилган тарихий- этнографик асарларда асосан шаҳар халқининг баъзи ҳунарларигина акс эттирилган, аммо қишлоқ аҳолисининг ҳунармандчилиги етарли ёритилмаган. Бинобарин, ўша даврда Зарафшон қишлоқларида моддий

буюмлар; ип - газлама ва гилам тўқиш, кулолчилик, дуродгорлик, дегризлик, темирчилик, кўнчилик, пойабзалдўзлик ва шунга ўхшаш қатор касблар кенг тарқалганлиги археологик топилма, этнографик дала маълумотлари ҳамда ёзма манбалардан тобора ойдинлашмоқда.

Ўзбек халқининг ҳунарлари турли-туман ҳамда беқиёс кўп бўлган. Бўлар ичида кўнчилик ва пойабзал тайёрлаш қишлоқ аҳолисининг ҳаётида катта ўрин эгаллаган касблардан ҳисобланади. Чунки маҳаллий аҳолини бир неча хил навдаги тери ва хилма –хил турдаги пойабзал билан таъминлаш қишлоқ кўнчилари ва касблари зиммасига тушган.

Узоқ тарихий анъаналарига эга бўлган воҳа аҳолисининг ҳунарлари XIX асрнинг охири ва XX аср бошларига қадар равнақ топган. Шўролар империясининг хукмронлиги туфайли аҳолининг ушбу машғулоти асоссиз равишда тугатиб юборилди. Фақат мустақиллик туфайлигина миллий ҳунармандчилигимизнинг ушбу турлари қайта ўрганилиб, унинг ҳаётий жиҳатлари аҳолининг миллий эҳтиёжини қондирувчи касб сифатида тикланмоқда ва ер юзида шарафланмоқда.

Хулоса қилиб айтадиан бўлсак, мустақиллик туфайли жамиятимиз ҳаётида маънавий қадрятларга, ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси қадриятларига бўлган талаб ошди. Шунинг учун, жамиятда баркамол авлод тарбиясида миллий қадрятларимизни, маънавий меросни нафақат ўқиш-ўргатиш, балки уни янада бойитиш ва келгуси авлодга ҳам етказиб бериш ҳозирги давр талабидир. Ёшларда миллий қадрятларимиз сарчашмаларидан бахраманд бўлиш замини қанчалик қудратли бўлса, уларда ҳалқ ватан ишига фидойилик, ҳаётга соғлом назар билан қараш, улуғ аждодлар анъаналарига содиқлик, меҳнатсеварлик, дўстга меҳрибонлик каби фазилатлар камол топиб бораверади..

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ ВА БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Ҳайитбоев Д.Ж., УрДУ Педагогика факультети декан муовини;*
*Жонибеков Рафаель -4 курс ТС ва МГ толиби*

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим ислоҳотлари “Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади” эканлиги таъкидланади[10]. Дарҳақиқат, ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом, маънан етук шахсни шакллантириш давлатимизда олиб борилаётган ислоҳатларнинг устувор йўналишларидан бўлди.

Бўлажак ўқитувчиларда бошқарув маданиятини шакллантиришнинг асосий мақсади олий таълимни ривожлантириш асосида давлат, жамият ва

[10] Ўзбекистон Республикаси ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ НМАК, 1997. 31 -б.

шахс манфаатларини қондира бориб, юқори малакали, рақобатбардош малакали ўқитувчилар тайёрлашдан иборатдир. Дарҳақиқат бугунги кунда асосий мақсад олий таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор, замонавий, олий таълимда самарали ўқитишни ташкил қилиш ва малакали кадрларни етиштиришни таъминлашга қаратилган. Буни амалга ошириш мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши истиқболлари, жамият талабларига биноан фан, техника, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил қилиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш имкониятини беради. Шунингдек бўлажак педагогларни миллий истиқлол ғояси, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мустақиллик ғоялари, Ватан, оила, табиатга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчи, талабалрнинг ўқув амалиётларини янги педагогик ва ахборот технологияларини киритган ҳолда ўтказилишини ташкил этиш ва таъминлаш, олий ўқув юрти, фан ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлашувининг амалий тизимларини яратиш ва амалиётга киритиш, илмий-педагогик кадрлар ва бўлажак педагог талабаларнинг илмий-тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияларни ривожлантириш, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўзаро ҳамкорлик битимлари асосида таълимнинг янги йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва амалга ошириш, ўқитувчилар билан ҳамкорликда дарслик, ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар яратиш, талабаларда касбий бошқарув маданиятини ривожлантиришнинг асосий негизи ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчиларда бошқарув маданиятини шакллантиришда олий таълим йуналишлари буйича ўқитиладиган айрим фанларнинг ўрни бениҳоядир.

**Педагогика –** фанини ўқитиш жараёнида касбий таълим йўналишида педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, педагогика фанининг муҳандис педагоглар тайёрлашдаги назарий асослари, касбий таълим педагогикасининг бошқа фанлар билан алоқаси, касбий таълим методологияси ва илмий тадқиқот методлари, дидактика, тарбия назарияси ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади. **Педагогик маҳорат –** педагогика-психология фанидаги педагогик маҳорат моҳияти, педагогик қобилият ва малакалари, педагогик мулоқати, ўқитувчининг дарсдаги ва тарбиявий ишдаги маҳорати, ўқитувчи маҳоратиниқ, педагогик шарт-шароитларини ташкил этишнинг кўникма ва малакаларини ривожлантиради.[4] **Касбий маҳорат** – фанида касбий маҳоратнинг фалсафий-методологик асослари, касбий маҳоратда изланиш методлари, малакавий билим беришда асосий ривожланиш тизимининг тенденциялари, чет эл касбий маҳорати ҳақида маълумотлар берилади. **Янги педагогик технологиялар** – фанида педагогик технология фанининг мақсад ва вазифалари, янги педагогик ва ахборат технологияларини ўрганиш ва қўллаш, янги педагогик ва ахборат технологиялари, ўқув-тарбиявий жараённи услублари, талабаларга педагогик технология ҳақида тўлик маълумот бериш ва таълим техноголиялари ривожланишининг босқичлари, ўқув машғулотларни лойиҳалаштириш, ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.[4]

Признание ценности многообразия, в том числе влияние много-образия коллектива на развитие личности (в частности - стремление к построению «обучающегося сообщества»).

Признание права меньшинства (в том числе если и использование стандартов, то с максимально «плавающими» границами).

Внимание к экологическим и этическим границам технологий.

Поддержка инноваций за счет выстраивания деятельности иннова-ционных комплексов вокруг исследователей, работающих с ними педагогов, школ, современных производств…

**Использованные литература:**

Нанообщество Nano-Sosiety
(http://proza.ru/2011/02/13/1646)
Неволнуйтесь, я сейчас все объясню!
М.Эпштейн. Нанопедагогика. СПбГУ, 2013.
Почему человек ведет себя неразумно?
(http://www.svobodanews.ru/content/article/482200.html).

## КУРАШЧИЛАРНИ СПОРТГА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ТАЙЁРГАРЛИК ТУРЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

*Холмуратов Р.Н., ассистент, ТАТУ. Тел:. Электрон манзил:*

Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар жамиятимизнинг ҳамма соҳаларида ўзига хос янгиланишларни

юзага келтирмоқда. Жумладан, узлуксиз таълим тизимида ҳар томонлама шаклланган баркамол авлодни тарбиялашга устувор вазифалардан бири сифатида қаралиб келинаётганлиги юртимизда ўзига хос маънавий, ижтимоий – иқтисодий сиёсат олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, юртимиз равнақини таъминлайдиган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. “Таълим тўғрисида” ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг узлуксизлигини таъминламоқда [1].

Юртимизнинг соғлом ва баркамол авлодлари жаҳон ареналарида улкан муваффақиятларга эришаётганлиги болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, замонавий тайёргарлик тизимини оптималлаштириш ва тайёргарлик вақтидаги инновацион жараёнлар стратегияси, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари аъзолари ва ёш заҳира спортчиларни тайёрлашнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Айни вақтда, спорт натижаларининг бугунги кундаги даражаси мураббийларнинг касбий сифатларига, уларнинг билими ва амалий кўникмаларига юқори талаблар қўяди. Ёшлар спорти, спорт заҳираларини тайёрлашнинг ниҳоятда муҳим базаси ҳамда тарбиянинг универсал воситаси сифатида спортчининг кўп йиллик тайёргарлигини самарали ташкил этишни, ўқув-машғулотларини ташкил этишнинг илғор методлари, восита ва усулларини таълим жараёнига қўллашни тақазо этади.

Спортчининг жисмоний тайёргарлиги - спорт фаолияти учун зарур бўлган жисмоний сифатларни тарбиялаш демакдир. Миллий кураш билан шуғулланувчи спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги бевосита спорт йўналишига эга бўлганлиги учун, айни пайтда организмдаги умумий жисмоний ривожланиш, мустахкамланиш ва чиниқиш билан тамомила боғлиқдир. Тайёргарликнинг бошқа барча томонлари сингари жисмоний тайёргарлик ҳам умумий ва махсус бўлади. Спортчининг махсус жисмоний тайёргарлик кўриши танланган спорт турининг ўзига хос талабларига жавоб бера оладиган жисмоний сифатни тарбиялаш жараёнидан иборатдир [4].

Умумий жисмоний тайёргарлик махсус жисмоний тайёргарлик учун замин яратади, яъни танланган спорт турида камол топиш учун шарт-шароит сифатида кучлилик, тезкорлик, чидамлилик, эгилувчанлик, чаққонликнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Спортчининг жисмоний тайёргарлиги қайси спорт тури бўйича ихтисослашганлигига боғлиқ.

Курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш ва тарбиялашга қаратилган илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, сўнгги вақтларда спорт сохасидаги мутахассисларнинг диққат-эътибори жисмоний тайёргарликнинг энг самарали восита ва услубларини танлаш ҳамда ўрганишга қаратилган. Бундай восита ва услублар талаба спортчи организмининг функционал тизимларига юқори даражада талаблар қўяди, бу тизимларнинг имконияти айнан мусобақа фаолиятининг муваффақиятини белгилаб беради.

Спортчиларнинг машғулот юкламалари жараёни тизимида техник-тактик тайёргарлик, назарий, маънавий-иродавий ва руҳий тайёргарликнинг турли масалаларини ҳал қилиш билан бир қаторда жисмоний тайёргарликни ошириш муҳим ўрин тутади.

Жисмоний тайёргарлик куч, тезкорлик, эгилувчанлик, чидамлилик, чаққонликнинг ривожланишини таъминлаш билан бирга, спортчидаги ҳаракатланиш меъёри, тезкорлик тузилмасининг шаклланишига, оқилона спорт техникасининг мустаҳкамланишига ҳам имконият яратади. Кўпчилик муаллифлар жисмоний сифатларни ўзаро бир-бири билан шу даражада боғлаганларки, улардан бирини ривожлантирмасдан туриб юксак спорт даражасига етишиш мумкин эмаслигини қайд этиб ўтишган [2].

Кўпчилик мураббийларнинг спорт курашига доир фикрларини қуйидаги сўзлари билан ифодалаш мумкин: "Спортчини юксак марраларга тайёрлашда жисмоний тайёргарлик ҳал қилувчи ва асосий ролни ўйнайди".[21]

Курашчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш жараёнида қуйидаги 3 та асосий вазифа бажарилиши керак:

1. Соғлиқни мустаҳкамлаш.
2. Тана тузилишини шакллантириш.
3. Жисмоний (ҳаракатланиш) сифатларини такомиллаштириш.

Ўқитувчи жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш, ўз фанига қизиқишни шакллантириш ишларини ўқувчиларнинг жисмоний тарбия фанига мойиллик сабабларини ҳисобга олган ҳолда, аниқ мақсадга йўналтириб ташкил этиши лозим. Одатда, ўқувчиларнинг ҳар хил дастурий материалларга қизиқишлари ҳам турлича бўлади. Дастурдаги бошқа турлар ўқувчиларга камроқ ёқади. Агар болаларда жисмоний машқлар билан шуғулланиш мақсади мавжуд бўлса, жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқиш кўпроқ даражада сақланиб қолади.

Ҳар томонлама мукаммал жисмоний тайёргарликка кўпинча етарли даражада аҳамият берилмайди. Жисмоний тайёргарлик учун кўпинча спорт турининг тор доирадаги жисмоний юкламаларидан фойдаланилади, жисмоний тайёргарликнинг бундай бир ёқлама йўналиши юқори спорт натижаларига эришишни кўрсатишга имкон бермайди. Айрим ҳолларда эса спортчининг соғлиғига салбий таъсир этади.

Жисмоний тайёргарликнинг юқори натижаси турли ихтисосликка ва тоифага эга спортчилар учун ғоятда муҳим эканлиги спорт амалиётида ҳам, спортнинг ҳар хил турларидаги махсус тадқиқотларда ҳам ўз исботини топган. Жисмоний сифатларни такомиллаштириш услубларини эгаллаган мутахассис талаба-курашчиларни тайёрлашнинг бошланғич босқичларида шуғулланувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларнинг тана тузилишини шакллантириш вазифаларини ҳал қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда ёш курашчиларни тайёрлаш тизимидаги аҳамияти нуқтаи назаридан хар-хил жиҳат очиб бериладики, уларнинг таркибий

[21] Каримов И. А. "Мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари". Халқ сўзи.. 16.01.2016. – Б. 3.

қисмларини маълум даражада такомиллаштириш зарур. Биринчи жиҳат бошланғич спорт тайёргарлиги босқичида ёш курашчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини такомиллаштириш билан боғлиқ.

Иккинчи жиҳат ёш спортчиларда спорт билан шуғулланиш мотивларининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи тарбиявий-таълимий хусусиятли, лекин очилиши мураккаб вазифа билан боғлиқ.

Ўқув машғулотининг асосий қисмида, унинг бошқа қисмларидаги каби спорт тайёргарлигига доир махсус вазифаларни бажариш билан бирга, психологик тайёргарлик, маданий ва маърифий ҳамда эстетик тарбия вазифалари ҳам ҳал этилади. Чунки курашчи, аввало, маънавий – руҳий жиҳатдан шай бўлиши, рақибига маданият билан муносабатда бўлиши, унинг тайёргаргарлиги ҳамда маҳоратини ижобий баҳолаши ва ҳурмат қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни. // Туркистон.- 1997. - 1 октябр.
2. Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш: Ўқув қўлланма. - Т.: ЎзДЖТИ, 2005. - Б. 172.
3. Югай Л.П., Илов А.Н., Боймурадов И.Х., Мирзакулов Ш. Дзюдо. Программа и учебное пособие для детско-юношеских спортивных школ, специализированных детско-юношеских школ Олимпийского резерва. - Т.: ЎзДЖТИ, 2005. - С. 140.


## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҒОВЛАР ОША ЮГУРИШ ТЕХНИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ


*Холмуратов Р.Н., ассистент, ТАТУ.. Электрон манзил:*


Республикамиз мустақилликка эришганидан кейинги қисқа давр ичида турли соҳаларда, шу жумладан, спорт соҳасида ҳам сезиларли муваффақиятларга эришди. Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий соҳалардаги ислохотлар таълимни ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш ҳамда ривожлантиришни талаб этади [1]. Шу боис, ўсиб келаётган ёш авлодни жамият хаётида фаол иштирок этадиган, ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли, комил инсонлар этиб тарбиялаш давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ватан равнақини таъминлайдиган ёш авлодни жисмонан соғлом, баркамол инсон даражасида тарбиялаб вояга етказиш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, маданий қадриятларимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам, айниқса, енгил атлетика борасидаги ўзгаришлар фикримизнинг далилидир.

Республикамизда халқимиз турмуш тарзини юксалтириш, унинг соғлигини мустаҳкамлаш борасида давлатимиз раҳбари томонидан тинимсиз ғамхўрлик қилинмоқда.

"Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам

алоҳида эътибор қаратилмоқда.Спортчиларимиз, айниқса, енгил атлетика, бадиий гимнастика, бокс, кураш, дзюдо, тайквондо, от спорти бўйича муваффақиятли иштирок этишмоқда.”[22]

Жисмоний тарбия ва спорт нафақат иқтидорли спортчилар тайёрлаш учун, балки ҳар томонлам соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга ҳам хизмат қилиши даркор. Демак, оммавий спорт, айниқса, болалар спортини илмий асосда ривожлантириш, унинг ташкилий ва технологик асосларини яратиш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Жисмоний тарбия воситаларининг муҳим шакли жисмоний машқлардир.Чунки улар ҳаракат сифатлари ва асосий ҳаракат кўникмаларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Шуни таъкидлаш жоизки, енгил атлетика машғулотларини ташкил этишда, уни турли тартибли фаолиятидан бошлаб эркин фаолиятгача бўлган вариантлари қўлланилмоқда [3].

Жисмоний тарбия ва спорт тизимида, айниқса, ғовлар оша югуриш техникасини такомиллаштиришда ҳамда ҳаракат қобилиятларини яхши шакллантиришда боланинг ёш хусусиятларини эътиборга олиш зарур. Бунда шуғулланувчиларнинг физиологик кўрсаткичларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Болалардаги таянч ҳаракат аъзоларининг мушак толалари бир маромда ривожланмайди, йирик толалар тезроқ, аммо узоқ муддатда шаклланади, майда толалар эса қисқа вақт мобайнида тез ривожланади.Организмни жисмонан кучли қилиб шакллантиришда тезкор–кучланиш характерига эга машқларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ушбу икки машқни қўлланилиши юрак, қон - томир тизимини, нафас олиш тизими аъзоларининг фаолиятини яхшилайди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларда ғовлар оша югуриш техникасини такомиллаштиришда турли ҳаракат сифатларини ривожлантириш методикаси жуда кўплаб илмий ишларда ёритилган. Ғовлар оша югуришда ҳаракатлар уйғунлиги ва эгилувчанликни ривожлантиришда асосан 12 ёшгача бўлган даврда яхши кўрсаткичларга эришиш мумкин [4].

Бу билан ушбу ёшдан кейин мазкур сифатларни ривожлантириб бўлмайди деган хулоса чиқариш керак эмас. Ўсмир ёшидаги болалар билан спорт машғулотларини ташкил этиш учун, машқларнинг 10 та тури тавсия этилади: Ҳаракат ҳолатларини ўзгартириш ва тананинг пастки қисмларини аниқ ривожлантириш билан боғлиқ машқлар, ғовлар йўлини енгиб ўтиш, тана вазнини сақлаш билан боғлиқ машқлар, турли якка кураш усуллари, предметлар билан манипуляция қилиш, акробатик машқлар, копток билан ҳаракатлантирувчи машқлар, предметларни айланиб ўтиш, копток узатиш, аттракцион-ўйинлар, гуруҳли ўйин-машқлар, спорт ўйинлари киради.

Шуғулланувчиларда эпчилликни ривожлантиришнинг энг яхши воситаларидан бири бу спорт ва ҳаракатлантирувчи ўйинлар, катта ва кичик коптоклар билан бажариладиган машқлар, вазнни сақлашга доир машқлар,

[22] Ўзбекистон Республикаси ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ НМАК, 1997. 31 -б.

эстафеталар, ғовлар оша югуриш ва гимнастик, акробатик машқлар ҳисобланади.

Ўқув машғулот жараёнида ҳаракатли амалларни бажаришга ўргатишнинг икки хил йўли мавжуд:

Ҳаракатларни мақсадга мувофиқ холда бажаришнинг йўлларини болалар мустақил равишда топишлари;

Машқларнинг асосий таркибли томонларидан бошлаб унинг мукаммал даражасигача бўлган ҳаракатларнинг изчил тартибдаги йўлларини ўрганиш.

Ғовлар оша югуриш билан боғлиқ бўлган машқларни қўллаш орқали, мураббий-ўқитувчи болаларни доимий изланишга йўллайди. 9-11 ёшдаги шуғулланувчилар сунъий равишдаги ғовлардан ошиб ўтиш олдидаги қўрқувни осон енга оладилар. Ғовлар оша югуришга болаларни ўргатиш асосан, уларни дастлабки элементар характерга эга ҳаракатлар билан таништиришдан бошланади [5].

Ўқувчиларни ғовлар оша югуришга ўргатишда 12-14 ёшли шуғулланувчилар олдида аниқ, муайян вазифаларни қўйиш лозим: тўғри йўлдан югуришга ўргатиш, “зарба” ғовларини оёқларни тиззадан букиш ҳолатида қаршисидаги қўллар билан олдга қараб ҳаракатларни амалга ошириш, ғовлардан ошиб ерга тушаётганда силтанувчи оёқни фаол холатда тушириш, гавдани олдинга энгашган ҳолатини сақлаш, ғовлар орасида оёқ кафтини товонга туширмасдан югуриш машқлари мухим хисобланади [6].

Ғовлар оша югуриш машғулотларини ўтказиш қуйидаги умумий қоидаларга риоя этишни талаб қилади:

- машғулотларни олиб боришда доим бир хил бўлмаслигига этиборни қаратиб, турли-туман усул ва воситалардан фойдаланиш;

- ҳар доим машғулот жараёнида шуғулланувчилар фаолиятини маъқуллаш, рағбатлантириш, кўрсатма бериш ва огохлантиришларни қўшиб олиб бориш лозим;

- шуғулланувчиларни ғовлар оша югуришларида йўл қўйган хатоларини фақатгина унинг ўзига, бошқаларга ошкор қилмаган холда, камчиликларини кўрсатиб бериш тамойилига риоя қилган холда ўргатиш лозим;

- шуғулланувчиларда ғовлар оша югуриш машқларини мустақил ҳолда бажаришга бўлган интилиш ва кўникмаларини ҳосил қилиш, бу билан уларни, жисмоний машқларни мунтазам равишда мустақил бажаришга тайёрлашга кўниктириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда ўргатиш машқларининг асосий ҳаракати шундай ҳаракат бўлиши лозимки тўғри бажарилиши фаолиятни умумий якунига олиб келсин. Бу ғовлар оша югуриш ёки ошиб ўтиш, мумкин бўлган ҳар қандай ғовдан муваффақиятли ўтиш демакдир. Кейин юриб келиб ёки жойида турган ҳолда ғовдан ошиб ўтиш машқлари ўргатилади. Бу жараёндаги охирги босқич эса, баландлиги ва жойлаштирилган масофалари қулай ҳолатда бўлган 4-5 ғовдан югуриб келиб, ошиб ўтиш ҳисобланади. Ушбу машғулотларни методик нуқтаи назардан тўғри қўллаш тезкор-кучлилик, чаққонлик сифатларини тарбиялашга ижобий таъсир этади ҳамда ўқувчиларнинг ғовлар оша югуриш техникасини такомиллаштириб, унинг сифатини оширади.

**Фойдаланилган адабиётлар**
1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги қонуни. // Туркистон.- 1997. - 1 октябр
2. Каримов И. А. ”Мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”. Халқ сўзи.. 16.01.2016. – Б. 3.
3. Арзуманов Г.Г. Секция легкой атлетики в школе. – Ташкент: Ўқитувчи, 1990. – 188 с.
4. Шарипова Д.Д. Школьник и его здоровье. – Ташкент: Медицина, 1987. – 39 с.
5. Маркова Д.П., Озолина Н.Г. Легкая атлетика. – М.: Просвещение. 1999. – С. 69-71.
6. Кузнецов В.В., Ходжаев Ж.К. Легкая атлетика на уроках физической культуры в общеобразовательной школе. – М.: 1990. – 129 с.

## НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРДАН КАСБИЙ ФАНЛАР УКИТИЛИШИДА ФОЙДАЛАНИШ.

*Камбарова Мухаббат Рахматовна Навоий тиббиёт коллежи фармакология фаниката укитувчиси*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим жараёнини мазмунан ислох килиш максадида илгор педагогик технологиялар таълимнинг ноанъанавий янги шакл ва услубларини жорий килиш масалаларига алохида эътибор каратилган.Касб-хунар коллежларида касбий фанларни укитишда укувчиларнинг таълим олишга нисбатан фаолликларни орттиришга хизмат килувчи ноанъанавий таълим шакллари муаммоли таълим, таянч иборалар, очик мулокот кабилардан фойдаланилмокда. Жумладан таянч ибoралардан фойдаланиб укитувчиларнинг билим олишга булган интилиш ва фаолликларини орттиришга укув материалини мантикий богланишлар асосида урганишга хизматкилади. Тажрибалар шуни курсатмокдаки анъанавий педагогик фаолият билимлар микдори ва сифатини орттиришга йуналтирилган. Бошкача айтилганда яхши укув моддий базага эга булиш режа ва дастурларни бажариш мумкун. Бирок таълимнинг самараси паст булади. Демак укувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ижодий тафаккурини ривожлантиришни таъминламайди.
Шу сабабли касб-хунар коллежида ишлаётган хар бир педагог ва мухандис-педагог укувчилар билан хамкорликдаги фаолиятини кандай ташкил килишкерак. Уларнинг ижодий кобилятини кандай ривочлантиришзарур, деган мавзулар буйича доимо изланишда булиши керак. Бунинг учун таълимнинг ноанъанавий шаклларини излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Куйида касб-хунар коллежларида умумтаълим махсус ва касбий тайёргарлик фанларини укитишда фойдаланиш мумкун таълимнинг ноанъанавий шаклларидан келтирамиз.
Урта махсус касб-хунар коллежларида укувчиларни техник воситаларга булган кизикишини ортиришга, укитиш сифатини ошириш, мутахасисларни тайёрлашда жахон микиёсида стандартлар талаб даражасига кутариш хозирги куннинг асосий вазифасидир.

Замонавий техника воситалари билан жихозланган синфларда дарс утиш жараёнида хисоблаш техникаси компьютерлар ахборот технологияларидан фойдаланиш ва таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

## УЗ-УЗИНИ БАХОЛАШ» УСУЛИ:




«Уз-узини бахолаш» усули чизмасини тузиш коидалари
Айлана ёки тугритуртбурчак шакллардан фойдаланишни узингиз танлайсиз
Чизманинг куриниши укувчини дарсда кай тартибда тайёрланганлигини билдиради
Йуналиш курсаткичларида йигилган рагбатлар укувчини изланувчанлиги, фаолигини курсатади.
Машгулот бошланишида хар бир укувчига индивидуал чизма варакалар таркатилади,укувчи исм, фамилясини ёзади ва машгулот давомида иштирокига караб рагбат баллар бериллади укувчи шу рагбатбалларини кулидаги чизмага ёпиштириб боради, дарс якунида хамма балларни жамлайди ва баллар сонига булади шунда уквчини уртача балли келиб чикади.

**Афзаллик томонлари:**

1.Укувчини дарсда фаоллигини таъминлайди
2. Укувчини изланиш ва китоб укишга чорлайди
3.Укувчида тугрилик ва хакконийлик хиссини уйготади.
4.Укувчиларни барчасини бахолаш имкони булади.

**Камчиликлари:**

1.Вакт талаб килади.

**«Омад шарчалари»**усули: Бу усулда турли рангдаги шарчаларни ракамлаб чикилади ва




шундай ракамли савол карточкалари тузилади. Укувчи ракамланган шарчалардан бирини танлайди ва шундай ракамли савол карточкаларига жавоб беради, тугри жавоб берган укувчига шарчалар совга килинади.




**Услубни куллаш учун керакли жихозлар:**

1. Рангли шарчалар
2. Рангли когоз

3. Саволлар туплами
4. Доска, бур

**Афзаллик томонлари**:
Машгулотни хилма-хиллигини таъминлайди
Укувчини кизикишини ортиради
Укувчида тенгдошидан ортда колмаслик хиссини уйготади
Голибликка интилиш хиссини уйготади

**Камчиликлар:**
Синфда шовкин-сирон булиш эхтимоли мавжуд
Укувчилар барчасини камраб олиш имконияти пасаяди

## ЁШЛАРНИ ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРЛАШДА ИҚТИСОДИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ФУНКЦИЯСИ

*(Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари кесимида) Шариф Файзуллаев, СамДАҚИ Касбий таълим кафедрасининг соатбай асосида доценти. Мадина Рахматова, Боғишамол саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси*

“Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, аввало қизларни ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидаги ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш чора-тадбирларини таъминлаш” (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Тошкент ш., 2016 йил 9 феврал ПҚ-2487-сон) – деб, “Соғлом она ва бола йили” давлат дастурининг асосий бандларидан бирида таъкидланади. Давлат дастурининг ёшларни худди ана шундай оила қуришга таёрлашдаги вазифасини амалга ошириш оиланинг иқтисодий вазифасини тадбиқ қилувчи иқтисодий психологиянинг функциясига киради. (Оила психологияси: АЛ ва КҲКлари ўқувчлари учун ўқув қўлланма Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. Ўзб.Респ.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎМКҲТМ-Тошкент: “Шарқ”, 2009-296 б)

Оиланинг иқтисодий психологиядаги функцияси унинг энг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Оила иқтисоди, бюджети, даромадини режали сарфлаш, кундалик харажатга зарур буюмларга пул ажратиш, бир неча йилдан сўнг олинадиган нарсаларга маблағ йиғиш, тежамли рўзғор юритиш эр-хотиннинг катта тажриба, малакага эга бўлишини тақозо этади. Шунингдек, оилада ўсаётган фарзанд ҳам мана шу малака ва кўникмаларга эга бўлиб боришини унутмаган ҳолда ўғил-қизга иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўргата бориш лозим. Кейинги йилларда рўзғорда юзага келаётган иқтисодий муаммолар оиладаги шахслараро муносабатларга салбий таъсир этиши билан биргаликда фарзандлар билим савиясининг пасайишига олиб келмоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида моддий қийинчиликлар туфайли ҳосил бўладиган муаммоларни бартараф этишда одамларга психологик ёрдам кўрсатиш лозим.

Хўш, буни қандай услублар билан амалга ошириш мумкин? Шу нуқтаи назардан ўқувчи-ёшларнинг ҳар бири оила аъзоси эканлигини ва улар келажакда ёш оилаларнинг бунёдкорлари бўлишини инобатга олиб, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг тайёргарлик даражаларини ўрганиб чиқдик.

Психологик тадқиқот натижалари таҳлилига кўра кўпчилик талаба-ёшларимиз ҳалигача оила даромадларини режали сарфлаш, кундалик эҳгиёжлари ва буюмларига маблағ ажратиш, келажакда сотиб олиш учун режалаштирган нарсаларга пул йиғиш малакаларига эга деб бўлмайди. Айниқса, улар ушбу малакаларга эга бўлиш бу—оила иқтисодиётининг яхшиланишига, аҳолининг ва жамият турмуш шароитининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши тўғрисида сезиларли тасаввурга эга эмаслар.

Ўрганилган психологик тадқиқотларни таҳлил қилиб, бозор шароитларида ёш оилаларнинг шаклланиши учун йул қўйиб бўлмайдиган юқоридаги хато ва камчиликларнинг коррекцион чора-тадбирлари бўйича қуйидаги йўналишларда тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, оила ўзининг иқтисодий-психологик функцияси туфайли давлатга, жамиятга катта иқтисодий фойда келтиради. Масалан, бола тарбияси болани иқтисодий таъминлаш борасидаги унинг жамиятга келтирган фойдаси катта миқдорни ташкил этади. Буни давлат томонидан давлат муассасаларида (болалар уйларида) бир болани 16—18 йил тарбиялаб, ишчи кучи сифатида етиштириш учун давлат томонидан ҳар бир болага сарфланадиган маблағ ва айнан шундай ишчи кучини оилада тарбиялаш учун бериладиган нафақа пуллари миқдорини солиштирадиган бўлсак, ўртадаги фарқ биринчилар фойдасига бир неча юз минг сўмни ташкил қилади.

Иккинчидан, тасаввур қилиш осонроқ бўлиши учун айтиш мумкинки, ҳар бир болани вояга етказиш учун оилада давлатга камида битта «Нексия» автомашинасининг қиймати миқдорида иқтисодий фойда келтиради. Бу борадаги, яъни ҳар томонлама камол топган маънавий-ахлоқий етук, жисмоний-психологик соғлом шахсни етиштиришнинг маънавий-ахлоқий қийматини эса ҳеч қандай иқтисодий мезон билан ўлчаб бўлмайди.

Учинчидан, бу—оила иқтисодий-психологик функциясининг атиги бир шахсни шакллантиришдаги фойдасини кўрсатади, холос. Оилада хўжалик юмушларини юритиш, рўзғорнинг йўлга қўйилиши оилада моддий неъматлар ишлаб чиқиш, фермер хўжалиги, шахсий ишлаб чиқариш кабилар унинг жамият олдидаги иқтисодий-психологик функциясини ва аҳамиятини тобора орттираверади.

Психолог олима В.Каримованинг таъкидлашича:

- бизнинг диёримизда ҳам оила-никоҳ муносабатлари бозор иқтисодиёти даврига келиб, вақт ўтган сайин ўзгариб боришини;

- «Оилавий муносабатлар тизимида эр ва хотин функциялари ҳамда оилавий роллар ҳақидаги ижтимоий тасаввурларнинг ўзгариб бораётганлигини;

- иқтисодий инқирозларнинг оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга таъсири ва уларнинг ечимига кўра айтиб ўтилган соҳалар Ўзбекистон шароитида шу яқин кунларда ишланиши зарур муаммолар бўлиб, оилани

режалаштириш юзасидан олимлар ўз фикрларини айтиши жоиз» (В.М.Каримова Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт— Тошкент: Университет, 1999 йил. —96 б.). Бу таъкид академик лицей ва барча йўналишлардаги касб-ҳунар коллежлари ушбу муаммо бўйича бўлажак касб эгаларини тайёрлаши лозимлиги давлат миқёсига молик вазифа эканлигидан далолат беради.

Оиладагиларнинг яхши яшаши ва турмуш кечириши учун оиланинг ҳар хил даромад манбалари бўлиши лозим. Оила аъзоларининг муайян давр мабайнида (кун, ой, йил) турли манбалардан топтан пул ва натурал кўринишдаги даромадларига «оила даромадлари», сарф-харажатига эса «оила харажатлари» деб олиниши таъкидланди. Муайян бир даврга мўлжалланган «оила даромадлари» ва «оила харажатлари» ҳисоб-китобига «оила бюджети» деб таъкидланди ва касб-ҳунар коллежи битирувчилари билан куйидагича тест-жадвал сўровномаси ўтказилди.

1. Оила аъзоларингизнинг бир ойлик даромадларини аниқланг ва рўйхатини тузинг.

2. Оилангизда бир ойлик хизматларга ва тўловларга сарфланадиган маблағларнинг миқдорини аниқланг.

3. Оиланинг шу ойга мулжалланаётган бошқа харажатлари ва жамғарма чегирмасининг рўйхатини тузинг, ҳисобланг.

4. Даромадлар ва харажатларни таққосланг, оила бюджетини тузинг ва ҳоказо.

Ёшларни шу каби саволларга мустақил жавоб топа олиши бозор иқтисодиёти шароитида оиланинг иқтисодий сиёсатини тўғри юритиш кўникмаларини шакллантиришга замин бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1-Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Тошкент ш., 2016 йил 9 феврал ПҚ-2487-сон.
2-Оила психологияси: АЛ ва КҲКлари ўқувчлари учун ўқув қўлланма Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. Ўзб.Респ.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎМКҲТМ-Тошкент: “Шарқ”, 2009-296 б.

## ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

*Анорқулова Гулноза Мирзахматовна ТДПУ “Касб таълими методикаси”кафедраси мудири,п.ф.н. доцент Рўзиева Шаҳло – Тошкент ш. Шайхонтохур тиббиёт коллежи ўқитувчиси*

Бугунги кунда замонавий ўқитувчи баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида иштирок этар экан, нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўрнак бўлиши, шу билан бирга, педагогик маҳоратини намоён эта олиши, етук ўқитувчи сифатида малакали кадрларни тайёрлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарур.

Педагогик маҳоратга эга бўлиш таълим-тарбия самарадорлигини

таъминлаш гарови бўлибгина қолмай, айни вақтда ўқитувчининг жамоадаги обрў-эътиборини ҳам оширади, ўқувчиларга унга нисбатан ҳурмат юзага келади. Касбий маҳоратни ошириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш педагогик фаолиятда йўл қўйилган ёки қўйилаётган хатолардан ҳоли бўлиш, ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар билан муносабатда муваффақиятларга эришиш имкониятини яратади.

Ўз даврларида Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Саъдий Шерозий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ҳусайн воиз Кошифий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусидаги қарашларини ёритиш орқали ўзлари ҳам педагогик маданиятга эга эканликларини намоён этганлар. Бинобарин, педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган шахс таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Уларнинг педагогик маданиятлари негизини болани тушуна олиш, унга инсбатан инсонпарвар муносабатда бўлиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, педагогик фаолиятнинг ҳақлиги, жамият тараққиёти ҳамда педагогик жараёнда ўқувчилар онгига сингдирилаётган эзгу ғояларнинг ҳаёт мавжудлигини таъминлашда қудратли восита эканлигига ишонч кабилар ташкил этади.

Педагогик маҳоратнинг муҳим белгиларидан бири бўлган педагогик техника ўз навбатида ўқитувчининг юқори техник малакаларга эгалигини ҳам англатади.

**Педагогик техника** – педагогга алоҳида ўқувчи (талаба, тарбияланувчи)га ҳамда таълим олувчилар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўллай олиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик техника асосларини муваффақиятли ўзлаштириш педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унга эришиш педагогика, психологик ҳамда амалий тайёргарлик бўйича махсус билимларга эга бўлишни талаб қилади. Педагогик техникани ўзлаштиришда ўқитувчи ўқувчи хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларининг ташқи белгиларга кўра унинг ички ҳолатини белгилай олиш малакасига эга бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Педагогга хос бўлган педагогик техниканинг муҳим элементлари:

1) унинг ўз диққати ҳамда ўқувчилар диққатини мақсадли бошқариш;

2) педагогик фаолиятда жараённинг, ўқувчилар ҳаракатининг суръатини ҳис қилиш саналади.

Педагог томонидан ўқувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига ўзининг субъектив муносабатини, алоҳида ҳис-туйғуларини маъноли ифодалай олиши у эга бўлган педагогик техника усуллари ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, педагогик жараёнда “техника” тушунчаси ўқитувчининг педагогик таъсир кўрсатиш усуллари мажмуига эгалигини ифодалайди. Педагогик техниканинг воситалари – нутқ ва оғзаки бўлмаган

мулоқот воситаси саналади. Педагогик техникани эгаллаш педагог олдида турган муҳим педагогик вазифаларни ҳал қилишга ёржам беради.

Манбалардан бирида кўрсатилишича, педагогик техника қуйидаги икки гуруҳ методларини ўз ичига олади:

Педагогик техниканинг самарали натижаларни кафолатлай олишида педагогнинг ташқи қиёфаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ўқувчиларга самарали таъсир кўрсата олиш учун педагог, ўқитувчининг ташқи қиёфаси қуйидаги талабларга жавоб бера олиши зарур:

ўқитувчи ташқи кўринишининг ўқувчиларга эстетик таъсир кўрсатиши, уларни эстетик жиҳатдан завқлантира олиши;

ўқитувчининг сочи текис таралган, чиройли турмакланган бўлиши;

пардоз буюмларидан ўринли фойдаланиш, юзнинг ортиқча бўёқлардан ҳоли бўлиши;

ўқитувчи либосларининг тоза, озода, қоматига ярашган бўлиши, осилиб турмаслиги, ҳаддан ортиқ ҳашаматли бўлмаслиги лозим;

заргарлик буюмларидан имкон қадар ҳоли бўлиш, айниқса, товланувчи металлар – олин ва кумуш тақинчоқлардан фойдаланмаслик, либоснинг ранги ва ўқитувчининг ёш хусусиятларига мувофиқ оддий, ҳашаматли бўлмаган тошли ва металл тақинчоқлардан фойдаланиш.




**Педагогик техника методларининг гуруҳлари**

Ўқитувчининг педагогик маданиятга эгалиги, педагогик техника асосларини пухта ўзлаштира олганлиги унинг юз ифодаси, эркин, вазмин ҳаракатлари, гавдани тўғри тута билиши, йиғинчоқлиги, имо-ишоранинг табиийлиги, ўқувчиларга нисбатан эътиборида яққол акс этади.

Ўқитувчи таълим ва тарбия жараёнларига ўзини руҳан тайёрлашда қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

- ўзига, ўз имкониятларига ишониш;

- хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш;

- ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш (мускуллар зўриқишини бартараф этиш, қоматни ростлаш, ҳаракатларни тўғрилаш, нутқнинг равон, аниқ бўлишига эътибор қаратиш ва тўғри нафас олишни ўзлаштириш);

- ақлий ва жисмоний меҳнатни ташкил этишда ўзаро уйғунликка эришиш, муайян даврларда ҳордиқ чиқариш (меҳнат ёки мусиқа ёрдамида дам олиш, бадиий асарларни ўқиш, яқинлар, дўстлар билан ҳазил-мутойбани ташкил этиш);

- педагогик жараённинг муваффақиятли, самарали кечишига ўзини ўзи ишонтириш;

- касбий фаолиятни кўтаринки кайфият билан ташкил этишга интилиш;

- турли салбий руҳий омиллар организмига, руҳий ҳолатига, хатти-ҳаракатларига, ўқувчилар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан муносабатига таъсир этишига йўл қўймаслик;

- салбий руҳий омиллар ва жисмоний ҳолатларни бартараф этиш учун тренинг ва автотренинглардан самарали фойдаланиш малакасини ўзлаштириш.

Педагогик техниканинг таркибий элементлари сирасида пантомимика ўзига хос ўрин тутади. Пантомимика – бу гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати бўлиб, у педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавлантиришга имкон беради

Педагогик техниканинг яна бир муҳим таркибий қисми – мимика саналади. *Мимика – бу юз мускулларининг ҳаракатлари орқали ўз фикри, ҳис-туйғулари, кайфиятини, унингтдек, мавжуд воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаш.*

Жуда қадимдан инсон юз ифодаси ва қараши атрофдагиларга сўздан кўра кучли таъсир қилиши аниқланган. Шу сабабли қадимги Рим ва Юнонистонда нотиқларнинг нафақат сўздан, шу билан бирга мимика, пантомимика ва жест (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатларидан самарали фойдалана олишларига эътибор қаратилади. Бугунги кунда ҳам ривожланган мамлакатларда сиёсатчиларнинг юқорида қайд этилган ҳаракатлар бўйича малакаларни ўзлаштира олишларига жиддий эътибор қаратилади.

Ўқитувчи томонидан мимика, пантомимика ва жест (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатларидан самарали фойдалана олиш малакаларини самарали ўзлаштира олиши унинг меҳнатини қисман енгиллаштириш билан бирга, ўқувчиларга таъсир кўрсатишида муайян муваффақиятларни қўлга киритишига имконият яратади. Зеро, мимика, пантомимика ва жестлар узатилаётган ахборотнинг ҳиссий аҳамиятини оширади, унинг пухтароқ ўзлаштирилишини таъминлайди. Кўзлар ҳам юз ифодасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли кўзлар ёрдамида турли маъноларни ифодалаш малакаларини ўзлаштира олиш ҳам маҳоратли педагог бўлиш учун ниҳоятда зарур.

Ўқитувчининг ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишида унинг нутқи ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири саналади. Ўқитувчи ўз фаолиятида аниқ, равон, маъноли, ифодали нутқни ўзлаштира олиши, бир сўз билан айтганда нутқ маданиятини эгаллаши зарур. Нутқ маданияти – бу ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

Ижтимоий муносабатларни ташкил этишда нутқнинг монолог, диалог, полилог шаклларидан фойдаланилади.

Юқорида келтирилган омиллар билан бир қаторда ўқитувчининг педагогик техникасини амалга оширишда технологик маданиятга эга бўлиши муҳим ҳисобланади. Ўқитувчининг технологик маданиятига қуйидагилар киради: технологик билим, кўникма ва малакалари киради. Бунда таълим мақсадини белгилаш, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, таълимни ташкил этиш шакли, таълим методлари ва воситаларидан, шунинг технологияларидан самарали фойдаланиш кўзда тутилади.

Таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва таълим мақсадларига кафолатланган ҳолда эришиш ўқитувчининг педагогик техникасини қанчалик шаклланганлиги ўқишга илмий, онгли муносабат билан қарайдиган, мустақил фикрлайдиган, мукаммал маълумотларни эгаллашга лаёқатли, билиш фаоллиги ва ақлий меҳнат маданиятини ўзида мужассамлаштирган мутахассис кадрларни тайёрлашда муҳим рол ўйнайди.

## BOSHLANG‘ICH TA’LIMNING ERTAKLARNI O‘QISH DARSLARIDA O‘QUVCHILARDA ILM-HUNAR EGALLASHGA INTILISHNI SHAKLLANTIRISH

*Jumaniyozova Muhabbat Xo‘sinovna- UrDU Boshlang‘ich va maktabgacha ta’lim metodikasi kafedrasi dotsenti, f.f.n.*
*Jumaniyozova Oydinoy- UrDU BT va STI yo‘nalishi 3-kurs talabasi*

Mamlakatimizda demokratik davlat va fuqorolik jamoyati qurish maqsad qilingan va bu amalga oshirayotgan ekan, bu jarayonda yoshlarning o‘rni va roli alohida ahamiyatga ega. Zero, yoshlar bizning kelajagimiz; avlodlardan meros qolgan muqaddas zaminni yuksaltirish, ilg‘or davlatlar darajasiga ko‘tarish ularning bilimi, iste’dodi, jasorati, ma’naviy barkamolligiga bog‘liq. Mamlakatimiz Prezidenti I.A. Karimov ta’kidlaganidek, “Agar iqtisodiy o‘sish, taraqqiyot-jamiyatimizning tanasi bo‘lsa, ma’naviyat-ma’rifat va siyosiy ong yetukligi uning ruhi, aqli va jonidir. Buyuk davlat, buyuk kelajagimizga erishish uchun oqil, ma’rifatli, ayni paytda o‘zining o‘tmishi, ulug‘ qadriyatlari, millati bilan faxrlanadigan va kelajakka ishonadigan insonlarni tarbiyalashimiz kerak.” (1)

Albatta, bu masalaning tamal toshi boshlang‘ich ta’lim jarayonida qo‘yiladi. Shu sababli dastlab maktabga qadam qo‘ygan o‘quvchiga puxta bilim berish bilan birga ularda badiiy asarlar, xususan ertaklar vositasida yuksak ma’naviyat, teran tafakkur, yetuk fahm-farosat shakllantirish asosiy vazifalardan biridir. Chunki “Davlatlarning, xalqlarning taqdirini moddiy boylik emas, intellektual, ya’ni ma’naviy-ma’rifiy boylik hal qiladi”. (2)

Shunday ekan, boshlang‘ich ta’lim davridayoq, yosh avlodni ertaklar dunyosiga olib kirish, shu jarayonda adabiyotning badiiy-estetik ta’siri asosida ularda o‘zlikni anglash, go‘zallikni his qilish, yuksak did va ma’naviyatni shakllantirish katta axloqiy-tarbiyaviy vazifani ado etadi. Bu jarayon nihoyatda mas’uliyatli bo‘lib, ularni zamon talablari darajasida tashkil etgandagina muvaffaqiyatga erishish mumkin.

Boshlang‘ich sinf o‘quv dasturlari o‘qish darslari oldiga o‘quvchilarni yaxshi o‘qish sifatlariga ega etishdek murakkab vazifani qo‘yadi. Bunday vazifalarni to‘laroq amalga oshirishda xalq og‘zaki ijodi materiallari katta ahamiyatga ega. O‘quvchilar tabiatan maqol, topishmoq va ertaklarni sevadilar, ularni zo‘r qiziqish bilan o‘qib o‘rganadilar. Bundan tashqari xalq og‘zaki ijodi qadimdan tarbiya manbai hisoblangan.

Ma’lumki, ertaklar xalq og‘zaki ijodiyotining eng qadimiy ommaviy va keng tarqalgan janrlardan biridir. Ertak atamasi Mahmud Qashg‘ariyning XI asrda yozilgan «Devonu lug‘atit turk» asarida "etuk” shaklida uchraydi va biror voqeani og‘zaki tarzda hikoya qilish ma’nosini bildiradi. (3)

Ertaklarning badiiy shakli va poetikasi o‘ziga xos bo‘ladi. Fantastik uydirmalar, hayot haqiqati bilan aloqador bo‘lib qadimiy tushuncha, urf-odat, marosimlarning o‘zlarini o‘zida aks ettiradi.

O‘zbek xalq ertakchilari repertuarlarida ilm-hunar haqidagi ertaklar anchagina o‘rinni tashkil etadi. Bunday ertaklar boshlang‘ich sinf o‘qish kitobi darsliklaridan ham o‘rin olgan. Xususan, 4-sinf “O‘qish kitobi” darsligining “Xalq og‘zaki ijodi” bo‘limida “Ilm afzal”, “Hunarsiz kishi o‘limga yaqin” ertaklari berilgan.(2) Bu ertakning tarbiyaviy qimmati shundan iboratki, o‘quvchilar undan ilm va hunarning kishi hayotidagi bezak ekanligini bilib oladilar. Ertak bolalarda qahramonlarning xatti-harakatini muhokama qilib, baholash ko‘nikmasini o‘stirishi bilan birga ilmli, hunarli kishilarning baxtli hayot kechirishlariga amin bo‘ladilar.

O‘quvchilar ertakni tahlil qilish jarayonida “Kishilardagi qanday sifatlar sizga yoqdi? (yoki yoqmadi?) Nima uchun”, “... nima uchun jazolandi? (yoki rag‘batlantirildi?)”, “Nima uchun ertakdagi ba’zi qahramonlarga hatto tabiat kuchlari ham yordam beradi? (yoki ba’zilaridan yuz o‘giradi?)” kabi savollarga javob topish jarayonida mushohada qiladilar, muhokama qilib, xulosaga keladilar. (4)

4-sinfda ilm-hunar haqidagi ertaklar o‘qitilganda ertak matni ustida ishlashda tanlab o‘qish, savollarga javob berish, o‘quvchilarning o‘zlari ertak mazmuniga oid savollar tuzib, javob berishlari, reja tuzish, qayta hikoyalash, ijodiy davom ettirish, ertak aytish, qahramonlarni grafik tasvirlash kabi ish turlaridan foydalaniladi.

“Davlat”,”Ilm afzal”, “Hunarsiz kishi o‘limga yaqin” kabi maishiy ertaklarda xalq o‘z hayotini hikoya qiladi, shu sababli o‘quvchilar ertakni o‘qigach, o‘tmishdagi xalq hayotini, o‘y-fikrlari va orzu-istaklarini bilib oladilar.

Bunday ertaklarni tahlil qilish badiiy hikoya tarzida uyushtiriladi. Bolalar o‘qituvchi rahbarligida ertakda qatnashuvchilarning xulq - atvori, ayrim xatti-harakatlarini baholaydilar, ularning bir-birlariga bo‘lgan munosabatlarini aytadilar va shular asosida ayrim obrazlar haqida xulosalar chiqaradilar, ertak rejasini tuzadilar, ertakni rollarga bo‘lib o‘qiydilar.

Ertakni o‘qishga tayyorlash uchun ota-bobolarimiz atrofni, tabiatni, borliqni qanday tasavvur etishlari haqida suhbat o‘tkaziladi. Bunday suhbat ertakdagi badiiy obrazlarni, ularning o‘zaro munosabatlarini, xulq-atvorlari, xarakterlarini to‘g‘ri tushunishga yordam beradi. (5)

Ilm-hunar mavzusidagi ertaklarni o‘qish darslarida asosiy tarbiyaviy vazifa o‘quvchilarda ilm-hunar egallashga yoshlikdan intilishni shakllantirishga qaratiladi. Shuning uchun boshlang‘ich sinflarda ertaklarni oq`ish orqali o‘quvchilarning bilim

olish, hunar egallashning inson hayotidagi o`rni masalasi haqidagi tushunchasini kengaytirishga alohida e‘tibor berish lozim. Zero, yurtboshimiz I.A.Karimov ta’kidlaganidek, “Barcha ezgu intilishlarimizning markazida farzandlarimizni ham jismoniy, ham ma’naviy jihatdan sog‘lom qilib o‘stirish, ularning baxti-saodati, farovon kelajagini ko‘rish, dunyoda hech kimdan kam bo‘lmaydigan avlodni tarbiyalash orzusi turadi”.

Zero, inson barkamolligida ustuvor o‘rin egallagan jihatlardan biri ilmli bo‘lishga intilish, bilimga chanqoqlik hisoblanadi. Shu g‘oya “Ilm afzal” ertagida aks ettiriladi.

Bu ertakni o‘rganishdan asosiy tarbiyaviy maqsad o‘quvchilarni ilm olishga qiziqtirish, ilmning inson hayotidagi o‘rnini ko‘rsatish hisoblanadi.

O‘qituvchi ertakni ifodali qilib o‘qib va so‘zlab berar ekan, undagi bu jihatlarga alohida e‘tibor qaratadi. Ertak mazmuniga ko‘ra bir cholning 8 nafar o‘g‘li va bir nafar qizi bo‘lgan ekan. Qizi juda aqlli, o‘z ziyrak zehni bilan akalaridan ajralib turar ekan.Bir kuni chol qiziga uning akalari ilm olishga qiziqmasligi, o‘z vaqtlarini ot choptirib, shaharma-shahar kayf-usafo bilan o‘tkazayotganliklaridan nolinibdi va bu xususda o‘z qizidan maslahat so‘rabdi. Qiz esa akalarini mehmonga chaqirib, ulardan “Ilm afzalmi yoki davlatmi?” deb so‘rashni, oxirida uning o‘ziga ham shu savolni berishini maslahat beribdi. Chol o‘g‘illarini mehmonga chaqirib ularning har biriga yuqoridagi savolni beribdi.

To‘ng‘ich o‘g‘il otasiga uning borligini, mol-davlatlari yetarli ekanligini, ilm olishga hojat yo‘qligini aytibdi. Keyingi aka-ukalar ham pul-u mol-dunyo bo‘lsa ilm nimaga kerak degan javobni beriblilar. Chol ularning javoblaridan juda xafa bo‘libdi. Oxirgi sakkizinchi o‘g‘il esa “Menga davlat emas, ilm afzal’,- debdi. U o‘ziga mol-davlat tegmasligini, otasining ko‘zi ochiqligida ilm olishga roziligini aytibdi. Shunda eshik orqasida akalari bilan otasining bahs-u javoblarini tinglab turgan qiz kenja kasining javobi to‘g‘riligini, lekin u ham ilmning nima uchun afzalligini aytolmaganligini aytib, bu savolga o‘zi javob beribdi. U agar kishi ilmli bo‘lsa, u aqlli, shirinsuxan, odobli bo‘ladi, bunday odamlarni hamma hurmat qiladi, unga o‘xshashga intiladi debdi. Hamda ilmli odam vafot etsa odamlar donishmanddan ayrildik deb qayg‘uradilar, davlatmand o‘lsa, bir nafsiband odamdan qutuldik deb quvonadilar, shuningdek, boy odam hamisha o‘z mol-davlatidan xavotirda yashaydi, ilm esa eskirmaydi, chirimaydi, mol-mulk esa chiriydi, sovuqda qotadi, olovda kuyadi, shuning uchun ilm afzal deb gapiribdi. Oqila qizni otasi va akalari jim eshitibdilar, qizning haqligini bilib, mehnat qilishga kirishibdilar. Chol esa kenja o‘g‘li va qizini o‘qishga berib, murod-maqsadlariga yetibdilar. Mana shu ertakni o‘qish darsida o‘qituvchi har bir o‘g‘lining javobl;arini tahlil qilib, limning nima uchun afzalligini misollar bilan tushuntirib beradi. Ertak mazmuniga mos keladigan xalq maqollarini keltiradi. “Kuchli birni yengar, bilimli mingni yengar” maqolini izohlab beradi. Ilm egallashga yoshlikdan qunt qilish kerakligini, “Yoshlikda olingan bilim toshga o‘yilgan naqshday” ekanligini, agar vaqt behuda o‘tkazilsa, “So‘nggi pushaymon, o‘zingga dushman” ekanligini tushuntirib beradi. Hadislarda ham “Beshikdan qabrgacha ilm izla” deyilgani bejiz emasligini tushuntiradi. Ertak mazmuni asosida o‘quvchilarning o‘zidan hayotlarida o‘zlari tanigan va bilgan ilmli odamlar haqida gapirib berishni so‘raydi. Bu kabi usullarning qo‘llanishi o‘quvchilar

qalbida bilimli bo‘lishga ishtiyoq uyg‘otadi. Ilm inson shuurini yoritishini bilib oladilar.

Har bir avlod oldida insoniyat yaratgan jamiki boyliklarni-bilimlarni o‘rganish, o‘zlashtirish va rivojlantirish vazifasi turadi. Hayot taraqqiyoti va jamiyat rivojini shusiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Bu vazifani amalga oshirishning birdan – bir yo‘li ta’lim standart tizimini tinmay takomillashtirish orqali yosh avlodni ilm – fan asoslari bilan chuqur qurollantirishdir. Zero, ilm olish yo‘lidagi izlanish insonning e‘tiqodi va dunyoqarashini shakllantiradi, ma’naviy – axloqiy kamolot sari etaklaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

Karimov I.A. Ilmu fan mamlakat taraqqiyotiga xizmat qilsin // Barkamol avlod orzusi.-T.: “Sharq” 1998, 111-bet.
Karimov I.A. Ozod va Obod Vatan, erkin va farovon hayot-pirovard maqsadimiz. – Toshkent, “O’zbekiston”, 2000.
Imomov K., Mirzayev T., Sarimsoqov B., Safarov O. O`zbek xalq og‘zaki poetik ijodi.- Toshkent: “O_qituvchi”, 1990.
Matchonov S., Shojalilov A.va boshqalar. O`qish kitobi. 4- sinf uchun darslik.- Toshkent, “Yangiyo`l Poligraf servis”, 2013.
Qosimova K., Matchonov S., G„ulomova X., Yo`ldasheva SH., Sariyev Sh. Ona tili o`qitish metodikasi. -Toshkent, «Nosir», 2009.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КУРСАНТЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

*Чирчиқ ОТҚМБЮ Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ва шахсий таркиб билан ишларни ташкиллаштириш кафедраси ўқитувчиси, лейтенант М.Б.Шеров*

*“Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади”*
*Ислом Каримов*

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар тизимида давом этаётганислохатларнинг асосий вазифасидан бири бугунги кунда – профессионал кадрлар билан таъминлаш уларни тайёрлаш ва имкониятлардан фойдаланиш. Бунинг учун эса ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур масала, эса ўзига хос ҳарбий – сиёсий, психологик ахамиятга эга.

Қуролли Кучлар тизимига илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини кенг татбик этилиши, инсон қалби учун турли характердаги ахборот-психологик курашларнинг олиб борилиши, ҳарбий бошқарув тизимида таҳлилий психологик методлардан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Юқорида қайд этилган миллий тараққиётимизнинг галдаги босқичи ёки стратегик вазифаларидан бири бу ҳарбий хизматчиларнинг ақлий салоҳияти юқори бўлиши, мустақил фикр юритиши, бу келажакда ҳарбий хизматчиларни давлат хавфсизлигини таъминлаш ва геосиёсий маконда бевосита ўз мавқейини ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда Республикамизда олий ҳарбий билим юртларидаги таълим тизимини ноёб принциплар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Янги ҳарбий таълим жиҳатларига эришиш учун ёки босқич самарадорлигини ошириш учун, давлат мудофаасидаги ҳарбий таълим-тарбия тизимини янгидан барпо этиш ва таъминлаш лозим. Бунинг учун назарий ва амалий билимлар, илмий қўлланмалар ва дарс бериш методлари, малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Ҳарбий хизматчиларга таълим бериш жараёнининг асосий парадигмаси бу концептуал маълум билимларга эга бўлишдир, лекин уларни маълум бир типдаги стандарт бўлмаган жараёнларда жавоб берадиган, қарорлар қабул қиладиган даражага етиштириш учун, биринчи ўринда шахс квалификацион характердаги таълимини ривожлантиришдан иборат.




Шу боис, Қуролли Кучлар тизимидаги олий ҳарбий билим юртларида ҳарбий таълим-тарбия тизимида педагогик-психологик муаммолар мавжуд булар: фуқароларни ҳарбий хизмат учун танлаш, курсантларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва бошқариш, ҳар бир ҳарбий хизматчи учун ўз устида ишлаш, ўз саводхонлигини ошириш, касбий аҳлоқ ва талабномаларга қатъий риоя этиш ва хоказолардир.

Юқоридаги талабларни амалга ошириш учун энг аввало шахснинг биологик омиллари ёки психологиясига катта эътиборни қаратишимиз лозим.

Буни Қуролли Кучларимиз профессионаллашувига таъсир этиши ёки этмаслигини исботлашга харакат қиламиз:

Қуролли Кучлар профессионал ҳарбий хизматчиларга эга бўлиши учун биринчи ўринда ҳарбий хизматчининг биологик омилларни синчиковлик билан ўрганиши лозим, бу эса унинг шахсига шубхасиз таъсир этади.

Ундаги биологик омилларга қўйидагиларни киритишимиз мумкин:

саломатлиги,

жизмоний ривожланганлик даражаси,

тана тузилиши,

бўйи,
оғирлиги,
мускул кучи,
ўпканинг хажми ва хоказолар.

Бу омиллар воситасида ҳарбий хизматчи бажара оладиган жисмоний зўриқишни аниқлаб олиш мумкин. Ҳарбий хизматчининг саломатлиги, жисмоний аҳволи унинг ишлаш лаёқати ва кайфиятига таъсир этиши мумкин. Унинг ўқиш ва хизматдаги муваффақиятлари, шунингдек, ўртоқлари ҳамда командирлари билан бўладиган муносабатлари учун ишчанлигига ва кайфиятига боғлиқ бўлади.

Буларнинг ҳаммаси қўшилиб ундаги индивидуал-психологик хусусиятларнинг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Масалан инсонни бирон бир нарса ёки ҳодиса мазмунига тушуниб етиши учун, авваломбор у нимадан иборат эканлигини билиши катта аҳамиятга эга.

Шу маънода инсон психологияси қўйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:
психологик жараён (ҳиссиёт, ирода),
хусусиятлар (темперамент, характер),
ҳолатлар (руҳий тушкунлик, кўтаринки кайфият),
тузилмалар (билим, малака, одат).

Ушбу санаб ўтилган компонентлар ҳар бир ҳарбий хизматчида ҳар хил ривожланган ёки шаклланган бўлади.

Шунинг учун бўлажак офицерларни тайёрлашда асосан уларнинг психологик жараёнларини тўғри баҳолай олиш даркор, бу эса командирларда касбий-педагогик маҳоратнинг юқори даражада бўлиш белгисидир.

Ҳарбий хизматчиларнинг таълим тизимидаги психологик жараён, хусусият, ҳолат ва тузилмаларини билиш, ўрганиш офицерларга тарбиявий ишларни ва ҳарбий хизматни тўғри режалаштиришга ёрдам беради. Бу эса келажакда Қуролли Кучлар сафида профессионал ҳарбий хизматчиларни етишиб чиқишига ва Ватанимиз хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан халқимиз ҳаётида янги давр бошланди. Мамлакатимиз тараққиётининг асоси бўлган кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилашга, уларнинг тарбияси, маънавияти, салоҳиятига хизмат қиладиган мукаммал тизимни шакллантиришга юксак эътибор қаратилмоқда. Бунинг боиси шундаки, кадрлар жамиятни ҳаракатга келтиради, унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётини жонлантиради. Қачонки, раҳбар ходимлар ҳар жиҳатдан намуна бўлса, одамларни ишонтира олса, жамият ривожланади.

Бутун жамиятимизда бўлгани сингари Қуролли Кучларимиз фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг кафолати ва асосий рамзларидан бири бўлиб янгидан барпо этилди. Давлатимиз мудофаасини етук ҳарбий хизматчиларсиз тасаввур қилиш қийин. **Бу ўринда ҳарбий кадрларни танлашда уларнинг қуйидаги асосий сифатлари ва фазилатларига катта эътибор қаратиш керак:**

1. Ватанга садоқати ва муҳаббати, фидоийлиги, адолатлилиги, ташаббускорлиги, омилкорлиги ва уддабуронлиги, изланувчанлиги ва янгиликка интилиши, талабчанлиги, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлиги, маънавий етуклиги, хушмуомалалиги, интизомлилиги ва бошқалар.

2. Шу билан бирга, ҳарбий кадрларнинг Ватан ривожи учун ўз вазифа ва мажбуриятларини назарда тутиш лозим:

- мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати олиб бораётган сиёсатни теран англаши ва қўллаб-қувватлаши;
- топширилган вазифа учун жонкуярлиги, масъулиятни ҳис этиши, ўз соҳасининг билимдони эканлиги, ўз устида изланиши ва меҳнатсеварлиги;
- ишлаётган лавозими бўйича топширилган вазифаларни мукаммал билиши ва пухта бажара олиши;
- вазифаларни амалга ошириш учун бор имкониятларини ишга сола билиши;
- ўзи меҳнат қилаётган соҳани янада ривожлантириш учун аниқ таклифлар бера олиши ва шу масалага оид изланишлари;
- ўз фикрини бошқаларга тушунтира олиши;
- одамлар билан ишлай билиши;
- иш фаолиятининг натижалари;
- турмуш тарзи, оилавий аҳволи, яшаш жойидагилар билан муносабати.

Буларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда ҳарбий кадрни танлаш лозим бўлган талаблардир.

Бу талаблардан келиб чиқган ҳолда ҳарбий кадрларни ҳар томонлама етук ҳозирги ва келажак замон талабларига жавоб беришлари ва уларнинг профессионал, интеллектуал даражасига эришишлари учун энг аввиломбор таълим, тарбия ва ҳарбий психология масалаларига катта аҳамият бериш лозимлигидан далолат берада.

## ХУЛОСА

**Таълим ва тарбия мураккаб жараён бўлиб, у ҳарбий хизматчилар онгига шундай таъсир этишни назарда тутадики, шу таъсир остида уларда яна сиёсий онглилик, ҳарбий бурчга садоқат ва Ватан мудофааси учун масъулият ҳисси каби сифатлар шаклланади. Таълимий ва тарбиявий таъсир энг аввало инсоннинг руҳиятига, онгига қаратилган бўлади.**

Мамлакат мудофааси учун замонавий ҳарбий хизматчи (офицер) шахсини тарбиялаш, яъни: қатъиятлилик, руҳий тетиклик, жасорат ва ўз она-Ватанига чексиз муҳаббат, дўстлик ва жанговар ўртоқлик, онгли равишда юксак касбий махорат чуққиларига интилиши, мустаҳкам ирода, ҳар қандай тажавузкор ҳужумга муносиб зарба беришга қодир офицер бўлиши.

**Мудофаа вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий билим юртларидаги кадрларни тайёрлаш сиёсатини самарали амалга ошириш учун қуйидагилар таклиф этилади:**

- **биринчидан,** олий ҳарбий билим юртлардаги таълим-тарбия тизимининг илғор педагогик технологиялар билан бойитиб боришни таъминлаш ва бу ўринда асосий эътиборни ҳарбий хизматчиларни тайёргарлигида замонавий техник ва технологик воситалардан (компьютер,

Интернет ва бошқалар), ёрдамида амалга оширилиши. Шу билан бир қаторда таълим-тарбия тизимининг илмий услубиятини такомиллаштиришда ҳорижий мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш;

- **иккинчидан,** ҳарбий хизматчи (офицер) шахсини профессионал замон талаблари даражасига етказиш учун, танлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари катта эътиборни жалб этади. Шу нуқтаи назардан ҳарбий хизматчи (офицер)ларни узлуксиз таълим жараёнини мукаммаллаштириш юзасидан, ўқув методик базасини;

- **учинчидан,** таълим-тарбия тизимининг моддий таъминоти даражасини яхшилаш мақсадида олий ҳарбий билим юртлари, ҳарбий қисм ва округларнинг ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ва шу билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимият ва олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- **тўртинчидан,** Олий ҳарбий билим юртларида курсантларни ўқитиш жараёнида ижтимоий ва бошқа фанлар ўртасида ўзаро мантиқий боғлиқликни кучайтириш, ўқитилаётган ҳар бир мавзунинг, ҳарбий хизматчиларда ғоявий баркамолликни вужудга келишига хизмат қилиши ва замонавий фанлар билан бойитилиши;

- **бешинчидан,** олий ҳарбий билим юртига кирувчи абитуриент курсантларнинг ақлий идроки ва қобилиятини кўтариш учун алоҳида режа асосида қўшимча синовлар ўтказиш (яъни баён ёзиш, физика, математикадан мисоллар ечиш ва бошқ.), ундан ташқари мутахассислиги бўйича тахсимлашда ҳар томонлама ўрганиш.

## “БОЛАЛАРДА ҲАМШИРАЛИК ПАРВАРИШИ” ФАНИНИ УҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ”НИМА УЧУН” СХЕМАСИ УСУЛИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

*Зебинисо Шодиева - Навоий тиббиёт коллежи*
*“Болаларда ҳамширалик парвариши” фани катта ўқитувчиси*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида шахснинг эркинлиги, мустакил фикрлаш кобилятини шакллантиришга бирламчи эътибор берилган.Эркинлик таъминланган жамиятда фикр ривожланади, фикр ривожланиши эса жамият кучли булишининг гаровидир. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, “Мустакиллик янгича яшашни, янгича фикрлашни,хаётда хар бир фукаро узига яраша муносиб урин эгаллашни,янги мафкура асосида янгича маънавиятни талаб этди”.Талаб этибгина колмасдан жадал узгариб бораётган иктисодий-ижтимоий шароитда янгича уйлашга ва янгиликлар яратишга мажбур этмокда.Шунинг учун хам бизга,ракобатбардош,юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берадиган фозил зукко инсонлар керак.Дастурнинг асосий максади хам айнан баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.Таълимнинг янги модели жамиятда эркин фикрловчини эркин шаклланишига олиб келади.

чизиш,шу саволга жавоб ёзиш жараёнини ташкиллаштиради. Бу жараён муаммонинг дастлабки сабаби аникланмагунча давом этади. Кичик гурухларга бирлаштиради ва узларининг чизмаларини таккослаш,тулдириш ва умумий чизмага келтириш вазифасини беради.Иш натижаларининг такдимотини ташкил килади.




Болаларда хамширалик парвариш фанидан “Болаларда хазм аъзолари касалликла -Гипотрофия” мавзусини укувчиларга инновацион технологиялардан “Нима учун” схемаси усулидан фойдаланиш таълим берувчига билимларни узлаштириш ва мустахкамлаш, янги билимларни кидириш, намуна буйича харакатларни бажариш, малака ва куникмаларни шакллантириш буйича таълим олувчилар фаолиятини ташкиллаштиради.Таълим олувчилар эса хотирага кабул киладилар, таккослайдилар ва умумлаштирадилар. “Нима учун” усулидан фойдаланиб тушунтиришда укитувчи бу усулни схемасини укувчиларга тушунтириб утади, бунда якка тартибда ёки жуфтликда муаммони ифодалаш вазифасини беради.”Нима учун” суроги билан стрелка Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим,куникма ва малакалар,ташкил этилаётган дарслар шакли ва кулланилаётган методлар хамда методик усулларнинг характерига боглик.

Хозирги кунда таълим жараёнини самарали олиб бориш борасида олиб борилаётган илмий тадкикотлар хамда укитувчилар фаолиятида таълим

беришнинг узгача усуллари ишлаб чикилмокда.Буларни ижобий томонга хал этишда укувчилар фаоллигини янада жалб этиш мухим вазифадир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

Л.В.Голиш, Д.М.Файзуллаева
Педагогик технологияларни лойихалаштириш.
Педиатрияда хамширалик иши.К.Иномов,М .Ганиева.
Саидахмедов Н.С Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни куллаш намуналари.

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ ВА БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Ҳайитбоев Д.Ж., УрДУ Педагогика факультети декан муовини;*
*Жонибеков Рафаель -4 курс ТС ва МГ толиби*

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим ислоҳотлари "Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади" эканлиги таъкидланади[23]. Дарҳақиқат, ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом, маънан етук шахсни шакллантириш давлатимизда олиб борилаётган islоҳатларнинг устувор йўналишларидан бўлди.

Бўлажак ўқитувчиларда бошқарув маданиятини шакллантиришнинг асосий мақсади олий таълимни ривожлантириш асосида давлат, жамият ва шахс манфаатларини қондира бориб, юқори малакали, рақобатбардош малакали ўқитувчилар тайёрлашдан иборатдир. Дарҳақиқат бугунги кунда асосий мақсад олий таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор, замонавий, олий таълимда самарали ўқитишни ташкил қилиш ва малакали кадрларни етиштиришни таъминлашга қаратилган. Буни амалга ошириш мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши истиқболлари, жамият талабларига биноан фан, техника, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил қилиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш имкониятини беради. Шунингдек бўлажак педагогларни миллий истиқлол ғояси, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мустақиллик ғоялари, Ватан, оила, табиатга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчи, талабалрнинг ўқув амалиётларини янги педагогик ва ахборот технологияларини киритган ҳолда ўтказилишини ташкил этиш ва таъминлаш, олий ўқув юрти, фан ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлашувининг амалий тизимларини яратиш ва амалиётга киритиш, илмий-педагогик кадрлар ва бўлажак педагог талабаларнинг илмий-тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари

[23]Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 408 от 22 сентября 2003 г.

орқали фан, техника ва технологияларни ривожлантириш, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўзаро ҳамкорлик битимлари асосида таълимнинг янги йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва амалга ошириш, ўқитувчилар билан ҳамкорликда дарслик, ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар яратиш, талабаларда касбий бошқарув маданиятини ривожлантиришнинг асосий негизи ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчиларда бошқарув маданиятини шакллантиришда олий таълим йуналишлари буйича ўқитиладиган айрим фанларнинг ўрни бениҳоядир.

**Педагогика** – фанини ўқитиш жараёнида касбий таълим йўналишида педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, педагогика фанининг муҳандис педагоглар тайёрлашдаги назарий асослари, касбий таълим педагогикасининг бошқа фанлар билан алоқаси, касбий таълим методологияси ва илмий тадқиқот методлари, дидактика, тарбия назарияси ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади. **Педагогик маҳорат** – педагогика-психология фанидаги педагогик маҳорат моҳияти, педагогик қобилият ва малакалари, педагогик мулоқати, ўқитувчининг дарсдаги ва тарбиявий ишдаги маҳорати, ўқитувчи маҳоратиник, педагогик шарт-шароитларини ташкил этишнинг кўникма ва малакаларини ривожлантиради.[4] **Касбий маҳорат** – фанида касбий маҳоратнинг фалсафий-методологик асослари, касбий маҳоратда изланиш методлари, малакавий билим беришда асосий ривожланиш тизимининг тенденциялари, чет эл касбий маҳорати ҳақида маълумотлар берилади. **Янги педагогик технологиялар** – фанида педагогик технология фанининг мақсад ва вазифалари, янги педагогик ва ахборат технологияларини ўрганиш ва қўллаш, янги педагогик ва ахборат технологиялари, ўқув-тарбиявий жараённи услублари, талабаларга педагогик технология ҳақида тўлик маълумот бериш ва таълим техноголиялари ривожланишининг босқичлари, ўқув машғулотларни лойиҳалаштириш, ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.[4]

Бўлажак ўқитувчиларда бошқарув маданиятни шакллантиришда махсус гуманитар фанларни ўрганиш ҳам диққатга сазавордир. Албатта бу ишларни амалга оширишда узлуксиз таълим турлари, айниқса олий таълим ўқув муассасаларининг аҳамияти беқиёсдир. Чунки ушбу масканда таълим олаётган хар бир талаба фақатгина у ёки бу соҳа мутахассислигига эга бўлибгина қолмай, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топади ва жамиятимиз ривожланишида фаол иштирок этади. Ўзининг билими, маънавияти, маданияти билан Ўзбекистон тараққиётининг бош йўли бўлган озод ва обод Ватан учун меҳнат қилади. Албатта бундай улкан вазифаларни амалга оширишда олий ўқув юртларида ўқитиладиган «Педагогик маҳорат» фанининг аҳамияти каттадир. Чунки «Педагогик маҳорат» талаба шахсини маънавий шакллантиришда, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашда, уларнинг маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Бошқарув маданиятида - оқилона бошқариш санъати, билим, замонавий концепциялар, илм, талаб технологиялар муҳим аҳамиятга эга. Бошқарув асосини замонавий билимларисиз жамиятни шакллантириб бўлмайди. Таълим тизимида бошқарув - бу якуний натижани олишга қаратилган хатти-ҳаракатлар,

усуллар ёрдамида шахсни шакллантиршнинг бутун бир узвий ва узлуксиз, таълим мақсадларига эришиш жараёнидир.

**Адабиётлар**

1. Каримов. И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т .: Маънавият, 2008.-176б.
2. Ўзбекистон Республикаси ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ НМАК,1997. 31-61б
3.Yo‘ldoshev J.G‘., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari / Qo‘ll. – T.: O‘qituvchi, 2004. – 104 b.

## ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ОТРАСЛИ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА

*Холмаматова Лола Аманкуловна*
*Старший преподаватель, Ташкентский архитектурно строительный институт*

Принимая во внимание роль архитектуры и строительства в развитии государства, нельзя отрицать значение подготовки кадров данной отрасли. На сегодняшний день кадровая политика в сфере архитектуры и строительства становится весьма актуальной проблемой, наряду с ней возникают новые требования не только к подготовке, но и переподготовке персонала.

Повышение квалификации сотрудников в строительной отрасли следует рассматривать как инвестиции в устойчивое развитие организации и стабильность бизнеса. Необходимым аспектом обеспечения качества подготовки персонала является соответствие интеллектуального потенциала служащих и инженерно-технических работников необходимому уровню конкурентоспособности строительной организации для ее устойчивого развития.

В настоящее время переподготовкой персонала в сфере архитектуры и строительства в Узбекистане занимается Ташкентский архитектурно-строительный институт, который включает в себя несколько факультетов, в том числе факультеты «Архитектура», «Строительство зданий и сооружений», «Инженерно-строительной инфраструктуры», «Управление строительством», а также академический лицей, центр повышения квалификации и переподготовки менеджеров в сфере строительства и отдел международных отношений.

Центр переподготовки и повышения квалификации менеджеров в сфере строительства при Ташкентском архитектурно – строительном институте создан на базе факультета повышения квалификации[24].

На сегодняшний день подготовка кадров в сфере архитектуры и строительства, как и в любой другой отрасли проходит в 3 этапа. Подробное описание данного процесса приведено на рисунке 1.

[24] Постановление Кабинета Министров РеспубликиУзбекистан «Об утверждении программы развития ландшафтного дизайна в Республике Узбекистан» № 223 от 13 августа 2013г.

**Рис. 1. Этапы подготовки кадров в сфере архитектуры и строительства**




Источник: Разработан автором

Центр является государственным образовательным учебным заведением, осуществляющим образовательную деятельность по реализации послевузовского обучения профессорско – преподавательского состава высших учебных заведений и профессиональных колледжей, а также менеджеров и специалистов архитектурно – строительного профиля.

Основными задачами Центра являются:

• переподготовка и повышение квалификации преподавателей менеджеров и специалистов архитектурно – строительного профиля;

• системное совершенствование методов и технологий обучения на основе современных достижений в этих областях;

• разработка учебно-методических и нормативных материалов, обновление и совершенствование методической и информационной базы учебного процесса;

• выполнение научно – исследовательских и проектных работ, мониторинг использования специалистов архитектурно – строительного профиля в строительном комплексе республики;

• выполнение хоздоговорных работ по обследованию технического состояния зданий и сооружений с выдачей рекомендации по усилению конструкций, реконструкция здании и сооружений.

Следует отметить, что наряду с развитием образования в сфере архитектуры и строительства существует ряд проблем по переподготовке кадров и повышения квалификации персонала данной отрасли, в том числе:

•ограниченное количество центров повышения квалификации персонала данной отрасли;

•минимальная интегрированность сферы образования и производства;

• низкий уровень непосредственного изучения зарубежного опыта подготовки и переподготовки кадров данной отрасли.

• недостаточный уровень технического оснащения, обусловливающий эффективное обучение студентов (программное и техническое обеспечение, наглядные пособия и т.д.).

Как известно, переподготовка кадров дает возможность специалистам оставаться в курсе нововведений в отрасль, идти в «ногу со временем», владеть информацией об актуальных проблемах в мире и стране. Для получения более эффективного образования следует как можно глубже интегрировать процесс получения теоретических знаний и производства; привлекать как можно больше специалистов и руководителей предприятий данной отрасли к проведению лекционных и/или практических занятий в высших учебных заведениях; внедрить новейшие информационно-коммуникационные технологии в образовательный процесс, а именно, онлайн-уроки с ведущими зарубежными институтами или предприятиямисоответствующей отрасли. Несомненно, данные предложения внесут определенную эффективность в процесс подготовки и повышения квалификации специалистов, при поддержании ее стимулированием обучающихся в виде конкурсов.

Необходимо отметить, что государство принимает активное участие в развитии образования в сфере архитектуры и строительства. Так, в 2013 г. Кабинетом Министров Республики Узбекистан выдвинуто Постановление «Об утверждении программы развития ландшафтного дизайна в Республике Узбекистан», где внесены предложения по подготовке, переподготовке и повышению персонала кадров данной отрасли.

В частности:

1. Создание на базе существующих кафедр Ташкентского архитектурно-строительного института и Самаркандского государственного архитектурно-строительного института кафедр «Ландшафтный дизайн и интерьер»;

2. Создание Центра по повышению квалификации и переподготовке архитекторов, дизайнеров, строителей на базе Центра повышения квалификации и переподготовки менеджеров в сфере строительства при Ташкентском архитектурно-строительном институте;

3. Привлечение к образовательному процессу в Ташкентском архитектурно-строительном институте и Самаркандском государственном архитектурно-строительном институте специалистов-практиков, в том числе из зарубежных стран, в области архитектурной дендрологии и ландшафтного дизайна, на условиях почасовой оплаты труда.

4. Организация учебы специалистов ландшафтного дизайна в Англии и других зарубежных странах, а также выездных ознакомительных практик по вопросам архитектуры и ландшафтного дизайна студентов Ташкентского архитектурно-строительного института и Самаркандского государственного архитектурно-строительного института.

5. Приглашение в Республику Узбекистан зарубежных специалистов ландшафтного дизайна для обмена опытом[25].

---

[25] ***N.B. Abdullayeva.*** Ta'lim texnologiyalari – T.: 4-son, 2014. 43 bet

Безусловно, внимание к подготовке и переподготовке кадров данной отрасли растет с каждым днем, что является гарантией выхода отрасли архитектуры, дизайна и строительства Узбекистана на новый, мировой уровень.

**Список использованной литературы**

**Законы и нормативные акты Республики Узбекистан**

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 408 «О создании центра переподготовки и повышения квалификации менеджеров в сфере строительства» от 22 сентября 2003 г.

2. Постановление Кабинета Министров РеспубликиУзбекистан№ 223 «Об утверждении программы развития ландшафтного дизайна в Республике Узбекистан» от 13 августа 2013г.

**Основная литература**

3.Материалы международной студенческойнаучно-практической конференции«Строительство и архитектура – 2015». Часть 1: Современные проблемы экономики и управления в строительстве: материалы Международной научно-практической конференции: тезисы докладов. – Ростов н/Д: Рост.гос. строит. ун-т, 2015. – 250 с.

4.. Архитектура, строительство, дизайн: Учебник для вузов. М.: Феникс, 2004.

**Интернет ресурсы**

5. Национальная база данных законодательства Республики Узбекистанwww.lex.uz

6. Официальный сайт Ташкентского архитектурно-строительного института http://www.taqi.uz/

## МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*Юлдошева Инобат Рузимуродовна., Умирова Норхол Зулпиқоровна*
*Навоий тиббиёт коллежи Математика-информатика фани катта ўқитувчиси*

Таълим жараёнини самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан ўқув манбалари сифатига, ўқув дастури, режаси, дарслик ва қўлланмалар савиясига боғлиқ. Шунинг учун улар қатор психологик, педагогик ва дидактик талаблар асосида яратилади. Бундай талаблар эса, давр ўтиши билан ўзгариб туради. Хозирги вақтда таълим тизимида компьютер технологияларидан жадал фойдаланилмоқда. Эндиликда ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам ахборот маданияти ва компьютер саводхонлиги юксак бўлиши шарт. Ахборот маданиятининг шаклланганлиги-бу ўқувчиларнинг компьютерга бўлган илмий муносабатининг юзага келиши, яъни компьютер онг ва ақлни ривожлантириш воситаси эканлигини англаб етганлиги билан ифодаланади.

Компьютер саводхонлиги дейилганда компьютер технологиялари имкониятларидан ўринли фойдаланиши бўйича билим, кўникма ва малакага эга бўлиш тушунилади.

Шундай экан, энг аввало, ўқувчиларда компьютер ва замонавий график дастурлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш зарур. Бунинг учун дастлаб қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

-математика ва ахборот технологияларига оид мавзуларни тушунтиришда кўп вақт ва меҳнат талаб этиладиган ҳамда ўқувчиларнинг ўзлаштириши қийин кечадиган мавзуларни аниқлаш

-математика ва ахборот технологиялари фанларидан ўқувчиларнинг йил давомида ўзлаштирган назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларини таҳлил қилиш

-компьютердан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш мониторингини ишлаб чиқиш.

Академик лицей ва касб-хунар колеж ўқувчиларининг малакавий тавсифномасига кура билим юртларида ўқитиладиган математика курси мазмунига бир неча талаблар қўйилган. Аммо унда математика ўқитишда компьютердан фойдаланиш масалалари ҳақида сўз юритилмайди.

Гап шундаки, академик лицей ва касб-хунар коллежлар учун мулжалланган математика курси мазмуни умумтаълим мактабларида ўрганилган математика дарсликлари мазмуни такрорланмаслиги, шунингдек, олий ўқув юртларида ўрганиладиган “Олий математика” ёки
“Математика” курсининг “қисқартирилган варианти” мазмунини ўзида акс эттириши, аммо айнан уларникига ўхшаб қолмаслиги керак. Академик лицейва касб-хунар коллежларда математикани ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига амал қилиш, педагогик технологиялар ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим ахамиятга эга. Шунинг учун унинг мазмуни замон талабларидан келиб чиққан холда янгилаш ва ўқувчиларга ўргатиладиган билимлар хажмини аниқ белгилаш лозим. Унинг мазмунига компьютердан фойдаланиб индивидуал бажариладиган топшириқлар, ўқувчиларнинг фазовий тассаввури ва тафаккурини ривожлантиришга мўлжалланган қизиқарли ва ижодий масалаларни, замонавий компьютер графикаси элементларини киритиш мақсадга мувофиқ. Таълим жараёнида янги ахборот технологияларини жорий этиш ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш ва касбий кўнкмаларини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Ўқитишда ахборот технологияларини қўллашнинг дидактик шарт-шароитлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-таълим муассасаларида ахборот технологиялари (компьютер ва унинг локал тармоқлари, мультимедиа воситалари, база маълумотлари ва зарурий педагогик дастурий воситалар)нинг мавжудлиги

-таълим субъектлари (ўқувчилар ва педагоглар)нинг янгиликларини қуллашга психологик-педагогик тайёргарлиги

-таълим мақсадлари ва ахборотлаштириш жараёнини эътиборга олиб, ўқув предметлари бўйича, интегратив курслар яратиш.

Бугунги кунда компьютер ўрганиш объектидан жуда куп масалалар, шу жумладан, ўқув жараёнида касбий масалаларни ечишнинг самарали воситасига айланди. Ўқув жараёнида касбий масалаларни ечишда аниқ мақсадга эришиш назарда тутилади.

Педагогик адбиётларда “ўқув жараёнида касбий масалани ҳал этиш” муаммоси қуйидаги кетма-кетликда талқин этилади:
мақсадни аниқ белгилаш
топшириқ, вазифа
маълум билимлар асосида ечиш талаб этиладиган касбий масала, муаммо
ўқувчиларнинг касбий билим ва амалий кўникмаларини назорат қилиш ҳамда ўқитиш методи.

Шубхасиз, ҳар бир ўқувчи ўзининг ақлий имкониятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Аммо хар бир ўқувчи касбий жиҳатдан ўсишига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларни яратишга эҳтиёж сезади. Ўқувчиларни касбий жиҳатдан тарбиялашнинг моҳияти ҳам худди ана шундан иборатдир.

Шундай қилиб, хозирги замон таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни касбий жиҳатдан тарбиялашдир. Таълим жараёнининг мақсади математика, информатика ва бошқа ўқув предметларини нафақат ўзлаштиришга ўргатиш, балки информатика воситасида шахснинг касбий имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Ўқув фанлари мазмунини белгилашда касбий ривожланишнинг реал психологик механизмини ҳисобга олиш лозим.Алгоритмлаштиришни ўзлаштиришда масалаларни энг мақбул тарзда танлаш ва тизимлаштириш ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўқув жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, акдемик лицей ва касб-хунар коллежларда математика ўқитишда янги педагогик технологиялар ва компьютердан фойдаланиш ўқувчиларнинг ахборот маданиятини шакллантириш ва таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

## TARIX FANINI O’QITISHDA AXBOROT KOMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARI VA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

*N.O. Mirzayeva – Oqdaryo politexnika kasb-hunar kollejining tarix fani katta o’qituvchisi*

O’zbekistonda mustaqillikka erishganidan so’ng ko’plab jabhalarda islohatlar olib borildi. Bu islohatlarning asl mohiyati va maqsadi bugungi kunda to’liq o’zini oqlagani barchamizga ayyondir. Ayniqsa “Kadrlar tayyotlash milliy dasturi” hamda “ Ta’lim to’g’risida”gi qonunga asosan ta’lim tizimi tubdan isloh qilindi. Jumladan ta’limga zamonaviy kompyuter texnologiyalari va interfaol metodlarning kirib kelishi bilim berish jarayonini jadallashtirdi, yosh avlodning tarbiyasiga katta e’tibor berdi. Uning maqsadi yuksak bilim, saviya va tajribaga ega bo’lgan, zamonaviy fikrlaydigan, o’z ishiga ma’sulyat bilan yondashadigan, eng muhimi jahon bozorida raqobatlasholadigan kadrlarni yetishtirishdan iboratdir.
“ Bugungi bizning yoshlarimiz ertangi mamlakatimiz egalaridir” – deb bejizga ta’kidlamaganlar yurtboshimiz I.A. Karimov. Bundan xulosa qilganda bugungi kun nafaqat o’qituvchi oldiga balki o‘quvchi oldiga ham katta talablar qo‘ymoqda, bu

talablarning eng asosiysi – darsning samaradorligi, uning sifatliligi, o‘quvchilarda bilim – ko‘nikmalarni shakllantirishda turli qiziqarli o‘quv mashg‘ulotlarni tashkil qilinishi va u orqali kutilgan natijaga erishishdan iborat.

Hozir shiddat bilan rivojlanayotgan texnologiyalar asrida hech bir sohani kompyuter texnikasisiz tasavvur qilib bo’lmagandek, ta’lim jarayonini ham usiz tasavvur qilib bo’lmaydi. Ayniqsa gap sifat va samara haqida ketganda bugungi kun pedagogi oldiga ham yangi talablar qo‘yilgan:

• ***O‘qituvchi har bir o‘quvchining ijodiy potensialini rivojlantirishi, ya’ni o‘qitish jarayonida har bir o‘quvchiga individual yondashishi kerak bo‘ladi.***

• ***O‘qituvchi o‘quvchini o‘qitishi emas, balki unga axborot bilan mustaqil ishlashni o‘rgatishi muhim.***

• ***O‘qituvchi ham, o‘quvchi ham axborot va telekommunikatsion texnologiyalar bilan ishlash ko‘nikmasiga ega bo‘lishi zarur.***[26]

Zamonaviy ta’lim jarayoni ta’lim oluvchilarning ijodiy qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan. Bunday talab o‘quvchilarning turli xil axborot manbalari bilan ishlashini taqozo etadi. O‘quvchi o‘zi mustaqil axborotlar olishi, ularni saralashi va umumlashtirishi kerak bo‘ladi.

Kompyuter texnikasining afzalliklaridan biri bu – ta’lim jarayonida undan to‘gri va samarali foydalanilsa, tasavvurni kengaytiruvchi ma’lumot va manbalar bilan o’quvchi ongini boyitadi.

Ta’lim jarayonida kompyuter texnikasining afzalliklari sifatida quyidagilarni sanab o‘tsak bo‘ladi:

1. Yetkazilishi lozim bo‘lgan bilim ko‘nikmani ekran orqali namoyish qilish o’quvchi ongiga ma’lumotni tezroq yetib borishiga va tasavvurlarini kengayishiga yordam beradi;
2. Dars jarayonida ta’lim berish va bilim olishni tezlashtiradi;
3. Dars jarayonining o‘zidayoq dunyoning xohlagan bir qismi haqida to‘g‘ridan-to‘g‘ri ma’lumot olish va yetkazish imkoniyati mavjud;
4. Globallashuv jarayoni va unda ro‘y berayotgan jarayonlar va ularning oqibatlari haqida ma’lumot beradi va hokazo.[27]

Bugungi kunda ta’lim jarayonini to‘gri va samarali tashkil qilishda texnik vositalarning, jumladan kompyuterning o‘rni beqiyos.

Tarix o‘qituvchilari Microsoft Word, Mikrosoft Exsel, Mikrosoft PowerPoint va boshqa kompyuter dasturlaridan darslarda samarali foydalanishlari mumkin. Jumladan Microsoft Word matnli redactor dasturi orqali oddiy didaktik materiallar tayyorlashda va ularni kompyuter sinflarida o‘tiladigan darslarda o‘quvchilarga mustaqil ishlash uchun taqdim etish mumkin. Bunday didaktik material izohli matn sifatida, rasmlar bilan bezatilgan holda, nazorat savollari bilan birga o‘quvchilarga beriladi va o‘quvchilar tomonidan bajarilishi nazorat qilinadi. O‘quvchilar ham o‘z navbatida Word matnli redaktori tomonidan o‘zlarining shaxsiy intellektual mahsulotlarini tayyorlashda (referat, krossvord va b) foydalanishlari mumkin.

---

[26] ***Q. Babajanov, M. Atabayeva.*** Ta’lim texnologiyalari – T.: 4-son, 2014. 75 bet
[27] ***N.B. Abdullayeva.*** Ta’lim texnologiyalari – T.: 4-son, 2014. 44 bet

Microsoft Exsel yordamida tarixning ijtimoiy iqtisodiy mavzularini o‘rganish davomida ishsizlik darajasi, ishlab chiqarish ko‘lami va undagi o‘zgarishlar, narx-navoninng o‘sishi va boshqa ijtimoiy – iqtisodiy ko‘rsatkichlarni o‘zida aks ettirgan turli xil grafiklar, diagrammalar yaratiladi.

PowerPoint dasturi ko‘rgazmali materiallar yaratishda katta imkoniyatlar beradi. Tarix o‘qituvchisi bu dasturdan ma’ruzalar uchun taqdimotlar yaratishda, rasmlarni, xaritalarni ko‘rsatishda foydalansa bo’ladi. Bundan tashqari taqdimotlardan o‘quvchilar o‘z ijod namunalarini taqdim etishda, masalan, uy vazifalari, referatlar ishlarini ko‘rsatishda foydalanishlari mumkin bo‘ladi.[28]

Bundan tashqari Tarix darsini turli xil interfaol o’yinlar yordamida qiziqarli tashkil qilish mumkin. Bunda pedagogdan katta mahorat talab etiladi.

Tarix darsi davomida va darsdan tashqari mashg‘ulotlarda foydalanish uchun xilma-xil o‘yinlar bor:

*1. Syujetli – rolli o‘yinlar.*
*2 . “Yarmarka”o‘yini.*
*3. “Matbuot anjumani” o‘yini.*
*4. “Baxtli tasodif” o‘yini.*
*5. “Referatlar tanlovi”.*
*6. “Zakovat” intellektual o‘yini.*
*7. “O‘tkir zehnlilar” mushoirasi.*

Hozir esa ta’limning sifat darajasini oshiradigan va samaradorligini ta’minlaydigan pedagogik texnologiyalarni birma bir ko’rib chiqsak.

**1. “Klaster” tuzish qoidasi**

Klaster metodi pedagogik, didaktik strategiyaning muayyan shakli bo‘lib, u o‘quvchilarga ixtiyoriy muammo (mavzu) lar xususida erkin, ochiq o‘ylash va shaxsiy fikrlarni bemalol bayon etish uchun sharoit yaratishga yordam beradi.[29] Mazkur metod turli xil g‘oyalar o‘rtasidagi aloqalar to‘g‘risida fikrlash imkoniyatini beruvchi tuzilmani aniqlashni talab etadi. “Klaster” metodi aniq ob’ektga yo‘naltirilmagan fikrlash shakli sanaladi. Undan foydalanish inson miya faoliyatining ishlash tamoyili bilan bog‘liq ravishda amalga oshadi. Ushbu metod muayyan mavzuning o‘quvchilar tomonidan chuqur hamda puxta o‘zlashtirilguniga qadar fikrlash faoliyatining bir maromda bo‘lishini ta’minlashga
xizmat qiladi.

**2. “Baliq skeleti” texnikasi**

Ushbu ta’lim texnologiyasida asosiy mavzu “baliq” ning, ya’ni muammoning bosh qismida turadi, uning qismlari esa atrofida “skelet” ning yon tomonlarida joylashtirilib birin-ketin yoritib boriladi.

**3. INSERT texnikasidan foydalanib ishlash qoidasi**

1. Ma’ruza matnini o‘qigach talaba, matn chetiga quyidagi belgilarni qo‘yib chiqadi. **(√)** – bilaman, **(+)** – men uchun yangi ma’lumot, **(–)** – men bilgan ma’lumotni inkor qiladi, **(?)** – noaniq qo‘shimcha ma’lumot.
2. Olingan natijalarni ma’lumot shaklida rasmiylashtiring:

---
[28] *Tolipov U.* Pedagogik texnologiya (Nazariya va amaliyot) – T.:“Fan”, 2005. 78-bet.
[29] Ўзбекистон Республикасининг конституцияси.-Т: Ўзбекистон, 2001

| Mavzu savollari | √ | + | - | ? |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

**5. “Charxpalak” usuli**

1. Talabalarni 3–4 guruhga kartochkalar yordamida ajratadi.
2. Har bir guruh liderini oʻqituvchi oʻzi tanlaydi.
3. Guruhga topshiriqlarni tarqatadi.
4. Barcha guruh topshiriqlarni bajarib boʻlgandan soʻng, guruh topshiriqlarini bir-biri bilan almashtiradi 3 marta.
5. Guruh a’zolari topshiriqlarni bajarib boʻlgandan soʻng, topshiriqlar birinchi holatda oʻz guruhlariga topshiriladi.
6. Guruhdan oʻqituvchi tanlagan talaba prezentatsiyaga tayyorlanadi.

Yuqoridagi pedagogic texnologiyalar ta’limning samaradorligini oshiradigan usullardan ayrimlari edi. Eng muhimi fanni o’quvchilar onggiga yetkazib berishda fanni murakkablashtirib yubormaslik kerak. Uni hayotiy misollar bilan, oddiy va sodda tasavvurlar bilan bolaga yetkazib berish kerak. Dars koʻrgazmali qurolsiz boʻlmaydi, ayniqsa, tarix darsidagi tayanch atamalar, ob’yektlarni o’quvchi koʻz oldiga keltirishi, oʻrnini oriyentirlay bilishi eng muhim, tarix darsida dunyoning siyosiy xaritasi, O’zbekiston xaritasi hamda tarixiy xaritadan foydalanish. Har bir darsini har bir tarix o’qituvchi o’z dunyo qarashidan kelib chiqqan holda, kompyuter texnologiyalaridan to’g’ri foydalangan holda tashkil qilsa, ta’limdan ko’zlangan maqsadga dars yakunida albatta erishiladi. Zamonaviy ta’limning ham bosh maqsadi qisqa vaqt mobaynida aniq natijani qoʻlga kiritish uchun aniq va puxta faoliyat olib borishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar va jurnallar:

*Tolipov O. Pedagogik texnologiya (Nazariya va amaliyot). T.: “Fan”, – 2005.*
*Ta’lim texnologiyalari Ilmiy – uslubiy jurnal. T.:* № 4. *2014.*

## HOZIRGI ZAMON O`QITUVCHISI VA UNGA QO`YILADIGAN TALABLAR

*“Kasb ta`lim” kafedrasi o`qituvchisi To’rayeva Nargiza*

Ma`lumki , hamma kasblarni ham avvalo ustoz- muallim o`rgatadi. Dastlabki saboqni ham o`qituvch beradi.Shuning uchun ham barcha kasblar ichida o`qituvchilik- muallimlik kasbi o`ta sharafli va ma`suliyatli hisoblanadi.mana shu o`rinda tabiiy ravishda savol tug`iladi? Xo`sh , o`qituvch kim? U qanday sifatlarga ega bo`lmog`I lozim? Xususan, bugungi kun o`qituvchisi qanday malakalar bilan qurollantirish kerak?

O`qituvch jamiyatning yosh avlod ta`lim- tarbiyasiga qo`yilgan ijtimoiy buyurtmasining asosiy ishtirokichisidir.Shuning uchun ham respublikamiz Prizdenti I.A.Karimov “tarbiyachi-ustoz bo`lish uchun, boshqalarning aql- idrokini o`stirish, ma`rifiy ziyosidan barhamand etish,haqiqiy fuqoro qilib yetishtirish uchun eng avvalo tarbiyachining o`zi aynan shunday yuksak talablarga javob berish lozim,”-

degan edi.Darhaqiqat, hozirgi zamon o`qituvchisiga quydagi fazilatlar namoyon bo`la olishi kerak.
1.O`qituvchi jamiyat ijtimoiy hayotga ro`y berayotgan o`zgarishlar olib borilayotgan,ijtimoiy mohiyatini chqur anglab, yetish hamda bu borada o`quvchilarga to`g`ri, asosli ma`lumotlarni berib borishi lozim.
2. Zamonaviy o`qituvchi ilm- fan, texnika va texnologiya yangiliklari va yutuqlaridan xabardor bo`1ishi talab etiladi.
3. . Zamonaviy o`qituvchi o`z mutaxasisligi bo`yicha chuqur,puxta bilimga ega bo`lishi,o`z ustida tinimsiz izlanishi lozim.
4. . Zamonaviy o`qituvchi pedagogika va psixologiya fanlari asoslarini puxta bilish, ta`lim- tarbiya jarayonida o`quvchilarning yosh va psixologik hususiyatlarni inobatga olgan holda faoliyat tashkil etishi kerak.
5. . Zamonaviy o`qituvchi , ta`lim- tarbiya jarayonida eng samarali shakl, metod va vositalardan unumli foydalana olish imkoniyatiga ega bo`lmog`I lozim.
6. . Zamonaviy o`qituvchi ijodkor tashabbuskor qobiliyatga ega bo`lishi shart.
7.O`qituvchi yuksak darajadagi pedagogic mahoratga,chunonchi kommunikativlik layoqatga,ega bo`lishitexnika (nutq,yuz,qo`l –oyoq, va gavda harakatlarini mimika,jism,patolomika) qonuniyatlarini chuqur o`zlashtirib olishga erishishi lozim.
Agar o`qituvchi ana shunday sifatlarni o`zida mujassam qila olisa,Kadrlar tayorlash milliy modelida qayd etilgan qo`yilgan talablarga to`liq javob bera oladi deyish mumkin.O`qituvchlik kasbini egallagan har bir inson, avvalo o`qituvchi shaxsiga xos xususiyatlarnio`zida mujjasam etishi: shuningdek,tanlangan ixtisos yuzasidan kerakli doirada pedagogic mahorat,texnika, takt, ziyraklik, kuzatuvchanlik,bilimlarni bolalarga yetkaza olish qobiliyatiga ega bo`lmog`i
juda muhim.Shuning uchun ham bugungi mustaqillik sharoitida o`qituvchlik kasbiga bo`lgan e`tlbor va ehtiyoj har qachongiga nisbat ortib bormoqda.Shuning bilan birga o`qituvchi oldiga qo`yiladigan talablar ham o`zgacha bo`lmoqda.
Chunki bugun O`zbekiston mustaqil davlat sifatidajahonga yuz tutar ekan,bu borada pedagog o`qituvchilarning o`z o`rni,o`ziga xos mohiyati borligini unutmaslik lozim.
O`qituvchi go`zallik sohibidir. U oliyjanob sharafli kasb egalari haqida ne-ne azizodamlar qo`llariga qalam olib jo`shqin hislarini, eng yaxshi ezgu tilaklarini oq qog`ozlarbetiga bitmagan deysiz.Hayot abadiy.Ammo, yosh avlod bilan barhayot
Avlod bor ekan, unga ta`lim tarbiya beradigan mehri daryo o`qituvchilar hamabadiy barhayot yashaveradi. Hayotning bu sharafli kasb egalariga bo`lgan ehtiyoj ham adabiydir.

## ЦЕМЕНТЛИ СЭНДВИЧ-ПАНЕЛЬ ТАШҚИ ДЕВОР НАМУНАСИНИНГ ИССИҚЛИК УЗАТИШГА ҚАРШИЛИГИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ

*М.М.Маҳмудов, Рустамова Д.Б.*

Цементли сэндвич типидаги ташқи девор панеллари Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси “SAM ROS XOLOD” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Девор панелининг умумий қалинлиги 150 мм. Панелнинг ташқи ва ички томонларидан асосий таркибий қисми цемент-қум асосида олинган ва арматура

сифатида шиша тола тўр қўлланилган қалинлиги 10 мм қоплама қилинган. Цементли қоришма қопламанинг ораси зичлиги 40 кг/м$^2$ бўлган пенополистирол (ГОСТ 15588-70*) билан тўлдирилган. Панелнинг мустаҳкамлиги ва бикирлигини таъминлаш мақсадида узун йўналиши бўйлаб ҳар 220 мм масофада цементли қоришмадан қалинлиги 10 мм бўлган қовурғалар қилинган. Панелнинг номинал эни 115 мм ни ташкил қилади (1-расм).




Панелда қўлланилган материалларнинг теплофизик кўрсаткичлари қуйидагича: қоплама ва қовурға сифатида қўлланилган цементли қоришманинг зичлиги $\gamma_0 = 1800$ кг/м$^3$, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти А эксплуатация шароити учун $\lambda = 0{,}76\ Вт/(м{\cdot}^0C)$ га тенг [1];

иссиқлик изоляцияси сифатида қўлланилган пенополистиролнинг зичлиги $\gamma_0 = 40$ кг/м$^3$, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти А эксплуата-ция шароити учун $\lambda = 0{,}041\ \ Вт/(м{\cdot}^0C)$ га тенг [1];

ички ва ташқи сиртларнинг иссиқлик бериш коэффициентлари мос равишда $\alpha_B = 8{,}7$ ва $\alpha_н = 23\ \ Вт/(м^2{\cdot}^0C)$ [1].

Цементли сэндвич-панелининг иссиқлик изоляцияли кесими, яъни қовурғасиз қисмининг иссиқлик узатишга умумий қаршилигини [1] даги (4) формулага асосан $R_0 = 3{,}355\ \ м^2{\cdot}^0C/Вт$ га тенг.

Девор панелида ҳар 220 мм масофада цементли қоришмадан қилинган қовурға мавжуд. Унинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти пенополистиролникидан деярли 0,76:0,041=18,5 марта катта. Шунинг учун бундай девор конструкцияси бир жинсли бўлмаган конструкциялар турига киради. Цементли сэндвич-панелнинг конструктив схемаси [1] нинг 4-иловасида кўрсатилган тўсиқ конструкциялардаги иссиқликни кўп ўтказадиган қўшимчаларнинг IIа схемасига мос келади. Шунинг учун цементли сэндвич-панелининг қовурға бўйича кесимида ички сиртидаги температурани [1] даги (13) формула ёрдамида аниқлаймиз. Бунинг учун ҳисоблашлар учун зарур маълумотларни аниқлаймиз.

Цементли сэндвич-панелининг қовурғаси бўйича иссиқлик узатишга умумий қаршилиги [1] даги (4) формулага асосан $R_0' = 0{,}355\ \ м^2{\cdot}^0C/Вт$ га тенг.

Сэндвич-панелдаги (1-расм) қовурғанинг қалинлиги *а* нинг панелнинг қалинлиги д га нисбати *а* /д=0,01/0,15=0,0667 га, ички ва ташқи қопламалари қалинликларининг нисбати $д_в/д_н$=0,01/0,01=1,0 га тенг. У ҳолда [1] даги 8-жадвалдан *з*=0,72 га тенг бўлади.

Иссиқликни кўп ўтказадиган қўшимча жойлашган кесим бўйича конструкция ички сиртидаги температурани аниқлаш учун [1] да қуйидаги формула берилган:

$$\tau'_в = t_в - \frac{n \cdot (t_в - t_н)}{R_0^{усл} \cdot \alpha_в} \cdot \left[ 1 + \eta \cdot \left( \frac{R_0^{усл}}{R'_0} - 1 \right) \right].$$

Юқорида аниқланган қийматларни бу формулага қўйсак, цементли қовурга бўйича девор ички сиртдаги температуранинг қиймати

$$\tau'_в = 20 - \frac{1{,}0 \cdot (20 - (-15))}{3{,}355 \cdot 8{,}7} \cdot \left[ 1 + 0{,}72 \cdot \left( \frac{3{,}355}{0{,}3557} - 1 \right) \right] = 11{,}52^0 C$$

га тенг эканлиги келиб чиқади. Кўриниб турибдики, бу температура девор панелининг иссиқлик изоляцияли қисмидаги ички сиртнинг температурасига нисбатан 7,28 $^0$С га паст.

Сэндвич-панель сиртининг ўртача температурасини аниқлаймиз:

$$\tau_{в.ўрт} = \frac{\sum \tau_i \cdot F_i}{\sum F_i} = \frac{18{,}8 \cdot 0{,}22 \cdot 5 + 11{,}52 \cdot 0{,}01 \cdot 4}{0{,}22 \cdot 5 + 0{,}01 \cdot 4} = \frac{21{,}1408}{1{,}14} = 18{,}54^0 C.$$

[2] даги (34) формула бўйича сэндвич панелнинг иссиқлик узатишга қаршилигининг ўртача (келтирилган) қийматини аниқлаймиз:

$$R_{0.ўрт} = \frac{t_в - t_н}{(t_в - \tau_{в.ўрт}) \cdot \alpha_в} = \frac{20 + 15}{(20 - 18{,}54) \cdot 8{,}7} = 2{,}755 м^2 \cdot {}^0 C / Вт.$$

ҚМҚ [1] да бир жинсли бўлмаган конструкциялар учун келтирилган термик қаршилик $R_K^{ПР}$ ни ҳисоблаш методи ҳам берилган. Девор панелининг ҳисобий схемаси 2-расмда кўрсатилган.




2 ... қатламлар; I, II – панелдан иссиқлик оқимига параллел текисликлар билан ажратиб олинган қисмнинг бўлаклари.

Ҳисобий схемага асосан сэндвич-панелнинг иссиқлик узатишга умумий қаршилиги $R_0$ нинг қиймати $R_0 = 2{,}14 \quad м^2 \cdot {}^0 C / Вт$ га тенг. Бу қиймат қовурғаларни ҳисобга олмагандаги қийматга нисбатан 33,2 % га кам. Сэндвич-панель ички сиртининг ўртача температураси асосида аниқланган иссиқлик узатишга умумий қаршиликнинг қиймати эса, мазкур қийматга нисбатан 17,88 % га кам.

Лекин панель учун аниқланган иссиқлик узатишга қаршилик $R_0$ нинг ҳар уччала қиймати ҳам турар-жой биноларининг ташқи деворлари учун Ўзбекистоннинг градус-сутка кўрсаткичи $D_d$ нинг қиймати 2000 дан 3000 гача бўлган худудлари учун [1] да иссиқлик ҳимоясининг 2-даражаси учун белгиланга $R_0^{TP} = 1{,}8\ м^2 \cdot {}^0C / Bm$ қийматдан катта, яъни энергия самарадорлик талабларига жавоб беради.

Цементли сэндвич-панелдан бажарилган экспериментал девор намунасининг иссиқлик узатишга умумий қаршилигини лабораторияда иқлим камераси ёрдамида ҳам аниқлаб кўрилди. Бунда панель таркибига кирган қатламларнинг термик қаршилиги $R_i$ ни қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$R_i = \frac{\Delta t}{q} \quad м^2 \cdot {}^0C / Bm, \qquad (1)$$

бу ерда $\Delta t$ - конструктив қатламнинг чегара сиртларидаги температура, ${}^0C$;

$q$ - иссиқлик оқимининг ўлчашларнинг ҳисобий даврийдаги ўртача қиймати, $Bm/м^2$.

Девор намунасининг иссиқлик узатишга қаршилигини аниқлаш бўйича бажарилган ўлчашлар натижаларига ишлов беришни қуйидагича амалга оширилди. Ўлчашлар бажарилган нуқталар бўйича температуралар ва иссиқлик оқимининг ўртача қийматини қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланди:

$$t_{cp} = \frac{\sum t_i}{n}; \qquad (2)$$

$$\tau_{cp} = \frac{\sum \tau_i}{n}; \qquad (3)$$

$$q_{cp} = \frac{\sum q_{cp}}{n}. \qquad (4)$$

Бу ерда $\sum t_i$ - ўлчашларнинг стационар режимида аниқланган ҳаво температураси жорий қийматларининг йиғиндиси;

$\sum \tau_i$ - ўлчашларнинг стационар режимида аниқланган айрим сиртлар температураси жорий қийматларининг йиғиндиси;

$\sum q_i$ - ўлчашларнинг стационар режимида аниқланган иссиқлик оқими жорий қийматларининг йиғиндиси.

$n$ - ўлчашларнинг стационар режими даврида бажарилган ўлчашлар сони.

Бунда стационар режим даврида ўтказилган ўлчашлар сони 10 тадан ва вақти бир суткадан кам бўлмаслиги керак деган қоидага риоя қилинди.

Сэндвич-панель девор ва унинг қатламлари учун иссиқлик узатишга умумий қаршилик $R_0$ ва термик қаршиликлар $R_i$ ни аниқлаш натижалари 1- ва 2-жадвалларда келтирилган.

Иссиқлик изоляцияси пенополистиролдан бажарилган сэндвич девор панели учун олинган натижалардан кўриниб турибдики, девордаги пенополистирол қатламнинг термик қаршилиги $R_i = 2{,}651 \quad м^2 \cdot {}^0C/Вт$ га тенг. ҚМҚ [1] даги (3) формулага асосан бу материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини аниқлаймиз:

$$\lambda = \frac{\delta}{R} = \frac{0{,}13}{2{,}651} = 0{,}049 \quad \text{Вт/(м}\cdot{}^0\text{С)} \text{ га тенг.}$$

Бу қиймат иссиқлик изоляцияси сифатида қўлланилган пенополистирол учун қабул қилинган ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти $\lambda$ дан фарқ қилади. Буни мазкур қатламдаги пенополистирол иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг лойиҳадаги қийматга нисбатан ўзгарувчанлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу пенополистиролдан иссиқлик изоляцияси сифатида фойдаланиш учун уни тайёрлашда технологик жараённинг қатъий ўзгармас шароитда бажарилишига эътибор қаратилиши кераклигидан дарак беради.

1-жадвал.

Сэндвич-панелнинг иссиқлик изоляцияси бор кесими учун бажарилган аниқланган натижалар

| Темпера-тура ўлчанган жой | Термо-датчик номери | Ҳаво ёки сиртнинг темпера-тураси, $^0$С | Темпера-туралар фарқи $\Delta t$, $^0$С | Иссиқлик оқими $q$, Вт/м$^2$ | $R_{i,}$ м$^2$.$^0$С/Вт | $R_{0,}$ м$^2$.$^0$С/Вт |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ички ҳаво | 6 | 21,61 | | | | |
| | | | 0,98 | | 0,131 | |
| Ички сирт | 5 | 20,63 | | | | |
| | | | 0,15 | | 0,02 | |
| Пенополистиролнинг ички-сирти | 4 | 20,48 | | | | |
| | | | 19,83 | 7,48 | 2,651 | **2,96** |
| Пенополистиролнинг ташқи сирти | 3 | 0,65 | | | | |
| | | | 0,14 | | 0,0187 | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ташқи сирт | 2 | 0,51 | 1,01 | | 0,135 | |
| Ташқи ҳаво | 1 | -0,50 | | | | |

Тажриба ўтказилган сэндвич девор панели учун олинган натижалардан кўриниб турибдики, девордаги цементли қоришма қатламнинг термик қаршилиги биттаси учун $R_1 = 0{,}02\ м^2 \cdot {}^0C / Bm$ га, иккинчиси учун $R_2 = 0{,}0187\ м^2 \cdot {}^0C / Bm$ га тенг. ҚМҚ [1] даги (3) формулага асосан бу материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини аниқлаймиз:

$$\lambda_1 = \frac{\delta}{R} = \frac{0{,}01}{0{,}02} = 0{,}5 \quad \text{Вт/(м}\cdot{}^0\text{С) га ва}$$

$$\lambda_2 = \frac{\delta}{R} = \frac{0{,}01}{0{,}0187} = 0{,}534 \quad \text{Вт/(м}\cdot{}^0\text{С) га тенг.}$$

Бу қийматлар ҳам қабул қилинган зичлиги $\gamma_0 = 1800 кг / м^3$ бўлган цемент-қум қоришмасининг ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти $\lambda$ дан фарқ қилади. Буни сэндвич-панелда қўлланилган қоплама қатламлардаги қоришмага синтетик қўшимчалар қўшилишининг натижаси билан боғлиқ ҳолда изоҳлаш мумкин.

2-жадвал.

Сэндвич-панель девор намунасининг цементли қовурғаси жойлашган қисми учун аниқланган натижалар

| Темпера-тура ўлчанган жой | Термо-датчик номери | Ҳаво ёки сиртнинг темпера-тураси, $^0$С | Темпера-туралар фарқи $\Delta t$, $^0$С | Иссиқлик оқими $q$, Вт/м$^2$ | $R_i$, м$^2$.$^0$С/Вт | $R_0$, м$^2$.$^0$С/Вт |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ички ҳаво | 6 | 21,61 | 1,84 | | 0,136 | |
| Ички сирт | 7 | 19,77 | 17,36 | 13,54 | 1,282 | **1,559** |
| Ташқи сирт | 8 | 2,41 | 1,91 | | 0,141 | |
| Ташқи ҳаво | 1 | -0,50 | | | | |

Девор панелининг цементли қоришмадан бажарилган қовурғаси жойлашган кесимида иссиқлик узатишга умумий қаршилик $R_0 = 1{,}559$ $м^2 \cdot {}^0C / Вт$ қовурғасиз кесимдаги иссиқлик узатишга умумий қаршилик $R_0 = 2{,}96$ $м^2 \cdot {}^0C / Вт$ га нисбатан сезиларли даражада камаяди. Сэндвич-панелнинг ички сиртидаги экспериментал аниқланган ўртача температура

$$\tau_{в.ўрт} = \frac{20{,}63 \cdot 0{,}22 \cdot 5 + 19{,}77 \cdot {,}01 \cdot 4}{1{,}14} = \frac{23{,}4838}{1{,}14} = 20{,}6^0 C$$ га тенг.

Эксперимент ўтказилган сэндвич-панелининг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилиги [2] даги (34) формулага асосан

$$R_0^{пр} = \frac{t_в - t_н}{\left(t_в - \tau_{в,ўрт}\right) \cdot \alpha_в} = \frac{21{,}61 - (-0{,}5)}{\left(21{,}61 - 20{,}6\right) \cdot 8{,}7} = 2{,}516 м^2 \cdot {}^0C / Вт$$ га тенг.

Цементли сэндвич-панеллардан бажариладиган ташқи деворнинг иссиқлик узатишга қаршилигининг хақиқий қиймати иссиқлик ҳимоясининг иккинчи даражаси учун талаб этилган қиймат $R_0^{тр} = 1{,}8$ $м^2 \cdot {}^0C / Вт$ дан катта, демак, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистоннинг градус-сутка кўрсаткичи 2000 дан 3000 гача бўлган минтақаларида бундай девор конструкциясидан турар-жой биноларида бехавотир фойдаланса бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. ҚМҚ 2.01.04-97*. Қурилиш иссиқлик техникаси / ЎзР давлат архитектқурил.қўм/ : - Тошкент : АҚАТМ, 2011. -98 б.
2. Ўз РСТ 809-97. Бинолар ва иншоотлар тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик узатишга қаршилигини аниқлаш услублари.


# SOG'LOM ONADAN SOG'LOM FARZAND

*SamDAQI "Chet tillar" kafedrasi o'qituvchisi S.S.Bo'riyeva*

*Ona va bola sog'lom bo'lsa, oila baxtli bo'lsa, jamiyat mustahkam boladi.*

I.Karimov.

Yurtimiz iqtisodiy barqarorligining muhim omillari, barcha sohada qo`lga kiritilayotgan muvaffaqiyatlarimiz keng e`tirof etilgani qalbimizda ona-Vatanimizdan g`ururlanish, ayni paytda shukuronalik tuyg`ularini yanada kuchaytiradi. Ayniqsa, davlatimiz rahbari taklifiga ko`ra, kirib kelayotgan yangi -2016 yil "Sog`lom ona va bola yili" deb e`lon qilingani onalik va bolalikni muhofaza etish borasidagiishlarni yanada yuqori bosqichga ko`tarish maqsadiga qaratilgani bilan nihoyatda ahamiyatlidir.

Mamlakatimizda oilani va oilaviy qadriyatlarni mustahkamlash, yosh oilalarga g'amxorlik qilish, ularning huquqiy va ijtimoiy himoyasini ta'minlash, soglom va mustahkam oilani barpo etish, jismonan va ma'nan sog'lom barkamol avlod dunyoga kelishi va shakillanishi uchun zarur sharoitlarni yaratish borasida amalga oshirilayotgan keng miqyosli ishlarga ko`maklashish alohida belgilangan.

Ona va bola salomatligini mustahkamlash, oilada tibbiy madaniyat va sog`lom turmush tarzini shakllantirish qizlarning erta turmashga chiqishini oldini olish, farzand tarbiyasida ota-onalar ma`suliyatini oshirish hozirgi kunning muhim masalalaridandir.

Bugun sog`lom avlodni tarbiyalash nikohlanuvchilarni tibbiy ko`rikdan o`tkazish sifatini yanada yaxshilash, ko`rikni amalga oshiruvchi mutaxasislar ma`suliyatini yanada kuchaytirish bilan chambarchas bog`liq. Yoshlarni mustaqil hayotga tayyorlash, ularning tibbiy madaniyatini yuksaltirishga qaratilgan targ`ibot tadbirlari soni va sifatini yanada oshirish, ularga soha mutaxassislarini keng jalb etish juda muhim. Mamlakatimizda aholi uchun har tomonlama munosib turmush sharoiti yaratish, zamon talablari darajasida tibbiy xizmat ko`rsatishga eng muhim ustuvor vazifa sifatida qaralmoqda. Onalarga, yosh avlodga bo`lgan e`tibor va g`amxo`rlikning chek-chegarasi yo`q. Onalik va bolalikni muhofaza qilish bo`yicha davlat dasturlari asosida ish olib borilmoqda. Barcha tuman va shaharlardagi tug`ruq majmualari zamonaviy tibbiy jihoz va uskunalar bilan ta`minlandi. Viloyatlarda ona va bola skrining markazlari tashkil etildi. Yurtimizda onalar va bolalar o`limi, nogiron farzandlar tug`ilishi keskin kamaydi.

Barkamol avlodni voyaga etkazishning asosiy vositasi sifatida jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishga davlat siyosati darajasida e`tabor qaratilayotgani, buning natijasida bolalarimiz har tomonlama sog`lom hamda irodali bo`lib voyaga yetib, xotin qizlar salomatligi mustahkamlanib bormoqda. Bugungi kunda sport bilan muntazam shug`ullanayotgan xotin qizlar salkam 50 foizni tashkil etayotgani, professional sportchilarimiz safida ular soni tobora kengayib borayotgani bu borada olib borilayotgan ishlarning yaqqol tasdig`idir.

Ayollar salomatligini muhofaza qilish, onalar va bolalar o`rtasida kasallik hamda o`lim ko`rsatgichlarini kamaytirish 2000 yili Birlashgan Millatlar Tashkiloti sammitida qabul qilingan Mingyillik rivojlanish deklarasiyasining asosiy maqsadlaridan sanaladi. Mazkur global loyiha asosida O`zbekistonda 2015 yilga kelib, onalar va bolalar o`limini 1990 yildagi ko`rsatgichga nisbatan to`rtdan uch qismga kamaytirish ustuvor vazifalardan qilib belgilangan edi. Quvonarlisi, onalik va bolalikni muhofaza etish, oilalarda tibbiy madaniyatni yuksaltirish, aholining reproduktiv salomatligini mustahkamlash, sog`lom avlod tug`ilishi hamda voyaga yetishini ta`minlash bilan bog`liq davlat dasturlarining tizimli amalga oshirilishi natijasida mamlakatimizda onalar va bolalar o`limi uch barobardan ziyod kamayadi. Aholining o`rtacha umr ko`rish 67 dan 73 yoshga, ayollar o`rtasida 75 yoshga ko`tarildi. Bugungi kunda yurtimizda bolalarning 92 foizi rivojlanish ko`rsatgichlari bo`yicha Jahon sog`liqni saqlash tashkiloti standartlariga mos keladi.

Onalik va bolalik muhofazasi haqida so`z yuritganda, dunyo tajribasi ilk bor homilador ayollarning tarkibida inson hayoti hamda salomatligi uchun zarur bo`lgan mikroelementlarga ega polivitaminlar bilan ta`minlash amaliyotining samarasi onalar

va dunyoga kelayotgan farzandlarning salomatlik ko`rsatgichi yanada yaxshilanayotganida nomoyon bo`lmoqda. Epidemik barqarorlikni ta`minlash maqsadida amalga oshirilayotgan tadbirlar natijasida yillar davomida aholi o`rtasida poliomielit, bo`g`ma, qoqshol kasaliklarining ro`yxatga olinmaganligini aytib o`tish joiz.

Prezidentimiz qaroriga muvofiq, qabul qilingan 2014 yillarda O`zbekistonda aholining reproduktiv salomatligini yanada mustahkamlash, onalar, bolalar va o`smirlar sog`lig`ini muhofaza qilish borasidagi Davlat dasturida mamlakatimizda tibbiy muassasalarining moddiy-texnika bazasi va kadrlar salohiyatini kuchaytirish, zamonaviy tashxis usullarini joriy etish, ayollar, bolalar hamda o`smirlar kasalliklarining oldini olish bo`yicha 5 yilga mo`ljallangan qator dolzarb vazifalar belgilab berilgan bo`lib, hozirgi vaqtda uning ijrosini ta'minlash bo'yicha aniq chora –tadbirlar ro'yobga chiqarilmoqda.

Prezidentimiz Islom Karimov rahnomaligida aholiga sifatli xizmat ko`rsatish , bolalar salomatligining asrash, xastaliklarining oldini olish choralarini ko`rish maqsadida ko`plab loyihalar hayotga tadbiq etilmoqda. "Kokrak suti bilan emizishni targ`ib qilish va qo`llab-quvatlash", "Besh yoshgacha bolalar orasida A vitamin saplementasiyasi" kabi loyihalar bolalar o`limining kamayishi, xastaliklar asoratini bartaraf etishga xizmat qilmoqda.

O`zbekiston Sog`liqni saqlash vazirligidan ma`lum qilishlaricha, bolalarni emlash, ularni vitaminlar bilan ta`minlash bo`yicha amalga oshirilayotgan loyihalar samarasida o`sib kelayotgan avlodning sog`lom va barkamol ulg`ayishida ulkan natijalarga erishilmoqda.

Ona sog`lom bo`lsagina undan jismonan va aqlan sog`lom farzand dunyoga keladi. Shu bois ayolning bolalik, o`smirlik davridanoq reproduktiv salomatligiga katta ahamiyat berish ma`suliyatli vazifadir. Mutaxassislar tomonidan u boradagi targ`ibot-tushuntirish ishlari muntazam olib borilayotgani aholi, ayniqsa, yosh onalarning tibbiy madaniyatini yuksaltirishga xizmat qilmoqda.

Erta yoshda homilador bo`lish tug`ish jarayonida ona va bola sog`lig`iga xavf soladi. Qizlar 16-17 yoshga to`lgani bilan ularda homilaning taraqqiy etishi va bola tug`ish uchun normal sharoit vujudga kelmagan bo`ladi. Qizlar 20 yoshdan keyin jismonan va ruhan ona bo'lishga tayyor bo`ladi. Erta turmush qurish ko`pincha farzandsizlikka, bolaning oy kuni yetmay chala tug`lishiga, homiladorlik asoratlariga olib keladi. Shunday ekan, bu jihatga ahamiyat berish kerak. Har bir oilada ona va bola salomatligini muhofaza qilish, sog`lom avlodni shakllantirish uchun qayg`urmoq kerak.

Xulosa o`rnida aytganda, onalik va bolalikni muhofaza etish borasidagi tizimli ishlar pirovardida yurtimizda har bir insonning sog`lom va baxtiyor turmush kechirishi, go`daklarining sog`lom dunyoga kelishi, ayollarning reproduktiv salomatligi yaxshilanishi, jamiyat tayanchi bo`lgan mustahkam oilalarning ko`payishiga zamin yaratmoqda. Zero, Prezidentimiz ta`kidlaganidek, ona va bola sog`lom bo`lsa, oila baxtli, oila baxtli bo`lsa, jamiyat mustahkam bo`ladi.

# К.РАХМАНОВТЫҢ ШЫҒАРМАЛАРЫНДА АНТОНИМ СӨЗЛЕРДИҢ ҚОЛЛАНЫЛЫЎ ӨЗГЕШЕЛИКЛЕРИ

*Сейтназарова Инжайым Ержановна*
*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети ҳаял-қызлар шөлкеми баслығы, ф.и.к., доцент.*
*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

Ҳәзирги кунде тилди системалы үйрениўдин өзине сай көриниси саналған майдан теориясы лексикография ҳам лексикалогия машқалалары менен байланыслы түрде тиллик изертлеўди талап етеди. Лексикалогиянын ҳәр бир тәрепи көркем шығарманын қунллылығын асырады. Онда әсиресе, антонимлер айрықша орын тутады. Көркем шығармаларда антонимлерди қолланыў жазыўшы яки шайырдың өзине тән өзгешелигин көрсетеди. Әдетте, тилде антонимлер лексикалық ҳәм контекслик антонимлер болып бөлинеди. Лексикалық антонимлер контекстте ҳәм контексттен тысқарыда да антонимлик қәсийетин сақлайды. Контекстлик антонимлер болса айырым контекстте қарама-қарсы мәниде қолланылады, контексттен тысқарыда бири екиншисин бийкарлайды. Усы көз қарастан, антоним сөзлер қарақалпақ көркем сөз шебери К.Рахманов дөретиўшилигиндеги қосықлар тилинде оғада шеберлик пенен қолланылған. Шайыр дөретиўшилигиндеги антонимлерди бирқанша мәнилик топарларға ажыратып үйрениўге болады.

1. Муғдарға, адамнын минез-қулқына, психологиясына байланыслы антонимлердиң қолланылыўы. Мысалы:

1. Бир сөз ***артық*** , бир сөз ***кемис*** болмағай,
   Туўған жерим тәрийиплеўим дым қыйын
2. ***Жақсыны*** көрсем жадырап,
   Ашыла берди талайым.
   ***Жаманды*** көрсем , арырақ,
   Тәрк ете берди паяным.

Жоқарыда келтирилген мысалларда “артық”, “кемис” сөзлери мәнилик жақтан муғдарды билдирип келгени менен , қосық қатарларында қарама-қарсы мәниде қолланыў арқалы туўылған жерге деген ҳәр қандай тәрийип аз болмайды деген мәнилик түсиникти билдирип тур, екинши мысалда адамнын минез-қулқын байланыслы қолланған “жақсы”, “жаман” сөзлери атлықласқан келбетликлер хызметинде жумсалып образ жасап келген.

2. Шайыр шығармаларында мына қатарлар лексикалық антонимлер хызметин атқарып тур.

1. Менин әрманларым алға жол алған,
   ***Өлмеймен ! Жасайман*** адамлар ушын.
2. Сен ***бәленттен*** келдиң , мен ***пәслеп*** қалдым,
   Сездим, тәғдийримиз бағдарлар емес .
3. Қыс бораны жыллылықты аңсатар,
   ***Пал*** орнына ***зәҳәр*** жуттық еми деп.

3. Еки антоним сөзден контекслик антонимлер жүзеге келеди, бундай антоним сөзлер К.Рахманов дөретпелеринде антитеза сыпатында қолланылып келеди:

1. Ҳәмме ***жақсы*** дегенди,
***Жаманлайсан*** сен енди.
Үпилдирикти ***қатты*** деп,
***Жумсақ*** дейсеӊ еменди.

2. Биреў гәпин ***сыбырласа,***
Биреў ***ўарлап даўыслайды.***
Биреў ***зорға қыбырласа.***
Биреў ***зыңғып алыслайды.***

4. Айрым жағдайларда лексикалық антоним сөзлер улыўмалық мәни беретуғын сөзлерден болады, бирақ контексте қарама-қарсы мәни берип келеди:

1. Қой сен көтериңки сөзге устасаң,
Әўеле ***алды-артын*** ойланыў лазым.

Шайыр шығармаларындағы антонимлерди таллап қарасақ, оның поэзиясындағы көпшилик антоним сөзлер абстракт мәнили топарға тийисли болған антонимлер екенлигин ушратамыз. Олар көбинесе төмендегидей мәнилерде антонимлик жубайларды қурайды:

Турмыста адамлар арасындағы қатнастын сыпатына байланыслы пайда болған антоним сөзлер:

1. Қарап турсан адамларға,
Ишинде бар аўанлар да,
Сөз берилсе ***наданларға,***
***Ақыллыдан*** қалыспайды.

2. Турмыста адамлардың түрли минез-қулық қәсийетлерине байланыслы антонимлер сөзлер:

***Жақсылық та, жаманлық*** та бар сенде,
***Сақыйлық та, саранлық*** та бар сенде,
Сол ушын сен гә ***шадлы ,*** гә ***қайғылы,***
***Ҳадаллық*** та, ***ҳарамлық*** та бар сенде.
Бир күн ***ҳәзлик*** берсе, мың күн ***қайғы,***
Тәғдир таққан шайыр атлы ярлығым.

3. Төмендеги қосық қатарларда шайыр абстаракт мәнидеги антонимлер менен бирге конкрет мәнидеги антонимлерди қатар қолланып антонимлер дүкинин пайда етиў арқалы төртлик мазмунын тәсирли ҳәм терен мазмунға бай түрде жеткизген.

Журт айырар: ***қате ме, я дурыс па?***
Шайырлықты жумсамадым ырысқа.
Өмир, жаздым сенин ***ашшы- душшынды.***
***Пал да, уў да*** сақланады ыдыста.

Антонимлердин көркем әдебиятта стиллик хызмети айрықша, оларды көркем әдебиятта шайырлар қарама-қарсы қойып, шығарма тилиниң көркемлигин асырады.

а) Заттын, қубылыслардың, турмыстағы ҳәрқыйлы жағдайлардың сапалық қәсийетлерин билдиретуғын сөзлер арқалы:

Өмирде орны бар ***жақсы, жаманын,***
***Гилем*** де, ***тикен*** де астында табанның.
Бир ***қайғы*** бар, бир ***шадлық*** бар қойында,
Соның менен гә ***жеңил,*** гә ***аўыр*** ем.

ә) Ўақытқа, мезгилге , мәўсимге байланыслы сөзлер арқалы:

***Қыс*** өтеди , кетер дарҳал ***жаз*** шығып,
Ўақыт тынбай айландырар қаразын.
***Кеше*** ғана паспорт алған жас жигит,
***Бүгин*** сазлар пенсияның қағазын

б) Турмыста адамлар арасындағы қатнастың сыпатын, турмыс жағдайына байланыслы пайда болған сөзлер арқалы:

***Кулки*** де бар, ***көз жас*** та бар,
Бул өмирдин жолларында,
Анаў жүрген гил ***жас баллар,***
Билер ***киси*** болғанында.
***Пытыранқы*** един , ***бирлестиң*** ,
Ығбал соқпақларын ашты тан саған.

д) Заттын я қубылыстын тутқан жағдайын , орнын, бағытын көрсететуғын антонимлер:

Сен *бәленттен келдин, мен пәслеп* қалдым,
Сездим, тәғдийримиз бағдарлар емес.
*Сәлем* маған ***жақынлаған алыслық,***
***Хош аллияр***: ***алыслаған жақынлық.***

Жуўмақластырып айтқанда, антомин сөзлер ҳәр қандай тилдиң сөзлик қурамында айрықша орынды ийелейди. Биз жоқарыда сөз еткен шайыр К.Рахманов поэзиясында да олар оғада өнимли жумсалып, шайыр шығармаларының көркемлигин арттырыўда әҳмийетли хызмет атқарған. Биз буны жоқарыда шайыр шығармаларынан келтирилген мысаллар арқалы дәлийллеп көрсетиўге ҳәрекет еттик.

Антонимлер көркем шығармалар тилинде, жазба яки, аўызеки сөйлеў тилинде пикирди түсиндириўде, ўақыяларды бир-бирине қарама-қарсы қойыўда, ҳәр қандай дөретиўшиниң ой-пикирлерин толық жеткерип бериўде әҳмийетли көркемлеў қуралы есапланады.

Әдебиятлар

1. Berdimuratov E. Ha’zirgi qaraqalpaq tili. Leksikologiya No’kis 1994.
2. Бердимуратов Е. Әдебий тилдиң функциональлық стильлериниң раўажланыўы менен қарақалпақ лексикасының раўажланыўы. Нөкис, 1972.
3. К.Рахманов «Өмир сен уллысаң» Қосықлар топламы. Нөкис, 1984.

# SH.SEYITOV SHI'G'ARMALARI'NDA IRKILIS BELGILERININ' QOLLANI'LI'W WO'ZGESHELIKLERI

*Seytnazarova Injayim Yerjanovna*
*Berdaq ati'ndag'i' Qaraqalpaq Ma'mleketlik Universiteti hayal-qi'zlar sho'lkemi basli'g'i', f.i.k., docent Seytmuratova Ari'wxan Berdaq ati'ndag'i' Qaraqalpaq Ma'mleketlik Universiteti Qaraqalpaq filologiyasi fakulteti 4-b kurs studenti*

Ha'r bir xali'qti'n' milliy maqtani'shi'na aylang'an hasi'l ga'wharlari', alp tulg'alari' boladi'. Wolar qansha zaman wo'tse de yelinin' yesinde, xalqi'ni'n' sanasi'nda ma'n'gi saqlani'p qaladi'. Usi'nday ardaqli' perzentleri arqali' xali'q wo'zinin' kim yekenligin tani'ydi', ruwxi'y bayli'g'i'n wo'zinin' usi'nday perzentleri arqali' wo'lshep woti'radi'. Usi'nday a'debiyati'mi'zdi'n' iri tulg'alari'ni'n' biri Sh.Seyitov boli'p yesaplanadi'. Sh.Seyitov do'retiwshilik islerinde qaraqalpaq awi'zeki a'debiyati', klassikali'q a'debiyati' menen jazba a'debiyati'n qala berse bati'sti'n' ha'm shi'gi'sti'n' ulli' so'z sheberlerinin' shi'g'armalari'n qunt penen u'yrendi. Bul a'lbette, ko'rkem a'debiyat tarawi'nda Sh.Seyitovti'n' jemisli islewine wo'zinin' paydali' ta'sirin tiygizdi ha'm wo'z ustaxanasi'na iye jazi'wshi'lardi'n' qatari'nan wori'n iyeledi. Sh.Seyitov ideya-tematikali'q jaqtan bay, janrli'q jaqtan jetilisken poeziyali'q ha'm prozali'q shi'g'armalari' menen ha'zirgi da'wir qaraqalpaq a'debiyati'nda belgili wori'ndi' iyelep kiyati'rg'ani' bizge ma'lim. Sh.Seyitov shi'g'armalari'n woqi'p woti'ri'p, woni'n' do'retiwshilik stilinin' basqalarg'a uqsamaytug'i'n qi'rlari'nin' ko'p yekenin an'lawg'a boladi'. Usi'nday wo'zgesheliklerdi yesapqa alg'an halda Sh.Seyitovti'n shi'g'armalari'nda irkilis belgilerinin' ko'rkemlik xi'zmeti yamasa avtorli'q punktuaciya ma'selelerine toqtap wo'tpekshimiz. Sebebi, qaraqalpaq a'debiyati'nda punktuaciyani'n' ko'rkemlik ma'selesi, avtorli'q punktuaciya ma'seleleri yelege shekem izertlenilmegen aktual ma'selelerdin' biri boli'p yesaplanadi'.

Avtorli'q punktuaciya - bul ko'rkem tekstke punktuaciyali'q bezew beriw boli'p, anaw yamasa mi'naw avtorg'a tiyisli, woni'n' shi'g'arma tekstinde qollang'an, tekstke ekspressivlik-emocionalli'q ma'ni beriwshi, avtordi'n' tekstke bolg'an jeke qatnasi'na baylani'sli' irkilis belgiler ji'ynag'i'.

Bazi'da avtorli'q punktuaciya termini shi'g'armada lingvistikali'q qag'i'ydag'a boysi'nbaytug'i'n irkilis belgilerine qarata qollani'ladi'. Jazi'wshi'-shayi'rlardi'n' shi'g'armalari'n analizlegende, wolarg'a punktuaciyali'q analiz beriw maqsetke muwapi'q boli'p yesaplanadi'. Ko'rkem shi'g'armani'n' tekstin punktuaciyali'q jaqtan analizlegende irkilis belgilerdin'qollanili'wi'n yesapqa ali'w, irkilis belgilerin qag'i'ydag'a muwapi'q yamasa qag'i'ydag'a boysi'nbay qolang'anli'g'i'n ani'qlaw kerek. Tek sol jag'day da g'ana teksttin' ishine kire ali'w ha'm tekstti toli'g'i'raq tu'siniw mu'mkin.

Sh.Seyitov shi'g'armalari'nda irkilis belgileri avtordi'n' jeke stiline baylani'sli' jiye qollang'ani'n ko'riwimizge boladi'. Ma'selen, avtor ko'binese shi'g'armalari'nda ko'p noqatti' (…) soraw (?), u'ndew (!), noqat (.), ti'rnaqsha ("") belgileri menen qabatlasti'ri'p qollani'wi', soraw (?) ha'm u'ndew (!) belgilerin birge qollani'w jag'daylari' ko'p ushrasadi'. Irkilis belgilerinen bunday yetip paydalani'w won'i'n basqa jazi'wshi'-shayi'rlardan aji'rati'p turi'wshi' ko'rkem

stili boli'p yesaplanadi'. Usi'lardan kelip shig'ip, Sh.Seyitov shi'g'armalari'nda yen' ko'p qollani'lg'an irkilis belgilerinin' ko'rkemlik xi'zmetin mi'sallar tiykari'nda u'yreniwdi maqul tapti'q.

Sh.Seytov shi'g'armalari'nda ti'rnaqsha belgisi ko'binese noqat, soraw, u'ndew belgileri, ko'p noqat, u'tir menen qosarlasi'p qollani'la beredi. Мэ'salэ':

Jani' qi'ynalg'an sayi'n: "...Sol jigit Wa'liy yeken, aytqani' keldi de turdi'..." dedi ishinen.[1,14]

Birden tayawg'a jarmasa berip: "Hawwa-hawwa,-dedi g'arri' wo'zin maqullap: -Sol don'i'zlar da'lil sorap ha'lek! Atadi' da taslaydi'!.."[1,12]

Wo'zinen wo'zi i'razi' keyipte: "Da'ryani'n' wortasi'nda wo'rtenip wo'lsek, wol da qudaydan shi'g'ar!" dedi.[1,15]

I'rasi'nda da g'arri' so'ginip-so'ginip qoydi', biraq ko'p so'gindi,ondi'rmay so'kti! Kempir bul so'gislerdi qurasti'ri'p, ma'ni shi'g'ari'wg'a quraq qurap ko'rpeshe tigiwden de sheber yedi, bul sapari'da qurap-qurap qarasa:... [1,90]

–Jaq, senin' balan'nan awlaq, kishe. Men qaytayi'n,.. [1,120]

Soni' aytip wo'tiw wori'nli', Sh.Seyitov shi'g'armalari'ndagi' mi'sallardan ko'rinip turi'pti' jazi'wshi wo'zinin' stiline baylani'sli' basqa soraw ha'm u'ndew belgileri menen qatar yeki noqat (..) belgisin qosarlasti'ri'p qollani'w jag'daylari' ko'p ushrasadi'. Bul qag'i'yda boyi'nsha qa'te. Sebebi bul ko'p noqatti' qi'sqarti'li'p qollani'w boli'p yesaplanadi'.

Bul ma'sele boyi'nsha wo'zbek tilindegi punktuaciyani' arnawli' izertlewshi K.Nazarovti'n' "...ko'p noqat, soraw, u'ndew belgileri menen birge qollang'anda wo'z grafik belgisin (...) saqlawi' za'ru'r"[2] degen pikirin toli'q maqullawg'a boladi'.

Haqi'yqati'nda da, ko'p noqat grafikali'q jaqtan u'sh elementli boli'p qabi'l yetilgen. Sonli'q woni' basqa belgiler menenqosarlasi'p qollang'anda heshqanday qi'sqartpastan, wo'zinin u'sh elementi tu'rinde beriw maqsetke muwapi'q dep woylawmi'z. Ko'p noqatti' yeki noqat tu'rinde qollani'w ilimiy jaqtan naduri'sli'qqa ali'p keledi.

Sh.Seyitov wo'z shi'g'armalari'nda ko'p noqatti' basqa irkilis belgileri menen qosarlasti'ri'p ta, wo'z aldi'na qo'yi'p ta qollang'an. Bul avtorli'q stilge baylani'sli' boli'p tabi'ladi'. Mi'sali':

Bag'i' joq demesen', ha'wli-ha'remleri a'neydey yedi, nege ko'shkenine yelege shekem hayranman… [1,30]

Bul g'apte de ko'p noqat yeki tu'rli xizmetti atqarip tur. Birinshiden ga'ptin' son'i'na qoyi'latug'i'n noqatti'n' worni'na qollani'lsa, yekinshiden pikirdin' tamamlanbag'anli'g'i'n dawami' bar yekenin bildiredi.

Bir ku'ni bir aq shiysheden balag'a "ishteyin' ashi'ladi'" dep quyi'p berip ati'r yeken… Ishteydi ashadi' yeken biraq… (118-bet)

Bul mi'salda avtor ko'p noqatti' stillik maqsette qollani'lg'an. Ga'pte ayti'lajaq pikir avtor ishinde qali'p qoyg'an. Sebebi, ko'p noqatti'n' arti'nda, "spirtli ishimlik" so'zi jasiri'ng'an. Ga'pte wo'kiniw ma'nisi bar.

Soraw ha'm u'ndew belgileri bir ga'ptin' mazmuni'nda soraw ha'm tuyg'i'-sezimlik ma'ni bolg'an jag'dayda g'ana izbe-iz qabatlasi'p keliwi mu'mkin.

Irkilis belgilerin bunday yetip qollani'w Sh.Seyitov shi'g'armalari'nda ko'p ushrasadi'. Mi'sali:
–Jettik pe ?! – dep aldi' menen Woraz sergeklendi. [1,46]
–Haw, sen "arjaqqa wo'temen" dep yedin'-g'o?! [1,62]
–Qansi'rasa sho'lleymen?!- dep tan'landi' g'arri'. [1,15]

Bul keltirilgen mi'sallarda, soraw ga'pler ku'shli tuyg'i'-sezim menen ayti'li'p, woni'n' sorawli'q ma'nisi basi'm boli'p kelgenlikten, soraw-u'ndew (?!) belgisi poziciyasi'nda kelgen. Avtor bul intonaciyalar arqali' buyi'ri'w, g'azep, sorawli'q ma'nilerin bere alg'an.

Demek, Sh.Seyitov shi'g'armalari'nda irkilis belgilerinin' ko'rkemlik xi'zmeti ju'da' u'lken ha'm ayri'qsha. Bul bolsa, shayi'rdi'n' irkilis belgilerin qollani'wdag'i' jeke individual stili boli'p tabi'ladi'.

Juwmaqlasti'ri'p aytqanda, qaraqalpaq til biliminde punktuaciyani'n' lingvistikadag'i' xi'zmeti u'yrenildi. Al, irkilis belgilerinin' ko'rkem a'debiyattag'i' xi'zmetin u'yreniw, avtorli'q punktuaciya ma'seleleri yele izertlenilmegen ha'm izertleniwdi ku'tip turg'an ti'n' ma'selelerdin' biri. Sol sebepli irkilis belgilerinin' ko'rkemlik xi'zmetin a'debiyat ta'repinan Sh.Seyitov shi'g'armalari' mi'sali'nda u'yreniw, avtorli'q punktuaciya ma'selesin qaraqalpaq a'debiyati'nda qollani'w a'debiyati'mi'zdi'n' aktual ma'selerinin' biri boli'p yesaplanadi'.

## XORAZM VILOYATINING DEMOGRAFIK VAZIYATIDAGI O'ZGARISHLAR

*Xodjaeva G.A., «Geografiya»kafedrasidotsenti; Ganjaeva M.magistrant.QoraqalpoqDavlatUniversiteti.*

Xorazm viloyati qadimdan aholi yashab kelayotgan va madaniyat taraqqiy etgan voha xisoblanib, hozirgi kunda aholi soni tez sur'atlar bilan o'sib borayotgan o'lkalardan biri sanaladi. Viloyatda mustaqillik yillarida demografik vaziyat - tug'ilish, tabiiy ko'payish, urbanizatsiya darajasidagi o'zgarishlar, aholi soni, tarkibi, joylashishi va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida namayon bo'lmoqda.

Xorazm viloyati tarkibida 98 qishloq fuqorolar yig'ini, 559 qishloq aholi punktlari, 3 ta shahar, 10 ta tuman markazi, 58 ta shaharchalar va 527 ta mahallalar (shu jumladan 161 ta shahar 366 ta qishloq mahallalari) bo'linadi.

Aholi asosiy ishlab chiqaruvchi kuch bo'lishi bilan bir vaqtda, u yaratilgan modiy boyliklarning asosiy iste'molchisi hamdir. Shu sababli u ijtiomiy ishlab chiqarish jarayonning eng muhim bo'g'inida turadi. Viloyat aholisi sonining o'sish suratlari joylashishi xususiyatlari va bandligiga ko'ra Respublikaning o'ziga hos viloyati bo'lib O'zbekiston jami aholisining 5,5%ni (1653,8 ming kishi (2013y.y)) qishloq aholisining esa, 6,7% istiqomad qiladi.

Ma'lumotlardan ma'lum bo'ldiki, 1950 yillargacha aholi o'sish suratlari sekin bo'lgan. 1939-yilda umumiy aholi soni 322,9 ming kishiga yetgan,1959 yilda esa umumiy aholi soni 382,6 ming kishini tashkil etgan. Bu davrda (1939-1959yillarda) aholi jami 59,7ming kishiga ko'paygan. 1979 yildan 1999 yilgacha ya'ni 20 yil ichida aholi soni 582,5 mingga yetgan.

Yuqoridagilardan ma'lum bo'ladiki 1980-2000 yillarda aholi o'sish surati yuqori bo'lgan. Keyingi yillarda esa aholi o'sish surati nisbatan pasaymoqda. 2000-2013 yillardavomida 327,4 ming kishiga o'sdi. Aholining o'sishi asosan tabiiy o'sish xisobiga yuz bermoqda.

1959-2012 yillarda aholining milliy tarkibida ham ma'lum darjada o'zgarishlar yuz berdi. 1959 yil o'zbeklar jami aholisining 90,5 % ni tashkil etgan,ruslar 2,9 % ni, tatarlar 1,3 % ni, koreyslar 1,3 % ni, qozoqlar 1,9 % ni, turkmanlar 1,1 % ni qolgan 1 % ni boshqa millat vakillari tashkil qilgan. 2012 yilda o'zbeklar 95 % ni, ruslar 1,7 % ni, qozoqlar 1,4 % ni, koreyslar 0,6 % ni. tatarlar 0,6 % ni, turkmanlar 0,5 % ni boshqa millat vakillari 2,0 % ni tashkil etgan. Boshqa millat vakillarining asosiy qismi viloyat markazida va Xiva, Pitnak tumani markazlarida yashashgan. Aholining milliy tarkibidagi o'zgarishlar ruslar, tatarlar, koreyslar kamayishining sababi ularni bu hududdan ko'chib ketishi va demografik omillardir.

Viloyat statistika boshqarmasidan olingan ma'lumotlarga qarganda (2013yil 1yanvar) mehnat yoshidagi mehnatga loyaqatli aholining umumiy soni 901,0 ming kishini tashkil etib, iqtisodiy tarmoqlarida band aholi esa 66.0%ga to'g'ri keladi. Shundan sanoatda 8 % qishloq xo'jaligida, 37,5% qurilishda, 9,6% transportda va a'loqada, 3,5% savdo umumiy ovqatlanishda, 8,1 % kammunal xo'jalikda, 3,3 % sog'liqni saqlashda, 6,1 % xalq morifida, 13,6 % va boshqa sohalarda 10% aholi band.

Buni 1991 yilgi ma'lumotlarga qiyoslaganda sanoatda 83,3 %, ga qishloq xo'jaligida 88,0 % ga qurilishda, 96,0%ga transportda, 71,4 ga % savdo umumiy ovqatlanishda 150,0 % ga kommunal xo'jalikda, 150 % ga sog'liqni saqlash 87,0%ga xalq maorifida 104,6%ga o'zgargan. Bundan ko'rinadiki 1991 yilga nisbatan mehnatga loyaqatli aholi 250 mingdn ortiq ko'paygan holda, xalq xo'jaligining ko'p sohalarida ish bilan band aholi soni umumiy aholiga nisbatan kamaygan. Faqat ijtimoiy sohalarda 1,5 barobarga ish bilan band aholi soni ko'paygan.

Aholining zichligi bo'yicha viloyat Respublikada Farg'ona vodiysi viloyatlari va Toshkent viloyatidan keyingi o'rinda turadi. Viloyat aholisi notekis va zich joylashgan bo'lib, o'rtacha zichligi 1kv km ga 245,2 kishini tashkil qiladi.

Viloyat aholining zichligi bo'yicha Respublikada oldingi o'rinlarda tursada, tumanlar bo'ylab notekis joylashgan. Masalan; Xiva, Urganch, Xonqa Shovot, Bog'ot tumanlarida 1 kv km ga 280-380 kishi to'g'ri keladi. Lekin Xozarasp, Yangibozor, Yangiariq tumanlarida (1kvkmga 200kishi)aholi nisbatan siyrak joylashgan.

Viloyatning eng janubi-sharqiy chekklarida joylashgan tabiiy sharoiti va aholisining joylashish xususiyatlari jihatdan Xorazm viloyatiga o'xshamaydigan Tuproqqal'a manzilgohida aholi juda siyrak joylashgan.

Xozirgi kunda viloyatda 0-15 yoshdagi bolalarning umumiy soni 521280 kishi. Uning 265510 (50.9%) o'g'il bolalar, 255770(49.1%) qizlarbo'lib, bu umumiy aholining 35,5% ni tashkil etadi. Ularning asosiy qismi qishloq joylarda istiqomat qilishadi. Qishloqda tug'ilish jarayonining nisbatan yuqoriligiga asosiy sabablardan biri oila qadriyatlari hamda nikohdan o'tish jarayonlarining yuqoriligi sabab bo'lmoqda. Har yili 12500 dan ortiq yangi oila vujudga kelmoqda.

Xorazm aholisining tug'ilish va tabiiy ko'payishini rayonlar, bo'yicha tahlil qiladigan bo'lsak, ular o'rtasida farqlar borligi ko'rinadi. Masalan, Xiva, Xazarasp va

Urganch tumanlarida yiliga 3000 dan ko'p bola tug'ilayotgan bo'lsa, Yangibozor, Yangiariq tumanlarida undan 2.0-2.5 marta kam tug'ilish kuzatilmoqda.

Mehnatga layoqatli aholi (16-60 yosh erkaklar va 16-54 yosh xotin qizlar) 922,1 ming kishiga to'g'ri keladi. Agar aholining xozirgi o'sish suratlari saqlanib tursa va mehnatga yaroqlilar tarkibiga har yili 20-25 ming kishi qo'shilganini xisobga olsak, yaqin 4-5 yillar ichida viloyat hududida mehnat resurslarining soni 1 milliondan oshishi mumkin. Bu o'z navbatida ekin maydonlari nihoyatda cheklanganligi sababli Xorazm viloyati uchun aholini uy-joy oziq-ovqat ish joyi bilan ta'minlashga bog'liq bo'lgan qator iqtisodiy-ijtimoiy tadbirlarni amalga oshirishni talab qiladi.

Xozirgi kunda viloyatda 0-15 yoshdagi bolalarning umumiy soni 521280 kishi.Uning 265510 (50.9%) o'g'il bolalar, 255770(49.1%) qizlarbo'lib, bu umumiy aholining 35,5% ni tashkil etadi. Ularning asosiy qismi qishloq joylarda istiqomat qiladi. Qishloqda tug'ilish jarayonining nisbatan yuqoriligiga asosiy sabablardan biri oila qadriyatlari hamda nikohdan o'tish jarayonlarining yuqoriligi sabab bo'lmoqda. Har yili 12500 dan ortiq yangi oila vujudga kelmoqda.

Xorazm aholisining tug'ilish va tabiiy ko'payishini rayonlar, bo'yicha tahlil qiladigan bo'lsak, ular o'rtasida farqlar borligi ko'rinadi. Masalan, Xiva, Xazarasp va Urganch tumanlarida yiliga 3000 dan ko'p bola tug'ilayotgan bo'lsa, Yangibozor, Yangiariq tumanlarida undan 2.0-2.5 marta kam tug'ilish kuzatilmoqda.

Mehnatga layoqatli aholi (16-60 yosh erkaklar va 16-54 yosh xotin qizlar) 922,1 ming kishiga to'g'ri keladi. Agar aholining xozirgi o'sish suratlari saqlanib tursa va mehnatga yaroqlilar tarkibiga har yili 20-25 ming kishi qo'shilganini xisobga olsak, yaqin 4-5 yillar ichida viloyat hududida mehnat resurslarining soni 1 milliondan oshishi mumkin. Bu o'z navbatida ekin maydonlari nihoyatda cheklangan. Xorazm viloyati uchun aholini uy-joy oziq-ovqat ish joyi bilan ta'minlashga bog'liq bo'lgan qator iqtisodiy-ijtimoiy tadbirlarni amalga oshirishni talab qiladi.

Mustaqillik yillarida (1991-2012y.y.) jami aholi soni 1,4 marta ko'paygan bo'lsa, qishloq aholisi 1,5 marta, shahar aholisi esa 1,1 martaga ko'paygan. Aholining ko'pchiligi qishloq joylarida istiqomad qilishining sababi viloyat patensialida qishloq xo'jaligi asosiy o'rinni egallashidir.

Xozirgi kunda umumiy aholining 66,8 % qishloq joylarida, 33,2 % shaharda yashaydi.

Qishloq aholisi shahar aholisidan 2 marta ko'p bo'lib, yalpi ichki mahsulotning 63,2 % ham qishloq aholisi yashaydigan joylardagi xo'jaliklarga to'g'ri keladi.

## OILANING SHAKILLANISHIDA DEMOGRAFIK JARAYONNING O'RNI

*Kurbaniyazova D.S. (SamDAQI)*

Insoniyat sivilizatsiyasida oilaning roli muhim ahamiyatga ega. Shuning uchun jamiyatda sog'lom oilani shakillantirishda qator omillarga e'tibor qaratilishi kerak. Oiladagi sog'lom muhitni shakillantirishda quyidagi faktlarga e'tibor berishimiz zarur:

oilaning moddiy farovonligi;

oila a'zolarining ma'naviy barkamolligi;

oiladagi sog'lom turmush tarzi;

oila a'zolarining o'zaro munosabatlari;
oiladagi sanitariya – gigiyena holati;
oiladagi psixologik holat;
oiladagi ovqatlanish madaniyati;
oila a'zolarining kiyinish madaniyati kabi elementlar oilaning
sog'lom muhitini vujudga kelishida eng xarakterli xususiyatlar hisoblanadi.

Shu bilan bir qatorda oilani kafolatlovchi manbalarni ham e'tibordan chetda qoldirmasligimiz zarur. Oilani saqlovchi manbalarga quyidagilar kiradi: Oila kodeksi, konstitutsiya, fuqarolik kodeksi, qonunlar, Prezidentning farmoni va farmoishlari, hukumatning me'yoriy huquqiy hujjatlari va halqaro huquq normalarini o'z tarkibiga oladi.

Bundan ko'rinadiki, oila va uning shakillanishi ma'lum bir me'yoriy hujjatlar asosida amalga oshiriladi va mavjud qonunlar asosida himoyalanadi. Bugungi kunda zamonaviy oilaning muammolari, uning o'ziga xos xarakterli xususiyatlari nimalardan iborat degan muammoni, o'rtaga tashlash mumkin. Kuzatishlar natijasi shuni ko'rsatdiki, dunyoning ayrim mintaqalarida yuzaga kelayotgan demografik muammolar, uning o'ziga hos va salbiy tomonlarini yanada asosliroq isbotlashni talab etadi. Hechkimga sir emaski, moddiy borliq inson hayotidagi asosiy mezonlarda biridir. Oiladagi tug'ulishning haddan tashqari ko'payib ketishi oila uchun moddiy ham, ma'naviy ham qiyinchiliklarning ma'lum darajada yuzaga keltiradi. Masalan, bir xil sharoitda hayot kechirayotgan ko'p farzandli (8-9 farzand) va kam farzandli (2 farzand) oilalarni turmush tarziga jiddiyroq nazar tashlaylik. Tabiiyki, ko'p farzandli oilalarning farzandlariga bo'lgan ham moddiy ham ma'naviy imkoniyatini kam farzandli oiladagiga nisbatan sezilarli darajada farq qiladi. Ya'ni bu ikki oila orasidagi moddiy farovonlik tahminan besh marta farq qiladi. Bu esa o'z navbatida ko'p farzandli oilada tarbiyalangan bolalarni yetarli darajada ovqat yemasligiga, talab darajasida kiyim-kechak ololmasligiga, bilim olish uchun imkoniyat bo'lmasligiga, natijada jamiyatning asosiy bug'ini bo'lgan oilada tarbiyalangan bolalarning dunyo qarashi va fikrlash darajalari o'z tengdoshlaridan tubdan farq qilish darajasiga olib keladi. Bunday oilada voyaga eytayotga yoshlar uchun bilim olish, o'qib o'rganish uchun deyarlik imkoniyatlar cheklanib qoladi. Demak, bu esa oilaning qashshoqlik darajasiga tushub qolishining asosiy sabablardan birini yuzaga keltiradi. Bu esa kelgusi avlod uchun oddiy turmush tarziga aylanadi va butun jamiyatni ma'lum manoda qashshoqlashuviga olib keladi. Ya'ni bunday oilada bola murakkab og'ir sharoitda hayot kechirishiga majbur bo'ladi. Shu o'rinda savol tug'iladi, chaqaloq dunyoga kelgani uchun yoki tug'ilgani uchun ayibdormi? Nazarimda,bu savol juda ham o'rinli, oilada sog'lom muhitni yaratishda, albatta, birinchi navbatda, oila boshlig'ota bilan onaning roli muhimligini alohida ta'kidalab o'tish lozim. Fikrimcha dunyoning qashshoqlik darajasi yuqori bo'lgan mintaqalarda demografik muammolar yechimini topish, zarur bo'lganda tashviqot-targ'ibod ishlarini olib borish, bunday holatning sabablarini izohlash orqali mintaqalarga nafaqat moddiy, balki, ma'naviy va amaliy yordam berish zaruratini vujudga keltirmoqda.

Demografik muammo bugungi kundagi taraqqiyotning asosiy muammolaridan biridir.Dunyo aholisining keying 20-30 yil ichida keskin ko'payishi, aynan demografik o'sish bilan chambarchas bog'liq emasmikin degan fikrni yuzaga

chiqaradi. Agar shu tariqa o'sish davom etsa yaqin 50 yilda sayyoramiz ikki barobarga ko'payishi kuzatilmoqda. Bu esa o'z navbatida yer osti va yer usti boyliklarga bo'lgan talabni keskin oshishiga tabiiy ravishda sabab bo'ladi. Dunyo bo'lab ichimlik suvi muammosi bugungi kunning dolzabr muammosiga aylanib bormoqda. Huddi shunday yer osti boyliklari gaz, neft, ko'mir kabi energiya resurslarining zahirasi ham ma'lum ma'nodacheklangan.Bu esa davrlar o'tib, imkoniyatning energiyaga bo'lgan talabini qondirish muammosiniyuzaga keltiradi.

Shunday ekan oilani shakillantirishda demografik jarayon juda muhim ekanligini alohida ta'kidlab o'tish zarur.Nazarimda, demografik fojiani oldini olishning asosiy omillardan biri-bu insoniyatni qashshoqlikdan qutqarishdir. Oilani shakillantirish jarayoni jiddiy tahlil qilinib, rejalashtirilgan kriteriyalar asosida amalga oshirilsa, o'ylaymanki, barcha insonlar irqidan, kelib chiqishidan va dinidan qat'iy nazar, tinch farovon hayot kechiradilar va Ona Yerimiz boyliklarini kelajak avlod uchun meros qilib qoldirish imkoniyatlari asosli ravishda yanada kengaygan bo'lardi.

## ЭНЕРГИЯ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

*СамДАҚИ401-ХС гуруҳи талабаси Ортиқова Ҳ.З.*

Энергия нима? Бугунги кунгача унинг аниқ таърифи мавжуд эмас. Энергия физик жисм хам, модда хам, материал хам емас. Аммо инсон ўз хаётини энергиясиз тасаввур қила олмайди.

Энергия сўзи юнон тилидан олинган бўлиб energia- ҳаракат, фаолият деган маънога эга. Бугунги кунда унинг қуйидаги талқинлари мавжуд:

материянинг барча ҳаракат формаларининг ягона миқдор меъёри.

жисмлар ва жисмлар системасининг иш бажариш қобилияти;

материянинг турли хил ҳаракат формалари "энергия" деб тушунилади;

Материянинг ҳаракат формасига қараб энергия аниқроқ намоён бўла бошланади.

Механик иш ёки механик энергия (жисмнинг ташқи куч таъсири остида маълум масофага жисмни, ҳаракатга келиши)

иссиқлик энергияси (жисмнинг темпратураси ортиши туфайли уни ташкил қилувчи зарраларнинг ҳаракат тезлигининг ортиши. Темпратуралар фарқи сабабли иссиқлик оқимининг ҳосил булиши);

електр энергияси (потенциаллар фарқи туфайли жисм электронларининг тартибли ҳаракати);

Химиявий энергия (икки ёки ундаги нур узаро тасир майдонида жойлашган моддаларнинг атом ва молекулаларининг элестрон қобиқларида рўй берадиган қайта тикланишда ҳосил бўладиган энергия).

ички энергия (жисмнинг кинетик ва потенциал энергияларнинг йиғиндиси)

гравистатик энергия – барча жисмларнинг массаларига пропорционал равишда ўзаро таъсирининг потенциал энергияси.

Энергия сўзининг ёнида уни изоҳловчи сўзларнинг пайдо бўлиши, энергия ҳақидаги тасаввуримизни анча ойдинлаштирди. Шу билан биргаликда юқорида келтирилган таърифларда жисмнинг энергия билан узвий боғлиқлиги яққол намоён бўлмоқда.

Жисм нима?  Атроф борлиқдаги барча физик жисмлар дейилади. Барча физик жисмлар эса ўз навбатида модда деб аталувчи алоҳида жисмлардан иборат булади.

Модда – ушбу жисмнинг химиявий хусусиятларини сақлаб турувчи энг кичик заррачалар – молекулалардан ташкил топган. Шунинг учун ҳар бир модда унинг молекулалари мавжуд бўлиб турса – модда бўлиб туради. Агар унинг молекулалари парчаланиб кетса, ушбу модда ҳам йуқ булади. Модданинг молекулалари алоҳида формуладан иборат бўлади ва химиявий реакциялар жараёнида молекула мана шу зарраларга ажралади.

Материя – барча моддалар материядан ташкил топган. Физик нуқтаи назаридан – материя моддани бор қилувчи – энг кичик бирлик. Унинг хоссаси эса шундаки у фақат ва фақат энергия ёрдамида намоён бўла олиши мумкин. (массанинг энергия эквиваленти $9.987 \cdot 10^{16}$ ж/кг

Худди шунингдек энергияни ҳам, материясиз ҳам ҳозирча тасаввур қила олмаймиз. Ваҳолангки инсоният ҳозирча энергия айланиши ва сақланиши қонуни, гравитатция кучи майдони, ҳаракат миқдорининг сақланиш қонуни, механик энергия сақланиш қонуни, Бернулли қонуни, термодинамиканинг 1-2- қонунлари ва ҳоказо фундаментал қонунлар асосида мавжуд бўлиб турган моддий дунёда яшаётган экан, ўзини энергиясиз тасаввур қила олмайди. Узлуксиз равишда янги энергия турларини қидириш билан банд экан, унда ҳамма нарсани ўша энергиянинг бошланғич бўғинидан бошлаш мақул. Бу эса Эйнштейн формуласи орқали ифодаланган:

$$E = mc^2$$

бу ерда: Е – энергия

м – масса

$с^2$ – ёруглик тезлиги.

Хулоса қилиб айтилганда, ушбу ифода ўз ичида энергия ҳақидаги фаолият ва илмий маъноларни яшириб ётибди.

### *Адабиётлар.*

Эшматов М.М., Мавжудова Ш.С., Алимова М.М. “Энергомувозанат ва одам жамиятининг ривожланиши”, Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар соҳаларининг муҳим масалалари. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма выпуск 2 Ташкент – 1999

# "O'ZBEKISTONDA ONALIK VA BOLALIKNI MUHOFAZA QILISH SIYOSATI IJROSINING SAMARADORLIGI"

*SamDU Ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti*
*Ijtimoiy ish yo'nalishi talabasi 3-bosqich talabasi Suvonova Umida*

Bugungi kunda Vatanimizda olib borilayotgan oqilona siyosat natijasida aholining ijtimoiy muhofazasiga juda katta ahamiyat berilmoqda. Buning yaqqol dalili bo`lib, ijtimoiy siyosatning muhim yo`nalishi hisoblangan onalik va bolalikni muhofaza qilish siyosatida olib borilayotgan chora-tadbirlar, ularning samarali natijalari hisoblanadi. Bu siyosatning yuritilishi va unga qaratilgan e`tibordan maqsad hayotimiz davomiyligini, avlodlar barkamol va sog`lomligini ta`minlashda muhim ahamiyatga ega bo'lgan mehr va latofatga boy ayollarimizning onalik davridagi hamda bolali oilarning moddiy va ma`naviy turmush darajasini, uning sifatini himoya qilish, shuningdek, ularning sog`ligini saqlash desak xato bo`lmaydi. Bu muhim vazifalar ijrosiga bevosita sub'yektlari sifatida sog'liqni saqlash birlashmalari, aholini ijtimoiy muhofaza qilish tizimidagi organlar, kasaba uyushmalari, siyosiy va diniy tashkilotlar, jamoat birlashmalari, hayriya jamg`armalari birdek mas`uldirlar.Bu vazifalarni tartibga solish yuzasidan milliy qonunchiligimizda onalik va bolalikni muhofaza qilish, ayollar manfaatlarini himoya qilishga doir 91 ta me`yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilingan.[1]

O'zbekiston ijtimoiy siyosatida onalik va bolalikni muhofaza qilishning nechog'lik dolzarb masala ekanligini yurtboshimiz I.A.Karimov tominidan 2011-yildagi "O'zbekistonda ona va bola salomatligini muhofaza qilishning o'zbek modeli: "Sog'lom ona – sog'lom bola" konsepsiyasida ham ko'rishimiz mumkin. Ushbu konsepsiyada ilgari surilgan maqsad va vazifalar xalqaro miqiyosda ham keng e`tirof etilgan va turli investitsiya loyihalari ham yo`lga qo`yilgan edi. Shulardan "Ayollar va bolalar salomatligini mustahkamlash" loyihasi Osiyo Taraqqiyot Banki tomonidanmoliyalashtirilgan edi.Loyihaning umumiy qiymati 40.00 million AQSh dollarni tashkil etadi. Loyiha tomonidan viloyatlardagi 13 tug'riq bo'linmalari, 177 ta tuman va shahar darajasidagi tug'riqxonalar umumiy 190 ta ob`yekt kerakli asbob uskunalar bilan ta`minlanishi ko'zda tutilgan.[2] Yana bir jamiyatimiz ijtimoiy siyosatida muhim ahamiyatga ega bo'lgan investitsion loyihalardan biri bu - "O'zbekistonda onalik va bolalikni muhofaza qilish xizmatlarini takomillashtirish" loyihasidir. Loyihaning vazifasi onalik va bolalikni muhofaza qilish bo'yicha xizmatlar sifatini oshirish maqsadida Sog'liqni saqlash vazirligining qo'llab-quvvatlash hamda salomatlik va ovqatlanish sohasida ongli tanlov uchun oilalarning salohiyatini oshirishdan iborat.Ushbu loyiha ikki bosqichda amalga oshirilgan bo'lib, uning I bosqichi 2008-2011-yillarda O'zbekistonning 8 ta hududida amalga oshirilgan. Loyiha doirasida 17 ming nafardan ortiq tibbiyoy xodimi 17 o'quv markazlarida o'z bilim va ko'nikmalari darajasini oshirdi. Ayni paytda yangi tug'ilgan chaqaloqlar va bolalar hayotni asrash bo'yicha integratsiyalshgan chora-tadbirlar majmui homiladorlik boshlanganidan bolalik davrigacha parvarishlash bilan birga neonatal kasallanish va o'lim darajasini sezilarli darajada kamaytirish mumkin bo'ldi. Natijada mamlakat Ming yillik Maqsadlarining to'rtinchi va beshinchi maqsadlariga erishishga yanada yaqinlashishga erishdi. Loyihaning ikkinchi bosqichi

2012-2014-yillarda davom etdi hamda chaqaloqlar va bolalar salomatligini muhofaza qilishdagi samarali tadbirlari qolgan 6 ta hududlarni qamrab oldi. Loyiha tomonidan hayotni asrash va har bir bolaga hayotning eng yaxshi tarzda boshlanishini ta`minlashga doir taklif yangilandi. U 15,5 million kishi, shu jumladan, 5 yoshgacha bo'lgan 3,5 million o'g'il va qiz bolalar turmushini yaxshi tomonga o'zgartirdi hamda mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga hissa qo'shdi. Yutuqlar nuqtai nazaridan loyiha Sog'liqni saqlash vazirligining Onalik va bolalikni muhofaza qilishni muvofiqlashtirish bo'yicha kengash yaratilishi borasidagi harakatlarini qo'llab-quvvatladi. Kengash sog'liqni saqlash sohasidagi islohotlarni qo'llab-quvvatlash, Sog'liqni saqlash vazirligi va turli xalqaro hamkorlar o'rtasida onalik va bolalikni muhofaza qilish sohasida tajriba almashish va samarali muvofiqlashtirish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Loyihani amalga oshirish va rivojlantirish bo'yicha xalqaro va milliy hamkor tashkilotlar O'zbekiston Sog'liqni saqlash vazirligiga yordam berdilar. Bunday tashkilotlarga Yevropa Ittifiqi, BMT Bolalar fondi, Jahon Sog'liqni saqlash tashkiloti, Nemis xalqaro hamkorlik agentligi, Nemis taraqqiyot banki, BMTning aholishunoslik sohasidagi fondi va Jahon banki kabilarni kiritishimiz mumkin. Ushbu Xalqaro sheriklarning barchasi Sog'liqni saqlash vazirligining boshchiligidagi onalik va bolalikni muhofaza qilish bo'yicha muvofiqlashtirish qo'mitasida o'z vakillariga ega.[3]

Yurtimizda ana shu yo'nalishdagi keng ko'lamli ishlarimizning davomi haqida gapirganda , yana bir misol keltirish mumkin. Bugungi kunda Toshkent shahrida Janubiy Koreya davlatining yordami bilan qiymati 130 million 600 ming dollar bo'lgan ko'p tarmoqli zamonaviy bolalar shifoxonasining qurilishi boshlandi. Bu majmuaning - Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi mamlakatlari hududida yagona bo'lgan, to'rtinchi, ya`ni eng yuqori darajaga ega noyob tibbiyot maskanining yaqin kelgusida foydalanishga topshirilishi sog'lom avlod tarbiyasi yo'lida ulkan qadamlardan biri bo'lishi shubhasizdir.

O'zbekistonda bolalar va homilador ayollarga tibbiy yordam ko'rsatish maqsadida turli muassasalar, jumladan, Respublika perinatal markazi, viloyat perinatal markazlari, respublika ixtisoslashtirilgan akusherlik va ginekologiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi filiallari, 13 viloyat bolalar ko'p tarmoqli markazlari, shahar va tuman davolash-profilaktika muassasalari, shuningdek ularning bolalar va homilador ayollarga tibbiy yordam ko'rsatish bo'limlari moddiy texnik bazasi yaxshilandi. "Sog'lom ona – sog'lom bola" loyihasi doirasida esa jami 13 million 600 mingdan ziyod ayollar va bolalar tibbiy ko'rikdan o'tkazildi. Buning natijasida 2 million 800 ming ayol va 2 million 500 ming bola sog'lomlashtirilgani bu yo'ldagi katta qadam bo'ldi. Bu sa`y-harakatlar natijasida oxirgi besh yilda mamlakatimizda har 100 ming chaqaloqqa nisbatan onalar o'limi 23,1dan 19 taga, besh yoshgacha bo'lgan bolalar o'limi14,8tadan 10,7 taga kamaydi.

2016- yilgi "Sog'lom ona va bola yili" Davlat dasturini amalga oshirish uchun yo'naltirilgan 7 trillion 483,3 milliard so'm, ekvivalentda esa 194,4 million AQSh dollari ijtimoiy siyosatdagi ishlar va yangi tashabbuslarni amalga oshirishni izchil davom ettirish, shubhasiz, mamlakatimizda shakllangan onalik va bolalikni muhofaza qilish siyosatini yanada mustahkamlash, kelajak avlodni barkamol etib tarbiyalashga xizmat qiladi.Jumladan, Davlat dasturiga kiritilgan qator ijtimoiy masalalar amalda

o’z ijrosini boshlagan.Bulardan biri Sog’lomlashtirish dasturiga kiritilgan 11 nafar o’zbekistonlik bemor bolalar davolanish uchun 2016-yilning 17-fevral kuni Germaniyaga jo’nab ketganligidir. Mazkur hayriya tadbiri O’zbekiston Respublikasi Sog’liqni saqlash vazirligi, “Sog’lom avlod uchun” xalqaro nodavlat hayriya fondi, Germaniyaning “Friedensdorf International” xalqaro tashkiloti o’rtasida uch tomonlama hamkorlik bitimi asosida tashkil etilmoqda. Ushbu hamkorlik doirasida 12 yoshgacha bo’lgan bemor va nogiron bolalarni davolash va reabilitatsiya qilish ko’zda tutilgan. Aytib o’tish joizki, 261,6 million so’m miqdorida moliyalashtirilgan bolalarni respublika va chet el klinikalari va markazlarida sog’lomlashtirish tadbirlari bir nechta tarmoqlarda amalga oshirilishi yo’lga qo’yilgan. Shu jumladan, nogiron bolalarni Germaniya klinikalarida tezkor davolash 1 yildan 3 yilgacha muddatda, kam ta’minlangan oilalarning yuqori tishlari va qattiq tanglayini rivojlanishida tug’ma nuqsonlari bo’lgan kamida 100 nafar bolalarini tezkor davolash, kam ta’minlangan oilalarning oyoqlarida maymoqlik va bo’yin qiyshiqlik tug’ma ortopedik kasallangan kamida 200 nafar bolalarini tezkor davolash, tug’ma yurak yetishmovchiligi va surunkali osteomielit kasalligiga chalingan kamida 20 nafar bolani sog’lomlashtirish va jadal davolash, kuyishdan keying kontrakturali kamida 25 nafar bolani plastikoperatsiya qilish orqali bolalar nogironligi darajasini pasaytirish rejalashtirilgan.2016-yilda Bolalar ijtimoiy moslashuv respublika markazi faoliyatini yanada kengaytirish chora-tadbirlarini amalga oshirish doirasida qo’shimcha ravishda 2016-2018-yillarda Markazning 11 ta mintaqaviy filiallarini tashkil etish yo’li bilan bolalikdan nogironlarga, rivojlanishida psixofiziologik buzilishlar bo’lgan bolalarga va ota-onalarning vasiyligisiz qolgan bolalarga, shuningdek bolalarning boshqa zaif toifalariga kompleks xizmatlar ko’rsatish tarmog’ini yanada kengaytirish asosiy vazifalardan biri deb belgilab olingan. Karlik bo’yicha bolalar nogironligini pasaytirish va ushbu toifaga kiruvchi bolalarni integratsiya qilish maqsadida audioskrining qilish asosida chaqaloqlarda eshitish qobiliyati buzilishini barvaqt aniqlash yo’li bilan ularni reabilitatsiya qilish dasturini amalga oshirish, neyrosensor qulog’I og’irlik va karlik kasaliga chalingan 100 nafardan ortiq bolalarni koxlaar implantatsiya qilish, operatsiyadan keyin surdopedagogik reabilitatsiya qilish yo’lga qo’yildi.[4]

Hozirda mustaqil va taraqqiy etib borayotgan davlatimiz ijtimoiy siyosatidaonalik va bolalikni muhofaza qilish nafaqat tibbiy sohada, balki, moddiy jihatdan ham moliyalashtirib borilmoqda. O’zbekistonda 7 million 560 mingga yaqin oila mavjud bo`lsa, 2015 yilda shulardan 1 million 60 ming 569 tasiga ijtimoiy nafaqa va moddiy yordam tayinlangan. Bulardan 2 yoshgacha bolali oilalarga to`lanadigan nafaqa 326 684 ta, 14 yoshgacha bolalari bo`lgan oila 635 207 ta, kam ta`minlangan oilalar 98 678 tani tashkil etadi.[5] Ana shu oilalardagi onalar va bolalarni ijtimoiy`iqtisodiy qo`llab-quvvatlash va muhofaza qilish maqsadida 2015-yilda O`zbekiston Respublikasi Davlat byudjetining ijtimoiy soha va aholini ijtimoiy qo`llab-quvvatlash xarajatlari 21 304,6 milliard so`mni tashkil etdi, shundan ijtimoiy ta`minot uchun 147,2 milliard, bolali oilalarni hisobga olgan holada ijtimoiy nafaqalarga 2 102,5 milliard so`m yo`naltirildi.[6]

Yuqorida ko’rsatib o’tilgan raqamlardan ham ko’rishimiz mumkinki, jahon tan olgan O’zbek modelining “Kuchli ijtimoiy siyosat” tamoyili asosida olib borilayotgan

siyosat eng samarali va oqilona siyosatdir. Onalik va bolalikni muhofaza qilish esa bu siyosatdagi ustuvor yo'nalish ekanligi bejiz emas. Zero, Prezidentimiz ta'birlari bilan aytganda "Ona va bola sog'lom bo'lsa, oila baxtli, oila baxtli bo'lsa, jamiyat mustahkam bo'ladi".O'zbekistondagi ijtimoiy siyosatning bu tamoyili ona va bola salomatligini nafaqat jismonan, balki, ruhan va ma'nan ta'minlab bermoqda. Xalq manfaatlari ustunligi fuqarolarimizda, onajonlarimizda ishonch va mag'rurlik tuyg'usini mustahkamlamoqda, bu esa ijtimoiy siyosatning samarali ko'rsatgichidir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

Internet manbaa:
www.lex.uz "Onalik va bolalikni muhofaza qilish, ayollar manfaatlarini himoya qilishga doir normativ-huquqiy hujjatlar ro'yxati".
Internet manbaa:
www.minzdrav.uz "Ayollar va bolalar salomatligini mustahkamlash" loyihasi.
Internet manbaa:
www.ona-bolasalomatligi.uz "O'zbekistonda onalik va bolalikni muhofaza qilish xizmatlarini takomillashtirish" risolasi.

## ЁШЛАРНИНГ ИЖТИОИЙ ТАРМОҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ

*Есемуратова С.А. Қорақалпоқ давлат университети талабаси*

Ҳозирги замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши билан инсонлар, айниқса ёшлар вақтни тежаш мақсадида сўзларни қисқартириб қўллашни урфга айлантирган. Бу айниқса, энг фаол тармоқ бўлмиш ижтимоий тармоқлардан ёққол кўзга ташланади. Бунда кўпчилик сўзларни ёшларнинг ўзларига мос ҳолда қисқартириб қўлланганини кўрамиз. Масалан, «керак» сўзи «к.к» ёки «кк», «яхши» сўзи «я», «бўлади», «бўлиб» сўзлари фақат биттагина «б» ҳарфи билан ифодаланади. Шунингдек, «учун» сўзининг ўрнига «ун» ёки «у.н» деб ёзиш одати «урфга айланган».

Шулар билан бирга унли товушларни қисқартириш, аниқироғи унли ҳарифлардан умуман фойдаланмаслик ҳалоти ҳовотирга солади. Ваҳоланки, бу жуда кўп учрайдиган ҳалотга айланган. Энг ачинарлиси фақатгина ундош товушлардан иборат сўзларни ёзиб ҳам улар бир-бирларини бемалол тушиниб олишади. Масалан, «талаба» сўзини «тлб», «рахмат» сўзини «рхмт» кўринишида ёзади.

Пунктуация белгиларини қўлланишда ҳам худди шундай ҳалотни кўриш мумкин. Масалан, нуқта, вергул, сўроқ, ундов белгилари деярли ишлатилмайди. Гапни бош ҳарфлар билан бошлаш ёки бўлмаса инсонларнинг исмларини, мамлакат номларини бош ҳарф билан ёзишни эсдан чиқариб қўймоқдамиз, гўё. Аммо, бу она тилимизга нисбатан ҳурматсизик эмасми? Агар аҳвол шу тариқа давом этар экан, 10-15 йил эмас, нари барса 5 йилда она тилидан тўғри фойдаланишни буткил эсдан чиқармаймизми?

Ижтимой тармоқлардан кўп фойдаланиладиган сўз боши ҳисобланмиш «Қалай?» сўзига жавоб ўрнида оддийгина смайликларни юбориш ҳаммага бирдек мақул бўлмоқда. Аҳволларинг қандай? Нима янгилик? Сўровларини «не

жанка» шаклида, «тинчлик» сўзини «т.т», «тт» шаклида жавоб қайтарилади. «Ўзинг қандайсан?» сўзини «Ўз кан» ёки «Ўз» сўзлари билан ифодалаш мумкин.

Яна айрим сўзлар ва айрим ҳарфлар сонлар билан, айрим ҳарфлар эса бошқа ҳарфлар билан ифодаланмоқда. Масалан қорақалпоқ тилидаги «ш» ҳарфининг ўрнига «w» ҳарфини ишлатиш ҳалотлари жуда кўп кўзга ташланади. Масалан, «ўзинг қандайсан?» сўзининг ўрнига «бзин қандайсан», «иwим кўп» деб қўлланилади. Бундай ёзиш усулини оддий инсанларнинг бир қарашдан тушуниши қийин. Гуё йиероглиф ёзувларига ухшаб кетади.

Социал тармоқлар орқали нафақат сўз, гап ёзиш, балки эмоциямизни осонгина билдириш ҳам мумкин. Масалан, қувончли пайтимиздаги кулгуларимизни «хахаха», «хихихи» сўзлари билан, тушундим маъносини берувчи сўзларни «хм» ёки «ммм» белгилари билан ифодалаш мумкин.

Яна бир ачнарли ҳалот зиёли инсонларнинг ҳам социал тармоқларда сўзларни, жумлаларни хато ёзишларини учратиш мумкин. Ҳарфларни қисқартириш, айримларини умуман ёзишда фойдаланмаслик кейинчалик оммавий ҳалотга айланиб қолмасмикан? Бу катта фожианинг олдини олиш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак. Бизнингча, компьютер ва ижтимоий тармоқлар учун махсус «смарт» луғатларни ишлаб чиқиш вақти келди. Бу иш шу йўналишдаги энг ҳайрли биринчи қадам бўлади деб ўйлаймиз.

Яна ижтимоий тармоқ – бу интерфаол турдаги кўп одамлар фойдаланадиган веб-сайт. Улар ҳозирги пайтда маълумот алмашишнинг энг суръатли ва арзон усули ҳисобланади. Фойдаланувчилар ижтимоий тармоқларга илм олиш мақсадида ҳам уларга аъзо бўлишмоқда. Масалан, барча ижтимоий тармоқлар орасида энг тезкор янгиликларни таратувчи Facebook ҳисобланади. Ён-атрофимизда, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан мазкур ижтимоий тармоқ орқали бохабар бўламиз. Ушбу ижтимоий тармоқни медиатаълимнинг замонавий канали қаторига қўшишимизнинг бир нечта сабалари бор.

Биринчидан, мазкур тармоққа аъзо бўлган инсонлар орасида ҳар хил интеллектуал ўйинларни ўтказиш имконияти мавжуд. Улар бир гуруҳга аъзо бўлишиб, ўртага умумий мантиқий савол ташланади. Ушбу саволларга гуруҳга аъзо бўлганларгина жавоб ёзишлари мумкин. Саволлар албатта манбалари билан кўрсатиб ўтилади. Улар шу йўл орқали мантиқий билимларини ошириб боришади.

Шунингдек, Facebook тармоғида ёзувчи-шоирларимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида маълумотлар жамланган гуруҳлар ҳам мавжуд. Хоҳлаган фойдаланувчи ушбу гуруҳларга аъзо бўлиб, маълумотлар билан танишиш имкониятига эга. Агар ижодий иш Сизга мақул бўлса, унга Like босиш орқали ўз нуқтаи-назарингизни билдиришингиз мумкин. Турли касб эгалари тўғрисидаги гуруҳларга аъзо бўлиш орқали ушбу соҳалар юзасидан бирмунча маълумотларга эга бўлиш ҳам мумкин. Масалан, ҳайдовчилар, ошпазлар,

дизайнерлар, таржимонлар. Ушбу рўйхатни ҳали кўп давом эттириш мумкин.

Иккинчидан, айрим веб-сайтлар бошқа ижтимоий тармоқлар сингари Facebookда ҳам махсус саҳифасига эга. Бунда улар янги киритилган маълумотни мавзуси билан бирга расмларини ҳам саҳифага чиқариб, асосий сайтга йўналиш (ссылка) беради. Ушбу йўналиш ёрдамида асосий сайтга ўтиш ва янгиликларни ўқиш имкониятига эга бўласиз.

Ҳулоса қилиб айтганда, ижтимоий тармоқлар орқали ҳам фойдаланувчилар маълум даражада билим олади ёки мавжуд билимларини мустаҳкамлай олади деб бемалол айта оламиз. Шу сабабли ҳам, уларни таълимнинг замонавий усуллари қаторига киритиш мумкин.

## ОИЛАНИ ОИЛА ҚИЛАДИГАН ЗОТ

*Каттақурғон тумани 1-ИДУМИ ўқувчиси Г.Д.Рахмонова*
*Илмий рахбар Ибрагимова М.О (СамДАҚИ)*

*Биз хонадонимиз кўрки, юртимиз бекаси бўлмиш аёл зотидан авлодлар силсиласини давом эттираётган, ҳаётимизнинг гўзаллиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек сақлаб келаётган оналаримиз, опа-сингилларимиздан умрбод қарздормиз. Улар туфайли бу дунёда муҳаббат ва мурувват, инсоф ва диёнат доимо барқарордир. Жаннат оналарнинг оёғи остида деб бежизга айтилмаган ахир.*

И.А.Каримов.

Оила ва унинг таъсирида шаклланувчи инсоний фазилатлар, биринчи галда, онанинг оқ сутидан, унинг чақалоққа бўлган меҳр-муҳаббатидан, бешик тебратиб ўтказган бедор тунларидан, эҳтиросга ва завқ-шавққа тўла ҳавасманд онлардан бошланади.

Аёл алласи ўзига хос миллат мадҳиясидир, чунки бунда Ватанни ўзида жам қилган онанинг орзуси, унинг жавобгарлиги, унинг меҳри жўш уриб туради.

Она қалбида юрт, юрт меҳрида она ойдек балқийди. Юрт ва оила, она уйғунлиги, айни вақтда, инсон ва табиат уйғунлиги, ўтмиш, бугун ва келажак уйғунлигини, инсон, миллат, инсоният уйғунлигини ифода этади. Бунданда буюк уйғунлик бу оламда борми ўзи!

Миллат аёлларни нечоғли улуғласа, унинг ўзи ҳам шунчалик улуғланади. Давлат аёллар, уларнинг эркинлиги, ораста турмуш шароитларини қанчалик кенг яратса, аёл ифтихори, унинг қадри, келажак олидаги маъсуллиги учун шунча кенг имконият очилади.

Ҳурматли юртбошимиз айтганларидек, “Аллоҳнинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот бу аёлдир. Миллатни миллат қиладиган, юртини юрт қиладиган ҳам аёлдир”.

Баъзан турмушимизда шарқоналик, ўзбекчилик деган ақидалар билан, баъзи ҳолатларда, аёллар ўзларининг оддий ҳуқуқларини ҳам турмуш ўртоғи, қайнонаси ва бошқа яқинлари олдида ҳимоя қила олмайдилар. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил аёли ҳақ-ҳуқуқини таниган, ўз шахсини ҳимоя қила оладиган мустақил ва эркин аёл бўлмоғи керак.

Эркин, ақлли, андишали, ватанпарвар аёллардан эркин, Ватан учун жонини фидо қиладиган фарзандлар туғилади. Эркин аёллargина фарзандларини эркинлик руҳи билан озиқлантира олади. Аксинча, аёл қанча муте бўлса, жамиятга яна шунча муте фарзандларни беради. Республикамиз Президенти бу ҳақда шундай дейдилар: "Мен инсонни инсон қиладиган ҳам, майиб-мажруҳ, бахтиқаро қиладиган ҳам оиладир, - деган фикрни айтиб ўтган эдим. Шу мулоҳазани давом эттириб айтиш мумкинки, худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот - Аёлдир.

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир".

Бугунги кунда жамиятимизда эркин қизлар ва аёлларни шакллантириш бобида бениҳоя катта сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ишлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш бўлса, иккинчиси-уларга бугунги кун талабига жавоб бера оладиган таълим ва тарбияни беришдир.

Малакатимизда миллий кадрларни тайёрлаш дастурини амалга ошириш, хусусан, қизларимизнинг илмий салоҳиятини юксалтириш йўлида бир талай илмий-педагогик ва ташкилотчилик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, "Зулфия" мукофотининг жорий қилиниши, турли хилдаги кўрик ва олимпиадаларга қизларни кўпроқ жалб қилиш, Хорижий университетларда ўқишни давом эттиришлари учун иқтидорли қизларни танлаш, ўз шароитларидан келиб чиқиб тадбиркорлик билан шуғулланишни, оилада касаначиликнинг йўлга қўйилиши ва бошқа қатор имкониятларни айтиб ўтиш мумкин.

Албатта, инсон мустақил бўлиши учун, биринчи галда, ундан ўқимишли, ақлли, доно, ишбилармон бўлиш талаб этилади. Бинобарин, аёл ақилли бўлгандагина у эркин бўла олади. Шунинг учун Президентимиз бугун қизларимизга ёшлигиданоқ ҳар томонлама ривожланишлари учун керакли барча шароитларни яратиб бериш зарурлигини таъкидламоқда. Зеро, қизларимиз, аёлларимизнинг жисмонан бақувват бўлиши бизнинг бундан кейинги тараққиётимизнинг муҳим заминларидан ҳисобланади. Қизларимизнинг идеали машҳур Тумарис, Бибихоним, Зебунисо, Барчиной, Нодирабегим кабилар бўлиши керак. Чунки улар ўзларида ақлий ва жисмоний баркамолликни бенуқсон уйғунлаштирганликлари билан, ўзларининг жасорат ва матонатлари, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан халқимиз тарихида ўчмас ном қолдирганлар.

Тарихдан маълумки, соҳибқирон Амир Темурнинг завжаси Сарой Мулк хоним – Бибихоним инсонпарвар, ватанни севувчи, мамлакатнинг сиёсий,

ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхши хабардор бўлган. Салтанат ишларида доно маслахатлари билан қатнашиб турган. Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга юриш бошлаганида Исфахоннинг қамали кўпга чўзилиб, қўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етмай қолади. Шунда, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк хонимга мактуб жўнатади. Унда "Қўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг" дейилганди. Сарой Мулк хоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мактубнинг орқа томонига "Улуғ Амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадими?" – деб ёзади ва уни чопарга тутқазади. Мактубни олгач, Амир Темур Сарой Мулк хонимнинг нима демоқчи эканлигини тушуниб, шундай тадбир қўллайдики, натижада, ҳам иқтисодий тангликдан чиқади ҳам Исфахон шаҳрини забт қилади.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги қадри орта бориши келажагимиз замини ҳамдир. Юртбошимиз айтганларидек: "Биз бугун ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият бермоқдамиз. Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз – бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Аввал айтганимиздек, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман. Албатта, халқ тақдири, миллат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу улуғ маъсулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади".

Бундай қудратни фарзандларга ўз меҳри, илму-фозиллиги, муқаддас алласи билан тарбия беришда оналаримиз омон бўлсин.

## ОЙИЖОНИМ

Ойижоним малак, фаришта,
Онам борки уй-жой саришта.
Кўнгли унинг мусаффо, тоза.
Иши ундан олар андоза

Сўзларида унинг меҳр бор,
Жозиба бор, нур бор, сеҳр бор.
Сўзларни у сўйиб сизлайди,
Сўзларидан маъно излайди.

Сўздан сўзнинг- фарқи бор дейди,
Сўзнинг ҳам ўз нархи бор дейди.
Синчков бўлсанг билиб олурсан,
Вақти келса чутга солурсан.

Деб насиҳат айлаган чоғи,
Гулга кирар кўнглимнинг боғи.
Ойижоним шундайин одам,
Олам ичра кичик бир олам.

Кирган уйи хуб сариштали,
Ўзи эса хур, фариштали.
Суврати ҳам, сийрати ҳам пок,
Ойим каби бўлсам эди, оҳ!

**Фойдаланилган адабиётлар**:

И.А.Каримов. 8 март хотин-қизлар кунига бағишланган табриги. Халқ сўзи. 2013 йил 7 март.
И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ-миллатни миллат қилишга хизмат этсин "Тафаккур" журнали 1998 й. 2-сон.

Б.Ахмедов. Амир Темурни ёд этиб. Т. “Ўзбекистон” 1996. 164-бет.
О.Мусурмонов. Оила маънавияти – миллий ғурур. Т. “Ўқитувчи” – 1999 йил

## ИЗУЧЕНИЕ ТВОРЧЕСТВА ПОЭТА – СПОСОБ ВОСПРИЯТИЯ РЯДА ВАЖНЕЙШИХ ПРОБЛЕМ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

*(на примере произведений Тлеубергена Жумамуратова)*

*Малика Джумамуратова Тлеубергеновна. Доцент Каракалпакского Государственного университета.*

Актуальность исследуемого вопроса объясняется тем, что приоритет развития любого общества в его духовно-нравственном облике. И изучение наиболее значимых для цивилизации произведения общепризнанных сеятелей прогрессивных идей, в данном случае, в лице лауреата Государственной премии имени Бердаха, народного поэта Узбекистана и Каракалпакстана Тлеубергена Жумамуратова (1915-1990), творчество которого оказало воздействие на всю духовную жизнь в рамках национальных культур, помогает воспринять ряд важнейших проблем гуманитарных наук.

Тлеуберген Жумамуратов – поэт-импровизатор, лирик, философ, мастер сатиры и юмора, знаток истории, литературы, переводчик, драматург, публицист. Зная традиции устного народного творчества, владея высоким профессионализмом в письменной литературе и в философском осмыслении категорий духовности и нравственности, он ввёл в поэзию новые виды и формы стихов. Это стремительные миниатюры, многокрасочные легенды, медлительные баллады и своеобразные четверостишия. Создал первый в национальной литературе роман в стихах «Красавица Макарья», уходящий корнями в самобытный фольклор. В творчестве Тлеубергена Жумамуратова поэтизация бережного отношения к родной земле, любви к человечеству опирается на философию Вселенной: «Мир изначально сотворён для всех!» Она вся пронизана мыслью о разумном, мирном сосуществовании людей всех стран в этом огромном пространстве, под названием – Планета Земля.

Большой выразительности добивается поэт в философском осмыслении категории духовности и нравственности из самых разнообразных жизненных ситуаций в разных жанрах поэзии, прозы, драматургии в многогранном творчестве. Особенно, это выявляется в его стихах традиционных для восточной поэзии жанре рубаи́.

Рубаят Омара Хайяма прозвучал в каракалпакской литературе в переводе Т.Жумамуратова и был издан в печати отдельной книгой. Прав, государственный деятель К.Камалов, когда, высоко оценив, поэтическую заслугу Т.Жумамуратова говорит, что не всякому подвластно воспринять, понимать, озвучивать на родном языке, сохраняя высокую эстетическую сущность оригинала произведения большого философа Востока [2]. В то же время, поэт-переводчик, и сам испытал свои возможности в этом жанре, достиг желаемых результатов художественного мастерства.

Как у других поэтов-мыслителей, в емкие четверостишия Т.Жумамуратова спрессованы нравственные установки и убеждения. В них

богатый жизненный опыт старшего поколения переливается на духовно-этический опыт творца художественного слова. Тут жизненное кредо опирается на философию вселенной: «Мир изначально сотворен для всех!» Следовательно, всё творчество пронизано мыслью о разумном, мирном существовании людей всех стран в этом огромном пространстве − планета Земля, об их взаимопонимании, о том, что в любой точке Земли значимые общечеловеческие ценности как добро, труд, любовь, дружба как основы жизни объединяют человечество. Определение дружбы звучит: «Друзья мои − мой драгоценный клад, Со мной они в дни счастья и утрат. Без помощи товарищей надежных, Как одолел бы столько я преград?!»

На заре человеческой истории люди открыли свойства вещей иметь определенную значимость, удовлетворять те или иные потребности человека, быть полезным в чем-либо. Тем самым была открыта ценностная природа вещей. Статус ценности стал признаваться и за социальными институтами и духовными явлениями [4,433]. Когда поэт, сталкивается с проблемой философии фиксирующей соотношение личности и общества, глубоко чувствует, что духовная возвышенность личности, выражается в его активной жизненной позиции: «Человек, отдаленный от общества — дерево без корней, если ты ни с кем не озабочен, то для чего существуешь?!» (взят смысл).

Художественное восприятие Т. Жумамуратова обосновано на абсолютную гармонию мысли и чувства, его герой лирик, в то же время герой-мыслитель, его романтически возвышенный герой-мечтатель, в то же время серьезный и глубокий философ. Поэтому, в его следующих строках раскрывается философия жизни еще строже, напоминая о трагическом последствии безответственности перед обществом: «Я взлеты и паденья знал в судьбе, И понял, что на жизненной тропе. Нет горше горя, если, схоронив, Народ тотчас забудет о тебе».

Слово поэта о доброте своеобразно, конкретно: «Доброе − то, что сделал ты для других людей, Сердце твое согреет в стужу закатанных дней. Если хитер и лжив ты, эти черты дурные, Словно колючки, встанут все на тропе твоей».

По научным положениям, любая философия выражает то или иное отношение человека к миру, выступая тем самым как определенное мировоззрение. Мировоззрение − это совокупность взглядов на окружающий человека мир и место человека в этом мире [4,9]. Оно выражается в различных формах, среди которых имеется и художественное представление, со структурой: знания, оценки, верования и убеждения.

В предисловии от редакции книги Т.Жумамуратова «Красавица Макарья» в русском издании, сказано, что «По эстафете времен от прославленных сказителей прошлого к Т.Жумамуратову перешел редкий дар импровизатора. Мастерски им, владея, поэт добивается задушевного диалога с читателем. Подкупает раскованность слога. Точность и емкость характеристик, которые дает автор своим героям. Произведения Т.Жумамуратова плотно «заселены» [1,5].

Эти оценки указывает на то, что:

-художественное мастерство поэта зависит от тех обстоятельств, которые оказали влияние на его мировоззрение;

об источниках духовного восприятия Т.Жумамуратова, можно сказать, что «животворные родники богатейшего каракалпакского фольклора неутомимо питают полувековое древо поэзии известного мастера»[1,5];

-он выполнил благородную миссию как носитель поэтической традиции своего народа, сохранил и развивал литературу идейно-художественном, жанровом отношении, обогатил национальный язык, воспевал общечеловеческие ценности на примере национального самосознания.

Творец искусства полагается на творческий дар – видеть невидимого, ощущать не пройденного, ссылаясь на этических, эстетических начал. В то же время, бесспорно, личный жизненный опыт играет значительную роль в художественном осмыслении. Тут сравнения бывают не только логическим, но и особо эмоционально -чувственными. Например, «Я любовался, стоя у крыльца, Как птица ставит на крыло птенца. И вновь подумал: выше всех вершин, Святые материнские сердца». Или же, «Знавал я пору холоднее льда, Не раз губила радость мне беда. На прошлое смотрю: не гладкий путь, Морской простор аврального труда».

В творческом наследии Т. Жумамуратова мы находим много напутственных слов и обращений к молодежи. Поэт психологически готовит молодежь к ее самостоятельной созидательной деятельности и аккуратно уберегает молодежь от заблуждения: «Что слава? Это ветер вихревой. Несет тебя, наполнив парус твой. Но чуть задремлешь, как умчится прочь, Наполнив паруса судьбы другой», находим мы на страницах его творчества. Эти наставления опять же опираются на анализ и выводов: «Смазливый ценит красоту лица, Силач твердит о силе без конца. Признался ль кто, что заяц он? Зато, что спит в них лев, считают все сердца».

Читая любое из этих произведений, невольно вступаешь в предлагаемый задушевный диалог. Соответствие или несоответствие деятельности людей нормам этики может выражаться в похвалах или порицаниях, в согласии с той или иной деятельностью или ее критике, в проявлении тех или иных моральных чувств, иногда в весьма неожиданном повороте: «Верблюд того не знает, что горбат. Не чувствует глупец, что глуповат: Куда не надо, лезет, получая, Тычки и тумаки взамен наград».

Основой духовных ценностей является традиционная этика семьи и родственных отношений, основными принципами которой всегда было почитание старших, взаимовыручка, забота о детях. Тут, позиция поэта конкретная: «метр измеряют с двух концов». «Твоя вина, что встал на пути воров, Твой сын. Метр измеряют с двух концов. Виновна голова, когда по грязи, Ступают ноги,–вот наказ отцов».

Если в этих строках так строго остерегается родители, то в других чувствуется радость за соответствие «двух концов»: «Птенца в гнезде готовят в путь к вершине. И черт отца всегда немало в сыне. Хоть говорим: «Сын превзошел отца!»–Обоими взята вершина ими».

Формирование нравственных оценок индивидов происходит на основе усвоения исторического опыта, национальных ценностей. Здесь учитывается не столько принадлежность индивида к той или иной этнической группе, сколько степень овладения им нравственной культурой общества, в котором существует данная этническая группа, нравственной культурой человечества. Осмыслить, воспринять этот сложнейший вопрос помогает нам творчество Т. Жумамуратова, чья поэзия особо укоренена с народным фольклором. Эта определенность оставляет след в его поэтических строках в эстетической форме: «Где взял напев, печальный словно стон?» «В сердцах твоих прапрадедов рожден. Он был, - сказал кобыз, - и для тебя, Мной неприкосновенно сохранен».

Следующее четверостишие автора, отражая противоречивость бытие, гласит: «Тебя послушать, в жизни нет преград, Всё хорошо. Чему всегда ты рад?» «Что стало бы с людьми, - сказал дутар,- Когда б я рыдал с кобызом в лад?»

По философским учениям, «бытие есть все, что есть. Это и материальные вещи, это и все процессы (физические, химические, геологические, биологические, социальные, психические, духовные) [5]. Творческое мышление человека, значит, тоже бытие, и оно диалектично.

Две пары четверостишия в приведенных выше примерах, являются динамикой мысли поэта. Тут имеется эстетическое восприятие особенностей двух национальных музыкальных инструментов, в то же время глубинный подтекст ведет к мысли, что было много грустного и радостного в истории народа. Даже последовательность куплетов построена с сочетанием творческого замысла, обобщая противоположность диалектики, эстетические нюансы поэтических образов наполняют душ одухотворенностью и оптимизмом.

Философское мышление ссылается на естественную закономерность бытия, так как, в сущности, жизнь кажется трагичной, в то же время оптимистична характерным для развития обновлениями: «Но в тот, же миг, когда седой старик, Страдая, засыпает вечным сном. В другой семье младенца первый крик, Огромным счастьем наполняет дом».

В заключении можно сказать, что духовно-нравственные ценности – основной пафос поэта-импровизатора Т.Жумамуратова, его крылья усвоения новых эстетических и жанровых высот. Это творчество, которое выражает апогей разума в сложном мире разнообразия и представляет собой образца духовно-нравственной возвышенности основанной на теорию «Мир изначально сотворен для всех!»

***Литература***

1.Жумамуратов Т. Красавица Макарья. Нукус, «Каракалпакстан», 1986.
2.Камалов К. Өшпес жулдыз, «Еркин Каракалпакстан», №37(17783), 2003,
3.Материал из Википедии, ru.wikipedia.org/wiki/Рубаи.
4.Основы философии. Ташкент, «Mehnat», 2004.
5.Спиркин А.Г. Учение о бытии. *society.polbu.ru/spirkin_philosophy...*

# РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЫ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ

*Б.Джумаев, преподователь СамГАСИ. С.Саттарова, студент 303-МКК*

Относительно самостоятельная сфера жизнедеятельности общества, охватывающая отношения между социальными обществами, внутри этих обществ, между отдельными личностями, занимающими разное положение в обществе и принимающими неодинаковое участие в его социальной жизни. Именно в этой сфере, занимающей специфическое положение между экономической и политической сферами жизнедеятельности общества, в основном и протекает жизнь социальная. В социальной сфере реализуются социальные потребности и интересы классов и социальных групп, национально-этнических общностей, отношения общества и личности, она охватывает условия труда и быта, здоровья и досуга. Здесь пересекаются и сходятся комплексные последствия решений в практической деятельности и других сферах — экономике, политике, идеологии, культуре. Основными структурными компонентами социальной сферы являются социальная структура, социальные отношения и закрепляющие их материальные образования.

Социальная сфера является объектом изучения различных наук, в частности экономической (когда изучаются социальные последствия экономических решений, а также деятельности той или иной сфере материального производства), политические (когда изучается политическая деятельность и ее влияние на социальную жизнь), социальной психологии (когда изучаются социально детерминированные процессы социальной жизни) и т. д. Социология исследует социальную сферу под углом зрения реализации воспроизводства и изменения всей системы социальных отношений и их реального содержания — социальной жизни, тех факторов и закономерностей, которые определяют и регулируют эту жизнь. Первоочередные задачи социологии в этом отношении состоят в изучении механизмов и тенденций дифференциации сдвигов в социальной структуре общества, способов совместной деятельности различных социальных групп, их потребностей и интересов, ценностей, организации семьи и т. д. Решение этих задач предполагает также выяснение вопросов о критериях и границах социальной дифференциации при социализме, о ее роли на тех или иных исторических этапах развития общества и перспективах ее изменения по мере преобразования материальных условий и совершенствования всей системы социальных отношений.

Необходимость приоритетного значения развития социальной сферы — объективное требование перестройки. Недооценка назревших проблем материальной базы социальной сферы, остаточный принцип выделения для нее ресурсов, определенный перекос в сторону технократических подходов общественного развития не могли не сказаться на темпах социальных преобразований, экономического роста, на заинтересованности людей в

качестве и результатах труда, активности и нравственном здоровье общества. Новаторский подход к осознанию роли социальной сферы в жизни современного социального общества и путей ее дальнейшего развития опирается на диалектико-материалистическое понимание общих закономерностей исторического процесса и вытекает из анализа опыта конкретно-исторических особенностей социализма, его функционирования и качественных преобразований. Возрастание значения социальной сферы вызвано также как расширением наших возможностей, так и появлением новых проблем и потребностей на нынешнем этапе развития общества. Преобразования в социальной сфере направлены на создание равных возможностей для людей (например, в сфере образования и здравоохранения), оптимизацию их профессиональной мобильности в системе общественной организации труда, обеспечение условий для реализации способностей каждого, на преодоление уравнительных тенденций в распределительных отношениях, повышение качества жизни, на как можно более полную реализацию принципов социальной справедливости.

## ТАЪЛИМГА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

*Ффн. З.Қ. Оразимбетова Қорақалпоқ давлат университети*

Бугинги кунда «инновацион таълим технологиялари» ва «педагогик технологиялар» тушунчаларини кўп ҳолларда тахлил қилинмокда, мазмунан буларни бир-бирига ҳар қандай ҳолларда тенглаштирилмоқда. Айни бир пайтда бу тушунчалар ўртасида фарқ бор. Инновацион таълим ва ўқитиш тушунчалари бир-биридан фарқ қилиб, улар қуйидагича талқин қилинади.

**Инновацион таълим олиш** – бу тизимлаштирилган янги усул орқали олган билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёни бўлиб, улар асосида ўқувчида дунёқараш, хулқ-атвор, шахс сифатлари ташкиллаштирилган инновацион таълим ва мустақил таълим орқали шаклланади.

**Ўқиш** – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида мақсадга йуналтирилган жараёндаги ўзаро таъсир бўлиб, унинг натижасида ўқувчига таълим, тарбия бериш, шахсини ривожлантириш амалга оширилади.

**Инновацион таълим технологияси** педагогик технологиянинг бир қисми сифатида янги таълим тизимлари назарияси ва лойиҳалаш усулларини яратиш, таълим жараёнларини бошқаришга йўналтирилган. Таълим технологиясининг асосий вазифаси дарс бериш ва ўқиш жараёнини оптималлаштиришдан иборат.

**Таълим технологияси** – мақсадга эришиш усули бўлиб, у кўзланган натижага олиб келиши ёки келмаслиги ҳам мумкин. Мақсадга эришиш даражаси фақат технологияга боғлиқ бўлиб қолмай балки, «технолог»нинг (яъни педагогнинг) маҳоратига ҳам боғлиқ.

Ўқитиш жараёнининг технологизацияси бу реал ўқитиш тизимига аниқ инновацион усулларни, восита, шакл ва уларнинг элементларини трансформация ва жорий этиш жараёнидир.

Ўқув жараёнини модернизациялаш жараёни ва компьютер, аудиовизуал техникаларни жорий этишнинг мақсади, тест назоратларида инновацион усуллардан фойдаланиш, янги билимларни ўзлаштиришда ва шакллантиришда видеофильмлардан фойдаланиш, тажрибалар ўтказишда янги компьютер дастурларидан фойдаланишдир. Буларнинг барчаси модернизация моҳиятини англатади.

Касбий таълим тизимида ўқитишнинг қандай технологиясини танлаш ўқув жараёниниг қуйидаги характеристикаларига боғлиқ:

- Малакавий тавсифномаларга кирган билим, малака, кўникмаларни ўзлаштиришнинг самарасини оширадиган ўқув фаолиятининг потенциал ташкилий формаларини лойиҳалаштириш;
- Педагогик жараёнда ўқув ахборотининг функцияси;
- Ўқув ахборотининг мақсадли йуналтирилганлиги;
- Ўқувчиларнинг ўқув ўзлаштириш имкониятлари даражаси;
- Ўқитувчининг имкониятлари, ўқув методик салоҳияти, ўқув жараёнининг услубий ва техник жиҳатдан жиҳозланганлиги;

Ўқитиш технологиясини танлаш ва ишлаб чиқариш касбий олий таълим учун жуда муҳим бўлиб, ўқитиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда турли технологияларни дарс жараёнида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бўлажак мутахассисларнинг касбий сифатларини шакллантириш учун қуйидаги асосий тамойилларни амалга ошириш керак.

**Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида ўқитиш**. Бундаги асосий вазифа ўқув фанини илмий англаш асосида моделлештириш муҳим ҳисобланади. Унинг асосий функцияси фан мазмуни, келиб чиқиши, ривожланиши ва ўқув фанининг стуктурасига боғлиқ. Фанни ўқитиш методологияси, уни мантиқий тўзиш янги усулларини шакллантириш ва ривожлантириш орқали фан ва ишлаб чиқиш интегацияга эришилади.

**Ўқитишни касбий-ижодий йўналтириш.** Бу талабаларни илмий-техник ижодий иш қилишда тажриба орттиришига қаратилган услублар орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мослашишини таъминлайди. Ўз наватида уларга қўйидаги хусусиятлар киради:

- ўз интеллектуал имкониятларини юқори даражада амалга ошира олиш, ижодий потенциалини имкони борича ташаббус ва тадбиркорликка йўналтириш;
- илмий-техник билимларни ўзликсиз равишда ошириб бориш;
- мураккаб масалаларни базор иқтисодиёти шароятида ҳал қила олиш;
- юқори рақаботли базор иқтисодиёти шариятида бўлажак мутахассисларни касбий фаолияти даражасида рақаботбардош этиб тайёрлаш. Булар олий таълим муассасасининг муҳим миссияси бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, педагогик инновацион технологияларни таълим-тарбия жараёнининг глобал, ўқиш тизимини аниқ йўналтирилган бошқарув моделини шакллантируви технология деб қараш мумкин. Олий таълим муассасида кўзланган натижага эришиш учун аниқ йўналтирилган инновацион технологиялар билан бир қаторда ананавий педагогик технологиялар ҳам тор йўналишдаги фан ўқитувчилари тамонидан қўлланилади. Демак, бизнингча

инновацион таълим технологиялар доирасида янги ўқитиш моделлерини ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш ва ўқув жараёнига жорий этиш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади.


Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.//Халқ сўзи, 2011 йил 20 май, № 100 (5267).

2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

4. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии пофессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.


## МАҲСУЛОТ СИФАТИГА СЕНСОРИК БАҲО БЕРИШ


*Ш.Э.Умидов, Д.М.Нортожиев – Тошкент давлат аграр университети*


Маҳсулот сифатига сенсорик (органолептик) баҳо бериш таҳлил қилишнинг энг қадимий усули ҳисобланади. Бу усул йиллар давомида қўлланилиб, шаклланиб келган ва замонавий таҳлил усуллари ҳамда ускуналари яратилгунга қадар ягона усул ҳисобланган. Бу усул ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамияти йўқотмаган.

Ҳозирги кунда ҳам сенсорик усулда маҳсулот сифатига баҳо бериш энг нуфузли усуллардан ҳисобланади. Мазкур усул ривожланган давлатларда энг асосий усул сифатида қўлланилмоқда. Ишлаб чиқариш корхонасида албатта сенсорик баҳо бериш бўйича лаборатория ташкил этилган. Қуйида ISO 6658 халқаро стандартига мос келувчи усуллар таснифи келтирилган:

***1. Истеъмолчи муносабати омилига асосланган усули.*** Бу усулларнинг афзаллиги шундаки, истеъмолчининг маҳсулотнинг қадоқланиши, замонавий материаллар қўлланилиши, замонавий технологияларни қўллаб янги маҳсулот яратилганлиги каби ўзгаришларга муносабати ўрганилади. Бу усулда баҳолаганда мутахассис сифатида эмас, балки истеъмолчи сифатида ёндошувнинг хусусиятлари ўрганилади.

Маҳсулот сифатини бу усулда баҳолаганда гедоник шкалалар асосида тузилган жадвал тўлдирилади (1-жадвал.)

**1-жадвал.**

**Маҳсулот сифатини баҳолаш учун гедоник шкалалар**

| № | Хусусияти | | A | B | C |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Жуда ёқимли | +4 | | | |
| 2 | Ёқимли | +3 | | | |
| 3 | Ўртача ёқимли | +2 | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4 | Кам ёқимли | +2 | | | |
| 5 | Нейтрал | 0 | | | |
| 6 | Салгина ёқимсиз | -1 | | | |
| 7 | Ўртача ёқимсиз | -2 | | | |
| 8 | Ёқимсиз | -3 | | | |
| 9 | Жуда ёқимсиз | -4 | | | |

Бунда истеъмолчилар ўзлари тўғри деб ҳисоблаган катакчага (+) белгисини қўяди ва бу белгилар ҳисобланиб, маҳсулот сифати баҳоланади.

***2. Сенсорик баҳолашнинг сифат таҳлили усуллари.***

Бу усуллар икки ёки ундан ортиқ маҳсулотларнинг органолептик хусусиятлари фарқ қилганда қўлланилади.

*А.* Ўзаро таққослаш усули қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

Иккита таҳлил қилинётган маҳсулотлар орасида фарқ бўлганда;

Иккита таҳлил қилинётган маҳсулотлар орасида афзали борлигини аниқлаганда;

Дегустаторларни ўқитишда фарқлаш ва таълим олувчиларини назорат қилишда.

Бу усулда баҳолаганда намуналар жуфтлиги биргаликда ёки кетма-кетликда баҳоланиши керак. Намуна жуфтликлари бир-биридан кўп фарқ қилмайдиган иборат бўлиши керак. Бунда дегустатор намуналар сифати орасидаги фарқни аниқ баҳолай олиши талаб қилинади.

*Б.* Триангуляр (учбурчак) усули икки маҳсулот ўртасидаги фарқни учбурчак усулида баҳолашга асосланади. Бу усулда учта намуна олинади, улар орасидаги 2 таси бир хил бўлади. Бунда дегустаторларнинг сезувчанлик қобилиятлари назоратдан ўтади.

*В.* Сенсорик баҳолашнинг “Дуэт-трио” усули. Бу усулдан иккита намунанинг бир-биридан яққол фарқ қилувчи жиҳатларини аниқлаш учун фойдалананилади. Икки шаклда амалга оширилади:

Ўзгарувчан кодланланган назорат намуна билан солиштирилиб, фарқлар аниқланади;

Доимий (ўзгармас) назорат намуна билан солиштирилиб, фарқлар аниқланади.

*Г.* “Бештадан иккитаси” усули. Бу усул дегустаторлар ўқитиш ва тренинглар ўтказишда бир биридан кам фарқ қилувчи намуналар асосида бажарилади. Бунда намуналар бешта блокка ажратилади, кодланади ва дегустаторларга тақдим этилади. Уларга намуларни хусусиятлари бўйича блокларга ажратиш вазифаси қўйилади. Бу усул юқорида келтирилганларига қараганда самаралироқ ва қулайроқ ҳисобланади.

***3. Сенсорик баҳолашнинг миқдорий таҳлил усуллари.***

Миқдорий усулллари маҳсулотнинг муйян хусусиятини жадаллигини миқдорий баҳолаш имкониятини беради.

А. *Индекс усули.* Бунда суюқ маҳсулотлар сифатини баҳоланади. Маълумки, суюқ маҳсулотларга турли қўшимча ва зираворлар кутилган таъм, маза, ҳид ва кўриниш ҳосил бўлмагунга қадар қўшиб борилади. Қанчалик кўп қўшимчалар қўшилса, унинг индекси ошиб бораверади. Натижада ҳид, таъм, ташқи кўриниши ва мазалилиги даражаси ҳам ўзгариб боради. Бу усул сақлаш

ёки қайта ишлаш технологияси ўзгарганда амалга оширилади. Бунда битта янги технология бўйича тайёрланган, иккинчиси (стандарт) – анъанавий технология бўйича тайёрланган маҳсулотлар намуна сифатида олинади. Қўшимчалар қўшиш технология ўзгаришининг маҳсулот сифатига таъсирини ўрганиш имконини беради. Бу усул дегустаторларни ўқитишда кенг қўлланилади.

Мазалилик, ҳид, ранг, ширинлилик ва бошқа кўрсаткичлар (индекс) эритмадаги қўшилган миқдор ёки фоиз кўрсаткичи шаклида ифодаланади. Масалан, агар олча шарбати сув билан 1:30 нисбатда аралаштирилса, ҳиди бутунлай йўқолади.

Б. Scoring усули (жамғарилган баллар ҳисоби). Бунда дегустация қилинаётган маҳсулот сифати балларда ёки сўз билан ифодаланган баҳоларда ёки чизмалар орқали ифодаланади. Бу маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига миқдор бўйича баҳо беришга, ҳамда маҳсулотнинг органолептик хусусиятлари даражаларини ўрганишга кенг имкон беради

Дегустаторга иккита намуна таклиф этилади: биринчиси – ўрганилаётган жиҳатлари максимал даражада сезилади, иккинчисида эса бу жиҳатлар минимал даражада сезилади бўлади. Дегустатор ўрганилаётган маҳсулот сифати таҳлили бўйича хулосасини график ёки сўзлар орқали ўз фикрини айтиши керак бўлади.

***4. Сенсорик таҳлилнинг ифодаловчи усуллари.*** Бу усуллар маҳсулотнинг органолептик хусусиятлари сўзлар билан (оғзаки) ифодалашга асосланади ва қуйидагилар киради:

*А.* Дарҳол тавсифловчи усул. Бу усул меъёрий техник ҳужжатларида органолептик хусусиятлари баҳоланиши зарур бўлган озиқ-овқат маҳулотларида доимий равишда қўлланилиши стандартларда белгилаб қўйилган.

*Б.* Профил усули. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, оддий компонентлар бўйича алоҳида хусусиятларига тартиб билан баҳо берилади ва умумлаштирилади. Профил усулида маҳсулот сифатига баҳо беришда алоҳида белгилар бўйича балли шкалалар шакллантирилади. Олинган таҳлил натижалари таъм, ҳид ёки консистенция профилаграмма (диаграмма)си шаклида ифодаланади.

*В.* Балли баҳолаш усул. Бу – озиқ-овқат маҳсулотларига органолептик баҳо беришдаги энг кенг тарқалган усул бўлиб, натижалар “Балл” деб номланувчи ўлчамсиз рақамлар билан ифодаланади.

Маҳсулот сифати балли шкала асосида баҳоланади. Шкалаларнинг тўртта тури мавжуд:

Номинал – рақамлар ёки белгилар сифатнинг шартли белгилари сифатида қўлланилади;

Кетма-кет – маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари муҳимлиги ва бир-бирига боғлиқлиги бўйича тартибга солиб рақамланади;

Оралиқ – бунда маҳсулот сифат кўрсаткичлари орасидаги фарқ интерваллар орқали ифодаланади. Бу шкалаларда кўрсаткичлар орасидаги масофа бир хил бўлади ва мустақил равишда ўрнатилади;

Рационал – маҳсулот сифат кўрсаткичлари “0” нуқтасига нисбатан ўлчамлари бўйича баҳоланади.

Сенсорик баҳолашда бошқаларига қараганда оралиқ усули кўпроқ қўлланилади. Оралиқ балл шкалалари маҳсулотни баҳолашдаги баллар сонига, маҳсулот сифати диапазонига, сифатнинг ҳар бир даражасининг таърифига, маҳсулот сифатига умумий баҳо бериш усулига қараб таснифланади.

Ҳозирги кунда баллар сони ҳар хил бўлган шкалалар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

100 балли шкала – пишлоқлар сифатини баҳолашда;

25 балли шкала – пиво ва алкаголсиз газланган ичимликлар сифатини баҳолашда;

20 балли шкала – сарёғ, нон сифатини баҳолашда;

10 балли шкала – шароб, спиртли ичимликлар, чой ва бошқа маҳсулотлар сифатини сенсорик баҳолашда қўлланилади.

Баҳолашни объектив ва қулай бўлиши учун барча маҳсулотлар учун 100 баллик шкалага ўтиш тенденциялари ривожланши кузатилмоқда. Чунки бунда маҳсулот сифатига тўлиқроқ ва аниқроқ баҳо бериш имкониятлари кенгроқдир.

Маҳсулот сифати бўйича қўйилган балларнинг йиғиндиси асосида аниқланади.

Маҳсулотлар сифатига сенсорик баҳо бериш ҳозирги кндаги энг нуфузли усул сифатида барча жабҳада кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли бу усулни мутахассислар яхши ўзлаштирган бўлишлари ҳозирги замон талабидир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ho Chi Sensory evaluation in quality control Minh City University of Technology, HCMC, SUMMER PROGRAM IN SENSORY EVALUATION 2014 4th International Symposium, July 25-27, Vietnam

2. Stolz, H., Jahrl, I., Baumgart, L. and Schneider, F. (2010): Sensory Experiences and Expectations of Organic Food. Results of Focus Group Discussions. Deliverable No. 4.2 of ECROPOLIS Project. Research Institute of Organic Agriculture (FiBL), Frick, Switzerland.

3. Васильева А. Г. Сенсорный анализ пищевых продуктов: лабораторный практикум. / Мин-во образования и науки РФ, Институт экономики, права и естественных специальностей. - Краснодар: ИнЭП, 2004. - 92 с.

4. www.ecropolis.eu

## ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Содикова С.А,.т.ф.н., доцент, Ходиева Н.,ассистент*

Кейинги йилларда юртимизда қурилиш сохаси жадал суратлар билан ривожланмоқда. Вилоятларда, шахарларда, қишлоқларда замонавий, кўркам турар жой бинолари, саноат иншоотлари турли савдо комплекслари қад

кўтармоқда. Президентимиз раҳнамолигида қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли лойиҳалар, саноат объектлари, уй-жой фонди, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, меъморчилик, қадимги авлодларимиздан қолган тарихий ёдгорликларни таъмирлашга, замонавий бино ва иншоотларни барпо этишга қаратилган дастурлар қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳозирги замон меъморчилигида қурилишнинг материал базасини ҳамда маҳаллий хом-ашёдан замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида замонавий, кўркам бинолар барпо этиш билан бир қаторда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш учун қулайликлар яратишда ҳам кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бутунжаҳон банкининг «Бухоро ва Самарқанднинг тозалаш иншоотлари ва канализация тизимларини реконструкция қилиш» лойиҳаси доирасида Самарқандда насос билан сув ҳайдаш станциялари қурилди ва Панжикент кўчасида 2,2 километр узунликдаги янги канализация коллектори ётқизилди. Шаҳар атрофидаги кўчалар кенгайтирилиб, замонавий бинолар қад кўтармоқда, йўллар таъмирланмоқда. Умуман олганда, юртбошимиз томонидан қабул қилинган 2025 йилгача қурилиш ва реконструкция ишларини ривожлантириш режаси доирасида қатор лойиҳалар бажарилиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, ушбу соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишни талаб қилмоқда.

Юртимиздаги қурилиш материаллари индустриясига келсак, Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида цемент заводи очилди. Таъкидлаш керакки, қурилиш учун зарур бўлган цементни ишлаб чиқариш жараёнида энергия заҳиралари сезиларли даражада иқтисод қилинишига эришилади. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё заводдан 1,5 км масофа узоқликдаги «Балиқли» ва «Кўтарма» тоғлари ёнбағридан топилган оҳактош заҳираси 150 йилга етиши таъкидланмоқда. Айни пайтда янги ишга туширилган завод йилига 350 минг тонна оқ цемент ва 760 минг тонна портландцементи ишлаб чиқариш қувватига эга. Дунё бозорида оқ цементга талаб юқори бўлгани боис ишлаб чиқарилган цементнинг 70% дан ортиғи экспортга йўналтирилади.

“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси тизимида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 120 тадан ортиқ йирик, кичик, ва шрта бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 100 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари, жумладан, оҳак, деворбоп, қоплама ва пардозлаш материаллари, йиғма темир-бетон ва бетон конструкциялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бугунги кунда қурилиш материалари бозорини маҳаллий рақобатбардош қурилиш материаллари билан тўлдириш, импорт ўрнини босишни чуқурлаштириш ва экспорт ҳажмини оширишда мутахассисларнинг сифатини ошириш долзарб бўлмоқда.

Бу соҳада “Замонавий қурилиш материаллари ва буюмлари“, “Архитектуравий ашёшунослик” фанларини замон талабларига мос равишда

ўқитиш, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш учун ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаштириш, маҳаллий хом-ашё ва ресурслардан фойдаланишни такомиллаштиришни, янги сифатли, қулай ва арзон замонавий материалларни ишлаб чиқаришда олимлар томонидан илмий изланишлар ишларини кучайтирмоқ лозим.

## ФРИЛАНС И УДАЛЕННАЯ РАБОТА СЕГОДНЯ

*Усманова Нодира – студентка группы 303 – ДЗ СамГАСИ*
*Джульматова С.Р., к.э.н., ст. преподаватель кафедры социальных дисциплин СамГАСИ*

В последнее время все больше людей хотят жить свободно и не зависеть от постоянной работы. Под свободой понимается, прежде всего, жизнь по собственному удобному графику, а не по отработанной схеме «работа-дом-работа».

Фрила́нсер (англ. freelancer — Свободный работник— частный специалист) **Фрилансер** – это человек, который выполняет работу на заказ. При этом место работы и время он выбирает самостоятельно. У него нет фиксированной заработной платы, нет графика, а есть только заказы и сроки их выполнения. Фрилансер чаще всего сам предлагает свои услуги — через интернет, газетные объявления или пользуясь «сарафанным радио», то есть личными связями

Современный фриланс – это эффективный и взаимовыгодный способ сотрудничества работодателя с исполнителем, который не предполагает зачисление в штат компании. Будучи вне штата, человек может получать доход от фриланса и одновременно выполнять работу для разных заказчиков. Удаленный работник, имея способности и опыт работы в какой-либо сфере, предлагает свои услуги через объявления или личные связи. С развитием всемирной паутины многие люди начинают узнавать, что такое фриланс и пробуют зарабатывать на дому. Сегодня фрилансерами называют всех, кто работает вне стен какого-либо офиса и не привязан к определенной компании. Такие работники привлекаются для выполнения определенного проекта.

Фрилансерами чаще всего выступают люди творческих профессий – дизайнеры, художники-иллюстраторы, фотографы и т.д., также распространен фриланс в сфере ИТ-технологий, журналистики, филологии (перевод текстов и книг), маркетинга, инженерии и других.

Фрилансом в этой области могут заниматься: дизайнеры интерьеров (ландшафтов), графические дизайнеры (рисующие баннеры, кнопки, календари и т.п.), веб-дизайнеры (сочетающие в себе задатки программиста и эстета), дизайнеры игр и другие вариации фрилансеров этого рода. Объединяет их обостренное «чувство прекрасного» и умение работать с различными графическими программами (llustrator, Photoshop, CorelDraw, 3D Max, 4Studio, MAX, Maya), а также базовые познания во многих смежных фриланс-специальностях (например, веб-дизайнер должен уметь верстать, владеть азами веб-программирования и т.п.) Успешный дизайнер-фрилансер, помимо

профессиональных навыков, должен обладать управленческими и коммуникационными навыками и уметь правильно «продать» свои услуги, учитывая как свои интересы, так и требования заказчика.

Плюсы фриланса в том, что отпадает необходимость добираться от дома до работы и обратно. Можно поработать утром и вечером, а весь день провести с семьей, решать вам. Вы можете сами обустроить свое рабочее место так, как вам удобно. Можете работать дома, можете снять офис. Фрилансер является финансово независимым специалистом. Он получает ровно столько денег за каждый выполненный проект, сколько реально заработал. И может совмещать сразу несколько профессий. Фрилансить удаленно из какой-нибудь теплой страны. Фрилансер никогда не услышит эти неприятные слова: «Вы уволены!», которые часто наносят людям психологический удар и вгоняют в состояние депрессии.

Фриланс одинаково выгоден как заказчику, так и исполнителю. Преимущества для работодателя определяются тем, что он существенно экономит на аренде помещений, оборудовании офиса и рабочих мест, которые необходимы для штатных сотрудников. Он также экономит на выплате налогов и других отчислений, и у него есть возможность нанять для одной конкретной работы действительно квалифицированного специалиста, оплачивать услуги которого постоянно нет смысла.

Интернет выступает посредником между фрилансером и заказчиком, служит для отправки выполненной работы и оплаты. Нужно постоянно быть в тренде и изучать новые технологии. freelance не терпит слабых. Только тот, кто постоянно развивается и контролирует абсолютно все – тот может добиться здесь успеха.

Фриланс - это всегда свобода, творчество и самостоятельный профессиональный поиск. К тому же фрилансером может стать человек любого возраста и социального статуса.Фриланс- это отличная возможность начать свой собственный бизнес. Именно поэтому все больше людей по всему миру начинает понимать, что такое фриланс и предпочитают зарабатывать с помощью удаленной работы.

# “ҚОБУСНОМА”- ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ.

*Н.Сиддиқова Самдчти Д.Пўлатова Намду*

Форс-тожик адабиётининг дидактик йўналишдаги машҳур асарларидан бири бу-ҳақли равишда Кайковуснинг “Қобуснома” асари ҳисобланади. Шу ўринда дидактик адабиёт ҳақида тушунча бериб ўтамиз. “Дидактика” – юнонча “дидактикос”, яъни “ибратли”деган сўздан олинган. “Дидактик адабиёт” деганда эса панду ҳикмат, насиҳат, ўгит, ибрат руҳидаги асарлар тушунилади. Бу Шарқ адабиётида ҳам, Ғарб адабиётида ҳам бўлган. Шарқ сўз санъатида панд-насиҳат руҳи устунроқ, у шуниси билан Ғарб адабиётидан фарқ қилади. X асрдаёқ буюк Абу Али ибн Сино Шарқ кўпроқ насиҳат йўли билан, Ғарб эса ҳаётни реал кўрсатиш орқали кишини тарбиялашга мойиллигини махсус қайд этиб ўтган эди.

“Қобуснома” XI яратилди, бу даврда Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абул Қосим Фирдавсий Тусий, Абул Ҳасан Бинни Аҳмад Унсурий, Абул Ҳасан Фарруҳий, Низомул Мулк, Умар Ҳайём, Носир Хисрав каби форс-тожик адабиётининг забардаст вакиллари ижод қилди. “Қобуснома” ҳам ана шу сўз санъаткорларининг дидактик руҳдаги асарлари таъсирида яратилди.

“Қобуснома” рус ва Ғарб шарқшуносларининг, Шарқ олимлари ва педагогларининг диққатини жалб этди. Бу олимлар “Қобуснома”ни диққат билан ўргандилар ва ўз тилларига таржима қилдилар. Масалан, 1432 ва 1705 йилларда турк тилига, 1786 – 87 йилда Муҳаммад Сидиқ малақаби билан Рашидий томонидан уйғур тилига, тахминан 1860 йилда Огаҳий томонидан ўзбек тилига, 1881 йилда эса Қайюм Носирий томонидан татар тилига таржима қилинади. Бу таржималар туркий тилдаги энг нодир нусхалар бўлиб қолди.

“Қобуснома” 44 бобдан иборат бўлиб, уларнинг барчасида ҳаётий воқеалар ўз ифодасини топган. Ҳар бир боб маълум бир мавзуга бағишланган. Асар Кайковуснинг ўғли Гилон шоҳга бағишланган.

Кайковус ўзининг ҳаётий тажрибалари билан ўғли Гилон шоҳни тарбиялашни истайди ва ўзининг бу панд-насиҳатларини ўғли учун энг қимматбаҳо мерос деб таъкидлайди. У ўз асари “Қобуснома”да ўғли Гилон шоҳга мурожаат қилиб дейди: “Эй фарзанд, умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсан, (бу билан) мен оталик вазифасини бажо келтирган бўлурман. Билгилки, халқнинг расми, одати шундайки, югуриб-елиб, қидириб-ахтариб дунёдан бирор нарса ҳосил қиладилар ва (бу топган) нарсаларини ўзларининг яхши кўрган кишисига қолдириб кетадилар. Мен дунёда мана шу сўзларни ҳосил қилдим, сен менинг учун энг қимматбаҳосан. Менга сафар вақти яқинлашди, дунёдан нима ҳосил қилган бўлсам, сенинг олдингга қўйдим, токи ўзингга бино қўймагайсан ва ўзингга номуносиб ишларни қилмагайсан”.

Асарнинг бешинчи боби “Ота-онани ҳурматлаш ҳақида” деб аталади. Бу бобда муаллиф ёшларни ота-онани ҳурмат қилишга чақиради. Ота-она ўз фарзанди учун “ўлимга ҳам тайёр” туришини таъкидлайди. Айни замонда ота-онанинг кўнглини ранжитмасликка, уларни ҳурмат қилишга ва ширин сўзлар билан муносабатда бўлишга ундайди.

Кайковус ота-онанинг тарбиясига катта эътибор этади. У, бир томондан, болани ота-онани ҳурмат қилишга, уларни ранжитмасликка чақирса, иккинчи томондан, ота-онани болага яхши ва тўғри тарбия беришга ундайди. Айни замонда, муаллиф ота-онанинг ҳурмат қилишни фарзанднинг ақлли ва доно, ўқиган бўлиши билан боғлайди: “Ҳар бир фарзанд ақлли ва доно бўлса, ота-онанинг меҳр-муҳаббатини адо қилишдан бош тортмайди”. Кайковус асарининг бу бобида ғоят муҳим бир фикрни баён қилади, яъни ўзбек ва тожик халқи “нима эксанг, шуни ўрасан” деган машҳур бир мақолни ишлатади, бу мақолнинг асли маъноси шундан иборатки, киши одамларга яхшилик қилса, катталарга ҳурмат, кичикларга мурувват қилса, унинг бу қилмишлари бошқалардан қайтади, аксинча одамларга ёмонлик. Дилозорлик қилса, бу ҳам бошқалардан қайтади.Мана шу тамойилга асосланиб, Кайковус “Ота-онани ҳурматлаш ҳақида” бобида ўғлига насиҳат қилиб дейди:”...ўз фарзандингнинг сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенга шундай иш қилади”.

Ўз давриниг мутафаккирлари каби Кайковус ҳам ақлга алоҳида эътибор қаратади. Ақлнинг ҳар қандай давлатдан юқори туришини таъкидлайди. Шунинг учун фарзанднинг ақл эгаси бўлишини ҳамма нарсадан улуғ деб билади: ”Молсизликдан қашшоқ бўлсанг ҳам, ақлдан бой бўлишга ҳаракат қил, чунки мол билан бой бўлгандан, ақл билан бой бўлган яхшироқдир. Ақл билан мол тўпласа бўлади, аммо мол билан ақл тўплаб бўлмайди, билгилки, ақл бир қимматбаҳо нарсаки, уни ўғри олиб кета олмас, ўтда ёнмас, сувда оқмас”. Кайковус бундай фикрларни асарининг олтинчи – “Билимни ошириш ва ўзини юқори олмаслик” деб номланган бобида янада чуқурлаштиб беради. Унинг фикрича жамият тараққиёти унинг аъзоларининг билимли, илму-ҳунарлилиги билан белгиланади.

Ёшларнинг илм ўрганиши Кайковуснинг диққат марказида турди. Унинг фикрича, илм (фан) инсонни ҳар томонлама тараққий қилдиради, ҳусусан, у тиббиёт, астрономия ва мусиқа илмларига диққат билан қаради, бу илмларни ўрганиши ҳар бир ёшнинг вазифаси деб билади.

“Қобуснома” ҳаётий ва амалий масалаларни ёритади. Муаллиф бу масалаларни ўз турмушида кўрган ва учратган. Бу муаммоларни Кайковус ҳикоялар, мақолалар ва донишмандларнинг ҳикматли сўзлари билан исботлайди. Шунинг учун ҳам “Қобуснома” XI аср Шарқ педагогикаси тарихида ғоят қимматли асарлар қаторига киради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

“Қобуснома”. Тошкент, 1993 йил.
Герман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Москва, 1996 йил.

## ИДЕИ ГУМАНИЗМА В ТВОРЧЕСТВЕ АБДУРАХМАНА ДЖАМИ

*Бахирева Дилфуза Асс. кафедры Социальной работы.*

Гуманизм по своему содержанию является одной из важнейших общественных идей, рожденных человечеством, последовательно развивавшихся на протяжении многих тысячелетий его истории.

Идея гуманизма - результат огромного исторического опыта в его наиболее глубоком восприятии, результат осознания человеком в процессе этого опыта самого себя, своих задач. Гуманизм есть высшая по своей общественной значимости и этическая категория. Он всегда был высшим критерием подлинного человеческого прогресса.

Гуманисты разных стран и эпох по-разному определяли ценность человеческой личности. В своих воззрениях они, естественно, зависели от социально- исторических условий своего времени и общественной среды. Деятели Китайского возрождения, например, видели ценность человеческой личности главным образом способности человека к самосовершенствованию; представители Ренессанса в Италии воспринимали человека прежде всего как носителя разума, считая разум высшим проявлением человеческого начала. Гуманисты Ирана и Средней Азии концентрировали внимание преимущественно на нравственном содержании человеческой личности, ибо только человеку доступны высшие моральные качества: душевное благородство, великодушие и т.д. Проблема воспитания таких высших моральных качеств очень ярко выражена в «Весеннем саде» А.Джами.

Как свидетельствует сам автор, одно из бессмертных творений Абдурахмана Джами, «Бахаристан» («Весенний сад»), написано в подражание «Гулистану» («Розовому саду») шейха Саади Ширази (ум. в 1292 г.)

«Весенний сад», как и «Розовый сад», состоит из введения и восьми глав, каждая из которых называется садом» *(рауза)*. Главы скомпонованы из небольших рассказов, близких по тематике.

В первой главе «Весеннего сада» повествуется о жизни знаменитых шейхов и мудрецов, во второй главе приводятся афоризмы и мудрые изречения великих людей, третья глава посвящена носителям власти – падишахам. В четвертой главе даются рассказы о щедрости, великодушии и благородстве, пятая глава состоит из увлекательных новелл и новеллетт о страстной любви и задушевной дружбе, в шестой главе собраны веселые сатирические и юмористические рассказы, острые шутки и забавные случаи из жизни известных деятелей литературы, культуры, науки и народных героев. В седьмой главе говорится о стихе, его возникновении, красоте и изяществе, о разновидностях поэзии и прозы. Здесь же Абдурахман Джами приводит отдельные эпизоды из жизни или даёт тонкую характеристику творчества 39 великих поэтов Средней Азии X-XV вв, в том числе Рудаки, Дакики, Фирдоуси, Хафиза, Камала, Навои и др. В восьмой главе приведены рассказы и притчи, героями которых являются животные, под ними автор подразумевает людей. Таким образом «Весенний сад» Абдурахмана Джами – это своеобразная энциклопедия жизни и нравов людей современного ему общества, от мусорщика до падишаха, рассказанная в увлекательной и доходчивой форме небольших рассказов, юморесок и бесед мудрецов.

Следует отметить, что всемирно известно дидактическое произведение Абдаррахмана Джами «Весенний сад» можно считать вершиной его творчества. В нем развиты и подытожены основные этические, эстетические и гуманистические воззрения великого мыслителя. Эти свои взгляды Джами

излагает не в виде научных обобщений, назиданий и получений, а в увлекательной и доходчивой художественной форме.

У Джами всегда и везде на первый план выдвигается Человек, говорит ли он о политике, философии или нравственности, излагает ли свои раздумья о жизни, смерти, свободе, благородстве или воспевает мистическую любовь. По убеждению Джами, Он – причина создания мира. Он – вершина творения, Он – основа и корень общества. Поэтому поэт обращается к сильным мира сего с призывом и назиданием быть добрыми, великодушными, гуманными. Безусловно, эта гуманистическая направленность творчества Джами, его политического и нравственного учения с призывом к труду, знаниям, любви к людям придает его творчеству общечеловеческую ценность.

По учению Джами, основами, на которых должно строиться идеальное человеческое общество, является труд, знание и справедливость:

В стране основа власти – справедливость,
Стране дарует счастье – справедливость.

По его утверждению, улучшения общества можно добиться путем нравственного совершенствования человечества.

Одна из важнейших проблем, которую Джами затрагивает в «Бахаристане», - это тема человеческого достоинства. Достоинство человека, говорит писатель, следует оценивать по его качествам и способностям, по богатству его духовного мира, а не внешнему облику, так как «тело-это ножны, а душа – мечь, разят мечом, а не ножнами».

Исходя из суфийских взглядов, Джами в «Весеннем сад»-е пытается описать те качества, которыми должен обладать современный человек.

Джами не считает всех людей одинаковыми по их образу мыслей, интересам, стремлениям. Он делит людей на две категории: к первой относятся те, которые достойны носить звание настоящего человека, обладают положительными качествами; ко второй относятся деспоты, тунеядцы, те которые разоряют и угнетают народ, не обладают родными человеческими качествами. Джами как гуманист, не только не считает таких людей объектами любви в своем понимании, но презирает их, разоблачает их а также призывает не причинять страданий человеку.

А.Джами в своем великом произведении “Весенний сад” хочет показать, что человек является самым ценным из всего существующего на земле. Человек, его интересы – вот та основная мера ценности, нужности, достоинства всего остального. Все создано ради человека, для него.

Джами неоднозначен. Так, развивая учения «Вахдат ал-вужуд», в центр всего он ставит Бога, считая его самодостаточным, но признавая при этом соединение творца с творением. Целью познания для него является Бог, но целью деятельности- человек, его заботы о нем, любви и дружбы, справедливого отношения к себе и себе подобным, является истинной, гуманистической идеей, пронизывающей всю философию, поэзию, всё мировоззрение мыслителя.

Богатое наследие А.Джами является не только историческим событием прошлого. Оно даёт стимул:

1. Шире разрабатывать и пропагандировать духовное и нравственное наследие поэта;

2. Ввести в курсы этики в учебных заведениях;

3. Шире использовать гуманистические и демократические взгляды мыслителя при разработке концепции идеологии национальной независимости, её пропаганды и практической реализации;

4. Учитывая тенденцию мирового сообщества к интегративным, процессам, шире использовать творчество Джами в качестве фактора сближения и упрочнения духовного родства народов Центральной Азии.

**Список литературы :**

1. Конрад Н.И. Запад и Восток. (статьи). Издательство восточной литературы, М., 1966, стр.508.

2. Абдурахман Джами. Весенний сад, («Бахаристан»). «Ирфон» Душанбе, 1964 г., стр 57.

3. Абдурахман Джами. Весенний сад. («Бахаристан»). «Ирфон» Душанбе, 1964

## O'ZBEK AYOLI JAMIYAT BARQARORLIGINING ASOSIY TIMSOLI

*Qosimova Farog'at Abduraxmonovna*

*SamDAQI "Tasviriy san'at" kafedrasi assistenti*

Ayolga yuksak hurmat-ehtirom ko'rsatishda o'zbek xalqiga teng keladigani topilmasa kerak. Vatanimizning necha ming yillik tarixidan so'zlovchi osori-atiqalar, dostonu afsonalar, muqaddas kitoblarda ota-bobolarimiz xotin-qizlarga oila farishtasi sifatida alohida e'tibor qaratganlari ma'lum.

Mamlakatimizda xotin-qizlarning jamiyatdagi mavqeini mustahkamlash, ularning nafaqat oilada, hayotimizning barcha jabhalarida faol ishtirokini ta'minlashga qaratilgan ezgu sa'y-harakatlar xalqimizning ana shu beqiyos fazilatlariga uyg'un va hamohangdir. Zotan, oilani mustahkamlash, oilaga ko'mak berish, avvalo, ayolni ulug'lash, xonadonimiz farishtasi bo'lgan xotin-qizlarga e'tibor ko'rsatishdir.

Ayol - mehribon ona, oila bekasi, millat tarbiyachisi, davlat, siyosat arbobi, bir so'z bilan aytganda, jamiyatning barcha bo'g'inlarida faol xizmat qiluvchi zotdir. Tarixdan ma'lumki, hamma zamonlarda ayollarning hayot davomchisi sifatidagi o'rni qadrlangan, ularga yuksak ehtirom ko'rsatilgan. Jumladan, Sharq mamlakatlarida ayollar qadimdan siyosiy-ijtimoiy, madaniy hayotda katta rol o'ynaganlar. Sharq ayollari ko'p hollarda dono va adolatli maslahatlari, fikr-mulohazalari bilan saltanat ishlarida faol qatnashgan. Sharq ayoli timsoli hamisha buyuk bo`lgan. Bu zaminda To`marislar, Bibixonimlar, Nodirai davronlar tug`iladi. Bu zaminning ayollari iffatu hayoda tengi yo`q, ehtimol, shuning uchun ham asrlar silsilasida ham ularning madhi tillarda doston, dillarda barhayot. Mamlakatimizda o`zbek ayolining o`zi uchun muqaddas bilguvchi oiladagi o`rni, uning farzandlar tarbiyasiga bo`lgan e'tibori, shuningdek jamiyatdagi o`rni har doim muhim hisoblangan. Ayol! O`zbek ayolining qiyinchiliklarini yengishi haqida gapirib o`tirish shart emas. Ne-ne azob-u uqubatlarga bardosh bergan Kumushbibi, Ra`no, Barchinoy kabi buyuk siymolarning

timsoli hali-hanuz barchaning nigohida o`z aksini yo`qotgan emas. Ayol dunyoni larzaga solguzchi, qalblarni to`lqinlantiruvchi, olamni hayratga soluvchi va daryo suvlaridek qalbida mehr nuri mavjlanib oqguvchi ham sharq ayoli, o'zbek ayoliga xos xususiyatlardan. O`zbek ayoli, o`zbek onasi, mehribon ona, vafodor rafiqa, jamiyatni boshqaruvchisi bir qo`li bilan beshikni, bir qo`li bilan dunyoni tebratuvchidir. Hayotimizni nurafshon etgan saxovatlik, mehr- muxabbatni, barcha olam go`zalliklarini baxshida etguvchi aziz inson ham o`zbek ayolidir. Yurtimizda azaldan ayol zotiga hurmat bilan qaralgan. Mamlakatimiz mustaqilligi bois bu hurmat-e'tibor yanada yuksaldi. Xotin-qizlarimizning ijtimoiy hayotdagi o'rni mustahkamlandi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning farmoniga binoan 1999-yil "Ayollar yili" deb nomlanishi ham buning yaqqol ifodasi bo'la oladi. Zulfiya nomidagi Davlat mukofotining ta'sis etilishi adabiyot, fan, ta'lim, madaniyat va san'at sohalarida izlanayotgan, faol, fidoyi, tashabbuskor va iqtidorli qizlarni kashf etishda muhim ana shunday yuksak e'tibor tufayli Prezidentimizning 1999 yil 10 iyunda qabul qilingan farmoni asosida mamlakatimizda ahamiyat kasb etmoqda. O'tgan davrda o'zining a'lo bilimi va xulqi, adabiyot va san'at sohasidagi iste'dodini namoyon qilib kelayotgan yuzdan ziyod iqtidorli qiz ushbu mukofotga sazovor bo'ldi. Hozirgi kunda ma'naviy hayotimizda faol ishtirok etib, ko'pchilikka o'rnak bo'layotgan bu qizlar timsolida el-yurtimiz kelgusida Zulfiyaxonim kabi Vatanimiz shuhratini dunyoga taratadigan yuksak salohiyat, aql va tafakkur sohibalarini ko'rishni orzu qiladi.

Bugungi kun o`zbek ayoli har taraflama o`rnak bo`lishga erishmog`i lozim. Ayni paytda zamon bilan hamnafas, oilasi va jamiyat uchun ham birdek kamarbasta bo`layotgan ayollar oramizda ko`pchilikni tashkil etadi. Bunday ayollarimiz turli tanlovlarda ham ishtirok etib, iqtidorlarini yanada to`laqonli namoyon etishga erishmoqdalar.

Respublikamizda har yili o`tkazib kelinayotgan "Yil ayoli" milliy tanlovi ana shunday yuksak qadriyatlarimizni yanada keng targ`ib etish, ayollarning jamiyatdagi faolligini oshirish kabi qator ustuvor vazifalarni belgilab olgan. Shunday tadbirlardan biri "Yil ayoli" milliy tanlovi sharq ayoli timsolini gavdalantirish, tanlov orqali uning mexribon ona, ajoyib pazzanda va go`zal uy bekasi ekanligini, qiyinchiliklarga qaramasdan o`zining ezgu xislatlarini yo`qotmagan, aksincha ularni farzandlariga ham singdirishga harakat qilayotgan sharq ayolini ko`rsatishdan iborat. Yurtimizda o`tkazib kelinayotgan "Yil ayoli" tanlovi ana shunday talablarga javob bera oladigan oilaning sarishta ayolini aniqlash maqsadida, fidoyi ayollarimizning samarali mehnatlari Yurtboshimiz va Respublika tomonidan munosib taqdirlanib borilmoqda.

Sobiq ittifoqning turli siyosiy o'yinlari avjga chiqib mamlakatda murakkab ijtimoiy-iqtisodiy vaziyat yuzaga kelgan bir paytda oilalarning tinchligi haqida o'ylash, buning uchun amaliy qadamlar qo'yish chinakkam jasorat edi. Prezidentimiz tomonidan qo'yilgan bu ulug' maqsad istiqlolning ilk kunlaridanoq davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Odamlarning ertangi kunga ishonchini mustahkamlash, ularning oilaviy sharoitini, iqtisodiy, moddiy ahvolini yaxshilashga izchillik bilan kirishildi.

Prezidentimiz shu yilni "Sog'lom ona va bola" yili deb e'lon qilishi bejizga emas albatta. Oila sog'lom ekan – jamiyat mustahkam, jamiyat mustahkam ekan – mamlakat barqaror. Sog'lom oilada sog'lom farzandlar voyaga yetadi. Ana shu

maqsadlarni o‘zida mujassam etgan “Sog‘lom ona – sog‘lom bola” konsepsiyasining mamlakatimizda izchillik bilan amalga oshirilishi samarasida bugun O‘zbekiston bolalar salomatligiga eng g‘amxo‘r bo‘lgan yetakchi mamlakatlar safidan joy oldi. Oilalarda sog‘lom muhitni yaratish, onalar salomatligini saqlashning yuksak natijalari “O‘zbekistonda ona va bola salomatligini muhofaza qilishning milliy modeli: “Sog‘lom ona – sog‘lom bola” mavzuidagi xalqaro simpoziumda ham alohida e’tirof etilmoqda.

Bularning barchasi oilalardagi to‘kinlik, totuvlik, ayollarimizning oilasiga bo’lgan e’tibori oilaviy xotirjamlikning muhim omilidir. Shunday ekan ayol – mustahkam oilaning mustahkam poydevoridir.

*Xulosa qilib aytadigan bo’lsak*, mustahkam oilani barpo etish, yoshlarimizni aql-zakovatli, yuksak ma’naviyatli, oila, jamiyat oldida o‘z burchi va mas’uliyatini chuqur anglab yetishga qodir insonlar etib tarbiyalashda ayollarning o‘rni g‘oyat katta. Oilani muqaddas bilish va uning mustahkamligi uchun kurashish bizning qon-qonimizga singgan yuksak ma’naviy tuyg‘u, hayotiy tutumdir. Zotan, Prezidentimiz Islom Karimov “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” kitobida ta’kidlaganidek, hayot abadiyligi, avlodlar davomiyligini ta’minlaydigan ma’naviyat qo‘rg‘oni bo‘lmish oilani mustahkamlash bugungi kunda barchamizning nainki asosiy vazifamiz, balki insoniy burchimizdir.

## O’QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO’LLASHISHLARINNG PEDAGOGIK MEZONLARI

*Sam.DAQI o’qituvchisi Boliyeva R.*

Mustaqil O’zbekistonning davlat siyosati darajasiga ko’tarilgan,ta’lim sohasida amalga oshirilayotgan islohatlar jarayonida asosiy bo’g’in hisoblangan umumiy o’rta ta’lim maktablari faolyatining muhim vazifalaridan biri o’quvchilarni hayotga tayyorlash va kasb tanlashga yo’naltirilgandan iboratdir. Bu jarayon to’g’ri tashkil etilgnida shaxsni bo’lg’usi kasbiy faolyat sub’ekti sifatida shakillanishi ta’minlanadi, kelajakda bozor iqtisodiyoti munosabatlariga tezroq moslashishi uchun sharoit yaratiladi .

Pedagogik nazaryasi taraqqiyotining barcha davirlarda ta’lim mazmunini tanlash muommosi dolzarb masalasi bo’lib kelgan chunki jamiyatning kelajagi hisoblangan yosh avlodga nimani o’rgatish kerak degan savolga javob aynan ta’lim mazmunida o’z ifodasini topadi. Kasb hunarga yo’llash ishlarini tashkil qilishda darsdan tashqari mashg’ulotlar mazmunini tanlab olish va tizimlashtirish masalasiga nisbatan yetarli darajada ishlanmagandir.

Kasbga yo’naltirishga yoshlarning kasbni erkin va mustaqil tanlashning ilmiy amaliy tizimini sifatida qadirlash lozim. U har bir shaxsning ham induvidual xususyatlarini , ham xalq xo’jaligi manfaatlari nuqtai nazaridan mehnat resurslarini to’la qonli taminlash zaruratini xisobga olish kerak.

Shaxsda kasbga yo’naltirish jarayononi maxsus ilmiy amaliy faoliyat orqali amalga oshiriladi. O’quvchining shaxs sifatida shakillanishi bosqichlarida shaxs va jamiyat yagona bir tizim sifatida qaraladi, o’tish davrining bozor iqtisodiyoti bilan bog’liq talablarni inobatga olinadi. O’quvchilarni kasb-hunarga yo’llash jarayoni

mazkur omillarni etiborga olgan holda, ta'lim isloxoti talablari darajasida tashkil qilishda darsdan tashqari mashg'ulotlar mazmunini tanlash muhilm axamiyatga ega bo'ladi. Ya'ni:

Darsdan tashqari mashg'ulotlarning maqsadi va vazifalariga

ko'ra o'quvchilarni kasbga yo'naltirish ishining mazmunini tanlash mezonlari

Darsdan tashqari mashg'ulotlarda o'vuvchilarni kasbga ishining mazmunini tanlash mezonlari

O'quvchiga tushincha berilayotgan kasblarining tiplari va nomlari bo'yicha real mavjud kasblarning miqdoriga nisbatan optimal munosabatni saqlash

Kasb tanlash ishida maxalliy va mintaqaviy extiyojlar asosida kasbga yo'naltirishning ustuvorliga

Bo'lajak kasb tiri bilan bogliq faoliyatning mazmuni va tuzilmasini asoslash

O'quvchining o'zi yo'naltirilgan kasblar obektlarining xususiyatlari to'g'risida malumotga ega bo'lishligi.

O'quv materiallarini xaddan tashqari kamaytirish zamonaviy fan texnika yutuqlari va roli ishlab chiqish texnalogiyalarini etarli darajada taxsil oluvchilar tomondan o'zlashtirishga imkon bermasa, o'rganalayotgan obektlarni juda batafsil bayon etilishi ularni ortiqcha zo'riqishga, o'z imkoniyatlariga ishonmay qolishga sabab bo'ladi. Fan texnika taraqqiyoti, ishlab chiqarish texnalogiyalari muntazam ravishda rivijlanib borganligi ta'lim mazmuni xam unga mushtarak tarzda takomillashtirib boorishni taqozo etadi.

Xozirgi vaqtda, ijtimoiy va milliy- texnikaviy taraqqiyot sharoitida maktab o'quvchilariga kasbga yo'naltirishninig muximligi ancha oshdi bir tomondan ishlab chiqarishning mavjudligi, ikkinchi tomondan bir qator barqaror shaxsiy xususiyatlar bilan ajralib turgan omillarning mavjudligi kasblarni, o'quv yurtlari tanlashda, kadrlarni ish o'rnlariga joylashtirishda va qayta joylashtirishda ana shu omillarni, umuman inson omilini xisobga olini qat'iy talab qiladi.

Kasb tanlashga yo'llash ishining vazifalari, birinchi galda o'quvchilarni maktabga yaqin joylashgan korxonalar uchun zarur xisoblangan kasblar bilan tanishtirishdir. Biroq, ko'pincha biror kasb haqida ma'lumotlar o'quv dasturlari mazmuniga kiritilmaydi. Darsdan tashqari mashg'ulotlar bunday cheklashlardan holi ekanligidan foydalanib, biz o'quvchilarni yaqin atrofdagi korxonalarda uchraydigan kasblar bilan to'g'ridan to'g'ri tanishtirishni maqsad qilib qo'ydik. Bu bilan o'quvchilarni maxalliy talablarni qondirishga xizmat qiladigan kasblarga yo'naltirishga muvaffaq bo'ldi. Bu ishda turli kasb egalari bilan uchrashuvlar uyushtirib, kasbga qiziquvchilar kulublarini tashkil qilish va shu kabi tadbirlardan keng foydalandik.

Umumiy ta'lim maktablarda zavod va fabrikalarda, o'quv yurtlarida kasbga yo'naltirish ishlarini o'tkazish zaruryatini turmishning o'zi taqazo etmoqda. Bu holat bozor iqtisodiyitiga o'tish jarayonida kasb-korlik bozori va u bilan bo'liq raqobatning yuzaga kelishi bilan chanbarchars bog'liq. Resbublikamizda sanoatni rivojlantirishda davlat meqiyosida e'tibor qaratilayotganligi natijasida O'zbekistonning o'zida yaqin kelajakda bir necha yangi sanoat va qishloq xo'jalik ob'yektlari paydo bo'ldi va mavjudlari kengaytirildi, ularda mehnat faolyatining yangi turlari vujudga keltirildi. Yangi kasblar mutaxasisliklar -

metrosozlar , binokorlar, keng profildagi kasblar paxtakor - mexanizator , chorvador - operator, ommalashib qolgan bo'lib , ular O'zbekistonda xalq xo'jaligi tarmoqlarini belgilab bermoqda. Yangi kasblar va mutaxasisliklar soni yil sayin ko'payib bormoqda.

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ШАХАРСОЗЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

*101- Ш ва ҚАЯЖКҚ гурухи магистранти: Холдорова Д. Н.*
*Илмий рахбар: арх. ф.н. Умаров М. У.*

Давлатимиз рахбари ташаббуси билан 2009–йилнинг мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши ва "Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади" деган эзгу ғояни ўзида ифода этган махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ва уларнинг изчиллик билан ҳаётга жорий қилиниши бу соҳада янги даврни бошлаб берди.

Мазкур дастурга биноан қишлоқ аҳолиси ҳаётининг сифатини янада яхшилаш мақсадида қишлоқларимизнинг архитектура, шаҳарсозлик ва ландшафт нуқтаи назаридан режалаштирилишини ташкил этиш, уларда уй–жой, ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларининг комплекс қурилишини ташкилллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Меҳнаткашлар маданий турмуш шароитининг юксалишида аҳоли турар–жой лариниг лойиҳаларини оқилона ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, яшашга қулай ва шинам биноларнинг, маданий–маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари ва манзаравий меъморчилик, яъни ландшафт архитектураси билан комплекс тарзда қурилиши ҳам бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг нисбатан унча катта бўлмаган ўлчамлари ва қишлоқлардаги ишлаб чиқариш, турар–жой ва жамоат бинолари типлари ва турларининг ҳамда қаватлар сонининг чегараланганлиги қишлоқларда қурилаётган ҳар бир бино ёки иншоотнинг архитектуравий ечими ва ҳажмий композициясига, унинг жойлашиши, қавати ва функциясига, қишлоқ ҳудудининг ландшафт ечимига бўлган талабни, меъморлар ва қурувчилардаги жавобгарлик ҳиссини оширади.

Бугунги кунда қишлоқларимиз архитектураси нафақат уларда янги такомиллаштирилган меъморий лойиҳаларни қўллашга, балки, қишлоқда қурилаётган биноларнинг меъморий туркумлашувига, яъни қишлоқ қурилишининг ансамбллаштирилиши ва комплекслаштирилишига ҳам боғлиқдир. Чунки, айнан ана шундай комплекс ва ансамбл, тугал ландшафт кўринишидаги қурилишларгина қишлоқларимиз файзига–файз, чиройига–чирой бағишлайди ва қишлоқ қурилишининг гўзаллигини янада ошириш ва такомиллаштиришга имкон яратади.

Ландшафт архитектураси худди кўзги каби ўзида қишлоқликлар ҳаётини, уларнинг айни даврдаги турмуш даражасини, ижитимоий–иқтисодий

таъминлинганлик ҳолатини, қишлоқ жамиятининг қай даражада ривожланганлигини ва, ниҳоят, уларнинг қурилиш ва ландшафт маданиятини ўзида акс эттирувчи воқеликдир.

Ландшафт архитектураси ҳамма вақт, турли макон ва замонларда жамиятнинг моддий, маънавий–маданий қадриятлари ва бойликларини ўзига сингдириб, акс эттириб келган, ўша макон ва замон таъсирида яшаб ижод ва меҳнат қилаётган инсонларнинг бунёдкорлик ва ландшафт маданияти бўйича фаолиятининг мевасидир. Инсоннинг қилаётган ижодий омили эса ҳамма вақт меъморларнинг буюртмачилар ва қурувчилар билан ҳамоҳанг ва уйғун тарзда ишлашида, уларнинг устакорлиги, иқтидори, малакаси, маданиятида акс этган, бу эса ўз навбатида уларнинг маълумотига, касбий савияси ва тажрибасига боғлиқ бўлган.

Ҳар қандай аҳоли пунктларининг архитектураси ва манзаравий ландшафт тузилишини яшил кўкаламзорларсиз ва гулларсиз тасаввур этиш қийин. Улар нафақат аҳоли пунктининг ландшафтини яхшилайди, балки ораста ва қулай меъморий муҳит, соғлом микроиқлим яратиш имконини беради. Азал–азалдан инсон билан табиат орасидаги муносабатларда, хусусан аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштиришда ўзига хос услублар, ландшафт композициялари, анъаналар ва қурилмалар шакллантрилиб ва қўлланилиб келинган. Бу услуб ва анъаналарнинг асосийлари, ишончлилари ва амалда синалганлари ландшафт архитектраси ва хусусан кўкалам-зорлаштиришнинг қоида ва қонунларига айланиб, бу соҳадаги ландшафт архитектураси фани ва амалиётининг таркибий асосларини ташкил қилган.

Демак, замонавий ландшафт архитектраси узоқ тарихдан шаклланиб ва ривожланиб келаётган турли анъана ва услубларни, ландшафт қурилмалари ва дизайн элементларини ўз ичига олади. Турли минтақа ва халқларда турлича бўлган маданий–маърифий, иқлимий, ижтимоий-иқтисодий шарт–шароитларда бу услублар ўша минтақаларга мослашиб, такомиллашиб, ўзгариб, янгиланиб келмоқда. Масалан, нафақат одатий горизонтал кўкалам-зорлаштириш, балки тик (вертикал) кўкаламзорлаштириш услуби, дарахт ва буталарни нафақат табиий шаклларда ўстириш, балки қиртичлаб ва кузаб уларга турли–туман сунъий яшил шакллар бериш услуби ва ҳоказо.

Узбекистон қишлоқлари муҳитининг ўзига хослигини шакллантиришда ободончилик, кўкаламзорлаштириш, жойдаги табиий манзаравий муҳит катта рол ўйнайди. Бу борада кўкаламзорлаштиришнинг аҳамияти, айниқса, каттадир. Дов–дарахтларнинг шу хизматини назарда тутиб, уларнинг яшилликда энг умри узоқларидан танлаб экилмоқда. Баҳор нафаси сезилиши ҳамон қишлоқларни яшиллик чулғайди. Кўклам киргач эса оппоқ ва пушти ранг ўрик, шафтоли, олма гуллари кўзни қувонтиради. Ҳатто қишда ҳам шумтол, чинор сингари турфа дарахтларнинг уруғлар шодаси илингач яйдоқ шохларини кўрганда ўзгача завққа туясан киши! Хуллас, бу ерда йилнинг тўрт фасли ҳам ўзига яраша жозиба, ўзига яраша чирой касб этиб туради. Дарахтзорлар майдони янада ўсиб бормоқда. Йилдан–йилга дарахт ва буталар, гул ва ўланлар навининг янги–янги хиллари пайдо бўлаётир. Бу барча ранг–баранглик

қишлоқларнинг нафосат ва меъморий ландшафт муҳитини шакллантирибгина қолмай, аҳоли ҳаёти учун хос иқлим ҳам яратади.

Кишилар ўз тарихини ўзи яратадилар, бироқ бу тарихни улар ўзлари хохлаганларича яратавермайди. Бунинг учун зарур моддий–ижтимоий, маданий–маърифий асос, имконият яратилиши талаб этилади. Ана шундай имкониятлар яратилган ёки топилгандагина ўшаларга мос тарзда кишиларда ижтимоий ва бадиий, ҳаётий эҳтиёжлар вужудга келади. Демак, қишлоқларда ландшафт архитектурасини ривожлантириш учун энг аввало қишлоқларнинг ландшафт маданияти ва моддий имкониятларини яхшилаш, юқорига кўтариш зарурдир. Ўшандагина уларда ландшафт архитектурасига эҳтиёж, ҳаётий зарурат туғилади.

Адабиётлар:

А.С. Уралов, А.Э. Жонузақов, Ш.А. Балгаева. - Узбекистон қишлоқларида ландшафт архитектурасини режалаштиришнинг замонавий йуналишлари. <<Зарафшон>>., Самарқанд, 2015 йил.

А.С. Уралов, А.Л. Адилова. – Ландшафт архитектураси. – Тошкент, 2014.

Д. Исамухаммедова, А.Л. Адилова. – Шахарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси (II қисм). – Т.: << Фан ва технология>>, 2010.

## ILG’OR PEDAGOGIK TAJRIBANI O’RGANISH, UMUMLASHTIRISH VA YOYISH TARTIBI

*SamDAQI o’qituvchisi Boliyeva R.*

Ilg’or pedagogik tajribani o’rganish, umumlashtirishni va almashtirish hozirgi vaqtda dolzarb masalalardan biri bo’lib tuman xalq ta’lim bo’limi va metodika kabineti (uslubiyat xonasi) maktab, kollej direktor hamda direktor o’rin bosarlari ish faoliyatining asosiy va doimiy yo’nalishlaridan biridir.

Ma’lumki o’qituvchining ishi tabiatiga ko’ra o’ziga takrorlanmas shakliga ko’ra ko’p qirralidir. Ba’zi pedagoklar o’z ustlarida tinimsiz ishlab ijodiy izlanib, yangi noan’anaviy usullar, ilg’or chet pedagogika tajribasidan foydalanib dars o’tsalar, ba’zi birlari darsga xilma-xil ish turlarini qo’llaydilar birovlari sinfdan tashqari ishga ko’proq ahamiyat bersa, boshqalari o’qitishning turli-tuman vositalaridan foydalanadilar.

Shuni ta’kidlash kerakki o’qituvchi hamkorligi faqat birgalikda amalga oshiriladi, uning provard natijasi esa o’qitish jarayoning qanchalik samara berganligi bilan samara beradi. Avvalo, ilg’or pedagogik tajriba deb nimani aytamiz? Birinchidan bu shunday dars uslubiki yangiligi bilan keskin farq qiladi. Ya’ni bu yerda o’qtuvchining bunyodkorligi, ijodkorligi seziladi. Lekin o’qtuvchining ish tajribasi tarkibida yangilik bo’lsagina bu fanda inqilobiy o’zgarish yasash mumkin degan gap emas, mayli o’qtuvchining tajribasi o’rtamiyona bo’lishi yoki hammaga ma’lum tajribaning biroz takomillashtirilgani bo’lsin. Aynan shu biroz o’zgartirishi ham anchaga qo’yilgan qadam hisoblanadi.

Ikkinchidan, ish ilg’or tajriba ilmiy asoslangan bo’lishi lozim. Zero K.D Umeniskiyning takidlashicha agar pedagogik nazariya faktlar va tajribalarga tayanmasa, u allaqchon foydasi yo’q narsaga aylangan bo’lar edi.

Uchinchidan, ushbu tajribani boshqa maktablarda yoki o’qituvchilar uchun qo’llash nihoyat qulay bo’lishi lozim.

To’rtinchidan, ilg’or tajriba o’zining samaradorligi bilan ajralib turishi kerak. Yani o’sha tajriba ta’lim tarbiya sifatini, o’quvchilarning o’zlashtirish darajasini oshirishga olib kelishi kerak.

Ilg’or pedagogik tajribaning o’rganilishi bosqichma- bosqich amalga oshirilishi lozim.

O’rganish rejasini tuzish.

O’rganishning asosiy uslublarini belgilash.

Masalani nazariy jixatdan o’rganish.

O’qituvchi jamoani tayyorlash.

Belgilangan rejani amalga oshirish.

Ilg’or pedagogik tajribani umumlashtirish va ommalashtirish shaklini belgilash.

O’qituvchining aniq bir maqsadni ko’zda tutadigan ilg’or ish tajribasi 1-2-yilga mo’ljallab tuzilgan reja asosida o’rganiladi va unda quyidagi tomonlar o’z aksini topishi lozim.

Maktab m’amuryatidan o’qituvchi haqida tavsiyanoma va tegishli ma’lumot olish.

O’qituvchining darsga tayorgarlik ko’rish metodikasini o’rganish.

Sinifda va sinfdan tashqari o’qituvchi va o’quvchilar faoliyatini kuzatish.

Yozma nazorat test topshiriqlari o’tkazishni taxlil qilish.

O’qituvchida shakillangan ko’nikma va malakasini tekshirish bilimini og’zaki so’rash orqali nazorat qilish.

O’quvchilarni fan bo’yicha xar xil ko’rik tanlov olimpiyadalardagi ko’rsatgan natijalarni taxlil qilish.

Imtixonlarda qatnashish.

O’qituvchi va o’quvchilar uchun so’roq varaqa (anketa)ni tashkil qilish uni taxlil qilish .

O’qituvchining ma’ruzalar matni metodik tavsiyanomalari yozgan maqolalari yasalgan ko’rgazma qurollari bilan tanishish.

Rejadagi savollar o’z ko’lamiga ko’ra turlicha bo’lib ularni amalga oshirishga esa, ketadigan vaqt ham har xil bo’ladi. Yuqoridagilardan eng ko’p mehnat talab qiladigan o’qituvchi va o’quvchilar faoliyatini o’rganishdir, chunki bunda muntazam darslarga qatnashishi uni taxlil etish talab etiladi. Sinfdan tashqari mashg’ulotlarda va imtihonda qatnashish vaqti-vaqti bilan bo’ladi. O’quvchilarning bilimini og’zaki tekshirishni ham darsdan oldin yoki keyin amalga oshirsa bo’laveradi. Bundagi qiyin ish to’plangan ma’lumotlarni tartibga solish va oxirgi natijani chiqarishdir.

O’qituvchining darsidagi faoliyatini kuzatishi jarayonda o’quv materiallarning aniq bir tomonini qamrab olganligi, tanlangan o’quv uslublari va vositalarning qanchalik samara berishi ham ahamiyat kasb etadi.

Tanlangan o’quteriallarning mazmuni darsning maqsadiga, sinfning o’ziga xos xususiyatiga dastur talabiga mos tushishi lozim. Albatda bu yerda fan

o'qituvchisining bilim darajasi, o'qitish metodikasi qay darajada qurollangani dars tuzilishi bosqishlari orasidagi ma'lum aloqa ularning o'rtasidagi vaqtning maqsadiga muvofiq taqsimlanish o'qitish vositalari, shakllari hamda turli tuman usullarning omuxtasiga ularning natijasi o'quvchilarning nazariy materiallarini o'zlashtirish darajasi va tushinish me'yori boshqa tomonlar muhim ahamiyatga ega.

Ilg'or tajribani o'rganish uchun o'qituvchining kamida dars yoki mashg'uloti kuzatishi shart. Qiyinchilik tajribasi o'rganilayotgan o'qituvchining butun darsi nazoratga olinadi o'quvchilar bilimi va mahorat darajasini haqqoniyligini nazorat qilish maqsadida har yarim yillikda bir marotaba 2 nafar bo'sh va 2 nafar o'zlashtiruvchi tanlanib ularning bilimlarini og'zaki sinab ko'rish maqsadga muvofiqdir nazorat qilish vaqti 45 daqiqadan oshmasligi lozim. Yarim yillik va bir yil oxirida yozma nazorat va test sinovi ishini o'tkazish ham katta ahamiyatga ega.

Ilg'or pedagogik tajribasini umumlashtirish- bu o'qituvchi ishidagi bor narsaning eng keraklisi, foydasini ajratib olish hisoblanadi. To'plangan materiallarni umumlashtirish bosqichiga qo'yiladiganlarga e'tibor berish kerak .

1.O'qituvchining o'ziga xos xususiyatiga .
2. O'qituvchi faoliyatining sifatiga .
3. O'quvchilar faoliyatining sifatiga.
4. . O'quvchilarning ta'lim tarbiya ko'rsatkichlariga .

O'quvchilarning o'ziga xos-xususiyatlari deganda uning jamoat ishlaridagi faolligi ishiga talabchanligi o'z-o'ziga baho berish ya'ni narsani tez payqashi hamkasiblari bilan bir – birini tushungan holda ish ko'rishi va boshqa ishlarda shular ko'zda tutiladi. O'qituvchi faoliyati deganda 4-narsa ko'zda tutilishi kerak. Dars berishi ,ta'lim va tarbiya berishi hamda o'quvchilarni shakillantirish .

Dars berishi ta'lim va tarbiya berishi hamda o'quvchilarni shakillantirish .Dars berish yoki o'qitishini pedagogik va pisixologiyadan chuqur bilimga ega bo'lmay turib tasavvur etish qiyin . Yoki metodika bilan qurollanishidan darsga yaxshi tayyargarlik ko'rmasdan ba'zi bir o'quvchilarga yakka yondashishidan fanlar aro aloqani oshirmasdan hozirgi zamon bilan bog'lanmasdan o'quvchilar bilimini sinashning turli usullaridan foydalanmay turib yaxshi dars o'tish gumon albatta.

O'quvchilarni shakillantirish deganda ularning darsdan tashqari ishlari ya'ni o'zlarini nazorat qilishi yoki narsalarni tahlil qilishi ular haqida xulosa chiqara bilishi va ularni bir biri bilan taqqoslay olish tushuniladi .

O'quvchilar faoliyati 2 yo'nalishda aniqlanadi .O'qib o'rganish va o'quv materiallarini o'zlashtirishda olgan bilimlarini yangi sharoitda qo'llay olsalar bu o'quvchilarning ruvojlanishi turli manbalardan foydalansalar bilimlarini boyitish degan ma'noni anglatadi .

O'quvchilarni o'quv ishlari ko'rsatkichlari ularning miqdori va sifatiga bog'liq miqdor ko'rsatkichlari o'quvchilar bilimi og'zaki yoki yozma ravishda sinalganda ular olgan ''a'lo ''va ''yaxshi''baholarda o'z aksini topadi .

Sifat ko'rsatkichlari esa bilimlarning qanchalik chuqur va mustahkamligi va ularni hayotga tadbiq etishi hisoblanadi .

Ilg'or pedagogik tajribani umumlashtirgandan keyin ommalashtirish boshlanadi .

Ommalashtirishning quyidagi bosqichlari mavjud .

1. O'quv yurtida darslar ijodiy hisobotlar murabbiylik metod birlashmalarining yig'ilishlari albom ,stend tashkil etish orqali.

2.Tumanda va viloyatda ilmiy amaliy semenarlar anjumanlar mahalliy matbuotdagi maqolalar pedagogik o'qish ko'rik tanlovlar tashkil etish broshyuralar chiqarish orqali .

3 .Respublikada ilmiy –amaliy anjumanlar ro'znoma va oynomalarda , maqolalar chiqarish oynai jahon va radioga chiqish orqali,bukletlar tayyorlash orqali amalga oshiriladi .

Xulosa qilib aytish mumkinki ilg'or pedagogik tajribani o'rganish umumlashtirish va ommalashtirish orqali o'qituvchilarning pedagogik mahoratini oshirish va ularni izlanishga chorlash imkoniyati yaratiladi. Bu esa ta'lim va tarbiya mazmuniga o'zgartirish kiritmoq milliy dasturni amalga tadbiq etishdan iborat demakdir .

## XX АСР УРГУТ КАШТАЧИЛИК МАКТАБИ АНЪАНАЛАРИ ҲАҚИДА.

*СамДАҚИ «Тасвирий санъат» кафедраси ассистенти Турабоева З.М.*

***(Анъанавий меросни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш борасида муҳим муаммолардан бири фаолияти тўхтаб қолган маҳаллий ҳунармандчилик марказларини қайта тиклаш ва уларни ривожлантиришдир).***

Шарқ мамлакатларида ҳунармандчилик азалдан кўп асрлардан буён кенг тараққий этган. XX аср анъанавий маданиятнинг барча турлари, жумладан, ҳунармандчилик ҳам мураккаб синов даври бўлди. Уларнинг айримлари саноат ишлаб чикариш маҳсулотлари кенг таркалиши окибатищда деярли йўқолиб кетган. Бугунги кунда халқ ҳунармандлари, замонавий усталарнинг ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни тақдим этиш учун ярмарка, фестиваль, танлов ва савдо-кўргазмалар ташкил этилди. Президентимизнинг фармони билан 1997 йилдан бошлаб халқ ҳунармандларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб қувватлаш мақсадида ҳунармандлар беш йил мобайнида даромад солиғи, халқ ҳунармандлиги буюмларини республикадан ташқарида сотганлиги учун божхона божи тўлашдан озод қилинган.

1997 йилда анъанавий санъат турларини кайта тиклаш ва ривожлантириш чора тадбирларини кўриш, ҳунармандчилик ва амалий санъат йўқолиб бораётган турларини саклаш ва усталарга ғамхўрлик килиш, ёшларга касб сирларини ургатишл максадида «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази ва Республика «Усто» махсус ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Амалий санъат усталарига кейинги ўрта асрлар меъроси анча якин зеро, утмиш тажрибасини меърос килиб олишда ички алока ҳали ҳам бархаётдир, чунки амалий ва ҳунармандчилик анъаналари изчиллиги бевосита устоздан шогирдга ўтиб келади. Ўзбек миллий каштачилиги иқлим табий шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолди барча касб-ҳунарлари билан биргаликда ривож топган. Каштачилик санъатининг энг қадиймиси сақланмаган. XIV –XV асрларга мансуб миниатюралар оркали каштачиликнинг жуда қадимдан ривожланганлигини кўриш мумкин.

Самарқанд каштачилиги ёрқин ўзига хослиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бухоро, Нурота, Шаҳрисабз каштачилиги анъналарига яқин бўлишига қармай, Самарқанд каштачилик мактаби ўзининг бадиий тўхтами, маҳобатлилиги, рангларнинг қатьийлиги ва тозалиги, шакллари ҳаракатчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон каштачилигини ўрганишда дастлаб Самарқанд каштачилик мактабига мурожаат қилинганлиги  эътиборни  тортади.

XX аср Ургут каштачилик мактаби анъаналари, ҳозирги Самарқанд худудида жойлашган қадимги "Аркут" Ургут воҳаси каштачиликнинг муҳим марказларидан биридир. Олимлмрнинг фикрича Ургут "Бобурномада", "Аркат" номи билан аталган. XIV аср бошларидаги хужжатларга Аркут қишлоғи сифатида тилга олинади. Ургут Ўркент сўзининг ўзгарган ясамаси "Ўр" баландлик, "кент" шаҳар баландликдаги шаҳар маъносини англатади. Ургут воҳасидаги ҳунармандчилик деҳқончилик, кулолчилик анча ривожланган. Шу боис Ургут савдо марказига айланган. Айни пайтгача ҳам Ургутда касб ҳунар ўрганишнинг анъанавий устоз  шогирдлик тизими сақланиб қолган. Ҳар бир уста ўз касб сирларини шогирдига ўргатишга интилади. Моҳир каштадўз у бошлаган ишни шогирдлари давом эттиришини истайди. XX аср Ургут бадиий ҳунармандчилиги Самарқанднинг мураккаб этник тарихий ва унга хос тараққиёт хусусиятларини  белгиловчи анъаналар давомийлиги ва маҳаллий ўзига хослигини сақлаб қолди. Анъанавий санъат мавжуд бўлишининг бир неча шакллари бор. Улар орасида энг муҳими, унинг табиий шаклидир. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган Ургут каштачилиги халқ санътининг табиий шакли ҳисобланади. Бугуги кунда анъанавий бадиий ҳунармандчилик бу фақат тарихий меърос эмас, балки ўзига хос қонуниятлар билан  ривожланаётган замонавий  маънавий маданиятнинг бир қисми эканлиги  бизга маълум.

Ўрта Осиё бадиий ҳунармандчилигида фалсафий рамзлар алоҳида аҳамият касб этиб, ҳар бир нақш ўз маъно мазмунига эга. Айниқса каштачилик соҳаси ўзининг сержилолиги ва ранг-баранглиги билан жаҳон халқларини ўзига ром этиб келган. Каштачиликнинг Бухоро, Нурота, Шаҳрисабз, Самарқанд мактаблари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзига хос услуб ва ранглар мутаносиблиги мавжуд. Бухоро сўзаналари  Хирот занжиралиги билан Шаҳрисабз кашталари майда гул барглари билан Бойсун каштачилиги кийик ва қиз композициялари билан, Нурота каштачилари эса майда ислимий гирих нақшлари билан ажралиб туради. Самарқанд каштачилигида  асосий марказ бўлган Ургут каштачилиги бу мактаблар орасида ўзининг бадиий тўхтами, махобатлилиги, ранглар қатъийлиги, шаклларнинг харакатчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ургутлик каштадўзлар тасвирларни "босма", "кандахаёл", "йўрма" чоклари асосида ташкил қилинган.

Ургутнинг қадимдан сақланиб қолган кашталари аниқ ишланган тасвири бой ва хилма-хил ранглар жилоси  билан ажралиб туради. Табиий тасвир Ургут каштачилигига хос бўлган йўналиш ҳисобланади. Кашталардаги қумғон тасвири ризқ-рўзи, ҳаёт манбаи тарзида тасвирланган. Айниқса улар яратган токчапўшларда акс эттирилган қумғон тасвирини ўраб турган ошпичок нақшларини каштадўзлар турлича талқин қилишиди. Масалан, қумғон рўзғор буюми сув сақланадиган буюм ҳисобланса, ош пичоқ тасвири уй рўзғор

буюмидир. Демак токчапўшлардаги икки тасвир жамулжамлиги оиланинг қут-барака келтирувчиси деб биладилар. Айниқса ёш оила қурган мухитда токчапўшнинг тутилиши ҳам рамзий холдир. Токчапўш бошқа кашталарда келтирилган яна бир тасвир қуёш ва ярим ой тасвири ва уларнинг кўк ва оқ матога тикилганлиги кишини хайратлантириди. Кўк ранг орзу - умид, эзгулик, ижолд рамзи ва у осмон ранги ҳам ҳисобланади. Кўк фонда акс эттирилган қуёш ва ярим ой тасвири каштадўзлар наздида осмону - фалак тимсолидир.

XX аср давомида Самарқанд каштачилигида бироз таназзулик кузатила бошланган эди. Буни ижтимоий муҳитда кечаётган воқеалар, илм-фан техниканинг ривожи, фабрикалар фаолияти таъсирида бўлган деб айтиш унчалик ҳам тўғри бўлмайди. Чунки, кашталарни қўлда тикилганларига талаб катта бўлган. Ундан ташқари қизлар ўз қўли билан сарпо тайёрлаши ва шунга ўхшаш удумлар сақланиб келади. Сабаби Самарқандда каштачилик сир-асрорларидан хабардор аёллар жуда камайиб кетди. Аммо Самарқанд каштачилик анъаналари Ургутда сақланиб қолди. Ҳозирги пайтда Ургут каштачилигининг маҳаллий маркази бўлиб қолди. Аммо ургутча тасвирлар самарқандча кашталарга қараганда содда ва қўполроқ. Қизил, пушти ва қора барглар халқаси сингари уч рангли хусусият сақланиб қолди. Ундан ташқари анъанавийликка қарамай Ургут кашталари тасвир тараққиётида бутунлай янги босқич бўлиб қолди. Бу хусусият Самарқанд анъанавий каштачилигини сақлаб қолиш заминида уларнинг асосий композицион тузилмаларини ўзида жамлаган холда акс эттиришидан келиб чиққан эди. Уларда ранглар боғлами бир бутун кашта юзасини эгаллаб мураккаб безак ҳусусиятига айланди. Ургутда бу безаклар рўйжо, сўзана баъзида зардевор, болинпўшларда оқ матога қора иплардан нақшларни зич қилиб тикилишида кўрамиз. Ўтган асрларда нақшлар батартиб кенг маконда тасвирланса айни вақтда уларниг ҳар томонга тарвақайлаб кетгани деярли бўш макон қолмаслиги билан ажралиб туради. Ургут анъанавий каштачилиги Самарқанд каштачилигини сақлаб қолган бўлсада, ҳозирги кунда айнан Ургут кашталари Самарқанд бозорларини таъминлаб турибди.

Ургутда яна бошқа Самарқанднинг анъанавий каштачилиги хусусиятлари сақланган. Жумладан, жойнамоз ёки жойпўшларда меҳробсимон жой қолдириб атрофини марказида пушти рангли қора халқали нақшлар қўлланиши уларининг зич холда жойлаштирилишини кўриш мумкин. Зардеворларда, энсиз хошияларда тўлқинсимон нақшлар мехроб ичида жойлашган қора розеткалар оқ фонда тикилган. Уларни эни узунлиги ҳам худди Самарқанд анъанадарини ўзида мужассам этган. Асосан Ургут сўзаналаридан саккиз розеткаларнинг қўлланиши ҳам юқоридаги фикрга далил бўлади. Ундан ташқари Ургутда токчапўш, болинпўш кабиларда ҳам анъаналарнинг сақланганини кўриш мумкин. Ўзига хос Ургутча нақшларда барглар билан боғланган нақшлар шунингдек ўрта асрлар рассомлари асарларида бўлгани сингари йирик тишли чирмашиб кетган шохлар тасвири мавжуд. Улардаги тасвир таглик матонинг муҳим безак унсури бўлиб қолганлигини кўрсатади. “Қумғон” тасвирлари Ургут кашталарда янгича тасвир воситалари бўлиб қолди. Баргли халқа ўзининг қора рангини сақлади. Аммо яшил ранг нақш маркази четларида пайдо бўлди.

Умуман Самарқанд ва унга ёндош бўлган марказларнинг кашталари ўзига хос мактаб таъсирида яратилгани аниқ билиниб туради.

Ҳозирги вақтга келиб Ургут каштачилик кўринишларида озгина ўзгаришлар кўзга ташланади. Уларда каштачилик буюмларинигнг ҳажми қисқарди. Сўзаналарда тўтта розетка жойлашуви ва квадрат шаклга яқинлиги безакларида оз бўлсада ўзгаришлар сезилади. Шунга қарамай Ургут каштачилиги Самарқанд каштачилиги анъаналарига хос бўлган яна бир хусусиятни яъни кашталарда яшил ранглардан фойдалана бошлади. Маълумки, XX аср охарларида Самарқандга яшил ранг келтирилмай қўйилган ва унинг ўрнини қора ранг эгаллаган эди. Аммо бу ҳолат Ургут кашталарида ҳозирги кунда тикланди.





Хулоса килиб шуни айтиш керакки, Бадиий ҳунармандчиликни ўрганиш асосида бадиий маданият ҳозирги турмушимизга қанчалик кириб борганлиги ва у ўз маҳаллий хусусиятидадир. Асори ва атиқалари ҳаёт тарзи урф одатлари, байрамлари кабиларга нечоғлик боғлиқ эканлигини тушунамиз. Шу боисдан XIX асрда немис тадқиқотчиси ва сайёҳи Фем Шварц: “Марказий Осиё аҳолиси чиройли ранглар ва қимматбаҳо матолар танлашда осмоннинг кўк рангига ўрганиб қолган барча европа рассомларидан устун туради”, деб таъкидлаган эди. Амалий санъатнинг ўзига хос хусусияти шундайки анъанавий маданият ҳамиша маълум ва тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Анъанавий санъат маданиятнинг ажралмас қисми сифатида барча соҳалар билан ўзвий боглик. Ургут каштачилиги ўзида дастлабки асосларни сақлаб қолган қимматли тарихий материал сифатида уни яратган халқнинг этник тарихи ва этногинезисини ўрганишда жуда муҳим бўла олади. Ушбу худуд кашталаридаги нақшларнинг муҳим жиҳати шундаки халқнинг дунё қараши акс этган. Кишилар коинот ва ўзларини ўраб турган борлиқ ғоят чексиз эканини ҳаёлан тасаввур қилишади. Нақш оламининг бадиий моделини кўрсатишнинг энг қадимий усулидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Э.Гул. Самарқанд каштачилиги. “Санъат” журнал. Т.:2004й.
О.А.Сухарева. Среднеазиатская декоративная вышевка. М.:2006г.
С.Булатов. Ўзбекистон халқ амалий санъати.Т.:1982й.
Г.Л.Чепелевцкая. Сузани Узбекистана. Т.:1961г.
Э.Гул. Мустақиллик даврида Ўзбекистон анъанавий санъати. “Санъат” журнал. Т.:2011й.

# МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ БУЗИШГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ СУБЪЕКТИВ САБАБЛАРИ

*Ф.Х. Кучкарова – СамДУ ўқитувчиси*
*Б.А.Ходжаёрова-СамВХТХҚТМОИ ўқитувчиси*

Инсон манфаатларини ҳимоялашга асосланган ижтимоий сиёсат мамлакатимизда устувор аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 моддасида «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади»[30] деб белгиланганини бежиз эмас. Шу боис Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганида ҳам теран маъно бор.

Мустаҳкам оилада соғлом фарзанд туғилади, соғлом танда соғлом ақл ривожланади. Зеро ота-она ўз фарзандини соғлом муҳитда, ибратли оила аъзолари қўйнида камол топишини истайди.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда оиланинг тутган ўрни беқиёсдир. Оилада аёл фарзандлар тарбиясида асосий вазифани бажаради, у жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни онги таҳлил қилиб биладиган, маънавиятли, ҳуқуқий маданияти юксак, оилапарвар, тадбиркор, ўтиш даврига хос бўлган қийинчиликларни енга оладиган садоқатли аёл ва меҳрибон она бўлиши талаб қилинади. Оиладаги муҳит, ота-онанинг бир-бирига бўлган муомала маданияти, муносабати, катталарга нисбатан иззат, кичикларга ҳурматини билиши, тарбия тамоилларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, давлатимиз келажаги ҳам ривожланган мамлакатлар орасида тутган мавқеи ва салоҳияти ҳам дунёқараши, билими, ақл заковати, Ватан, жамият ва оила олдидаги бурчи ва маъсулиятини теран англаши, бугунги авлодга боғлиқ.

Шунинг учун оилада, болаларга ёшлигидан ҳуқуқий тарбия берилиб, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти юксалтирилса жамиятимизда яхши фуқаролар етишиб чиқади.

Ҳуқуқбузарлик конкрет, индивидуал характерга эга, уни амалга ошир-ганлар муайян ҳуқуқий хулққа эга конкрет шахслар ёки кишилар гуруҳидир. Ҳуқуқбузарликни фаолият турига айлантирган шахслар ҳам бор, шунингдек, уни тасодифан амалга оширган шахслар ҳам бор. Муайян мотив асосида, муайян шарт-шароит бўлганида ўз ғаразли мақсадларини амалга оширган шахснинг ҳаракати мақсадли, ўйлаб амалга оширилган экан, бундай ҳолга ҳуқуқбузарликнинг субъектив сабаби деймиз. Шароит, у социал ёки моддийдир, маънавий ёки сиёсий ва ҳуқуқийдир, низоли экан, қайсидир шахсда ҳуқуқбузарликка мойиллик хусусияти сақланиб қолаверади. Мазкур шароитдан келиб чиқиб, ушбу руҳий ҳолат фуқаролар виждон эркинлиги ҳуқуқини бузилишининг умумий субъектив ички сабабларидир.

Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи бузилишининг субъектив сабабларини аниқлаш мақсадида қуйидаги Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари, Наманган ва Тошкент шаҳарлари прокуратуралари томонидан диний-экстремистик оқимларга мансуб

[30] Қаранг: Диний-экстремистик оқимларга мансуб бўлган айрим шахслар анкеталари. –Т., 2002. 12,6 б.т.

1880 та жиноий жавобгарликка тортилган “кимса”лар анкета (дело)лари асосида ёши, миллати, фуқаролиги, судланганлиги, мансаби, касб-кори, моддий аҳволи, маълумоти, дунёқараши, характери, маҳалла жамоатчилиги тадбирларидаги иштироки, меҳнатга, ота-она ва фарзандларга муносабати ва норасмий диний уюшмаларга мансублиги бўйича баъзи умумлашмаларни келтирдик. Бунда, авваламбор, ушбу “кимса”ларнинг ёши, миллати ва фуқаролигига эътиборни қаратайлик.

Диний-экстремистик оқимларга мансуб бўлган, жиноий иш қўзғатилган айрим шахсларнинг анкета (дело)ларини ёши бўйича умумлаштириб таҳлил этиш 18-20 ёшгача бўлганлар 50,3 фоизни, 31-45 ёшдагилар 40,0 фоизни, 45 ёшдан ошганлар 8,8 фоизни ташкил қилганлигини кўрсатмоқда. Бу сабабий-оқибат, биринчидан, 18-20 ёшдагиларнинг шахс сифатида шаклланиши бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиш даврига – тоталитар, атеистик давлат ҳукмронлиги давридан мустақил демократик фуқаролик жамиятига ўтиш даврига, деярли барча соҳаларда “бўшлиқ”лар (масалан, маънавий ҳаёт соҳасида мафкуравий бўшлиқ) пайдо бўлиб, ислоҳотлар даври бошланиб, Ўзбекистонда исломий ҳаракатларнинг кучайиши (1984-1993 йй.) ва ёшларга диққат-эътибор қаратилган ҳолда, мамлакатимиз аҳолисини исломлашти-ришга уриниш даври (1993-1999 йй.) юзага келганлиги билан, иккинчидан, улар орасида 31-45 ёшдагиларнинг ҳам кўпчиликни ташкил этишлари ушбу ёшдагиларнинг шахс сифатида шаклланиш даврида уларга радикал диний ғояларнинг тарқалиш (1970-1985 йй.) таъсири, “ҳужра”лар таъсири, совет тоталитар тузуми иллатларининг ошкора намоён бўлиб, уларга нисбатан қарши танқидий руҳиятнинг шаклланиши каби ўзига хос сабаблар билан изоҳланади. Шунингдек, ўрта ёшдагилар, ҳатто 45 ёшдан ошганлар Наманган ва Фарғона вилоятларида юқори даражадалиги, субъектга хос алоҳидалиги билан бошқа вилоятлардаги кўрсаткичлардан фарқ қилади. Бизнингча, бунинг сабаби Фарғона водийсида аҳолининг зичлиги, инфратузилманинг ривожланганлиги, уларнинг қўшни мамлакатларга яқин чегарада эгалигидан ташқари чўли-дашт кенг майдонни ташкил этган зоналарга нисбатан қадимий деҳқончилик марказлари бўлиб, аҳолининг ўтроқлиги, исломнинг чуқур томир отганлиги, художўйиликнинг устунлиги билан фарқ қилади. Бу менталитет ҳам “таҳрирчилар”нинг ёши катталарга ҳам кучли таъсир қила олганлигига олиб келган. “Ҳизб ут-таҳрир ал-ислами” халқаро диний-экстремистик ташкилот. Диний-экстремистик оқимларга мансуб айрим шахсларнинг анкета (дело)ларининг умумлашмасидан кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарлик, жумладан, қўпорувчилик, қотиллик ишлари билан Ўзбекис-тонда фаолият олиб борган шахслар нафақат ўзбеклар ёки Ўзбекистон фуқаролари, балки бошқа миллат вакиллари, ҳатто руслар ва чет эл фуқароларидир. Демак, мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқларини бузишга мойил шахсларни ташқи, халқаро майдондаги субъектлар ҳам топиб, тайёрлай олганлар. Мазкур ҳолатни биз ўрганаётган ҳуқуқбузарлик, жумладан, жиноятларнинг субъектларга хос, хусусий, ташқи сабаблари деб, изоҳлаймиз.

Энди эътиборни мазкур жиноятчи шахсларнинг судланганлиги, манса-би, касб-кори ва моддий аҳволига қаратайлик. Диний экстремистик оқимларга мансуб бўлган, жиноий иш қўзғатилган айрим шахсларнинг анкета (дело)ларини судланмаганлиги, касб-кори ва моддий таъминланганлиги бўйича умумлаштириб

таҳлил қилиш судланган-лар 9,3 фоизни, судланмаганлар 90,6 фоизни, яъни кўпроқ фоизни ташкил қилмоқда. Демак, бу йўлга кирганлар қайсидир жиҳатдан ўзларини ҳақ деб ҳисоблаётгандирлар? Балки моддий аҳволи ёки моддий манфаатдорлик са-бабдир? Чунки уларнинг 55,2 фоизининг моддий таъминланмаганлиги аниқ-ланган. Чунки хориждаги экстремистик ташкилот вакиллари уларни "маблағ" билан таъминлаб боришганлари факт-ку?! Ушбу қотиллик йўлига кирган кимсаларнинг кўпчилиги – 72,7 фоизи ишсизлар, 10,37 фоизи ишчилар. Балки бу ишчиларнинг олаётган маошлари оиласини боқиш учун етмаёт-гандир?! Ёки, аксинча, нафс балосига – "маблағ" олиб туришга йўлиққан-дир!? Демак, кишиларнинг иш билан таъминланмаганлиги ёки моддий таъминланмаганлиги ҳам "ҳуқуқбузарликлар"нинг ушбу йўлга кириб кети-шига сабаб бўлган омиллардандир. Аммо судланмаган ва моддий таъминлан-ган шахсларнинг ушбу йўлни танлаганликлари биз ўрганаётган ҳуқуқбузар-ликларнинг субъектив хусусий сабабларидандир. Шаҳарларда мавжуд мардикорлар бозорида ишсизлар билан суҳбатлашиш шуни кўрсатадики, уларнинг кўпчилиги малакасиз. Малакасиз ишсиз кимга керак?! Мазкур ҳолат ҳам ҳуқуқбузарликларнинг хусусий даражадаги объектив ва субъектив сабабларидандир.

Энди эътиборни мазкур жиноятчи шахсларнинг маълумоти, дунёқара-ши ва характерларига қаратамиз. Диний-экстремистик оқимларга мансуб бўлган, жиноий иш қўзғатилган айрим шахс-ларнинг анкета (дело)ларини маълумоти, дунёқараши ва характери бўйича умумлаштириб таҳлил қилиш уларнинг кўпчилигининг маълумоти ўрта (90,5 фоиз), дунёқараши тор (74,5 фоиз), характери енгилтак (57,8 фоиз) ва қизиққон (18,1 фоиз) эканлигини кўрсатади. Уларнинг туб мақсади исломий давлатни ўрнатиш экан, қандай қилиб бундай маълумот, дунёқараш ва характер билан ҳокимият ва жамиятни бошқариш мумкин?! Ҳеч қандай махсус, юксак диний ёки илмий билимга эга бўлмаган, 1960 йилда Андижонда туғилган Акрам Йўлдошевга ("Акромий"лар унинг исмидан олинган) эргашишган, соддадил баъзи ватандошларимизга ҳайрон қоламиз. У фан, санъат ёки техникада таниқли шахсми?! У ҳеч ким-ку?! Одатда халқимизда "дарахтнинг бўшини қурт ейди", деган накл бор. Маънавияти (маълумоти ва дунёқараши) паст, енгилтак кишилар назарида жамиятимизда юзага келган муаммоларни гўёки "Акромийлар" ҳал қилиб бериши мумкин. Хўш, "Акромийлар" жамиятга нима беради, жамиятни саводсизлар бошқариши билан жамият муаммолари ҳал бўладими?!

Энди эътиборни мазкур жиноятчи шахсларнинг маҳалла жамоатчилиги тадбирларида иштироки, меҳнатга, ота-онага ва фарзандларга муносабат-ларига қаратамиз. 1880 та жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг маҳалладаги иштирокига назар солсак, мутлақо паст даражада – 75,9 фоиз. Меҳнат қилиш, пешона терини тўкиб ҳалол еб-ичишга, бола-чақасини боқишга муносабатлари ҳам мутлақо салбий даражада – 82,0 фоизни ташкил қилмоқда. Ота-она ва фарзандларга ҳам муносабатлари деярли бефарқ - 82,3 фоиз даражада. Ота-она ўгитларини олмаган, бундай ҳолатдаги "кимса"лардан қандай фидойи фарзандларни кутиш мумкин?! Мана, уларнинг руҳий ҳолатлари. Демак, маълумотга боғлиқ ҳолда дунёқарашнинг торлиги, характернинг қизиққон ва енгилтаклиги, маҳалла-кўйдан узоқлашиш, меҳнатга салбий муносабат, ота-она ва фарзандларга нисбатан бемеҳрлик ва худбинликлар биз ўрганаётган

ҳуқуқбузар-ликларнинг хусусий даражадаги субъектив сабабларидандир.

Эътиборни мазкур шахсларнинг норасмий диний уюшмаларга мансуб-лигига қаратайлик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, норасмий диний уюшмалар ғоявий жиҳатдан асосан ваҳҳобийлик оқими атрофида айланади. Ўзбекистонда ноқонуний шаклланган норасмий, диний-экстремистик уюшмалар қайсидир даражада Марказий Осиёдаги ва халқаро миқёсдаги диний экстремистик жиноий уюшма-ҳаракатлари билан алоқадордир. Анкета (дело)лари ўрганилган 1880 та жавобгарликка тортилган кимсалардан 95 фоиздан юқориси "Ваҳҳобийлар" оқимига ва "Ҳизб ут-таҳрир ал-ислами"га мансублиги аниқланган. Уларнинг асл мақсади диний таълим олиш мақсадида "Ислом давлати"ни тузишдир. Жумладан, Наманган шаҳри прокуратураси томонидан диний экстремистик оқимларга мансуб қўлга тушган 182 та кимсанинг ҳаммаси "Ёлланишдан кўзлаган мақсадингиз нима?" деган саволга "Ислом давлати"ни тузиш, деб жавоб берганлар"[31]. Ушбу савол бўйича Навоий вилояти прокуратураси 325 та жавобгарликка тортилганлардан 20 таси эътиқод йўлида, 30 таси диний таълим олиш йўлида ва 275 таси "Ислом давлати"ни тузиш деб; Навоий вилоятидан 192 та жавобгарликка тортилганлардан 105 таси эътиқод йўлида, 68 таси диний таълим олиш учун, 4 таси моддий манфаатдорлик, 1 таси адашиб кириб қолган ва 14 таси "ислом давлати"ни тузиш деб; Жиззах вилоятидан 65 тадан 4 таси аниқланмаган, 56 таси диний таълим олиш йўлида ва 5 таси "ислом давлати"ни тузиш деб; Самарқанд вилоятидан 254 тадан 35 таси диний таълим олиш учун ва 219 таси "ислом давлати"ни тузиш деб; Тошкент шаҳридан 497 тадан 54 таси диний таълим олиш йўлида, 10 таси моддий манфаатдорлик ва 433 таси "ислом давлати"ни тузиш деб жавоб берганлар.

Тасаввур қилинг: ислом давлатини ўрта маълумотлилар бошқарса, дунёқараши тор ва енгилтаклар бошқарса, меҳнат қилишга, ота-она ва фарзандларига бефарқ қарайдиганлар бошқарса, маҳалласининг дардини билмайдиган, жамият ташвишларини ҳис қилолмайдиганлар, талончи, кўпо-рувчи ва қотиллар бошқарса, зиёлилар эмас, аксинча саводсизлар бошқарса, унда жамиятда маърифат ва адолат эмас, балки жаҳолат ва зўравонлик ҳукмронлик қилиши айни ҳақиқатдир.

Турмуш қийинчиликлари, объектив шарт-шароит, аммо бу қийинчиликларга чидаёлмасдан, ҳуқуқбузарликни фаолият турига айлантириш, имонни йўқотиш ёки "ҳақ йўл" деб фанатизмга берилиш фуқароларнинг виждон эркинлигини бузишга оид ҳуқуқбузарликларнинг субъектив, шахсга боғлиқ сабабларидандир.

Демак, инсон ҳуқуқларининг амалга ошиши давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан узвий боғланган. Агар давлат ҳокимияти кучсизланса, бошқа "кўча ҳокимиятлари", "коррупциялашган ҳокимият", "таниш-билишлар ҳокимияти", "пул ҳокимияти" кучаяди. Мазкур субъектив ҳолатлар ҳам, яъни назоратнинг сусайиши, виждон эркинлигини бузишга оид ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишининг махсус субъектив сабабларидандир.

[1] Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоев. Иқтисодий педагогика. – Т.: ТДИУ, 2002.

## ТАЪЛИМИДА ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Ашурова Нигина магистрант (СамДЧТИ)*
*Хушвақтов А.А. илмий маслаҳатчи (СамДЧТИ)*

Республикамизда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим сифати ва самарадорлигини оширишда, маъруза машғулотлари ва амалий машғулотларни ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган замонавий педагогик технологиялар ва улар асосида яратилган интерфаол усуллар ёрда-мида ташкил этиш бугунги кун давр талаби бўлибгина қолмасдан, шу ёрдамида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдек муҳим масалага катта эътибор берилган.

Ҳар томонлама етук ва юқори малакага эга бўлган ходимлар учун асосий модели сифатида илғор ходимларнинг меҳнат фаолиятини мисол қилиб олиш керак. Ходимларнинг қобилияти, малакалари педагогик кузатув ва тажриба орқали ўрганилади. Ўрганиб чиқилган натижалар асосида мукаммал модел яратилади. Бундай модел мутахассис-ходимларнинг шахсий сифатлари ва фикрлашларини, билим даражалари, кўникма ва малакалари, иш жараёнида қўлланиладиган методларини аниқлашга ёрдам беради. Кенг малакали мутахассис-ходимнинг модели қуйидагича кўринишда тузилиши мумкин:[1]

1. *Прогностик* – олдиндан билиш ва иш ривожини характерлаш.

2. *Малакавий* - техник мазмунига қўйиладиган талаблар.

1. Бу мақсадда махсус рухсат этилган ва тасдиқланган ҳужжатлар: мақола, қўлланма, илмий-техник ахборотлардан, диссертациялар ва конференция материалларидан кенг фойдаланилади.

2. Ишчи-ходимларни малакавий тайёрлашда ишлаб чиқилган талаб ва мазмун. Олдиндан ташхисланган маълумотлар моделда қайд қилиниб илмий таянган ҳолда ходимнинг малакасини оширишга имкон беради. Шу билан бирга дидактик прогнозни ҳам ажратиш зарур бўлади. Ўқув режаси ва дастурларни мукаммаллаштиришда ташхисли маълумотлар зарур.

Ривожланишнинг илк босқичларидаёқ педагогик фаолият ўз ўрнини топиб олди. Бугунги кунга келиб илм ва фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлигини ҳамда малакали педагогика бу соҳаларда ўзининг таъсирини кўрсатиб келмоқда. Буни яна самарали шакллантириш учун педагогик қонуниятларни билиш керак бўлади.

Улар қуйидагилардан иборат:

3. Ишлаб чиқариш турига қараб ходимларни шу соҳага тайёрлаш.

Ишлаб чиқариш турига қараб ўқитиш дастурлари 3 та катта гуруҳга бўлинади:

Якка ҳолда ишлаб чиқариш

Гуруҳлаб ишлаб чиқариш

Оммавий ишлаб чиқариш

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тури ўзининг техник жараёнларига эга бўлиб, шу билан бирга ўзининг шаклларига ҳам эгадир. Ишлаб чиқаришнинг у ёки бу туридан қатъий назар бир цехнинг ўзида 3 та ишлаб чиқариш тури мавжуд бўлиши мумкин.

Якка ҳолда ишлаб чиқариш – ўз характерига кўра ўзининг афзалликларига эга бўлиб, у ёки бу операцияларни универсал ускуналар ёрдамида амалга ошириш, маҳсулотга қўйиладиган турли талабларни аниқ бажариш имконини беради. Шунингдек, мутахассисдан ўлчов асбобларидан тўғри фойдалана билишни талаб этади.

Гуруҳлаб ишлаб чиқариш – бу тур якка ҳолда ишлаб чиқаришдан бироз фарқ қилади. Бунда маҳсулот доналаб эмас, балки қисм-қисм ҳолда ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлади. Ҳар бир операция алоҳида-алоҳида ускуналарда бажарилади. Бу ерда ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш яъни мослаш, созлаш, кичик таъмирлаш ишлари махсус ишчилар зиммасига юклатилади.

Оммавий ишлаб чиқариш – уларнинг иш жойларида тинимсиз равишда қайтарилиши билан бу операциялар иш жойида характерланади. Цехлардаги асбобларнинг сифати ва самарадорлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мос бўлиши керак.

Шундай қилиб, таълим олувчилар берилган муддат охирида мустақил тарзда барча ишларни режалаштириши ўз иш жойларида илғор усулларни қўллашлари, чизма ва технологик ҳужжатлардан фойдаланишлари ва шу билан бирга ишлаб чиқаришдаги ютуқларга эришишга интилишлари, вақтни ва хом-ашёни тежашлари, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига ва талабларига жавоб беришлари керак бўлади.

Умуман олганда, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

**Адабиётлар:**


1. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. - Москва. Академия, 2004 .

2. Е.Н.Пронина, В.В.Лукашевич. Психология и педагогика. Учебник для студентов ВУЗов.-М.: Элит, 2004 .

3. Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоев. Иқтисодий педагогика. – Т.: ТДИУ, 2002.

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясида - олималар мамлакат тараққиётининг кафолати. *С.И. Ахмедов СамДАҚИ ректори* | 3 |
| | Аёл – оила ва жамият устуни. *Н.И.Раббимова Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари, Хотин қизлар қўмитаси раиси* | 5 |
| | Аёли улуғланган юрт. *М.О.Ибрагимова СамДАҚИ Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилот етакчиси.* | 7 |
| **4-ШЎЪБА: АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ** | | |
| 2 | Визуальная коммуникация. *ассистент Н.А.Байкулова СамГАСИ* | 10 |
| 3 | Ingliz tili o'qitishning keng usullari va o'rganishda internet materiallaridan foydalanishning ahamiyati. *Kurbonova SadoqatErmatatqizi, GulistonDavlatUniversitetitalabasi* | 13 |
| 4 | Особенности проблемного метода обучения информатике . *Низамова Нигора Негматовна, старший преподаватель, Самаркандский Государственный Университет* | 15 |
| 5 | Модульная программа обучения английскому языку студентов технического вуза. *Старший преподаватель Саттарова Н.Б ассистент Ибодов У. Р (ТАСИ)* | 17 |
| 6 | Таълимда ахборот технологияларини қўллашнинг афзалликлари. *Ф.ф.н.,доц. Ш.Ж.Маматкулова СамДАҚИ* | 19 |
| 7 | Касб-хунар коллежларида дастурлаш бўйичаамалий машғулотлар мазмуни ҳақида. *Маҳбуба Қаршиева, Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи* | 21 |
| 8 | Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ахборот ресурс марказининг электрон кутубхонаси имкониятлари. *Д.У.Маматқулова СамДАҚИ АРМ директори* | 23 |
| 9 | Ахборот технологиялари воситалари асосида мустақил билим олишни ташкил этиш. *Алиева Махсуда Халиловна, Сам ДУ* | 24 |
| 10 | Moodle платформасида чат элементи билан ишлаш . *Ф.У.Анарбаева Самарқанд давлат чет тиллар институти* | 26 |
| 11 | Moodle платформасида форум элементи билан ишлаш. *Ф.У.Анарбаева Самарқанд давлат чет тиллар институти* | 27 |
| 12 | Распознавания рукописных букв с помощью помеченными вершинами. *Бекмуратов К.А. (Доцент, Самаркандский филиал ТУИТ* | 30 |
| 13 | Интегрирование информационной системы прогнозиро вания, мониторинга и управления производственными процессами. *Пиримов О.Ж., и.о., доцент, Абдуллаева Д.А., ассистент, ТИИМ* | 33 |
| | Кичик корхоналар бошқариш сифатини оширишда ахборот технологияларини қўллаш. *Қутлымуратов Ю., Кувандикова Д.,* | 35 |

| | | |
|---|---|---|
| | *Қулбаева М. Қутлымуратов Ю. ТАТУ Нукус филиали катта ўқитувчисиКувандикова Д. ТАТУ Нукус филиали ассистент ўқитувчиси Қулбаева М. Бердақ номидаги ҚДУ талабаси.* | |
| 14 | Imzolar to'plamini klasterlar asosida sinflash algoritmi va dasturiy ta'minoti. *Bekmuratov K.A. (dotsent, TATU Samarqand filiali, Bekmuratov D.K. (assitent, TATU Samarqand filiali, Allaberdiyeva M.K. TATU Samarqand filiali talabasi* | 37 |
| 15 | Aholini zamonaviy turar joy bilan ta'minlashda davlat dasturining ahamiyati. *assistent M.Z. Yuzboyeva, dos. O'.A.Mixammadiyev, katta o'qituvchi U.Ch. Xudoyqulov* | 41 |
| 16 | Архитектура и особенности сетей IPTV *Бекмуратов Ф.К. (ассистент, Самаркандского филиала ТУИТ, Хидиров А.М. (ассистент, Самаркандского филиала ТУИТ* | 42 |
| 17 | Таълим тизимини инновацион технологиялар орқали самарали ташкил этиш. *Усмонов М.С - ЖДПИ ўқитувчиси* | 46 |
| 18 | Axborotlashgan jamiyat hayoti. *O'ralov Shuhrat – Jizzax politexnika instituti. Mavlyanov Baxodir – O'zbekiston Respublikasi Prezidenti xuzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi tinglovchisi* | 48 |
| 19 | Simsiz tarmoqni tashkil etishda wi-far texnologiyasini tadbiq etish. *A.M.Xidirov, assistant, TATU Samarqand filiali, F.K.Bekmuratov, assistant, TATU Samarqand filiali* | 50 |
| 20 | Информационные технологии в системе «физическая культура и спорт». *Алимджанов З.Н., ассистент СамМИ, Бердиев А.В.. студент СамГАСИ* | 51 |
| 21 | Активизация творческого потенциала учащихся с помощью икт на занятиях русского языка. *Усманова Насиба Махмудовна преподаватель Сам ГАСИ* | 53 |
| **5-ШЎБА: СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | |
| 22 | Некоторые характеристики туберкулеза органов дыхания у детей. *Саидова М. А. асс. кафедры «Внутренние болезни I и фтизиатрия» Самаркандского Государственного медицинского института* | 56 |
| 23 | Вирусли гепатитлар. *Урунова М.А., Қориева Ҳ. Самарқанд давлат университети* | 58 |
| 24 | Ichki kasalliklarga tashxis qo'yish usullari. *Qoriyeva H., Urunova M. A. Samarqand davlat universiteti* | 59 |
| 25 | Восемь простых способов укрепить иммунитет. *Курбанова Ф.Н. СамГУ.* | 62 |
| 26 | Репродуктив саломатлик. *Ёрмухамедова Н Н,Мардонова М.Э Халилова Н М. СамДУ-Хаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси* | 64 |
| 27 | Соглом она - соглом бола. *Ёрмухамедова Н Н,Мардонова М.Э Халилова Н М. СамДУ-Хаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси* | 66 |
| 28 | Внедрение методики дистанционного обучения в учебный | 68 |

| | | |
|---|---|---|
| | процесс. *Саидова М. А.асс. кафедры «Внутренние болезни I и фтизиатрия» Самаркандского Государственного медицинского института* | |
| 29 | Васлий самарқандийнинг авлодни соғлом асрамоқ хусусидаги фикрлари. *Б.М.Муҳиддинова ф.ф.н.,СамДУ* | 70 |
| 30 | Toza ichimlik suvining sanitar –gigienik ahamiyati. *Samarqand davlat chet tillar instituti ,,Jismoniy madaniyat’’kafedrasi o’qituvchilari Aliyev B.X.,Sohadinova N.S* | 72 |
| 31 | Хотин-қизларни жисмоний сифатларини тарбиялашнинг услубий хусусиятлари. *СамДЧТИ ўқитувчиси - Иброимова Г.Х* | 74 |
| 32 | Роль и место физической культуры и спорта в сохранении и укреплении здоровья населения. *Гайбуллаева Ф. СамДУ преподователь кафедры «Безопастность жизнидеятельности человека»* | 75 |
| 33 | Мультирезистентный туберкулез. *Арифджанова Ф.В. (СамДУ)* | 77 |
| 34 | Йод танқислигининг жисмоний ривожланишга таъсири. *Махсудова Н. А. – СамДУ ўқитувчиси* | 78 |
| 35 | Некоторые характеристики туберкулеза органов дыхания у детей. *Саидова М. А.асс. кафедры «Внутренние болезни I и фтизиатрия» Самаркандского Государственного медицинского института* | 80 |
| 36 | Jismoniy tarbiya va sport bilan shug’ullanuvchi bolalar hamda o’smirlar. *SamDChTI “Jismoniy madaniiyat” kafedrasi o’qituvchisi-M.A.Normurodova* | 82 |
| 37 | Репродуктив саломатлигини ва тарбиявий ишларини мустаҳкамлаш. *Гайбуллаева Ф. СамДУ* | 84 |
| 38 | Роль семьи в воспитании здорового образа жизни. *Алимджанов З. Н., ассистент СамМИ* | 86 |
| | Қандли диабед касаллиги. ***Махсудова Н. А. – СамДУ ўқтувчиси.*** | 88 |
| 39 | Экология ва саломатлик *Исмоилова Г.Ш. II-тоифали биология фани ўқитувчиси Навоий тиббиёт коллежи Халилова З.Н. Биология фани ўқитувчиси Навоий кончилик коллежи* | 90 |
| 40 | Железодефицитная анемия. *Курбанова Ф.Н. (СамГУ)* | 92 |
| 41 | Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш. *Катта ўқитувчи М.Ш.Султанова (СамДАҚИ)* | 94 |
| | **6-ШЎЪБА:ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ** | |
| 43 | Замонавий деҳқончиликда органо-минерал тувакчалар технологиясини қўллаш истиқболлари. *М.Хўжаназарова магистр, С.А.Азимбаев б.ф.д. профессор, А.Сайымбетов ассистент Тошкент давлат аграр университети* | 97 |
| 44 | Tomchilab sug’orish jarayonida avtomatlashtirish vositalarini qo’llash samaradorligi va xosildorligi. *M.SHerbayev assistant,* | 100 |

| | | |
|---|---|---|
| | *R.Erzakova assistant, Toshkent irrigatsiya va melioratsiya insitituti* | |
| 45 | Binomial differensiyalni integrallash. *assistent M.Z. Yuzboyeva., assistent J.X.Xudoyqulov (SamDAQI)* | 102 |
| 46 | Доим гулловчи жонли деворлар. *Жумабоева Н. талаба, Тошкент давлат аграр университети, Холмуротов М.З. катта ўқитувчи, Тошкент давлат аграр университети* | 105 |
| 47 | Tabiiy resurslar milliy boyligimiz. *Samdchti o'qituvchilari – Sohadinova N.S., Normurodova M.A.Talaba – Abdurazzoqov B.* | 106 |
| 48 | Перспективы применения современных нанотехнологий в сельском хозяйстве. *А. А. Алаев – доцент, научный руководитель; Д. Якубова – студентка Ташкентский государственный аграрный университет* | 107 |
| 49 | Перспективы применения природных инсектицидов. *Закиров С.Х. (доцент), Мухидова З.Ш.(ст. преподаватель) Ташкентский государственный аграрный университет* | 111 |
| 50 | Tabiatni va atrof muhitni asraylik. *Sh.I. Usmonqulova., N.X. Turdibekova., M.X. Turdibekova* | 113 |
| 51 | Четан (sorbus) туркуми биоэкологияси ва кўкаламзорлаштиришда манзаралилик хусусиятлари. *Холова Ш.А., Норқувватова Г.Ш.,Ўрмон хўжалиги ва доривор ўсимликлар факультети талабаси. ТошДАУ.* | 115 |
| 52 | Аграр соха ёритиштизимида электр энергиясидан самарали фойдаланиш масалалари. *У.Халиқназаров ассистент, А. Турсунбоева талаба, Д. Акбаров талаба Тошкент Давлат Аграр Университети* | 117 |
| 53 | Биоэкологические особенности хеномелеса японского (*chaenomeles japonica* thunb. lindl) в условиях города ташкента *Холова Ш.А. Ассистент. Хатамов Б.Я., Убайдуллаев А.Н. Студенты 2 курса ТашГАУ.* | 121 |
| 54 | Декоративные особенности фарзиции европейского в целях озеленения. *Холова Ш.А. Ассистент ТашГАУ Исломова С.И. Студентка 3 курса ТашГАУ* | 123 |
| **7-ШЎЪБА:ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА КАДРЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ** | | |
| 55 | Maktabgacha yosh davrdagi bolalarini uy hayvonlariga bo'lgan munosabatlarini tarbiyalash. *Nizomiy nomidagi TDPU o'qituvchisi M.A. Rasulxodjaeva* | 125 |
| 56 | Oilada bolalarni tasviriy faoliyat asosida maktabga tayyorlash muammolari. *Nizomiy nomidagi TDPU p.f.n. Sh.A. Sodiqova, o'qituvchiRashidova N.* | 126 |
| 57 | Специфические особенности проявления организаторских качеств личности в различных видах деятельности. *ТГПУим Низами доц.Н.Н.Джамилова* | 129 |
| 58 | Таълим-тарбия ва педагогика соҳасидаги кадрлар сифатини | |

| | | |
|---|---|---|
| | оширишда хорижий тилларнинг аҳамияти. *Кариева Матлюба Абдурахмоновна ЎзДЖТУ Шарқ тиллари кафедраси ўқитувчиси* | 130 |
| 59 | O`quvchilarda nafosat tarbiyasini shakillantirishda pedagocning o`rni. *B.Mavlonova SVXTXQTMOI o`qituvchisi Z. Abdakimova Oqdaryo tuman 25-maktab o'qituvchisi.* | 133 |
| 60 | Ta'lim jarayonida bolalar ijodkorligini rivojlantirish. *Nizomiy nomidagi TDPU o'qituvchisi Sh.Xasanova Nizomiy nomidagi TDPU talabasi N.Po'latova* | 135 |
| 61 | Maktabgacha yoshdagi bolalarda tasviriy faoliyat mashg'ulotlari orqali ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish. *NizomiynomidagiTDPU o'qituvchisiSh.Xasanova* | 136 |
| | Таълим-тарбия ва педагогика соҳасида кадрлар сифатини ошириш муаммолари ва ечимлари . *Ёрматова Азиза Вохидиллаевна ЎзДЖТУ, Шарқ тиллари кафедрасиўқитувчиси* | 137 |
| 62 | Ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchilarni yuksak odob-axloq sifatlarini shakllantirish usullari. *H.Xudoyberdiyeva SVXTXQTMOI assistenti* | 139 |
| 63 | Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва бошқарув маданиятини шакллантириш. *Ҳайитбоев Д.Ж., УрДУ Педагогика факультети декан муовини;Жонибеков Рафаель -4 курс ТС ва МГ толиби* | 141 |
| 64 | Использование инновационной технологииmoodle в образовательном процессе в самаркандском государственном медицинском институте. *Старший преподаватель, АзизаНугмановна Махмудова Самаркандский Государственный Медицинский Институт* | 143 |
| 65 | Kasb-hunar kollejlarida o'quv amaliyotini tashkil etish tartibi. *Sohiba Kamolova, Samarqand moliya va iqtisodiyot kollej* | 146 |
| 66 | Таълим тизимида курсантларнинг маънавий-руҳий барқарорлигини ошириш усуллари. *Чирчиқ ОТҚМБЮ Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ва шахсий таркиб билан ишларни ташкиллаштириш кафедраси ўқитувчиси, лейтенант М.Б.Шеров* | 148 |
| 67 | "Таълим методлари ва воситалари" модулини ўқитишда интерфаол таълим методлари. *Кибриё Ҳасанова (СамДУ)* | 152 |
| 68 | Техника олий ўқув юртларида талабаларга оғзаки нутқни ривожлантиришнинг айрим хусусиятлари. *Ф.ф.н.,доц. Ш.Ж.Маматкулова СамДАҚИ* | 156 |
| 69 | Boshlang'ich ta'limning ertaklarni o'qish darslarida o'quvchilarda ilm-hunar egallashga intilishni shakllantirish. *Jumaniyozova Muhabbat Xo'sinovna- UrDU Boshlang'ich va maktabgacha ta'lim metodikasi kafedrasi dotsenti, f.f.n.Jumaniyozova Oydinoy- UrDU BT va STI yo'nalishi 3-kurs talabasi* | 158 |
| 70 | Ta'lim-tarbiya sifatinini oshirishda o`qituvchining roli. *«QHALTE» kafedrasi assistenti: Adilova. D* | 161 |

| | | |
|---|---|---|
| 71 | Ta'lim tarbiyada takomillik davr talabi. *O'qituvchi: Xo'jamov X.SamDAQI RashidovaMarg'uba. 204 -Arx* | 163 |
| 72 | Кадрлар сифатини оширишда талабалар мустақил ишининг тутган ўрни. *Мухидова З.Ш.(катта ўқитувчи), Закиров С.Х(доцент). Тошкент давлат аграр университети* | 165 |
| 73 | Баркамол авлод тарбиясида миллий қадрятларимизнинг ўрни ва ахамияти. *СамДАҚИ 201-КТ (ТСваМГ) гуруҳи талабаси Қурбонова Ф.О* | 167 |
| 74 | Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва бошқарув маданиятини шакллантириш *Ҳайитбоев Д.Ж., УрДУ Педагогика факультети декан муовини; Жонибеков Рафаель -4 курс ТС ва МГ толиби* | 169 |
| 75 | Проблемы переподготовки кадров в отрасли архитектуры и строительства. *Холмаматова Лола Аманкуловна Старший преподаватель, Ташкентский архитектурно строительный институт* | 171 |
| 76 | Математика дарсларида таълим самарадорлигини ошириш. *Юлдошева Инобат Рузимуродовна Умирова Норхол Зулпиқоровна Навоий тиббиёт коллежи Математика-информатика фани Катта ўқитувчиси* | 175 |
| 77 | Hozirgi zamon o\`qituvchisi va unga qo\`yiladigan talablar. *"Kasb ta\`lim" kafedrasi o\`qituvchisi To'rayeva Nargiza* | 177 |
| 78 | Замонавий физика виртуал лабороторияларида интерфаол услублар. *Кошчанова Дурдона Эрматовна, УрДУ* | 178 |
| 79 | Organik kimyoning "uglevodorodlar" mavzusini muammoli bayon etish usullari. *Muxidova Z.Sh.(katta o'qituvchi), Zakirov S.H(dotsent) Toshkent davlat agrar universiteti* | 182 |
| 80 | Measures to college and lyceum teachers' professional development. *Senior teacher, Shadybaeva A.K. The chair of methodics and practices of the English language teaching, SamSIFL* | 184 |
| 81 | Interfaol ta'lim va uning didaktik imkoniyatlari. *Muratova M. SamDAQI o'qituvchisi:Hikmatova Z 401-QMB va QICH guruh talabasi* | 186 |
| 82 | Musiqiy bilimlar o'zviyligini ta'minlashda ijodiy faollikni oshirish yo'llari. *B.Boltaev SamDU o'qituvchisi. A.Boltaev 1-Samaqand pedagogika kolleji o'qituvchisi.* | 189 |
| 83 | Maktabgacha yoshdagi bolalarning yosh xususiyatlari va ularn itarbiyalash. *Nizomiy nomidagi DPU,kattao'qituvchisiN.M.Kayumova* | 192 |
| 84 | Ta'lim-tarbiya sifatini oshirish- hozirgi kun talabi . *«QHALTE» kafedrasi assistenti Бекмухаммедова З.А.,СамДАҚИ* | 193 |
| 85 | «Maktabgacha tayyorlov guruh bolalarni savodga o'rgatishda mul'timedia texnologiyasidan foydalanishning axamiyati» . *Nizomiy nomidagi TDPU o'qituvchisi* | 196 |

| | | |
|---|---|---|
| | *N.S.Mo'minova* | |
| 86 | Maxsus fanlarni o'qitish jarayonida muammoli ta'lim usulidan foydalanish va uni amaliy mashg'ulotlarda qo'llash. *B. O. Bobobekova. SQMHKHK, maxsus fan o'qituvchisi S. J. Xusanova. SamDAQI, 2 – KT (Ts va Mg) talabasi.* | 198 |
| 87 | Интерфаол технологиялар ёрдамида таълим олувчи фаолияти самарадорлигини ошириш. *Бобоқулова М.Н.- СамДАҚИ «Касб таълими» кафедраси катта ўқитувчиси,* | 200 |
| 88 | Инклюзивное образование: равные возможности для каждого. *Очилова Зарина., Холова Дилноза СамГУ* | 202 |
| 89 | Какой должна быть педагогика в «эпоху нано»?. *Б.Э. Эшпулатов[1], Р.Т. Парманова[2].* | 206 |
| 90 | Курашчиларни спортга тайёрлаш жараёнида тайёргарлик турларининг ўзаро боғлиқлиги *Холмуратов Р.Н., ассистент, ТАТУ* | 207 |
| 91 | Ўқувчиларнинг ғовлар оша югуриш техникасини такомиллаштириш ва сифатини ошириш. *Холмуратов Р.Н., ассистент, ТАТУ* | 210 |
| 92 | Ноанъанавий усуллардан касбий фанлар укитилишида фойдаланиш. *Камбарова Мухаббат Рахматовна Навоий тиббиёт коллежи фармакология фани ката укитувчиси* | 213 |
| 93 | Ёшларни оила қуришга тайёрлашда иқтисодий психология-нинг функцияси *Шариф Файзуллаев, СамДАҚИ Касбий таълим кафедрасининг соатбай асосида доценти. Мадина Рахматова, Боғишамол саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси* | 216 |
| 94 | Педагогик техника ўқитувчининг педагогик маҳоратини ташкил этувчи омил сифатида. *Анорқулова Гулноза Мирзахматовна ТДПУ "Касб таълими методикаси"кафедраси мудири,п.ф.н. доцент Рўзиева Шаҳло – Тошкент ш. Шайхонтохур тиббиёт коллежи ўқитувчиси* | 218 |
| 95 | Boshlang'ich ta'limning ertaklarni o'qish darslarida o'quvchilarda ilm-hunar egallashga intilishni shakllantirish. *Jumaniyozova Muhabbat Xo'sinovna- UrDU Boshlang'ich va maktabgacha ta'lim metodikasi kafedrasi dotsenti, f.f.n. Jumaniyozova Oydinoy- UrDU BT va STI yo'nalishi 3-kurs talabasi* | 222 |
| 96 | Таълим тизимида курсантларнинг маънавий-руҳий барқарорлигини ошириш усуллари. *Чирчиқ ОТҚМБЮ Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ва шахсий таркиб билан ишларни ташкиллаштириш кафедраси ўқитувчиси, лейтенант М.Б.Шеров* | 225 |
| 97 | "Болаларда ҳамширалик парвариши" фанини уқитишда инновацион технологиялардан "нима учун" схемаси усули билан ишлашнинг афзалликлари. *Зебинисо Шодиева - Навоий тиббиёт коллежи "Болаларда ҳамширалик парвариши" фани* | 229 |

| | | |
|---|---|---|
| | *катта ўқитувчиси* | |
| 98 | Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва бошқарув маданиятини шакллантириш. *Ҳайитбоев Д.Ж., УрДУ Педагогика факультети декан муовини; Жонибеков Рафаель -4 курс ТС ва МГ толиби* | 231 |
| 99 | Проблемы переподготовки кадров в отрасли архитектуры и строительства. *Холмаматова Лола Аманкуловна Старший преподаватель, Ташкентский архитектурно строительный институт* | 233 |
| 100 | Математика дарсларида таълим самарадорлигини ошириш. *Юлдошева Инобат Рузимуродовна., Умирова Норхол Зулпиқоровна Навоий тиббиёт коллежи Математика-информатика фани катта ўқитувчиси* | 236 |
| 101 | Tarix fanini o'qitishda axborot komunikatsion texnologiyalari va yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati. *N.O. Mirzayeva – Oqdaryo politexnika kasb-hunar kollejining tarix fani katta o'qituvchisi* | 238 |
| 102 | Hozirgi zamon o`qituvchisi va unga qo`yiladigan talablar. *"Kasb ta`lim" kafedrasi o`qituvchisi To'rayeva Nargiza* | 241 |
| 103 | Цементли сэндвич-панель ташқи девор намунасининг иссиқлик узатишга қаршилигини аниқлаш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари. *М.М.Маҳмудов, Рустамова Д.Б.* | 243 |
| 104 | Sog'lom onadan sog'lom farzand. *SamDAQI "Chet tillar" kafedrasi o'qituvchisi S.S.Bo'riyeva* | 249 |
| 105 | К.Рахмановтың шығармаларында антоним сөзлердиң қолланылыў өзгешеликлери. *Сейтназарова Инжайым Ержановна Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети ҳаял-қызлар шөлкеми баслығы, ф.и.к., доцент. Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети* | 251 |
| 106 | Sh. Seyitov shi'g'armalari'nda irkilis belgilerinin' qollani'li'w wo'zgeshelikleri. *Seytnazarova Injayim Yerjanovna Berdaq ati'ndag'i' Qaraqalpaq Ma'mleketlik Universiteti hayal-qi'zlar sho'lkemi basli'g'i', f.i.k., docent Seytmuratova Ari'wxan Berdaq ati'ndag'i' Qaraqalpaq Ma'mleketlik Universiteti Qaraqalpaq filologiyasi fakulteti 4-b kurs studenti* | 254 |
| 107 | Xorazm viloyatining demografik vaziyatidagi o'zgarishlar. *Xodjaeva G.A., «Geografiya»kafedrasidotsenti; Ganjaeva M. magistrant. Qoraqalpoq Davlat Universiteti* | 256 |
| 108 | Oilaning shakillanishida demografik jarayonning o'rni. *Kurbaniyazova D.S. (SamDAQI)* | 259 |
| 109 | Энергия ва ундан фойдаланиш. *СамДАҚИ401-ХС гуруҳи талабаси Ортиқова Ҳ.З.* | 260 |
| 110 | "O'zbekistonda onalik va bolalikni muhofaza qilish siyosati | |

| | | |
|---|---|---|
| | ijrosining samaradorligi” *SamDU Ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti Ijtimoiy ish yo’nalishi talabasi 3-bosqich talabasi Suvonova Umida* | 262 |
| 111 | Ёшларнинг ижтиоий тармоқлардан фойдаланиши. *Есемуратова С.А. Қорақалпоқ давлат университети талабаси* | 265 |
| 112 | Оилани оила қиладиган зот. *Каттақурғон тумани 1-ИДУМИ ўқувчиси Г.Д.Рахмонова Илмий рахбар Ибрагимова М.О (СамДАҚИ)* | 267 |
| 113 | Изучение творчества поэта – способ восприятия ряда важнейших проблем гуманитарных наук. *Малика Джумамуратова Тлеубергеновна. Доцент Каракалпакского Государственного университета* | 270 |
| 114 | Развитие социальной сферы в условиях рыночной экономики. *Б.Джумаев, преподователь СамГАСИ. С.Саттарова, студент 303-МКК* | 274 |
| 115 | Таълимга инновацион педагогик технологияларнинг таъсири. *Ффн. З.Қ. Оразимбетова Қорақалпоқ давлат университети* | 275 |
| 116 | Маҳсулот сифатига сенсорик баҳо бериш. *Ш.Э.Умидов, Д.М.Нортожиев – Тошкент давлат аграр университети* | 277 |
| 117 | Замонавий қурилишда қурилиш материалларининг аҳамияти. *Содикова С.А,.т.ф.н., доцент, Ходиева Н.,ассистент* | 281 |
| 118 | Фриланс и удаленная работа сегодня. *Усманова Нодира – студентка группы 303 – ДЗ СамГАСИ Джульматова С.Р., к.э.н., ст. преподаватель кафедры социальных дисциплин СамГАСИ* | 282 |
| 119 | “Қобуснома”- ҳикматлар гулдастаси. *Н.Сиддиқова СамДЧТИ Д.Пўлатова НамДУ* | 284 |
| 120 | Идеи гуманизма в творчестве абдурахмана джами. *Бахирева Дилфуза Асс. кафедры Социальной работы.* | 285 |
| 121 | O’zbek ayoli jamiyat barqarorligining asosiy timsoli. *Qosimova Farog’at Abduraxtonovna SamDAQI “Tasviriy san’at” kafedrasi assistenti* | 288 |
| 122 | O’quvchilarni kasb-hunarga yo’llashishlarinng pedagogik mezonlari. *SamDAQI o’qituvchisi Boliyeva R.* | 290 |
| 123 | Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларининг ландшафт архитектурасини режалаштиришда замонавий шахарсозлик тамойиллари. *101- Ш ва ҚАЯЖКҚ гурухи магистранти: Холдорова Д. Н., Илмий рахбар: арх. ф.н. Умаров М. У.* | 292 |
| 124 | Ilg’or pedagogik tajribani o’rganish, umumlashtirish va yoyish tartibi. *SamDAQI o’qituvchisi Boliyeva R.* | 294 |
| 125 | XX аср ургут каштачилик мактаби анъаналари ҳақида. *СамДАҚИ «Тасвирий санъат» кафедраси ассистенти Турабоева З.М. СамДАҚИ «Тасвирий санъат» кафедраси ассистенти Турабоева З.М.* | 297 |
| 126 | Мустақиллик даврида фуқароларнинг виждон эркинлигини бузишга оид ҳуқуқбузарликларнинг субъектив сабаблари. *Ф.Х.* | 301 |

| | | |
|---|---|---|
| | *Кучкарова – СамДУ ўқитувчиси, Б.А.Ходжаёрова-СамВХТХҚТМОИ ўқитувчиси* | |
| 127 | Таълимида ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашнинг назарий асослари. *Ашурова Нигина магистрант (СамДЧТИ), Хушвақтов А.А. илмий маслаҳатчи (СамДЧТИ)* | 305 |


# “ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ОЛИМАЛАРНИНГ ЎРНИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

## М А Т Е Р И А Л Л А Р И

## II ҚИСМ

*Ушбу тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Мақолалардаги грамматик ва стилистик хатоларга шахсан муаллифлар жавобгардир*


Босишга рухсат этилди: 09.04.2016 й.
Босишга берилди: 11.04.2016 й.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84
“Таймс” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 20,0. Шартли б.т.:19,5.
Адади: 100 нусха. Буюртма 025.

**“SH E R O Z I Y E L E G A N T S T I L”**
мчж босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Самарқанд шаҳри,
Темур Малик кўчаси 19 [а] уй. тел: (366) 233-68-85